

74

# ШАРК ЮЛДУЗИ

2-3

---

★

1947

ТОШКЕНТ



5/4 К 440  
1947/2-3

# ШАРК ЮЛДУЗИ

---

---

ОЙЛИК АДАБИЁТ ВА САН'АТ ЖУРНАЛИ  
ЎЗБЕКИСТОН СОВЕТ ЁЗУЧИЛАРИ СОЮЗИ

2—3

ФЕВРАЛЬ—МАРТ



---

---

ТОШКЕНТ  
1947



## МУНДАРИЖА

А. Қаҳҳор	— Қўшчинор (роман)	3
М. Шолохов	— Улар Ватан учун жанг қилдилар	15
Миртемир	— Аччи сой	28
Мирмуҳсин	— Уста Ғиёс (поэма)	33
Парда Турсун	— Ҳақ йўл (повесть)	52
Ҳаким Назир	— Йигит (ҳикоя)	76
Шўҳрат	— Бахт ва ҳуқуқ ше'ри	85
Всеволод Павловский	— Солдатлар (ҳикоя)	86
Ёнғин Мирза	— Генерал	94
М. Бобоев	— Улуғ пойтахт	95
Туроб Тула	— Ўлмаслик ҳақида қўшиқ (очерк)	97
Саид Назар	— Меҳнат дафтаринг	105
Саида Зуннунова	— Пахтакорларга	106
Султон Акбарий	— Тонг	107
Ёнғин	— Қамаш қишлоғи (очерк)	108

### ТАНҚИД ва БИБЛИОГРАФИЯ

Абдураҳмон Алимуҳаммедов	— Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир	115
А. Олимжон	— Шоврларнинг сайловга тортиғи	138
Ж. Шарифий	— Бадвий таржималарга алоҳида аҳамият берайлик	144
Жавод Обидов	— Сора—Офелия, Катерина, Дездимона	148

**РЕДКОЛЛЕГИЯ:** *Ойбек* (мас'ул муҳаррир), *Ғафур Ғулом*, *Яшин*, *Уйғун*, *Абдулла Қаҳҳор*, *Шайхзода*, *Ж. Шарифий*, *М. Ашрафий*, *Самӣ Абдуллаев*. Мас'ул секретарь: *Ма'руф Ҳаким*.

*На узбекском языке*

## „ШАРҚ ЮЛДУЗИ“

№ 2—3

Орган Союза Советских Писателей Узбекистана

Объединенное издательство „Правда Востока“ и „Кзыл Узбекистан“

Ташкент—1947

„Шарқ Юлдузи“ редакциясининг адреси:

Тошкент, Биринчи май кўчаси, уй № 20. Телефон 33-881.

Босишга рухсат этилди 26/IV-47 й. да. Р 02349. Қозғоз формати 60x92/16. Босма листи 9,5  
Бар листда 47000 ҳарф. Тиражи 3000. Изд. 392. Баҳоси 1т сўм.

Тошкент, „Кзыл Ўзбекистон“ ва „Правда Востока“ нашриёти босмаханаси. Заказ 121.

АБДУЛЛА ҚАҲҲОР

## Қ Ұ Ш Ч И Н О Р \*

Р О М А Н

Мусофир

Анзиратхоланинг эри капсанчилардан бўлиб, ер ислоҳотида ер олдию енгини шимаришга улгирмай қазо қилди. Анзиратхола ундан ўн икки ёшар ўгли Мадрайим, ўн беш ёшар қизи Кимсаной блан қолди. Не-не умидлар блан олинган ер, болалар ёш ва Анзиратхоланинг ўзи дардчил бўлганлиги учун, экувсиз қолиб қўруққа қўшилиб кетди.

Мадрайимни жамоа советининг ўша вақтдаги раиси районга олиб бориб исполкомга югурдак қилиб қўйди. Анзиратхола унинг ҳарзамон беш-тўрт танга пул юбориши ёки бирон нарса кўтариб келишидан ҳам кўра „худо ғазаб қилган шу Капсанчилар қишлоғидан“ чиқиб кетканига, ўша ёқларда юрса пешонаси очилишга хурсанд бўлар эди.

Кимсаной бўйга етди. Анзиратхола уни шу ердан чиққан одамларга бермай Чиряк-жидага узатди—хотини ўлган, ўрта ёшлардаги ўзига тўқ бир кишига берди. Анзиратхола шу ишни қилганида куявнинг ўзига тўқлигидан ҳам кўра Кимсанойнинг „худо ғазаб қилган шу қишлоқ“дан чиқиб кетса бахти очилишини, хотини ўлган ва ўрта ёшлик кишига тегса тили узун бўлишини кўзда тутқан эди. Броқ у одам, хотини бор экан, бир йил ўтар-ўтмас Кимсанойнинг устига кўчириб келди. Кимсаной кундаш азобига бир йилча чидадию охири бўлмади: қўлида ўғилчаси—Ҳошимжон блан қайтиб келди. У, бир ярим йилча ўткандан кейин, шу ерлик Абдували деган бир кишига тегди. Бу одам ичкүёв бўлди. Эр-хотин колхозга киришди. Анзиратхола эндигина ёруқ кун кўришга умид боғлаганида дамба иши бошландию куяв, эвази нақд бўлмаган оғир меҳнатга тоб бералмай, Кимсанойни олиб шаҳарга кетиб қолди. У Ҳошимжонни ҳам олиб кетиш тўғрисида оғиз очмагани учун бу ҳақда на Кимсаной бир нима дея олди, на Анзиратхола. Ҳошимжон Анзиратхоланинг қўлида қолди.

\* Боши уткан сонларда.

Мадрайим ўша кунлари аскарликга кетди. Аниқ билган одамларнинг айтишига қараганда Мадрайим аскарликга ўзи ариза берган ва ҳатто бунинг кетидан хила овора бўлган экан.

Шундай қилиб Анзиратхола ўзининг айтишича „эридан қолган очиқ мазор“да набираси Ҳошимжон ва кейинчалик Ўрмонжон келтириб қўйган Канизак деган келгинди бир жувон блан бирга турар эди.

Унинг ҳовлиси одам бўйи келар-келмас гувалак дувол блан уралган. Дуволнинг ба'зи жойлари ичкарига, ба'зи жойлари ташқарига қийшайган бўлиб, унинг ҳар ер ҳар ерида қизил сопол парчалари, тош, яна алланима балолар кўринар эди. Ҳовлининг тўридаги гўлаҳга ўхшаган қоп-қора айвончанинг икки томонида биттадан уй бўлиб, иковининг ҳам бир тавақалик даричаси остида супирги ўсиб ётар эди. Анзиратхола бу уйлардан бирини ўша келгинди жувонга берган, лекин жувон бу уйда турмас, Анзиратхоланинг ўзи блан турар эди.

Бу уй, бир тавақалик даричаси жуда кичкина бўлгани учун, хила қоронғи эди. Унинг дуволлари наридан-бери қўл блан шуwalган ва бу шувоқ ҳам кўп жойидан кўчиб гувалак, сивч кўришиб турар; одам бўйи етадиган шипидан титилиб кетган жигарранг бўйра парчалари, қорайиб кетган қамшш попуклари осилиб ётар эди. Зиннат учун учтадан оқ панжа изи урилган тоқчалардан бирида оғзининг бир томони синган қора хумча, начақ чойжўш; яна бирида бир қучоқ увада, кичкина осма торозининг бир палласио шайини. Йўғон-йўғон қозиқлардан бирида ғалвур, бирида ёғқовоқ, яна бирида қундузсиз эски бачкана телпак. Даричанинг олдида ерда битта явғи бўйра. Уйдан чириган хазон хиди келар эди. Сидиқжон шу уйда туриши керак эди.

Уй ҳақиқатан Сидиқжон тасаввур қилгандай бўлса ҳам Анзиратхоланинг ўзи буткул бошқача бўлиб чиқди. У олтмишларга бориб қолган, нимжон, юзи жуда буришган бўлса ҳам қизил, товуши майин ва ёқимли бир кампир эди. У Сидиқжонни ўз боласидай қарши олиб ўзи турадиган уйга олиб кирди; дастирхон ёзиб олдига зоғора нон, бир шокоса эзилганроқ ўрик, бир ликобчада шакар қўйди; чой қайнагунча Сидиқжоннинг нимадан касал бўлганини, кимлари борлигини сўради; чой маҳалида гоҳ кулиб, гоҳ йиғламсраб ўзи, болалари, невараси, Ўрмонжон тўғрисида гапирди.

— Дуруст, худо хайрини берсин, — деди Ўрмонжон тўғрисида, — биздан тез-тез хабар олиб туради, ҳар байрамда Ҳошимжонни бирон нарса блан йўқлайди. Умрини берсин. Ҳаммадан ҳам кўра мана бу Канизакни олиб келиб қўйганига суюнаман. Бу бечоранинг ҳам ҳечкими йўқ экан. Она-боладай бўлиб қолдик. Менга, айниқса Ҳошимжонга жуда меҳрибон. Топканини шу ерга олиб келади. Мен ҳам, албатта, тек ўтирмай кучим етгунча қимирлаб тураман. Қурт тутамиз. Бу йил колхозга тўққизта якандоз, ўн-тўртта кўрпа қоплаб бердим. Ўткан йил бир юзу ўн саккиз меҳнат куня ишладим. Қимирлаган қир ошар экан-да, шунча иш қўлимдан келар деб ҳеч уйламаган эдим. Меҳнат кунига дон ду-

руст тушадию, пахтамиз оз-да, пул жуда кам тушди. Гўрга Мана бу ариқ битса, янги ер очилса, далага трактор чиқса пахта ҳам кўпаяди. Ўшанда ҳамманинг егани олдида, емагани кетида бўлиб қолади. Иш қилиб худо Ўрмонжоннинг умрини берсин. Яхши, жуда ҳам яхши одам экан. Хўп ишнинг кўзини биладиган одам экан. Шу одамларнинг бошини бириктирди шу одамларни ишга солди-я! Ўзи унча гапдон ҳам эмас, мажлисларда кўп гапирмайди; кўп гапирган одамга „Гапнинг пўскалласини айт“ деб туради.

Анзиратхола йиртиқ-ёмоқ ва ҳар хил икир-чикир ишлар блан машғул бўлиб кечкача Сидиқжоннинг олдидан жилмади. Сидиқжон бошида унинг хуш қабул қилганлигини Ўрмонжон хўп пиланда қилиб тайинлаганидан деб уйлаган эди; броқ кампир у блан куни бўйи шу хилда гаплашиб ўтирди ва унга шундай меҳроқибат кўрсатдики бошда: ўшандай уйга борганидан хижолат бўлиб қолди ва қачан бўлса ҳам бу кампирга сра эсидан чиқмайдиган бир яхшилиқ қилишни кўнглига тугиб қўйди.

Кечки пайт соя қайтканда Анзиратхола унга даричанинг олдидаги супачага жой қилиб берди. Сидиқжон, гарчи ҳануз оғзи бемаза ва боши оғирроқ бўлса ҳам, иситмаси қолганиданими ёки кампирнинг меҳрибончиликларидан кўнгли кўтарилиб таб'и очилганиданми жуда енгил тортди. Эрталаб кўзига маш'ум бир чордевордай кўринган ҳовли, худди одамни ютиб ернинг қа'рига олиб кириб кетадигандай кўринган эшик ва даричалар, энди кўзига бошқача, иссиқ, кампирнинг ўзидай ўтмишдан шикоят қилиб тургандай кўринар эди.

Номозгарга яқин кўча эшиги таққиладию кампирнинг „Вой, ўргилай! вой, гиргиттон“ деган товуши эшитилди. Ҳаял ўтмай эшикдан Аҳмедов кирди. У, бўйнига осилиб олган боланинг оғирлигидан ўзини бир оз орқага ташлаб, кампирнинг тинмай ёғдираёткан соволларига гоҳ боши ва гоҳ сўз блан жавоб бериб супага томон келар эди. Сидиқжон уни кўриб ҳаддан ташқари кўрқди ва ирғиб ўрнидан турдию супадан тушишини ҳам, тушмаслигини ҳам билмай туриб қолди. Аҳмедов келиб болани супага чиқариб қўйди-да, сўрашгани Сидиқжонга қўл узатди. Сидиқжон, ҳануз эс-ҳушини ўнглаб олмаганидан, унинг нима учун қўл узатганини дарҳол фаҳмлолмай ҳаяллароқ қўл берди.

— Хуш, дурустмисиз? Утиринг, ўтиринг! — деди Аҳмедов ва чўнтагидан иккита хўроққанд чиқариб болага берди, бола супадан сакраб тушдию чопқиллаганича кўчага чиқиб кетди.

Сидиқжон, Аҳмедовнинг ҳол-аҳвол сўрашини ҳеч кутмагани учун, унинг гапига тушинмасдан бақрайиб турар, афтидан, унинг бу ерга нима учун келганини юздан билишга ҳаракат қилар эди. Кампир ҳануз гоҳ кулиб, гоҳ кўзига ёш олиб тинмай гапирётгани, дам-бадам савол бераётгани учун Аҳмедов Сидиқжоннинг ҳолатини пайқамади.

— Ойма-ойига уч ой бўлди, болам, — деди кампир яна кўзига ёш олиб, — наинки уч ойда бир йўқласангиз... Менинг сизлардан бошқа кимим бор? Кимсаной уёқда, куёв бўлмай қора ер бўлгур, на ўлигини кўрсатади, на тиригини. Мана, дамба битди, ариқ

битай деб қолди, энди қизгинамни олиб келса ўладими! Ҳайит-бой кўрибди—бозорда мурч, қалампир сотиб ўтирган эмиш, ўл бу кунигдан!

Аҳмедов кулди.

— Ундақ бўлса бу ерга қайси юзи блан келади?

— Ҳа, шуни айтаман-да, бу ерга қайси юзи блан келади? Ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир... Бошқаларнинг жони жон эмас эканми! Бу орада қизим шўрлик унинг касофатига қолди. Кимсаной бўлганда ҳозир бригада бўлар эди. Файратлик, ориятлиқ жувон эди. Мана, Канизак эвено бўлар эмиш. Кимсанойнинг Канизакдан нимаси кам эди!

Аҳмедов илжайиб Сидиқжонга кўз қисди. Сидиқжон ҳамон ваҳима ичида унинг юзига тикилиб, кампир сал гапдан тўхташи бланоқ, дилни сиёҳ қиладиган бир гап айтишини кутиб ўтирар эди; унинг бу табассумини ва айниқса кўз қисяшини „хуш, қўлга тушдингми“ деган маънода тушинди-да бақрайганича қолди. Аҳмедов унинг бу қарашидан бир гапи бор экану айталмай турипти деган хаёлга борди шикилли:

— Хуш, нима гап?—деди.

Сидиқжон бир чўчиб тушди.

— Лаббай?..

— Қалай, тузалдингизми?

— Ҳа, энди кетсам бўлади...

Аҳмедов, кампир дам-бадам тиззасига нўқиб гапираётгани учун, унинг жавобини эшитмади.

— Ҳа, айткандай,—деди кампир яна Аҳмедовнинг тиззасига нўқиб,—ғалати туш... билмайман қаер экан... ёнимда ким ҳам бор экан... Ой иккита чиққан эмиш! Мен айтаман: вой худо... Шу ерда Мадрайим пайдо бўлипти... Ҳа, йўқ, Мадрайим ҳам шу ерда экан. Мадрайим „Ана, кўрдингизми“ дейди. Билмайман кейин нима бўлди. Садақа бердим.

— Яхши, жуда яхши туш кўрибсиз,—деди Аҳмедов,—ойнинг биттаси ўғлингизу биттаси келин. Ўғлингиз ўша ёқдан ойдаи бир хотин олиб келади.

Кампир, худди ҳозир ўғли келин блан қўл ушлашиб кириб келаёткандай, эшикга қаради.

— Вой, оғизингизга ёғ, Мақсудали, ўғлим! Келин кўрадиган куним ҳам бормикин!

Сидиқжон, бу гаплар қачан тамом бўлиб Аҳмедов сўз бошлашини кутиб, жонини ҳовучлаб ўтирар эди.

Аҳмедов лабидаги табассумни яшириш учун бурнини силаб:

— Ўрис бўлса ҳам майлими?—деди.

Кампир ўйлаб туриб жавоб берди.

— Баринаси бўлмасаю, ана у Андрейнинг хотини Марусага ўхшагани бўлса майли! Қандай яхши! Меҳнаткаш. Уй тутишини айтинг, ҳаммаёғи паратка! Ёшлар бола боқишни ана ундан ўрганса бўлади. Кир қайнатишни шу расм қилди... Дини бошқа бўлса бўлар. Ўзи бўлиптими, худо қилган-да. Лекин бу ҳукумат давридаги ўрисни ўрис деб ҳам бўлмайди. Оти ўрис халос.



Аҳмедов қаҳ-қаҳа уриб кулди. Кампир, бирон ноҳўя гап айтдим шекилли деб, Сидиқжонга қаради. Сидиқжон зўраки табассум қилиб турар эди.

— Келин қилгани бисотда ҳеч нарса борми?— деди Аҳмедов кулги ёшнини артиб.

— Қолхоздан нима тегса шуни сандуққа ташлаб қўяётибман. Бисот дейсиз, менинг бисотим сизлар-да, ўғлим! Менинг сизлардан кўрганганими, кўраётганими ҳечким ўз фарзандидан ҳам кўрган эмас.

— Биздан хурсандмисиз ахир? Нега бўлмаса биздан нолибсиз?

Кампир, унинг саволига тушинмади шекилли, анграйиб туриб;

— Нима?— деди.

— Ўғлингизга нима деб хат ёздириб юбордингиз?

— Ҳеч нима... нима қилди?

— Ўғлингиз исполкомга хат ёзипти, хатида „онам жуда абгор бўлиб, кунни гадойчиликка қолган эмиш“ депти. Бу қандақ бўлди?

Кампир ўғлига дарҳақиқат шу маъмунда хат ёздириб юборган, лекин унинг бу тўғрида район ҳукуматларига ёзишини срахаёлига келтирмаган эди: гангиб қолди.

— Вой ўлай, бу нима дегани?

Аҳмедов этигининг қўнжидан туника қутича чиқариб махоркака ўради.

— Билмайсизми? Нима дегани бўлар эди, совет ҳукумати райондан кўчиб кетканми дегани-да!

Кампир ўғлига ёзган хатидан бундай маъно чиқишини кўриб қўрқиб кетди

— Мен ундақ деганим йўқ...

— Ким айтди булмаса? Хат ёзиб берган киши ўзидан қўшиптими? Хатни кимга ёздирган эдингиз? Таинлик одаммиди?

— Жон ўғлим. Мақсудали, уёғини суриштармай қўяқол. Менгива ўлай! Шундақ деб хат қилсам Мадрайим келақолармикин дебман... Соғинганимдан...

— Шунга ишансам бўладими?

— Каломи шариф урсин!.. У бўйнинг узилгур ҳам дарров сизларга хат ёзақолмаса нима бўлар экан!

— Ҳа, кимга ёзсин бўлмаса, Тошкентга ёки Маскавга ёзса бўлармиди?

Аҳмедовнинг авзоига, кампирнинг ўша хатни ўшандай муддаода ёздирганлиги ҳақида куйиб-пишиб гап уқдиришига қараб Сидиқжон „хайрият, бу одам шу иш блан келган экан“ деб бир қадар энгил тортиди. Аҳмедовнинг юзидаги бояги гина ифодаси тусатдан йўқолди.

— Хўш,— деди интиҳосиз жавраб турган кампир гапини узур сўрашга яқинлаштирганда,— энди нима қиламиз, бола бечорани хотиржам қилиш керак. Ўша мирзангизга яна битта хат ёздириб бор гапини айтинг. Нега ўшандақ хат ёздирганингизни ўғлингиз билсин. Бола бечорани ташвишга қўйганингизни қаранг! Ўйла-мабсиз-да. Майли, шунақа бўлади. Биздан ҳам салом ёздиринг.

Кампир ўзини қарғаб, ёмон қариганидан шикоят қилиб, шу тобда эсига келган ҳар бир одамни дуо қила-қила ўчоқ бошига қараб кетди. Сидиқжон секин ер остидан „энди кетармикин“ деб Аҳмедовга разм солди. Аҳмедов камарини бўшатиб ёнбошлади-да дўпписини олиб ерга қўйди. Унинг бу ҳаракати Сидиқжонга соғ тишни суғуриб олгани омбир чоғлаёткандай кўринар эди.

— Муллака,—деди Сидиқжон бирдан, худди шафқат сўраёткандай,—агар беадабчилик бўлмаса сизга бир арзим бор эди.

— Хўп, айтинг—деди Аҳмедов.

— Арзим шуки, муллака, отам батрак бўлган, Баҳрободда ҳамма билади. Ўзимни сурасангиз... мени биров унсур деса ҳақимга жуда жабр қилади. Мен бу ёқларга нима бўлиб, нима учун келганимни айтсам шуки...

Аҳмедов унинг сўзини оғзидан олди:

— Биладан, Сидиқжон, оз-моз эшитканман.

Сидиқжон ялт этиб унинг юзига қаради, унинг мулоғим табассум қилиб турганини кўриб томоғида бирнима лип-лип қилдию бурни ачишиб кўзига ёш келди. Бу одам „Сидиқжон“ деб отини айтиши ва бундай мулоғим табассум қилиб туриши блан гўё унинг бутун саргузаштини, ҳозир ичини таталаб турган дард-ҳасратини ва ҳамма орау-армонларини билганлигини айтиб унга дўстона ёрдам қўлини чўзгандай бўлди.

— Биладан, Сидиқжон,—деди Аҳмедов яна.

Сидиқжон тупугини „қилт“ этиб ютдию ерга қараганича жим қолди. Аҳмедов унинг ҳолатини пайқади, лекин пайқаганини билдирмаслик учун ёлғондан эснади ва Сидиқжон ўзини томом босиб олгандан кейин:

— Хотинингиз блан ярашмайсизми?—деди.

Сидиқжон энди унинг тўсатдан берган бу саволига ҳайрон бўлмади, бу тўғрида ўйлаб ҳам ўтирмасдан дарҳол жавоб берди:

— Йўқ, ака!

— Болангиз бор экан, ярашиш керак бўлар. Ҳозир қизиқ устида билинмаску, кейин бўлмас, чидалмассиз. Болангизнинг бир марта „дада“ деганини эшитсангиз ҳар қанақа кек эсан чикади. Ёш боланинг тили ҳар қанақа кўнгилни эритади.

— Нима десангиз шуда, муллака,—деди Сидиқжон, лекин бу гап блан ярашиш кўнглида борлигини эмас, Аҳмедов қайси йўлга бошласа юришини билдирмакчи бўлди.

— Ярашиш керак бўлар, лекин кейинроқ—деди Аҳмедов.— Кейинроқ деганимки, колхознинг аҳволини кўриб турибсиз; хотинингизни олиб келадиган бўлсангиз, аввали шуки келмайди, қелганида ҳам ҳар куни колхознинг бир камчилиги блан юзингизга уриб сизни кўз очгани қўймайди. Ҳозир колхозда бундай камчилик ҳар куни эмас, ҳар соатда гапиргани ҳам етади. Хотинингизга ҳозир колхознинг бу камчиликлари вақтинча эканини эмас, фазилатини ҳам тушинтиролмайсиз. Колхоз дамба қилиб уч қишлоқни тошқин офатидан қутқарди. Бундай катта ишни фақат колхоз қилаолар эди халос. Бу колхознинг фазилати эди.

Лекин дамба иши бошлаганда колхознинг шу фазилатини ҳаммага тушинтиролганимиз йўқ. Ба'зи одамларга дамба ишидаги қийинчилик колхознинг камчилиги бўлиб кўринди. Мана, кампирнинг куявини олинг. Бу одам ўша кунлари кетиб қолган. Шу одам тушинмаганидан кейин отасининг арзандаси бўлиб ўсган хотинингиз ҳеч ҳам тушинмайди. Шунинг учун кейинроқ, колхоз бир оз ўнгарилгандан кейин ярашиш керак. Колхознинг ўнгарилишига кўп қолмади.

Сидиқжон Аҳмедовга юрагида занглаб ёткан, айниқса ҳозир тўлиб-тошиб кетаёткандай туйилган бутун дард-ҳасративи, орзу-армонларини айтгуси келар эди. Аҳмедов ҳам, афтидан, у ҳар қанча гапирса қулоқ соладиган ва бу ерга фақат шунинг учун келгандай кўринар эди.

— Айтканигиздай, муллака,—деди Сидиқжон,—бола туфайли бир вақти келиб ярашсам бўлар эди. Лекин шариятда йўл йўқ. Уч талоқ қўйганман.

Аҳмедов олдида турган дўпписини чертиб илжайди.

— Ярашадиган бўлганингизда шарият йўл топиб беради. Шариятнинг йўли кўп, биттаси берк бўлса тўрттаси очик бўлади. „Худонинг арши қимирлашга қимирлайдию, лекин йиқилмайди“ деган латифани эшитканмисиз?

Сидиқжон „худонинг арши“ деб эшитган, арш деганда ҳеч нарсани тасаввур қилмаса ҳам эти жувиллаб кетар эди.

— Йўқ, ака,—деди беихтиёр қўлини қовиштириб.

— Худо ҳам, ҳамма лошшоларга ўхшаган, тахтда ўтиради. Ўша тахтни арши а'ло дейишади. Биласизми?

— Йўқ.

— Қанақа мусулмонсиз?.. Шаҳарда бир бузуқ хотин бор экан. Шу хотин бир кун қиёмат ваҳмига тушиб а'ламнинг олдига борибди, „а'лампочча, киши зино қилса нима бўлади?“ депти. „Ҳай-ҳай, асти гапирма,—депти а'лам—зино шундақ катта гуноҳки бир кун зино қилса уч кун худонинг арши қимирлайди“.

— Ў-ў-ў—деди Сидиқжон кўзларини катта очиб.

— Бу гапни эшитиб хотин йиғлапти, „вой, а'лампочча, энди нима қиламан, менинг зино қилмаган куним йўқ эдику“ депти. Хотин шундақ деган экан а'лам саллани улоқтириб ташлаб хотинга ёпишипти... Хотин „вой, а'лампочча, ҳозир ўзингиз худонинг арши қимирлайди демадингизми“ деса а'лам ҳарсиллаб „қимирлашга қимирлайдию, лекин йиқилмайди“ деган экан.

Сидиқжон шу қадар қаттиқ кулдики ўчоқ бошида ўтирган Анзиратхола орқасига қайрилиб қараб „Ҳа, касалингиз Мақсудалининг келишига қараб турган экан-да, Сидиқжон!“—деди.

— Ана шунақа,—деди Аҳмедов,—шарият ўзи йўл топиб беради. Йўлни хотинингизнинг ўзи топиб келиб сизни опқочиб кетмасин тағян?

Шу чоққача Аҳмедовнинг сури босиб, қимтиниб, ҳар бир оғиз сўзини юз андеша блан гапириб ўтирган Сидиқжон энди касал кўргани келган ўзининг энг яқин ўртоғи блан гаплашиб ўтиргандай ёзилиб кетди.

— Опқочиб кетадия, опқочиб кетади! — деди Сидиқжон кўрагини кериб—у занғар блан кейинчалик ҳам ярашмайман, муллака! Эҳе... эрни юз-хотир қилмайдиган хотин пирига ҳам дўст бўлмайди. Онам бечора денг, муллака, ўзи жуда кам борар эди. Ҳар борганида бир нарса олиб борар эди. Бир борганида ҳеч нарса тополмай нима олиб борипти денг—йигирматача эски арава мих! Қаранг, шўрликни... Ўзи ҳам, онаси ҳам бир оғиз тапирса, бир мартагина қовоғини очиб қараса-чи! Шуларни ўйласам кўнглим муз-муз бўлиб кетади. Шунга шунча йил чидаганимга ҳайронман. Вой-бўй, ақлимга куйдирги чиққан эканми дейман-а!

Аҳмедов димоғида кулди.

— Дун'ё шу, одамлар шунақа деб, ўйлагандирсиз-да?

— Шунақадир-да,—деди Сидиқжон ўзини ўзи калака қилган бир тарзда,—одамни гафлат босса шунақа бўлар экан.

Шундан кейин Сидиқжон, худди ширакайф кишидай, қулфи дили очилиб бу гафлатдан бедор бўлишига нималар сабаб бўлганинию бунинг оқибати, бу ерга келганида бу ердаги одамлардан аввал қандай бегонасираганинию кейин киришиб кетганини ўзи ҳам билмай қолгани, киришиб кетганидан кейин кўзи очилиб нималарни билганинию қандай умидларда бўлгани тўғрисида гапириб берди. Аҳмедов ҳам худди бугун шундан бошқа ниши йўқдай, бемалол ўтириб, унинг сўзларига қулоқ солар эди.

Шом вақтида малларанг кенг кўйлак кийган ва гуллик сориқ дурра боғлаган ўртабўйли, озғингина, йигирма-йигирма бир ёшлардаги бир жувон келди. Жувон эшикдан кириши блан буларни кўриб бир тўхтадию дуррасини қайта боғлаб тўғри супа томонга келди; Аҳмедов блан қўл бериб сўрашди, Сидиқжон блан қўл бермасдан, лекин кўпдан таниш одамдек кўришди, ҳол-аҳвол сўради; кейин Аҳмедов блан гаплашиб кетди. Бу—Канизак эди. Ўрмонжоннинг хотини Тожибойнинг бу жувонга бўлган муносабатини жуда хунук қилиб айтканидан — „илиқиб юрипти“ деганидан бўлса керак Канизак деганда Сидиқжоннинг кўз олдига афти совуқ, ўзи шанғи, бўлар-бўлмасга кулаберадиган, бети қаттиқ бир жувон келган эди; унинг ерга қараб Аҳмедов блан гаплашиб ўтирганини кўриб, жуда мулоғим ва ёқимли товушини эшитиб шундай жувон ўшандай йўлларга юришини сра ақлига сиғдиролмади шекилли, гарчи икки марта оғзи куйганидан кейин минба'д хотин кишининг юзига қарамасликга аҳд қилган бўлса ҳам, секин ер, остидан унинг юзига кўз ташлади. Канизак хилагина истараси иссиқ жувон эди. Сидиқжон унинг истарасини бу қадар иссиқ қилган иягининг ўнг томонидаги қора холими ёки кичкина оғизчасими—шунини билолмай турган эдики унинг лаби пир-пираб учди, хиёлгина қийшайдию бирдан хўнграган товуш эшитилди. Канизак дуррасининг учи блан юзини беркитиб тескари ўғрилди. Сидиқжон шошилиб Аҳмедовга совоқ назри блан қаради. Бу йигининг сабабини Аҳмедовнинг ўзи ҳам билмаса керак:

— Нима, нима бўлди ахир? — деди.

Канизак икки-уч ҳақиллаб:

— Ҷумонжон акам масалангни мажлисга соламан дейдилар, шуни сиз айтсангиз,— деди.

— Қанақа масала экан, менинг ҳеч хабарим йўқ.

Канизак енгги блан бурнининг икки ёнини тез-тез артар экан Аҳмедовга кўзининг қири блан худди аразлаган ёш боладай қаради.

Ҳа, хабарингиз йўқ... хабарим йўқ эмиш! Ҷзингиз айткан-сиз... айткансиз!

Унинг ўтириши, қараши, ўпкалаб гапириши, бутун ҳаракати Сидиқжонга жуда чиройлик кўринар эди; „йиғлаши ҳам чиройлик-а, кулиши қандақ бўлса экан“ деб кўнглидан ўтказиб қўйди.

— Нима ўзи?— деди Аҳмедов,— аввал нима эканини билай, айткан бўлсам айтдим дейман.

— Айтмаган бўлсангиз... айтинг, мажлисга солмасинлар, жон Аҳмедов ака! Майли, меҳнат кунимдан қирқсинлар... Бўлган иш шуки, ўша куни тушлик маҳалида Холмурод ақанинг звеносидан ўчта кетман йўқолди. Бу кетманлар жуварипоя ичидан топилди. Ҳечким ишидан қолгани йўқ, кетманлар топилди. Шуни бизнинг звеного тўнкашипти, ростдан ҳам бу ишни бизнинг звенодагилардан биронтаси қилганлиги аниқ эди. Ҳечким бўйнига олмади. Қарасам бутун звено қора бўладиган, мен бўйнимга олақолдим. Олмай ҳам ўлай...

Аҳмедов ўйлаб туриб:

— Ўша звено блан мусобақа ўйнаганмидиларинг?— деб сўради.

Кетман, афтидан, шуни айтмакчи эмас эди шекилли ноилаж.

— Ҳе...— деди.

Аҳмедов заҳарханда қилди.

— Кетман яшириб ўтирасизларми, кечаси чиқиб гўзасининг шонасини юлсаларинг бўлмасмиди!

Канизак яна йиғламсиради.

— Вой, мени нега қўшасиз! Айтдим-ку...

— Хайр, ана. сизлар мусобақада ютиб чиқдиларинг, бу ютишдан нима фойда? Колхозга нима фойда? Бунақа ишни бир-биридан харидорни қизғанадиган, бирининг дўкани бир пас ёпилса бошқаси кўпроқ фойда кўрадиган, шунинг учун бири-бирини ғажиб ташлашга тайёр бўлган дўкандор қилса бўлади! Бу қанақа мусобақа бўлди? Мусобақанинг ма'насини биласанми ўзинг?

Канизак кампир келтирган чирогни олиб ўртага қўяётиб, кимдандир эшитган гапини қайтарди:

— Биламан, мусобақадош икки кишидан бирининг ютуғи иккинчисининг рашкини эмас, ҳавасини, ғайратини келтириши керак,— деди.

— Бу гапни ёд олибсану ма'насига тушинмабсан-да. Шу қилган ишларинг Холмурод звеносининг ҳавасини, ғайратини келтириши керак эмишми?

— Вой, Аҳмедов ака, тагин қўшасиз-а...

— Сен қўш бўлсанг нега бўйинингга олдинг?

— Канизак куйиб-пишиб яна тушинтирмоқчи бўлган эди Аҳмедов сўзини бўлди:

— Хўп, агар кетман эмас, пул йўқолганда бўйнингга олар-мидинг?

— Йўқ, албатта...

— Ҳа, баракалла! Уялар эдинг-а? Бунга нега уялмадинг? Чунки „ҳа, нима қипти, кетман яширган бечора звенога яхшилик қилмоқчи бўлиб, звено ютиб чиқсин деб шу ишни қилганда“ деб ўйлагансан. Эҳтимол бу ишни бўйнингга олганинда тангилик қилдим деб звено олдида қанча керилган бўлсанг! Агар звено ҳам шуни тангилик деб билган бўлса кетман яширган киши-гина эмас, бутун звено социалистик мусобақанинг ма'нисини билмас экан... қачан бўлган иш бу?

Канизак эшитилар-эшитилмас жавоб берди:

— Анча бўлди, икки ҳафтача бўлди.

— Ўрмонжон энди эшитиптими?

— Йўқ, ўшанда эшитганлар.

Аҳмедов бир қоши паст, бир қоши баланд бўлиб, ўчиб қолган махоркасини чироғдан тутатиб олди. Сидиқжоннинг гумони-ча у ҳозир Канизакга қаттиқроқ ботадиган бирон гап айтиши керак эди. Броқ Аҳмедовнинг чеҳрасидаги бу тундлик дарров йўқолди. У Канизакга очиқ чеҳра, ҳатто хиёл табассум блан қараб:

— Қўрқма, шу чоққача мажлисга қўймаган одам энди қўймайди,— деди.

Канизак билолмай қолди: бу Аҳмедовнинг тасалли берганими, Ўрмонжоннинг қоралаганими? Канизак унинг яна бир нима дейишини ва шундан кейин ма'лум бўлишини кутар эди. Аҳмедов боядан бери Канизакнинг кетида қўлини орқасига қилиб тикка турган болага мурожиат қилди:

— Хўш, Ҳошимжон, худди сурат олдираёткан кишига ўхшаб турубсан? Бери кел.

Ҳошимжон худди тийганиб йиқилиб кетадигандай, бир қўли блан Канизакнинг елкасини ушлаганича икки қадам олдинга босдию латтага ўралган бир нимани Аҳмедовнинг қўлига берди ва дарҳол Канизакнинг орқасига беркинди. Аҳмедов латтани очиб икки дона темир гайка, бир дона тишлик мис парракни кўрди ва бола бу нарсаларни нима учун берганини онглайолмай:

— Ўҳў, буларни қаёқдан топдинг? Буни нима қилсак бўлади?— деди.

Ҳошимжон дарров ўривдан туриб Канизакнинг қулоғига пичирлади. Канизак оғзини ва кўзларини катта очиб қулоқ солдию бирдан пиққиллаб кулиб:

— Трактор ясаганигизда ишлатар эмишсиз— деди.

Аҳмедов завқ қилиб кулди ва болани қўлидан тортиб олиб бағрига босди.

— Баракалла, баракалла!— деди.

Сидиқжон кунни бўйи бу болага бирон оғиз гапирмаганидан,

уни ҳатто пайқаманидан хижолат тортиб ҳозир сўзга аралашгани лозим топди.

— Бу киши трактор ясашни биладиларми-а, Ҳошимжон?— деди болага яқин энгашиб.

Бола, Аҳмедовнинг тракторсоз уста эканлигига жуда амин бўлса керак, қаттиқ бош иргитди.

Шундан кейин сўз трактор, янги ариқ, янги очиладиган ерлар, пахта тўғрисида кетди. Анзиратхола келиб яна қизи, куёви тўғрисида гапирди; Мадрайимга юборган хати ҳақида гапириб яна ўзининг ёмон қариганидан, анчайин нарсаларга фаҳми етмайдиган бўлиб қолганидан шикоят қилди. Шундай қилиб Аҳмедов Канизакнинг қилмиши тўғрисида бошқа гап очмади.

Канизак дастирхон ёзиб овқат келтирди. У бир коса ошни Аҳмедовнинг олдига қўяр экан:

— Айб қилмайсиз-да, Аҳмедов ака, холам сўкоши қилиптилар,— деди.

Аҳмедов сопи узун, оғир мусулмон қошиқ блан ошни шопирар экан жилмайиб:

— Бошқа иложларинг бормиди?— деди.

— Э, боринг, уялтирманг-дэ, Аҳмедов ака,— деди Канизак ширин ўпкалаб.

— Майли, ҳозирча айби йўқ. Айб қиладиган вақт ҳам келади. Лекин,— деди Аҳмедов қошиқни солмоқлаб,— ҳали ҳам мана бунақа қошиқ тутиш айб. Бунга йўқчиликни, камбағалчиликни ваз кўрсатиб бўлмайди.

Аҳмедов ошни тез ичди ва бошқалар ҳам ичиб бўлгандан кейин кеткани кўзголдди. У Сидиқжон блан қўл бериб хайрлашди, уни супадан тушгани қўймади.

— Қўйинг, қўйинг, узилиб қоласиз, яна касал кўргани келиб юрмай,— деди тегишиб,— тузалинг!

Аҳмедов шундақ дейиши блан Сидиқжоннинг бошини осмонга етказди; уни хат тўғрисида махсус келган деб ҳануз хижолатда бўлган Анзиратхолани хижолатдан чиқарди.

— Тузалиб қолдим, Мақсудали ака,— деди Сидиқжон бир оёғини супадан пастга қўйиб— йўқлайдиган одаминг бўлса касаллик ҳам инига уриб кетар экан. Қуллуқ, ака, қуллуқ!..

Анзиратхола гоҳ кулиб, гоҳ йиғламсраб уни дуо қилар эди. У кетканидан кейин, худди бутун ҳовлини тўлдириб хандон-ҳушон сўҳбат қилиб ўтирган бирталай меҳмон бирдан чиқиб кеткандай, ҳовли ҳувиллаб қолди. Анзиратхола ўша хатни нима учун юборганиги, юбориб чакки қилганигини, бунга Мақсудали ҳарқанча хафа бўлса ва урушса ҳам арзиши, лекин у бечора урушмагани тўғрисида ўзидан-ўзи жовраб қоронғуда ивирсиб юрар эди. Сидиқжон ўзидан-ўзи илжайар, бош чайқар, пешонасига уриб кулар, ўйланиб қолар ва яна илжайар эди. Коса-товоқ йиғиштираёткан Канизак:

— Ҳа, нега куласиз?— деди.

Сидиқжон тиззасига шаппатлади.

— Хайрият кетмаганим!..

— Қаёққа?—деди қоронғудан чиқиб келган Анзиратхола.

— Қишлоққа кетмоқчи эдим, хола, хайрият кетмаганим! Қаранг-а, Мақсудали акам келар эканлар, бундоқ гаплашиб ўтирар эканмиз... У киши бундоқ одам эканлар...

— Мақсудалини энди кўришингизми?—деди кампир ва ухлаб қолгак Ҳошимжонни енгги блан еллий бошлади.

— Йўқ, тўғон бошида бир кўрган эдим. Унда... айниқса ҳали эшиқдан кириб келганларида... шунча ўтирадилар деб сра уйламаган эдим. Сиз у ёқда, биз афанди айтишиб ўтирдик. Жуда-жуда ҳам тўпори, очиқ йигит эканлар.

— Ҳа, кам бўлмасин. Катта бошини кичик қилиб барчага баравар. Ҳамманинг ташвишини тортади, ҳамманинг! Шунинг учун кўкаради-да, элнинг дуоси...

— Шундоқ эканлар, хола, хайрият ҳам кетмаганим.

— Нега кетмоқчи бўлган эдингиз?

Шу пайт Сидиқжоннинг ёдига Тожибойнинг мусофирчилик тўғрисида айткан гаплари тушдида, қишлоққа кетмоқчи бўлганига гўё ўшанинг гапларигина сабаб бўлгандай, қалбида Тожибойга нисбатан нечикдир совуқ бир ҳис уйғонди. Бу ҳис дам ўтмай негадир адоватга айланди. У ер остидан Канизакка қараб бир пас жим қолди-да, Канизак коса-товоқни кўтариб ўчоқ бошига кетганидан кейин:

— Тожибой аканинг фатонати-да, нега бўлар эди!—деди, бу гапни худди Тожибойнинг кўп ёмонликларидан яна бирини айткандай писанда қилиб айтди,—мусофирчилик... бир қултум сувга зор бўласан... Қаеринг оғрийди дегудай киши топилмайди деб...

— Вой худо кўтарсин ўғри мушукни!—деди кампир,—киши ўз юртида, ўз элида ҳам мусофир бўлар эмишми! Дидоринг ўчсин ўғри мушук! Ҳаммани ўзайдай билади-да! Йўлда тўртта ўрик тушиб ёткан бўлсаю битта одам йиқилиб ёткан бўлса, бу қуруб кеткур, одамни қўйиб ўша ўрикга ўзини уради. Шундоқ одам бу!

Кампир унинг бир вақтлар омборчи бўлиб одамларнинг ҳақини еганини, ўзи ғаламис, ёлгончи, чақимчи ва буларнинг устига муғомбир эканини айтди. Бу гапларнинг устида Канизак ҳам бор эди. Сидиқжон унинг юзига зимдан ҳарчанд разм солса ҳам бу гаплар унга қандай тегаётганини фаҳмламади. Анзиратхола гапириб-гапириб бирдан бармоғи блан чироғни туртдию ёғини кўриб.

— Вой, худо, шунча ўтирибмизми!—деди ва ёғни бармоғи блан ўлчади—бир, икки... икки хуфтан бўлибти. Туринглар, болаларим, ётамиз.

Канизак жой солди.

Сидиқжон Қўшчинорга келганидан бери биринчи марта хотиржам бўлиб, худди узоқ замон саргардонликда юриб, энди ўз уйига келгандай роҳатланиб кўрпага кирдию дарров уйқуга кетди.

(Давоми бор).



МИХАИЛ ШОЛОХОВ

## УЛАР ВАТАН УЧУН ЖАНГ ҚИЛДИЛАР\*

Кўприкни қўлга киритиш учун барча қилган ҳаракатлари чиппакка чиқиб, ниҳоят тинкаси қуриган немислар, кеч пайти, қуёш ботишига яқин ҳужумларини тўхтатишди, тепаликка ўрнашиб олишди-да, ҳечбир фаол ҳаракат қилишмай, кўприк блан сув босиб кетган пичанзорга борадиган йўлни замбарак ва миномётлардан ўтга тутабошлашди.

Мудофаада турган қўшилма Доннинг сўл қирғоғига чекиниш тўғрисида кечқурун қўмондонликнинг буйруғини олди. Қоронғу тушгач, қисмлар шарпасиз қўзғолишди ва ёниб кетган хутордан ўтиб, ўрмон блан Донга қараб чекинабошлади.

Ротадан соғ-саломат қолганларга старшина Попришченко бошлиқ бўлиб борар эди. Оғир ярадор бўлган лейтенант Голошчевовни эса жангчилар, плаш-палаткада, навбатма-навбат, кўтаришиб боришарди. Ҳаммадан кейин, энг орқада, ўлгудек хафа ва ниҳоятда заҳари оқиб — дарғазаб бўлган Лопахин ва — ундан сал четроқда — ўқ солинган оғир қоп блан ҳалок бўлган броньтешар Борзихнинг милтигини кўтариб олган Копитовский обкашдек букилиб келар эди.

Эрталаб, кўмкук япроқлари зумратдек товланиб ва ўйвоқи қушчалар, тинимсиз, ёқимтой сайраб турган, — энди бўлса: фақат қолган-қутган тўнкалари қорайиб, барча дарахтларини гўё даҳшатли бўрон қўпориб ташлагандай томир-томири блан қўпориб ва снаряд парчалари эса шохларини юлиб ташлаган ҳамда абжағи чиқиб, чилпарча бўлиб ётган — боғдан ўтар экан Лопахин қудуқ ёнида тўхтади, қоронғуда ғира-шира қорайиб турган ёниб кетган немис танкига диққат блан қаради. Танк бир томонга қийшайиб, бир гусеницаси блан малина кўчатини ва бир вақтлар дарахтларни суғориб юрилган машина ғилдирагининг чамбаранини эзиб, мажақлаб турар эди. Илик ҳавода, ёнган темир, арава ёғи, чучала бўлган одам этининг қўланса-аччиқ ҳиди қимир этмай турар, броқ кўнгилни беҳузур қиладиган ва қўланса ҳидлар,

\*Боши журналнинг 1946 йил 9 сониди.

бироз олдинроқ сулинқираб қолган япроқлар блан ҳали пишиб етмаган меваларнинг хушбўй ҳидларини босиб кетаолмас эди. Ҳатто харобаликка айланган боғ сўнгги марта ўзининг кишиларни маст қиладиган хушбўй ҳидини тарқатар эди...

Ўзиб ташланган ва чигалиб кетган маймунжонни этиги блан шитирлатиб Копитовский Лопахин олдига келди, хўрсинди ва оҳиста деди:

— Эҳ, дун'ёий кўтир! Бир чексак...

— Минани соғиниб қолдингми? Чекмасанг ҳам чидайсаң, — дағал, лекин оҳистагина деди Лопахин.

— Чидайсан, чидайсан, — деб гудранди Копитовский. — Албатта рус солдати ҳаммасига чидайди, лекин унинг ҳам чидами темирдан эмаску... Шу букун ўзим ҳам ҳар балога шуқадар чидаш бердимки; чидамимнинг барча чоклари сўкилиб кетди...

Лопахин индамади, ҳамон танкнинг баҳайбат қора гавдасига тикилиб тураверди.

Копитовский, елкасидаги қопни тузатди, бўғиқ овоз блан деди:

— Хумори бўлганимни буёққа қўяйлик, аммо қорин очганини гапирмай қўяқол! Ҳаркимнинг ҳархил фе'ли бўлади: бир хил одамларнинг кўрққанидан ичидагининг бари ташқари чиқади, мени бўлса кўрққан сарим қорним очади. Бугун шуқадар даҳшатли кун бўлдики, сра қўяверасан! Бу ла'нати немис, букун роса ҳаддидан ошди-а? Ўзимни ўлганга чиқариб жанозамни ўқиб қўювдим, йўқ, қулидан келмади!

Лопахин Копитовскийнинг сўзларини эшитмади; жимгина танкни кўрсатди-да деди:

— Бунг қара, Кочетиговнинг иши, ўзи ўлди, қаҳрамонларча ўлди... Ажойиб йигит эди!

Қисмда, керак бўлмаган чоқда, ўлган ўртоқ ҳақида гапириш одат эмас эди, брок Лопахин ўзини тутиб туролмади, шунинг учун ҳам, одатда бундай нарсалар ҳақида камдан-кам оғиз очадиган Лопахин, бирдан зўр ҳаяжон блан шипшиди:

— Йигит эмас, ўт эди! Ҳақиқий комсорг эди, бундақангилар полкда ҳам кам топилади. Полкда дейман-а! Армияда ҳам! Қандай қилиб танкни ёндириб юборди-а? Танк уни босиб, ярмигача тупроққа кўмиб, кўкрагини эзиб юборди... оғзидан қон оқди, ўзим кўрдим, у бўлса окоп ичида ўрнидан турди — ўлгану, сўнгги марта нафас олмоқда—лекин ўрнидан ярим турди! — ва танкга қараб ёнилги солинган шисани отди... Ва ёндириб юборди! Буни қандай бўлганини онаси биледи дейсанми? Тушинасанми, шундан сўнг онаси қандай яшайди?! Мен шу ла'нати танкни отдим. Ўқ ўтмади! Падарига минг арава ла'нат! Уни олдинроқ ён биқинидан саваш керак эди... Аҳмоқман! Худо урган аҳмоқман! Шошилдим, у ҳалоқ бўлди... Эндигина тухумдан чиққан эдию асл дов'юрак эди! Қара, нақадар дов'юрак, азамат йигит эди-а? Менчи... мен, шунга ўхшаган ўн саккиз, ўн тўққиз ёшдаги йигитларни кўз олдимда ўлдирар экан, сра чидолмайман, йиғлагим келади биродар... йиғлагим ва бу ла'нати немисларни раҳимсизлик блан ўлдиргим келади! Аммо менга ўхшаган дун'ёнинг

пасти-баландини ва аччиқ-чучугини тотиб кўрган қарри ахталар ўлса бошқа гап, биродар, лекин Кочетиговга ўхшаганларнинг ўлганини кўрсам — юрагим чидалмайди, тушиндингми? Бунинг учун немислар нима блан жавоб беради? Айтчи, нима блан? Мана, аблах немис чўзила тушиб жийиб ётибди, броқ менинг қалбим ҳамон тинчигани йўқ. Уч оламан. Хўш, оналарнинг кўзёшлари учун нима блан жавоб беришади а? Мен тиззамдан, томоғимдан, ҳатто тумшуғимдан немисларнинг ифлос қонини кечиб юрсам ҳам, барибир қасос олиш ҳали бошлангани йўқ, деб ҳисоблайман. Ҳали бошлангани йўқ, тушиндингми?!

Тили чучук Лопахиннинг, гуё мас одамдай, пойма-пой гапирган сўзлари Копитовскийни ниҳоятда ҳайратга ва ҳаяжонга солиб қўйди. Аввало у, унча аҳамият бермай қулоқ солди ва хуморисини босиш учун бир чеким тамакини эзиб оғзияга отди. У, аччиқ тамакини чайнар, танглайи блан милкени куйдирган тупугини тупираркан, ҳар қандай нарсага ҳамма вақт бепарво қарайдиган Лопахинга нима бўлди? — деб ҳайрон бўлиб ўйлади. Бу Лопахинга сра ўхшамас, мутлақо ўхшамас эди! Охири Копитовский заҳардек аччиқ тупугини ютиб юборди ва ўз ҳаяжонини босишга уринаркан ҳарчанд Лопахиннинг афтини қоронғуда кўришга интилар эди. Лекин Лопахин, бошини қуйи солиб, унга ёнбошлаб турарди. Броқ унинг товушида, бошини эгиб турушида Копитовский алланарсени сезди-да ғазабга келди. Ҳозир ўлган Кочетиговни эслаш ва у ҳақда мулоҳаза қилиш мутлақо ўринсиз ҳамда фурсати ҳам эмаслигига Копитовскийнинг имони комил эди. Шундан сўнг у ўз ҳаяжонини босди, қатий ва кескин:

— Бас, кўп йяғлаб-сиқтаверма! Худди азага келган кампирга ўхшайсан... Хўш, ўлипти, ахир бугун оз ўлдими? Ҳаммасига аза тутиб бўлсан, бу бизнинг ишимиз ҳам эмас, ҳозир бу гапларнинг сра ҳожати йўқ. Қани юр, кетдик, болалар алла қачон кетиб қолишди, яна адашиб қолмайлик, — деди.

Лопахин бирдан бурилди, индамади, йўлга тушди. Улар, „чурқ“ этишмай, сапсар ғира-шира чулғап олган, харобага айланган сут фермаси ёнидан черепица синиқларини ғарсиллатиб босиб ўтиб кетишди, фақат ўрмонда, бироз дам олиш учун ўтиришгач, анча давом этган жимликни Лопахин бузди:

- Звягинцев ҳам... ўлдими?
- Мен қаердан биламан?
- Ўзинг айтдинг-ку, йиқилганини кўрдим, деб.
- Кўрдим, ўлганми, ярадор бўлганми, қайдан билай. Томирини ушлаб кўрмаган бўлсам.
- Эҳтимол, у эмасдир? Эҳтимол, йиқилган, у эмасдир? Олатўпалонда ажратолмагандирсан балки... — умид блан, кўрқа-пурса яна сўради Лопахин.

Лопахиннинг қалтираб кетган овозида Копитовскийга нотаниш бўлган мунгли оҳанг жаранглаб кетди ва шундан сўнг Копитовский беихтиёр юмшади ва овозига бошқа оҳанг бериб туриб деди:

— Ҳа, мен Звягинцевнинг йиқилганини аниқ кўрдим. Унинг

орқасида мина портлади, шундан сунг, у йиқилди, ўлдими, йўқми, — билмайман.

— Сен нимани билувдингку, нимани билардинг? Ҳечнарсани билмайсан! Сенинг биладиган аппаратинг ҳам йўқ, — деди Лопахин аччиғланиб. — Тур ўрнингдан, кетдик. Худди тўйга келгандек чордана қуриб олибсан, афтингни қара-ю...

Бу сўзларни энди аввалги Лопахин гапирди, унинг товуши яна бурунгидек қўпол ва хирқираброқ янгради... Копитовский, аччиғи келган бўлса ҳам, индамади: аввалги Лопахин блан муро-са қилиш онсонроқ эди...

Улар қоронғуда чурқ этмай, эман дарахтларининг яланғочланиб қолган томирларига қоқилиб, буталарнинг шохларини ушлаб, олдинда кетаётганларнинг қадам товушларига қулоқ солиб, бо-ришар эди. Йўл муюлиши ёнидаги пасқам ерга етишганда уларни душман миномётдан ўтга тутиб қолди. Улар бир неча минут муздек қумлоққа қапишиб ётишди, кейин, старшина командаси блан, ўринларидан туришди-да чопқанларича йўлдан ўтиб олишди. Немислар пола-портиш, таваккал блан отишар эди, шунинг учун ҳам Лопахинлар талафот кўрмади. Улар, немислар кундузи мўлжалга олиб қўйган — ярим хароба этилган тўғон ёнига етиб келишганда, яна душман ўти остида қолишди ва бу сафар буталар орасида ярим соатча ётишди.

Зим-зиё қоронғулик гоҳо портлаш чоғида пайдо бўлган алангадан ёришар, рангли ўқлар эса, алов қуйруқларини судраб, осмон бағрини чизиб турар эди. Гоҳо, олисдаги немислар турган тепалик устида, осмонга, кўзларни қамаштирарлик даража ёриқ бўлган оқмушаклар отилар, уларнинг шу'лалари дарахтлар учида ялтирар ва ажойиб бир тарзда шохдан-шоҳга пастлаб ўтаркан аста секин сўнар эди. Кечаси ўрмонда снарядлар жуда ҳам ба-ҳайбат гумбурлар ва ҳар гал снаряд портлаганда Копитовский хайрат блан дер эди:

— Шу ҳам овоз бўлдию худди темир бочка ичидан келаётган товушга ўхшайди!

Тўғон орқасида кимдир уларни тўхтатди; шинель этаги блан тўсиб турилган чўнтак фонари хирагина липпиллади-да яна ўчди: кимдир кўнгилчанглик блан қўпол овоз блан гўлдиради:

— Ҳой пиёда, қаёққа келаяпсан? Сенга айтипман! Худди по-дага ўхшайсанлар, бу ерга мина кўмилган. Тўғондан сал чапроқдан йўл ол... нега белги қўйилмаган бўлсин? Шундай белги қўйилганки, кўз бўлмаса пешана, ёғочлар уёқда турсин, одамлар ҳам қўйилган. Чегарами? Чегара жар ёнида, у ерда сапёрларга дуч келасизлар, ана ушалар йўлни кўрсатиб қўйишади. Сапёрларнинг қўлидан ҳамма иш келади: нариги дунёга, ундан ҳам нарига кузатиб ҳам қўяди... Бу нима, ярадорми? Лейтенантми? Оббо, бечора эй! Бу йўлда унц қийнаб қўясизлар. Асли, сизлар, чапроқдан юрсанглар бўларкан, у ерда йўл текисроқ эди.

Бу гаплар Копитовскийнинг гашига тегди.

— Эшитдингми, Лопахин, бу сичқон тутарларнинг тартибини қараю? — деди у ғазабланиб. — Бизни бўлса пиёда дейди-я, ўз-

лари ким? Отлиқ бўлиб қолганини қара-я! Умри болта миниб, ўтадию, яна гапани кўр... Миналарни кўмиб, яна уни ёғоч блан ҳам тўсиб қўйишади. Нима бу тажриба даласими? Бундай зимстонда тўсиб қўйган говини кўриб бўлибсан. Пешонанг бориб гурсиллаб тегмагунча бирор нарсани кўрчи. Оббо, товуқхўр, каламуш уруғи эй! Пешонангдаги нарсани кўриш қийин-у яна булар гов тускани ошиқча... агар шу айғир, бизга йўл кўрсатиб берган сапёр, мудраб қолсами, тўппа-тўғри мина кўмилган ерга бориб қолардик. Роса тамоша бўларди-да! Немислардин қутилиб ўз минамиз блан чилпорча бўлар эдик... Фақат шу ла'нати Дондан ўтиб олсак бас, уёққа ўтиб олгач ўзингни қутилган ҳисоблавер, оз қолди-я, ўз минамиз блан осмонга учиб кетишимизга. Бунақа воқиалар жуда кўп бўлади! Одам мана энди мақсадимга етдим, деганда ҳаммаси осмонга учиб кетади! Колхозимизда, бу гап урушдан илгари бўлган, колхоз ҳисобчиси уч йилгача бир қиз орқасидан эргашиб юриди; қиз қишлоқ советида телефонистка бўлиб ишларди. У, қиз орқасидан худди соясидек юриди, қизнинг бўлса парвойи палак, қиз уни зиғирча ҳам севмайди. У итнинг боласи бўлса охири ўз мақсадига эришди: камоли безор бўлганидан, қиз тегишга рози бўлган. Сув тошни тешади дейдилар, худди шунга ўхшаш у ҳам уч йилгача қизнинг ҳол-жонига қўймади ва ўз мақсадига етди. Қиз бечора бўлса ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ўртоқларига: „Мен яхши кўрганим учун унга тегаятганим йўқ, камоли жонимга текканидан тегаяпман“ деган. Гапнинг қисқаси, шундай қилиб, охири улар зағсдан ҳам ўтишади. Кечқурун ҳисобчи одамларни тўйга айтади. Ўзи столда ўтирадию ниҳоятда ўзидан хурсанд, афти худди мойланган саққадек йилтиллайди, кайфи чоғ, гердайган, хурсанд: нега хурсанд бўлмасин, уч йил эргашиб юриб охири сўзининг устидан чиқди-ку! Унинг гердайиши ҳам бурнидан булоқ бўлди, орадан ярим соат ўтгач, қарабсанки, столнинг остида оёқларини чўзилтириб гердайиб ётибди. Биласанми, нима бўлди? Чучвара тиқилиб ўлса бўладими, аблах! Билмадим, хурсандчилигиданми, ёки оч кўзлигиданми, аниқ айталмайман, чўчварани бутун ютиб юборган, чучвара бўлса нафас оладиган томонига кетиб қолган. Шундан кейин у дун'ёга кетган. Бу бахтсиз куёвнинг бошини пастга оёғини осмонга қилиб қўйишди ва елкасига роса туширишди, роса боплаб туришди, нималар қилмади дегин, ҳатто томоғига оташкурак ҳам тиқиб кўришди, бўлмади! Шундай қилиб, қиз бўлса стол ёнида ўтириб турибоқ тул бўлди қолди. Албатта, бу қизнинг кўнглидагидек бўлди, яна бундан бошқа, колхозимизда, мана бундай воқиа ҳам...

— Бас, оғзингни юм, воқианг қурсин! — деб буюрди қат'ий Лопахин.

Копитовский итоат қилиб жим бўлиб қолди. Бу орадан бир минут ўтгач Копитовский тўнкага қоқиниб кетиб, котелогини даранглатиб, бор бўйича йиқилди.

— Хўш ҳаромя, кўр бўлдингми, тур, йиқиласан! — деб шипшиди ғазаб блан Лопахин.

Шилиниб кетган тиззасини силаркан, Копитовский гуноҳкордек ўзини оқлади:

— Қоронғулигини кўрмайсанми?

Бугун кундузи бошидан кечирган сурондан сўнг уни мутлақо жим боргуси келмади шекилли, бироз жим боргандан кейин, яна сўради:

— Билмайсанми, Лопахин, бизни старшина қаёққа олиб кетяпти?

— Донга.

— Мен бунни сўраятганим йўқ, кўпрукками ё бошқа томонгами?

— Сал чапроқ.

— Дондан нимада ўтамиз? — қўрқиб сўради Копитовский.

— Эшакда, — жэҳл блан деди Лопахин.

Бир неча минут Копитовский жим борди, кейин бироз очиқ кўнгилик блан деди.

— Жаҳлинг чиқмасин, Лопахин! Ҳадеб жаҳлинг чиқаверар эканда... хўш, нега жаҳлинг чиқади сени? Фақат битта сенми қайғурган? Ҳамма...

— Кўп аҳмоқона гапларни гапирганинг учун жаҳлим чиқаяпти.

— Қанақа аҳмоқона гаплар? Менимча унчалик бема'ни гапларни гапирмадим шекилли.

— Гапирмадим? Гапирмадим — эмиш! Кўраяпсанми, немис кўприкни тўпга тутиб турибди.

— Кўраяпман.

— Кўриб турган бўлсанг, нега кўприк томонга кетаяпмизми ё бошқа томонга, деб сурайсан. Сен бу аҳмоқона эшак миянг блан, албатта, одамларни бузиқ кўприкка олиб борган бўлар эдик... қисқаси аҳмоқона саволларинг блан кўп жонимга тегма, бусиз ҳам жиғи-бийроним чиқиб юрибти. Товонимни босма, тирсагим блан оғзи-бурнингни қонга тўлғазиб қўяман.

— Товонингга чироқ ёқиб қўй бўлмаса, қоронғуда кўриб бўлмаяпти. Нозик товондан хўп куйдиму... — деди зарда блан Копитовский.

— Керак бўлса тумшуғингга ёқиб қўяман чироқни, ҳозирча кўп суйкашаберма менга, мен сенга, нима сигирми? Бузоқдай суйкашасан, тушиндингми?

— Мен сенга суйкашканим йўқ.

— Сал қолиброқ юр, уқдингми?

— Ҳали ҳам қолиброқ юрибман-ку.

— Шуми ҳали қолиброқ юрганинг, ахир товонимни босавериб гажиб ташладинг-ку. Нега менга суйкашасан?

— Суйкашканим йўқ, жинни бўлдимми сенга суйкашиб!

— Суйкашаяпсан! Қўрқаяпсан, адашиб қоламан, деб?

— Яна жаҳлинг чиқаяпти, — деди диққат бўлиб Копитовский. —

Адашиб қоламан деб қўрқаятганим йўқ, кўприксиз дар'ёдан ўтиш, нима десам бўлади сенга... хавотирман десаммакин! Сенга онсон, су-ишни биласан, мен бўлсам сузишни мутлақо билмайман! Кўприқдан чапга кетиб қолдик, аниқ биламанки албатта у ерда қайиқ йўқ. Қайиқ бўлмагандан кейин ҳарким ўз ҳолича, бири тахтада,

бири хомага осилиб ўтишга тўғри келади; мен бу соҳада жуда мулла бўлиб қолганман. Донецдан ўтганимда хўп ҳам таъзиримни еганман, бунинг нималигини тушунаман...

— Бироз унингни ўчирасанми, ё йўқми?— ғазаб блан, броқ мулойим қилиб қоронғуда сўради Лопахин.

Қаердандир, орқадан, қоп қора буталар орасидан, Копитовскийнинг мунгли лекин ўлгудек қайсар овози эшитилди:

— Йўқ, увимни ўчирмайман, менинг умрим жуда оз қолди, фақат Донгача, увдан кейин борманми, йўқми, шувинг учун ҳам ўлимим олдидан дейдиганимни деб олай... Уладиган киши ўлими олдидан ҳарқанча гапирса ман' қилмайдиган қонун ҳам бор. Ҳарким ўз ҳолича сузиб ўтиш деган гап,—мана нима дегани, сенга айтсам: сузишни билсанг хўвзла-хўп, бордию билмасанг — бурнингни бармоқларинг блан маҳкам беркит-да қисқичбақаларни боққани дар'ё остига тушавер, деган гап... Бир вақт Донецдан ўтиб кетиш учун буйруқ олдик, ротамизнинг командири бўлса: „тахта, ёғочлардан фойдаланиб сузиб ўтиласин, қани, йигитлар, орқамдан!“ деб команда берса бўладими. Мен немисларнинг бензин соладиган бир бўш бочкасини сувга туришдим-да унга маҳкам ёпишганимча оёқларимни шапиллата бошладим, шу аҳволда ўша ла'нати Донецдан ўтмоқчиман. Бир илож қилиб дар'ёнинг ўртасига етиб олдим, албатта сувнинг оқиши блан шамол ҳам кўмаклашди, бир вақт қарабсанки, кийим-бошим шалоббо бўлиб роса ивиди, шундан кейин бочка қўлимдан чиқиб кетабошлади. Ла'нати сувда гир айланади, мен ҳам бирга айланаман, гоҳ шўнғиб кетаман, гоҳ яна чиқаман. Бир вақт кўзимни очсам фақат: қуёшни, кўм-кўк осмонни, қирғоқлардаги дарахтларни кўраман, худо ҳақи,—иккинчи сафар кўзимни очганимда:—ё алҳазар, атрофим сув, таги кўринмайди, ёнимдан тепага қараб қандайдир ялтироқ пуфакчалар ўтиб кетаяпти. Шундай қилиб бочка қўлимдан чиқиб кетгач, тўппа-туғри дар'ё тагига қараб пиёда равона бўлдим... Хайрият, бир ўртоғим бир шўнғиди-да олиб чиқди.

— Кўп чакки қилган экан. Олибчиқмаса бўлар эди!— деди ачинганомуз Лопахин.

— Чакки қилибдими, йўқми, ҳарҳолда олиб чиқди. Албатта, сен бўлсанг олиб чиқмасдинг, сендан ўзи яхшилиқ келмайди! Мана шувинг учун ҳам анча юрак олдириб қўйганман. Тўпка тутиб турса ҳам кўприк яхши. Шу эсимга тушдими, нафасим бўғилади, Донец сувига жуда тўйганман... Бир бор шўнғиганимдаёқ икки челақча сувни ичворганман, кейин сувни не-не азоблар блан қўстиришди...

— Сашка, кўп ғингшеверма, бироз унингни ўчир, бир илож қилиб ўтиб оларсан,— деди Лопахин.

— Қандай қилиб ўтиб оламан?— деди ғоят ташвиш блан Копитовский. — Кар бўлдингми сен? Сенга, сузишни билмаганимни айтаяпман-ку, ахир қандай қилиб ўтиб оламан? Бунинг устига тагин, бу ла'нати ўқларни қопга солиб, икки пуд келади, елкамга ортиб қўйдинг, яна Борзихнинг милтиғи, шинелим, автоматим дискаси блан, бел-курак, этигим... сузишни билган одам

ҳам бу юк блан чўкиб кетади, мендақа сузишни билмайдиганлар сувга тушибоқ, қирғоқдаёқ ўлади қолади. Менинг албатта чўкишим керак, бунга зниқ ақлим етиб турибти! Хўш, нега энди мен, бу ла'нати ўқлар блан қолган ахлатни кўтариб юрай, ўлимим олдиан нега азоб чекаман! Тушинмайман! Донга етиб боргач — ҳаммасини ташлайман, иштонимни ечаману яланғоч бўлиб чўкаман! Яланғоч бўлсанг анча дуруст...

— Бас энди, кўп жавраверма, чўкмайсан! Гўнг чўкармиди! — Ғазаб блан шипшиди Лопахин.

Копитовский шу оноқ яна бадиллади:

— Албатта, гўнг чўкмайди, сен, Лопахин, биринчи бўлиб сузиб ўтиб кетасан, менга қийин... Донга етказоқ, — ҳавфсиз устарамни тақдим қиламан сенга, эсдалик учун... Мен сенга ўхшаган заҳар эмасман, бировга ёмонликни истамайман... Соқолингни олганингда қаҳрамонларча чўкиб кетган Александр Копитовскийни эслаб қўйсанг бас.

— Хўп дун'ёга келган экансан-да! — деб гўдранди Лопахин ва илдам босиб кетди.

Ярим товуш блан сўкинишиб, тўпиғигача қумга ботиб, улар қумлоқ тепалиқдан тушиб келишаётганларида буталар орасидан кўкиш-оқариб турган Донни, қирғоқдаги солни ҳамда қумлоқдаги бир қанча одамларни кўриб қолишди.

— Қани бер, устарангни, Сашка! Ҳой, сенга айтаяман, раҳматлик, уқдингми? — деди Лопахин.

Копитовский хурсанд бўлганидан хаҳолаб юборди:

— Бўлмаган гап, азизим, энди ўзимга ҳам жуда керакда! Энди ўладиган гўсхўр йўқ! Солни кўрдиму дун'ёга қайтадан келдим!

— Ҳой, Лопахинмисан? — деб чақирди қоронғудан старшина Попришченко.

— Мен, — деди эринибгина Лопахин.

Старшина сол олдида турган одамлардан ажраб буларга қараб келаверди, унинг оёғи остида майда чиганоқлар-шағаллар ғижирлар эди. У, тик Лопахин ёнига келди ва қалтираган овоз блан:

— Бўлмади... лейтенант ўлиб қолди, — деди.

Лопахин милтиғини ерга қўйди, оҳистагина каскасини ечди. Улар жимгина туришди. Илиқ, намхуш шамол уларнинг юзларига урилар эди.

\* \* \*

Кечаси ёмғир ёғди, муздек совуқ, намхуш, аччиқ шамол турди, Доннинг сўл қирғоғидаги дарахтзор гувиллади. Ҳаммаёғи шалоббо ивиб ва совуқдан қалтираб-титраб турган Лопахин эса бепарво хуррак отиб ётган Копитовскийга яқин ётди, ивиб оғирлашиб кетган шинелининг этаги блан бошини буркади, уйқуси ичда артиллерия отишмасига қараганда анча тинч ва ниҳоятда бепарво гумбирлаб турган момақалдироқ овозига қулоқ солди.



Тонг отиши блан ёмғир тивди. Қалин туман тушди. Лопахин қотиб ухлар эди, лекин ҳадемай уни уйғотишди, старшина ҳамани уйғотди, йўтала-йўтала хирқираб қолган овоз блан:

— Бекорга бу ерда лой кечиб юрмасдан, лейтенанти яхши-лаб кўмиш керак-да йўлга тушиш лозим, — деди.

Майсазордаги, япроқларида ёмғир томчилари марвариддай йилтиллаб, шохлари эгилиб турган олма дарахти ёнида Лопахин блан яна бошқа бир Майборода деган қизил аскар гуркавлар эди. Улар ернинг бир қатор юзини олишкандан кейин, Майборода деди:

— Бунга қара, туни блан ёғиб чиқдию тўрт эллик ҳам иви-маганини.

— Ҳа-я, — деб қўйди Лопахин.

Шундан кейин, улар то ишни битиртунларича, чурқ этишмади. Майборода тайёр бўлган қабирдан охирги тупроқни олиб ташлади. Терлаб кетган пешонасини кафти блан артди, узун нафас олди.

— Мана, лейтенантга ҳам охирги окопчани қазиб бўлдик...

— Ҳа, — деди яна Лопахин.

— Энди чексакми? — сўради Майборода.

Лопахин „йўқ“ — деб бош чайқади. Уйқусизликдан сарғайиб, гижимланган қоғозга ўхшаб қолган юзи бирдан тиришди ва юзини бошқа томонга ўгирди, кейин ўзини босиб олди-да, дағал овоз блан деди:

— Бориб старшинага айтай, сен... сен чекиб тур.

Старшина гап „сотилгани“ яхши кўрар эди, буни Лопахин билар ва ҳаммадан ҳам унинг лейтенант-қабри устида қулоқларни батанг қилиб, куфирлик блан, бема'ни ва бекорчи гапларни „сотиши“ дан қўрқар эди. У, старшинанинг ажин қоплаган, сапсариқ мўйлавли, кўзлари шишинқираган юзларига ҳаяжон ҳамда тапвиш блан қаради, кейин старшина оҳиस्ताгина чап қўли блан кўкрагига босиб турган лейтенантнинг камари блан эскириб кетган сумкасига кўз ташлади.

Кечагина у, Лопахин, лейтенант окопида арақ ичган эди, бундан фақат бирнеча соатлар илгари мана шу сумка блан терлаб кетган камари унинг келишган гавдасига жуда ярашиб турар эди, энди бўлса у қабр четида қимир этмай ётар, гўё бўйи ҳам қисқариб қолгандек туюлар эди, лейтенант Голошчевонинг жасади қонга буланган плаш-палаткага ўраб қуйилган, унинг оппоқ оқариб кетган юзларида ёмғир томчилари йилтиллаб турар, охири видо'лашиш фурсати ҳам етиб келди...

Старшина хирқираб ва оҳишта сўз бошлаганда Лопахин сесканиб кетди:

— Ўртоқ жангчилар, болаларим, солдатлар! Биз лейтенанти-мизни кўмаяпмиз.. У ҳам Украиналик эди, фақат менга қўшни область, Днепропетровский областидан эди. Унинг, у ерда, Украинада, кекса онаси, хотини ва учта чувирчоқ болалари қолди, мен буни аниқ биламан... У яхши командир ва ажойиб ўртоқ эди, буни ўзинглар ҳам биласизлар, мен ҳозир бу ҳақда гапир-

моқчи эмасман ...мен, мана шу азиз қабр ёнида туриб шуни айтмоқчиманки...

Старшына сўз тополмай жим бўлиб қолди, кейин, ажойиб ва ички ҳаяжон блан тошиб турган, жананглаган овоз блан деди:

— Қаранглар, ўғилларим, ҳаммаёкни туман чулғаб олган! Кўраёписизларми? Украинада ва бошқа жойларда — немис асоратида қолган халқимизни худди мана шу тумандай қайғу, алам, ҳасрат чулғаб олди! Бу қайғу-аламдан, одамлар кечалари ухлаганларида ҳам аримайдилар, кундуз улар учун зулмат... Буни биз ҳеч қачон, ҳозир ҳам, ўртоғимизни кўмаётган вақтимизда ҳам, кейин ҳам, бир вақт келиб, гармон чалиб дам олаётганимизда ҳам унитмаслигимиз керак. Биз ҳечқачон унитмаймиз! Ўзимиз шарққа кетаяпмизу, кўзларимиз ғарбга қарар эди. Келинлар, сўнги немисни ўз тупроғимизда кўммагуниimizча, ўшаёққа қараганимиз қараган бўлсин! Биз, ўғилларим, чекиндик, лекин шердек олишдик, қаранглар, қанча киши қолдик — бир, икки ва ...Биз яхши одамларнинг юзларига қарашдан уялмаймиз. Уялмаймиз... Бу яхши, аммо онсон эмас! Ҳозирча биз бошимизни баланд кўтаралмаймиз. Ҳали вақти бор! Мен истайманки, ҳалок бўлган ўртоқ лейтенантнинг етимлари блан онаси ва хотинининг юзига қарашга уялмайлик ва, бир вақт келиб, кўришиб қолганимизда уларга чин юракдан: „Биз, ўғлингиз, эрингиз, отавгиз блан биргаликда бошлаган ишни тугатгани — сизларга азиз, қимматли бўлган лейтенант Дон саҳроларида нима учун қурбон бўлган бўлса ўша ишни тугатгани — немисни тугатгани кетаяпмиз!“ деяолайлик. Тўғри, бизни анча дабдала қилишди. Мен орангларда, ёш жиҳатидан ҳам, солдатлик жиҳатидан ҳам кекса одамман, — худога шукур, бу тўртинчи урушда қатнашим, — ва биламанки суяк бутун бўлса эт битиб кетади. Биз ҳам худди шундай! Полкимизга одамлар ҳам келар, яна ҳадемай, мана шу ёнган йўллар блан орқамизга, қуёш ботишига қараб йўл тутармиз. Гурсиллатиб қадамлар ташлаб йўл тутамиз... Шуқадар гурсиллатиб қадам ташлаймизки немис даҳшатга тушсин...

Старшына оғир, чолларга хос қилиб, бир оёғи блан чўккалади, лейтенант жасади устига энгашди ва шу қадар оҳиста гапирдики ҳаяжонланган Лопахин зўрға эшитди:

— Балким, сиз, ўртоқ лейтенант, бизнинг оёқ товушларимизни эшитиб қоларсиз.. Балки, сизнинг қабрингизга Украина шамоли етиб келар...

Жангчилардан иккитаси сакраб қабрга тушди ва лейтенантнинг қотиб қолган жасадини ниҳоятда авайлаб олишди. Старшына ўрнидан турмасданоқ қабрга бир сиқим кум тупроқ ташлади-да қўлини кўтарди.

Ҳадемай кўмиб булишди, барча милтиқлардан уч бордан ўқ узилиб салют берилди, шу он яқингинада турган гаубица батареяси ғазаб ва даҳшат блан гумбирлади.

Лопахин, шу вақтгача буқадар хафақон бўлмаган эди, унинг юраги туз сепкандай жизиллади, ўзини бироз холироқ жойга олиб қочиш ниятида ўрмонга кириб кетди ва бир бута остига

ётди. Унинг ёнидан Копитовский бошқа бир жангчи блан оҳистагина ўтиб кетди. Лопахин Копитовскийнинг антикиб, хур санд бўлиб, уларча ҳавас блан айткан сўзларини эштитиб қолди — ... янги дивизия, яқинда келган. Кўрдингми, йигитларни? Ана шиму, ана гимнастёрка, шинелини айтмай қўяқолай — янги, ҳали охори тўкилмаган! Худди куёвларга ўхшаб бирам ясанишкан. Ҳазимга қараб — ё алҳазар! — Худди ит талаган гадой-а! Ишто-нимнинг ўзи уч еридан узилиб тушган, ҳаммаёгим кўриниб юрибди, тикиб олгани ип ҳам йўқ. Гимнастёркам бўлса терлайвериб елка-сини шўр босиб кетган, угра-угра бўлиб тўзиб тушяпти, худди тўрға ўхшаб илма-тешик бўлиб кетган. Оёқ кийимим тўғрисида гапиришнинг ҳожати йўқ, чап этигим оғзини очиб қолган, оғзини очиб нима сўрайди билмайман ҳам, ё боғлаб олиш учун телефон сими ё бўлмаса болға блан мих... Овқатини айтсанг? Худди санаториялардаги дек! Дондан, бомба блан гангиб қолган балиқ-ларни тутишади; кўз олдимда қозонга бир сазан балиқни солиш-ди, кўрсанг оғзинг очилиб қолади! Худди курортда яшагандек яшашади. Шунақа бўлса ҳарким ҳам урушаверади. Кеча биз бўлган дўзахда бир бўлишгандами — бу куёв йигитлар ҳам анча та'зирини еб қолишарди!

Лопахин юмшоқ ерга тирсагини тираб ётаркан; энди полк қолдигини қайтадан тузиш учун мамлакат ичкарисига олиб кетса, ё бўлмаса, бирор қисмини тўлдириш учун қўшиб юборса эҳти-мол, наҳотки немис зўр бериб Волгага қараб интилаётган ва фронтда ҳарбир одам сувдай зарур бўлиб турган пайтда фронт блан анчагача хайрлашишга тўғри келса, — деб ўйлар эди. У, ўзининг елкасига халтасини осиб, ғамгин бир ҳолда мамла-кат ичкарисига қараб судралиб кетаётганини кўз олдига келтирди; кейин запасга тушган солдатнинг кичкинагина аллақан-дай шаҳарчада ўтадиган, ниҳоятда кишини диққинафас қилади-ган бема'ни ҳаёти, жазирама қуёшда қақраб кетган, шаҳар чети-даги майдонда ўтадиган машқ, ёғочдан қилинган-ҳазилакам танк-ларни мўлжаллаб отиш ва хизмат юзасидан, унга—урушнинг барча ўт-оловидан ўтган Петр Лопахинга—янги келган шолпон-қулоқ ёш жангчига қиладиган муомиласини унга ҳам қиладиган қандайдир бир лейтенантнинг жонга тегадиган насихатлари ха-ёлига келди... Лопахин ғазаб блан бошини силтади ва ўтирган жойида ҳурпайди. Йўқ, у бундай осойишта ҳаётни ёқтирмайди! Қандайдир аҳмоқона, ҳазилакам танкларга ўқ узгандан кўра, чи-накам, немис танкларига қарши откани афзал эмасми, шарққа кетгандан кўра, ғарбга томон борган яхши эмасми, жуда бўл-маса, янги ҳужум бошлангунча-шу ерда, — Донда тургани дуруст эмасми. Эски оғайнилардан биронтаси қолмаган қисмда уни нима ҳам ушлаб тураолади? Стрельцов бўлса йўқ, госпитальдан чиқ-қач у қаерга кетади номалум; фақат кечанинг ўзидаёқ Звягин-цев, ошпаз Лисиченко, Кочетигов, сержант Никифоров, Борзих-лар ҳалок бўлишди... Харьковдан то Донгача бўлган кенг саҳ-рода не-не жанговар дўстлар ҳалок бўлди! Улар душман оёқ-ости қилган жонажон еримизда ётишаркан ёвдан қасос олиш-

га чақиради, Лопахин бўлса, ёғоч танкларни отиш ва аллақачон уруш майдонида ўрганиб олган нарсасини ўрганиш учун мамлакат ичкарасига кетадими?!

Лопахин эпчиллик блан урнидан сапчиб турди, тиззасининг кўзидан тупроқни қоқди, старшина турган эски ер тўлага қараб жўнади.

«Харакатдаги қисмда қолдиришни сўрайман. Иш тамом, бу ердан ҳеч қасқа кетмайман!»—деб масалани ҳал қилди Лопахин ва ачитқоч ўтининг қалин шохларини ёриб ўтди.

У, йигирма қадам ҳам кетгани йўқ эдики, бирдан Стрельцовнинг таниш овозини эшитиб қолди. Ҳайрон бўлиб қолган Лопахин, ўзига ҳам ишонмай, шаҳдам бурилди-да кичкинагина бир ўтлоқдан чиқиб қолди ва унга орқасини қилиб турган Стрельцов блан яна бошқа учта қизил аскарни кўрди.

— Николай!—деб бақирди ўзини йўқотиб қўйган Лопахин.

Қизил аскарлар ҳайрат блан кутиб Лопахинга қарашди, аммо Стрельцов бўлса бурунгидай қайрилиб қарамасдан турар ва ниманидир қаттиқ-қаттиқ сўзлар эди.

— Николай! Қачон келдинг, жин ургур?!—деб кичқирди яна Лопахин, севинганидан унинг товуши жаранглаб кетди.

Уша ерда турган қизил аскарлардан бири Стрельцовнинг қўлидан ушлади, шундан сўнг Стрельцов бурилди. Шу он унинг юзиде илиқ, шодлик белгиси пайдо бўлди ва у шошганича Лопахинга қараб жўнади.

— Оббо, биродар эй, қачон келдинг?—яна бақирди Лопахин узоқдан.

Стрельцов жимгина жилмаяркан, узун қўлларини силтаб, катта-катта қадам ташлаб ўтлоқ блан кетди.

Улар, яқингина қазилган ўра ёнида учрашди ва қаттиқ қучоқлашиб кетишди. Лопахин, Стрельцовнинг қоп-қора, кулиб турган бахтли кўзларини кўраркан, ҳаяжонидан нафаси тикилиб туриб деди:

— Овозим борича бақирсам ҳам индамайсан, нима бўлди? Гапир, қаерда эдинг, хўш? Нега бу ерга келдинг?

Стрельцов юзларида қимир этмай қотиб турган жилмайиш блан Лопахиннинг пичирлаётган лабларига зўр диққат блан қараб турди, кейин бироз дудуқланиб ва сўзларни ҳаддан ортиқ чўзиброқ деди:

— Петька! Шу қадар хурсандманки—сен тушинмайсан бунга!... Мен, сизлардан бирон кишини учратишдан умид узиб қўйган эдим... Бу ерда шу қадар о-о дам, кўпки...

— Қачон келдинг? Сени медсанбатга юбормовдими?—деб сўради Лопахин.

— Бундай қарасам сан Лопахин! Қолганлар қани?

— Сен нима, бироз кар бўлиб қолдингми?—ҳайрон бўлиб сўради Лопахин.

— Мен сизларни кечадан бери истайман, ҳамма қисмларда бўлдим! Нариги томонга ўтмоқчи эдим, бир тўпчи-капитан:—ҳамма буёққа ўтаяпти—деди.—яна ҳам қаттиқроқ дудилиб деди қоп-қора кўзлари ялтиллаб Стрельцов.

Лопахин, дўстига нима бўлганини пайқамай, кулар, Стрельцовнинг елкасига қоқар эди.

— Эй, бродар, чиппа-чин кар бўлибсан дейман, худди эртакадагига ўхшайди бу, бир одам бир кар блан учрашиб қолиб: „Қалайсан қуда?“ — деса, — „Бозорга бордим“ — депти.— „Карми-сан, нима?“ — деса— „Хуроз олдим“— деган экан. Ростдан эшитмайсанми?— деди бақриб Лопахин.— Гапиришинг ҳам аллақандай, дудиласан... Шошма... Бу коятузиядан кейин булдими? Шунақа дегин!

Лопахин ўзидан жуда хафа бўлиб қип-қизариб кетди ва Стрельцовнинг анча ўзгарган, броқ ҳали ҳам уша илгаригидай кулиб турган юзига ачиниб тикилди. Стрельцов қалтираб турган қўлини Лопахиннинг елкасига қўйди, қаттиқ дудуқланаркан зўрға деди:

— Бирор ерга ўтирайлик, Петя. Уша воқиадан кейин, бомбадан сўнг, ҳеч нарсани эшитмай қолдим. Энди... кўраясанми, дудуқланаман... Сен бирсор қоғозга ёз мен жавоб бераман.

Стрельцов ўра ёнига ўтирди, кўкрак чўнтагидан эскириб кетган дафтарча блан қалам олди. Лопахин қаламни унинг қўлидан олди-да: „Тушиндим, медсанбатдан қочибсан-да?“—деб шошилиб ёзди. Стрельцов хатга кўз ташлагач деди:

— Нима десам бўлади, келавердим. Мен докторга, сал-пал тузалишим бланоқ кетаман, деб айтдим.

„Пишириб қўйибдими? Сен аҳмоқни, даволанишинг керак!“—деб ёзди Лопахин ва шуқадар ғазаб блан хитоб аломати қўйди-ки қаламнинг ҳам учи синиб кетди.

Стрельцов хатни ўқиди ва хайрат блан елкасини қисиб қўйди.

— Пишириб қўйибдими-я? Қулогимдан қон оқмай қўйди, кўнглим айниши йўқ бўлди десам бўлади, нега энди мен у ерда ивирсиб ётарканман?—У, Лопахиннинг қўлидан, оҳиста қаламни олди, пакки блан қалам учини чиқарди ва этагидаги қалам пайраҳаларини қоқиб ташлагач, деди:—У ерда қолгим келмади. Полк оғир аҳволда эди, сизлар оз қолдиларинг... қандай қилиб келмаслигим мумкин? Шундай қилиб келавердим. Уртоқлар блан ёнма-ён туриб кар ҳам жанг қилса бўлади-а, Петя, тўғрими?

Лопахиннинг қалбини одам учун бўлган ғурур, муҳаббат ва шодлик лим-лим тўлдирди. Унинг Стрельцовни қучоқлаб олгуси ва чўп-чўп ўпгуси келди, броқ шу он унинг томоғини алла қандай нарса ғиппа бўғди; у, ўз кўз ёшидан уялиб, юзини иккинчи томонга ўгирди ва шошганича чўнтагидан махорка халтасини олди.

Лопахин бошини қуйи солиб туриб папирос ўради ва энди тугатай деб турганда, қўлидаги папиросига, кўзидан бир томчи катта ёш оқиб тушди-да қоғоз ивиб, йиртилиб кетди...

Броқ Лопахин ўжар одам эди: кейин у, эски, четлари қорайиб кетган газетадан йиртиб олди ва жуда эҳтиётлик блан махоркани иккинчи қоғозга тўкди-да бир илож қилиб папиросини ўради.

МА'РУФ таржимаси.

Тамом.

МИРТЕМИР

АЧЧИ СОЙ

Боболарим юрти-бужур Қоратоғ,  
Олма тўқайларинг имлаши яхши.  
Хонқиз чўққилари нақадар бедоғ,  
Ҳар қарри чўпонинг бир улуг бахши...

Этакларинг яйлов, созлоқ ва пода,  
Қайдаки сув бўлса-қатор ўтовлар.  
Қалдирғоч уяси янглиғ кўринур  
Тошлоқ зиналарда баланд қишловлар.

Олқор сурулари дараларингда,  
Баҳор тошқинлари олиб қочар от.  
Адашган кўзига човт солар бургут,  
Осуда ҳаёт...

Сой ариллаб оқар, кўпорар ҳарсанг,  
Ҳарсанг чўп парчадай чарх урар ночор.  
Нақадар ўтовлар оқиб келади,  
Ўркач-ўркач тўлқин на зилзилакор!

Еттикул қаерда гар сен бўлмасанг,  
Жийдазор, пичанзор, новча қамишлар.  
Тўқайда қирговул, кўлда ўрдак, ғоз,  
Қобонлар кезади мисли гавмишлар.

Учиб кўнар, сайрар юз хил парранда,  
Ёлғизга дуч келар бўри ё қоплон.  
Бир-бири қонини ичар дарранда,  
Туяни чўкдирар йўлбарс ногаҳон.

Етим кўл, Қобон кўл, Кук кўл, Ойдин кўл,  
Наҳангга ем бўлур авайсиз тушган.

Қайықларда юздим болалигимда,  
Узоққа борма, деб бобом уришган...

Куз чоғи, эсимда, ўт кетар эди,  
Тунларда боқардим узоқдан ҳайрон.  
Олис қишлоқни ҳам дуд тутар эди,  
Қочарди қобонлар, қочарди жайрон.

Нега Аччисой дер, сени билмайман?  
Ахир, қатралари ҳаётбахш сувсан.  
Одамзод қонади, тупроқ қонади,  
Жонивор қонади... Эзгусан, бойсан.

Офтоб таптида қақраган палак  
Лойқа тўлқунингга ошиқ ёз кунни.  
Бир қонса, бас, пишар шакар қовунлар,  
Сендан бошланади ёзги саз кунни...

Сен бўлмасанг қуриб қолар Мингбулоқ,  
Сен бўлмасанг қайда Ўйиқ ва Музбел?  
Сен бўлмасанг қайда сулув Кўкқийё,  
Барига яшиллик берган лойқа сел...

Сен бўлмасанг қайдан Ёйиқ, Мойбалиқ?  
Лиммо-лим Еттиқўл нетарди сенсиз?  
Сен бўлмасанг қайда Ясси, Ёйилма,  
Яна қумлар босиб кетарди сенсиз...

Телба тўлқунларинг чўллардан ошиб,  
Кўлларни тўлдириб, Сирга шошилар.  
Тошганингда асло бўлмас ёнашиб,  
Ночор от чопишар мироббошилар.

Тўғонлар бузилур, бандлар бузилур.  
Лойқа босиб қолар кузлик буғдойлар.  
Денгиздай мавж урар тизза бўйи ўт,  
Маст бўлиб чопишар қулунлар, тойлар.

Табиат кийинар кўкламга хос тўн,  
Ялпизларнинг бирам анқийди ҳиди,  
Атлас тепалардан кўз узиб бўлмас,  
Қанот қоқар дилнинг мудроқ умиди.

Телба тўлқунингни тўсар кун келур...  
Мунча ҳам мағрурсан, шошмай тур ҳали.  
Она Сирдар'ёдай солинур жилов,  
Ўзинг қойил бўлиб, дерсан: ҳа, бали!

Ҳали бир қатранг ҳам бекор кетмагай,  
Ҳали тўлқунингга зор қишлоқлар бор.  
Тўлғонзрсан одам ихтиёрида,  
Ҳали зор, армонлик бўз тупроқлар бор.

Телба сой, сенга ҳам келади кезак,  
Мунчалар ҳовлиқиш, мунча бебошлик?  
Тошларни-тошларга урма мунча ҳам,  
Сенга одат бўлур ҳали ювошлик...

Оқарсан одамзод истаган ёққа...  
Йигит қўл солгуси ёри бўйнига,  
Ўйнаб-ўйнаб ҳали кирарсан ўзинг  
Ошиқ ва ташналаб тупроқ қўйнига.

Ва кўклам ёмгури симсилаганда,  
Бўз қирларга инсон экар кўчатлар;  
Боғлар, хиёбонлар пайдо бўлгуси,  
Явшанзор даштларда сабза кўкатлар.

Ҳазиналар тўкар сахий, қўр тупроқ,  
Яшил пахтазорда гавҳарлар унар.  
Узоқларни кўзлаб йўл солган йўлчи  
Танг қолар ва жаннат диёрда тунар.

Нега Аччисой дер сени ҳайронман?  
Ахир ҳар қатраси муборак сувсан.  
Майли, бугун кўпир, майли бугун тош...  
Эрта яна азиз, яна эзгусан!

\* \* \*

.....  
Тоғда қўрғошин бор, темир бор ва қор.  
Сен оқиб чиқасан конлар қа'ридан.  
Қўрғошин тоти бор қатраларингда,  
Тўтиё оласан тоғнинг бағридан.

Шунинг учун оқар тўлқунинг лойқа,  
Шунинг учун сувинг тами аччиқроқ.  
Боболар атаган сени Аччисой,  
Аслида ширинсан, тотлисан, брoқ.



Келди асрий муддат, ижодкор замон,  
Қоратоғ кўксига қўл солди одам.  
Яшрин хазиначар қулфини очди,  
Ўлка учун қора зар олди одам.

Одам бу ўлкада соҳиб фармон,  
Одам бу ўлкада соҳиб ихтиёр,  
Одам бу ўлканинг танидаги жон,  
Янги дунёларни қуручи девкор.

Одам бу ўлкада яратучи куч,  
Тап тортмас дўзохлар, тилсимотлардан.  
Манзилини топди қадим эртақлар,  
Ҳақиқат устундир учар отлардан.

\* \* \*

Ҳолий ва ёввойи Қоратоғ бағри,  
Бағрингда бетилсим талай кон кўрдим.  
Кўксини очмишдир қора ер қағри,  
Қора зар қазиган мард инсон кўрдим.

Қора зар қазиган инсон кўзида  
Вахти чароғини чароғон кўрдим.  
Устакор бўлибди чўпон болалар,  
Давронларга тенгсиз хўб даврон кўрдим.

Ильич чироқлари дараларингда,  
Подалар мағрашар, радио куйлар.  
Икки тоғ ораси шуқадар ёруғ,  
Ярқирар тун бўйи қатор, оқ уйлар.

\* \* \*

Сойларнинг телбаси, қайсар ва шўх сой,  
Қоратоғ онангдир, хазиначар қордир.  
Бағринг ҳали қулфлик тилсимларга бой,  
Қоратоғ, ҳали кўп сирларинг бордир.

Мунча ҳайқиргунча, телба тўлқунлар,  
Симларга қувват бер шалолалардан,  
Яна ҳам ёруғроқ бўлгуси тунлар,  
Шалолалар отган шароралардан.

Майли, бош бермайсан, йиллар уриндиқ...  
Майли, бугун кўпир, ўз майлингча оқ.  
Асов нор туядай уриб бурунлиқ.  
Ёввойи буқадай солгаймиз бошвоқ...

Чупон қушиғини тивглаган тоғим,  
Кўклам тошқинидан бадмаст, тентак сой.  
Яйлоғим, қишлоғим, навниҳол боғим,  
Қулочинғни кенг ёй, қулочинғни ёй!..

Боболарим юрти—бужур Қоратоғ,  
Олма туқайларинг имлаши создир.  
Ҳаёт оғушингда жўшқун, кўркам, соғ,  
Бахши хаёлидай баланд парвоздир...

1940

Қоратоғ.

МИРМУҲСИН  
УСТА ФИЁС\*

ПОЭМА

Уста Фиёс оғриб қолди...

Уста Фиёс оғриб қолди бирдан,  
Мана уч кун, ястукда боши.  
Пешонаси мисдек қизийди,  
Суяклари чақилиб оғрир,  
Совуб қолар чойи ва оши...

Чангалдаги қушдек қалб нотинч...  
Ётар, турар, безовталанар.  
Аллакимни кутаётгандек,  
Тиқ этса ҳам эшикка қарар.  
Дард зўр келар, Уста латтадек —  
Бушашарди, булса ҳам чайир,  
Гоҳо, иситмада алаксирар,  
Гулдирарди...  
Кимнидир койир.

— Не гап звенода? Хаҳ, нечун —  
Битта одам бермайди дарак?  
Яна ўз-узини босар:  
— Майли,  
Вақт ўтмасин, ишламоқ керак!

Мана, кун ёйилди. Айвон тўла —  
Навбахорнинг илиқ офтоби.  
Лекин ёмон бўлди, шундай чоқда —  
Айниб қолди Устанинг тоби.

\*Боши I-нчи сонда.

Бориб келар беланчак, гирч-гирч...  
Қулиб ётар оппоқ навара.  
Урук гули оро нур тушар,  
Нурни қувлаш блан овора.

Нур тойғониб қочар кафтидан,  
Гўдак кулар, қидирар уни,  
Юзларига тушар, у маҳкам —  
Ушламоқчи бўларди нурни...

Рўмолини бураб-бураб Уста,  
Манглайини танғиди маҳкам.  
Барибир ҳеч фойда бермас эди,  
Оғрир эди баттар яна ҳам.

Пешонаси мисдек қизийди,  
Мана, уч кун ястукда боши.  
Суяклари чақилиб оғрир,  
Совуб қолар кўк чойи, оши...

Келинини чақирди:  
— Қумри; ҳей!  
Буёққа кел, кирингни қил бас,

Бугун бориб бир далани кўрай,  
Не гап ўзи? кўрмасам бўлмас...

— Қўйинг ота!

— Йўқ бирон гап бор,  
Юрагим ҳеч тиячимаётир  
Хассамни бер, ҳа мени юбор,  
Тағин ҳайдалмаган бўлса ер!?...

— Ҳаммалари зовурда эмиш,  
Трактор ҳам қолибди тўхтаб.

— Ана халос, шунга ошиққанман,  
Тавба, ўзи, нима деган гап?

Бориб келар беланчак, гирч-гирч...  
Қулиб ётар оппоқ навара.  
Урук гули ора нур тушар,  
Нурни қувлаш блан овора.

Уста бориб ковушини кийди,  
Хассасига маҳкам тиралиб.  
Маст кишидек гандираклар эди,  
Кўзи тивиб, тиззаси толиб.

Кўрғон жимжит. Фақат икки товук —  
Титкиларди бурчакдаги гўнгни.  
Ташқарига чиқиб кетди Уста,  
Боши га'рар... тушими-ўнги?

Юриб кетди далага аста,  
Иситмада гангиб, довдираб.  
Яккачўпдан аранг ўтди Уста,  
Ушлаб қолар хассаси тираб.

Пешонаси мисдек қизийди,  
Писанд қилмас, дард-ла олишар.  
Маст кишидек эволюмасди ўзни,  
Оёқлари титрар, чалишар.

Қуёш қиздирарди далани  
Дала беҳад, кўринмас кети...  
Кўмкўк ўтлар бодраб чиқмишди.  
Кўмкўк эди ариқлар чети.

Иўл, четида бир туп шофтоли,  
Нимранг, пушти бўлиб гуллапти.

Уста ҳамон олға тамон борар,  
Борган сари ошарди тапти.

Кўзи қамашарди.  
Юра-юра —  
Оёғидан кетти дармони.  
Босиб-янчиб ташламоқчи бўлар.  
Дард чирмашар, ачирди жони.

Кўзи борган сари тинарди,  
Чораси йўқ. Лекин буни билди.  
Звенога етолмади, йўлда —  
Кўзи тиниб гуппа йиқилди...

Хув, катта ер ўртасида якка  
Оппоқ бўлиб гуллапти урук.  
Қуёш қизитар, шудгор четида,  
Уста ётар мисоли ўлук...

Бироздан сўнг, уни кўриб қолди,  
Жадал кетаётган табельчи.  
Яқин келди юриб,  
Қути ўчди кўриб,  
Теласида тўхтади пичи.  
Қўрқа-пуса томир ушлади.  
Назарида, „тўхтамиш таққа...“.

Ваҳма босди, бирдан бақирди:  
„Ап-пон-а-ма-ке!...  
Келинлар баққа!“

Аппон ака эшитиб, дарҳол —  
Алпон-талпон чиқди зовурдан.  
Манглайига қўлни қўйиб кўрди,  
Шудгор оша югурди бирдан.

Зовурдаги бутун бригада,  
Ишни ташлаб югурди шу дам.  
Чумолидек, шу чоқ Устанинг —  
Атрофини ўради одам.

— Сув томизиш керак! Сув, ҳа сув!  
— Мамарасул, югур булоққа!  
— Тиззага ол бошни, ҳай, Зеби!  
— Чақиринглар Равсни баққа...

Тупугини ғар-ғара қилиб,  
Гап бошлади яна Аппон чол;  
Қўли пахса,

Кўкраги очиқ,  
Жуда ранги ўчган, халлослар...

„...Кеча-кундуз халовати йўқ,  
Қолхозим деб ўлар... Уста тушкур.  
Ҳаммамиз ҳам шундоқ бўлганда —  
Ошиқ олчи... Қолмасди мушкул,  
. . . . .“

## И ч к у ё в

### I

Қаердандир бу гапни билиб,  
Сочи тикка бўлди Устанинг.  
„Ҳа, бир оғиз наҳот айтишмаса  
Кўра туриб қайнар-кан қонинг...“

Иложи йўқ, бари тахт, ҳатто —  
Битган эмиш „олуқ-солуғи“.  
Ҳой, шошманглар!  
Ҳали измимдан —  
Чиқармикан унинг қаллуғи!  
Иложи йўқ кўпдан иккавининг,  
Кўнгли биру, тили бир эмиш...

Зеби ҳеч вақт бундай қилмайди,  
Ба'ри ёлгон! Ҳаммаси миш-миш.

Раис бўлса раис... ва лекин —  
Звеноннинг изми ўзимда.  
Еғиштириб қўяман, агар —  
Куч қолмаган бўлса сўзимда!..

Ишдан кейин даладан тўғри,  
Уста кетди раисникига.  
Йўл-йўлакай ўйларди шунни,  
Кетар эди чуқир фикрга.

. . . . .

## II

Нафасини ростлаб, гап бошлади —  
Пиёладан бир қўлтум ҳўплаб.

### Уста Ғиёс

Олдингизга арз блан келдим,  
Ўзингиздан йўқдир қолар гап...  
Энди бундоқ ўйлаб қаранг Раис,  
Звенода ишонганим шу.  
Бошқалари бундоқ эмас ахир,  
Яхши бўлмас чиқиб кетса у,

Иложи йўқ. Бари тахт, ҳатто —  
Битган амиш олуғ-солуғи.  
Инсоф керак, шуники фақат,  
Звенонда ишнинг бўлуғи.

Барибир мен рози бўлолмайман,  
Иложи йўқ, йўқ сра чора.  
Шундай бўлса яна пастлашади —  
Звенониз, айтинг нечора?

Хўш, ўзингиз қандай қилиб ахир,  
Ўнадингиз бу тахлит сўзга.  
Битта одам, майлими Раис,  
Чиқиб кетса бошқа колхозга?

### Раис

Чораси йўқ, аввал тушининг,  
Инсон ахир ўтмайди-ку тоқ  
„Тили битта“ экан,  
Зебингиз —  
Кўнгил берган экан, қисталоқ...

Иложи йўқ! Одам кетади деб —  
Қизимизни эрга бермаймизми?  
Яна, Уста, ўзингиз биласиз,  
Ўзингизда Зебининг изми.

Уруш битди, музаффарият,  
Тўйлар бўлсин, Уста, бу қутлуғ...  
Куёв бўлса ваянайдан келган,  
Бир томони келинга уруғ.

Звенога кёлсак, яхши ишлашсин.  
Бошқалар ҳам бўлсин зарбдор.  
Бир-бирини чоғлашган экан,  
Рози бўлмай не иложим бор?

Уруш битди, тўқинчилик буёғи,  
Ҳа, колхозчи эмасмизми биз.  
Ҳа, денг Уста, чеккан заҳматларни —  
Қўрмагандек бўлиб кетамиз...

#### Уста Фиёс

Шошманг Раис,  
Бир фикр келди.  
Муаммони ечса бу зора.  
Йигит ўзи қаттиқ севадимми?  
Қаттиқ севса бордир бир чора.

Иккита жон,  
Ўғил, кампир экан,  
Кўчиб келсин, эмасмизку ёв!  
Иссиқ бағримизни очайлик,  
Қизимизга бўлсин ичкуёв...

Ёв эмасмиз, барча колхоз бир!  
Кўчиб келсин, бўлсин у ҳамдам.  
Битта киши бизда ҳал қилади,  
У, колхозда етарлик одам.  
Кўчиб келсин бизнинг колхозга,  
Ишимизга бўлсин у ҳамдам.  
Ундан аямаймиз қизимизни,  
Унга уйимизнинг тўрин ҳам...

Мана Раис, бунга нима дейсиз?  
Мана шудир энг яхши чора.  
Йигит қаттиқ севса келади.  
Битта одам қўшилса зора...



Раис кулди, чойдан ҳўплаб туриб —  
Чаккасини қашлади андак.  
— Ма'қул, Уста, бўбти унадим,  
Сиз айтгандай берамиз дарак...

### III

Урушдан сўнг, пишиқчилик ойи,  
Колхоз биринчи бор тўй қурди.  
Қизлар қўшиқ айтди. Соли-пучуқ —  
Чилдирмани „гиж-банга“ урди...

Куёв қаттиқ севаркан, бирга —  
Тил бириктиб юрганлари ҳақ!  
Куёв танти чиқди. Иш деган —  
Асли ўзи бўлади бундоқ...

Кўчаларга сув сепилган, салқин,  
Сўриларга солинганди жой,  
Шоҳсупада Уста Ғиёс ҳадеб,  
Босиб-босиб ичар эди чой.

„Куёв томон шартга унаганмиш...“  
Йигит чиқди ниҳоят танти.  
Тенгсиз жангдан қайтган баҳодирнинг,  
Хуш, дилнавоз тўйи бошланди...

Қанот ёзди далада „Ушшоқ“  
Базм ҳатто тонгга уланди.  
Қўрғондаги гулхонга яна,  
Учта катта тўнка қаланди...

Тенгсиз жангдан қайтган баҳодирнинг,  
Хуш, дилнавоз тўйи бошланди.

### Уста Ғиёс ва мухбир

#### У с т а Ғ и ё с

Қирқ центнер деб лоф урмайман,  
Кимга керак бундай қуруқ ва'да.  
Ўнсақкизта бераман гектаридан,  
Қўл қўйганман шундай деб, ҳада...

Турсувойнинг колхозини кўринг,  
Отасига раҳмат шу қизни.  
Ҳали бизда ёзадиган гап йўқ,  
Ҳали ишларимиз кўп бизнинг.

Лекин, бу атрофда пачақ ер йўқ,  
Колхозимиз ери тилла ер.

Кафтдек текис,  
Булуқ,  
Ва серсув...  
Қайси деҳқон ерни ёмон дер?

Ҳамма нарса ишлашда қолган,  
Рост ишласанг тўқай бўлар боғ...  
Ҳамроқулнинг колхозига бордим,  
Колхоз деган бўлибди бундоғ.

Бизнинг колхоз янги,  
Бу ерларда,  
Одам юрса қўрқарди, броқ —  
Кучиб келиб қўруқни очдик,  
Ишлай-ишлай ер қилдик, чироқ...

Одам юрса қўрқарди бунда,  
Не-не машаққатларни кўрдик.  
Лекин, райком хўб оталик қилди,  
Қўруқ очдик... Иморат қурдик.

Чиябури кўз очирмади,  
Кўп нест-нобуд қилди, талади.  
Ҳатто олиб қочди гўдакни,  
Ҳатто қозонгача ялади.

Ўша йили иморат солдим,  
Уста эдик; Аппон блан ман.  
Анов мактаб, уй, молхонани,  
Барин ука, ўзим қурганман.

Зайли келди, темирчилик қилдим,  
Биздан эди темирчи йироқ.  
Дўкон очдим, битта шогирд олиб,  
Ясайбердим кетмону-ўроқ.

Асли ўзим деҳқон боласиман,  
Пахта экиб кўтарганман қад.  
Уста бўлдим, темирчилик қилдим...  
Қаттиқ кунда қайишдим фақат.

Шу паллага етдик, одамимиз,  
Заҳмат чекди, елди-югурди.  
Колхоз худди йўртмачоқ боладек —  
Неча қулаб, неча бор турди.

Қўшни колхозлардан миннатдормиз,  
Оғир кунда бўлди мададкор.

Лашкар булмас, бехатар дегандек,  
Бу кунга ҳам етмаганлар бор...

Энди ука, ҳали колхозимиз,  
Ўйлаганингиздек эмас сизнинг  
Ҳали бизда ёзадиган гап йўқ,  
Ҳали ишларимиз кўп бизнинг...

\* \* \*

Пахтазорда тонги шамол ўйнар,  
Ер четида гувуллайди сой.  
Ғўза ичра қизлар қўшиқ куйлар,  
Танга каби оқармишди ой.

Ғўза ичра қизлар қўшиқ куйлар,  
Бийрон-бийрон айтади Ёқут.  
Ана, Хушрўйбиби бошида,  
Қурти учун олиб келар тут.

Томакидек қалин ғўза барги,  
Кўмкўк,

Текис,  
Бўла ҳарбири,  
Пахтазорга бошлаб кирди Уста,  
Савол берар қишлоқ мухбири:

М у х б и р

Ёмон эмас ғўзангиз, қаранг —  
Кўсагани қийиндир сананг?

У с т а Ғ и ё с

Ҳа йигитча, шунинг учун ҳамки,  
Аталади бу „Нав'и Конаш“.  
Агар шундай нав' бўлмаганда,  
Ўн саккиз, деб қўймас эдим қўл.  
Кўп қўл келди шу янги пахта,  
Ҳосилни ҳам беради мўл-мўл...

М у х б и р

Хув... йигит ҳам сизданми ота?

У с т а Ғ и ё с

Эш „аймоқи“ деганимиз шу.  
Бор бўлгур, зап азамат, бардам.

Юриши шу, иссиқ саратонда,  
Аямажиз ачитганда ҳам.

Хўп азамат, барака топкур,  
Шулар менга қанот, дўст-ёр.  
Якка отнинг чанги чиқса ҳам,  
Донғи чиқмас, деган мақол бор...

Наригиси Зеби,  
Терим пайти —  
Фарғонада бўлмайди тенги.  
Хув анави, Мамарасул — чўтир,  
У, колхозга киргандир янги...

Йўқ, чироғим, ҳали бизни ёзманг,  
Келган эмас ҳали ёзар чоғ.  
Турсунойнинг колхозини кўринг,  
Колхоз деган бўлибди бундоқ.

Биздан кўра пешқадамлар бор,  
Қанча ёзса арзийди, ука.  
Ҳали эрта, улар шундай туриб,  
Бизни ёзиш газетга нега?

Бу гал ёзманг, ҳали ишимиз —  
Қониқтирган эмас ўзимизни.  
Ҳали бизда ёзадиган иш йўқ  
Ҳали ишларимиз кўп бизнинг...

### Уста Гиёснинг орзуси

Станция томон борарди,  
Қишлоқ аёлларин бир тўпи.  
Қошларида ўсма, бошларида —  
Ғижим рўмол, дурра, зардўппи...

Кўча чангир..  
Жиндак орқада  
Семиз Ойшахола келарди.  
Нафаси тиқилиб халлослар,  
— Тезроқ юринг! Жувон чақирар.  
Ойшахола бўлса куларди...

Хув, олдинда қўқонарава,  
Аравада икки чемодан.  
Ойшахола роса ясанганди,  
Ясанганди ортиқ ҳаммадан.

Енги блан артар даҳанини,  
Ёш боладек пишиллер, терлар...

Ҳаво иссиқ, кун тиға келган,  
Хумдон каби қйзимиш ерлар.

Кун жуда дим. Чанг кутарилар —  
Оёқлардан, от тақасидан.  
Тер оқарди Ойша холанинг —  
Манглайдан, бақбақасидан.

Хотин-халач тинмай чувулар...  
Кампир ташлар оғзига носдан.  
Оёғида амиркон махси,  
Мурсак кийган у қораласдан.  
Орқасида бухори чўлпи,  
Бошга солмиш оқ дока рўмол...  
Дала бўлса қизир тандир каби,  
Сезилмасди фир этган шамол.

Йўл четида, ғўза ичидан,  
Уста Фиёс туриб сўради:  
— Омонмисиз... йўл бўлсин янга?  
Носни ташлаб кампир қаради;  
— Масков кетаяпман, Меҳмонга...

„Ҳа-ҳа — деди ичида Уста,  
Омад кебти қандингни ур, ача!  
Навбат келар бизга ҳам. Ишни —  
Эпақага солайлик пича...“

Уста Фиёс

Дам олинглар, чой қилиб берай?

Кампир

Бо-о-о, ош қилиб тўхтатолмайсиз!

Уста Фиёс

Қисталон денг ишимиз, ҳай-ҳай...

Кампир

Шундоқ... Қани, юринглар тез-тез!

Қишлоқ аёллари боришарди,  
Ўзига йўқ шод;  
Шодликлари зўр.

Ёш бир жувон қушиқ айтарди,  
Бошқалари бўлар унга жўр.

\* \* \*

Ипак рўмол бошимда ҳилпиллайди,  
Ҳукуматга берганим оқ тиллайди,  
Кийиб олдим адрас кўйлак, гарч этик...  
Кўкрагимда орденим ялтиллайди.

Олтмиш қизнинг ичинда отим Анор,  
Пахтани топширганман қанор-қанор...  
Севган ёрим қўлига қилич бердим,  
У, айлади эл ёвин майдонда хор.

Дар'ёнинг ўртасида сузар қайиқ,  
Колхозингда қиз борми бизга лойиқ?  
Колхозингда қиз бўлса бизга лойиқ —  
Бас бойлашай, кўрсин бизни халойиқ.

Куйлангиз жоним қизлар, чевар қизлар,  
Колхознинг сулувлари фақат сизлар,  
Колхознинг сулувлари бўлсак бизлар —  
Бу юзлар қизармасин, пари юзлар...

Ипак рўмол бошимда ҳилпиллайди,  
Ҳукуматга берганим оқ тиллайди,  
Кийиб олдим адрас кўйлак, амиркон...  
Кўкрагимда орденим ялтиллайди.

\* \* \*

Ўтиб кетди дала йўлидан,  
Бир тўп аёл станция томон.  
То қораси йўқолганича,  
Уста қарар, қарарди ҳамон...

Москва сафарин уйлаган йили,  
Режасини бузганди уруш.  
Москва ҳақида узоқ уйлайди,  
Москва ҳақида гоҳо кўрар туш...

Ўғиллари қайтишди жангдан.  
Қуриқлашиб азиз Ватанни.  
Қариялар қўлидан олди —  
Избосканча азим кетманни.

Оёғида ағдарма этик,  
Оқ яктаги деҳқонларга хос,

Эсни танибдики жўякда,  
Пахтакорлик отадан мерос.

Ғўзалари боласи. Қалби —  
Даладек кенг, пахтадек тоза.  
Ман-ман деган деҳқонлар унинг,  
Режасидан олар андоза.

. . . . .

Лекин, афсус, то ҳалигача —  
Москвани кўрмагандир у.  
Москвани, Улуғ Ленинни,  
Бир кўришни қилади орзу.

Қанча-қанча расмлар курган..  
Одамлардан эшитган бу чол.  
Туғри, расмларга қараб туриб,  
Кремльни танийди дарҳол.

Москвани кўрмапти ҳануз...  
Москва сафарин уйлар ҳар куни.  
Аммо, Москва уни эшитган,  
Яхши билар Москва уни...

## С а р а т о н

### I

Кўклам ёмғурида бодраб чиққан —  
Кўмкўк, барра ўтлар қовжирамиш...

Лекин, денгиз каби мавж урар,  
Кенг ва беҳад ғўза — пахталар...  
Пода аста силжир тоғ томон,  
Адрлардан хўрак ахтарар.  
Саратон бу...

Новда-ниҳолларни,  
Қовжиратмоқ булар жазира.  
Аммо, пиширади пахтамизни,  
Мевамизга беради шира.

Қуёш найза бўйига келмиш,  
Дала ёнар мисоли хумдон.  
Хансирайди, терлар, бўшашар —  
Даладаги тирик ҳарбир жов.

Узун йўлда тупроқлар билқ-билқ..  
Қўрдек жазза олар оёқни.  
Жазаваси тутиб, кўкда қуёш —  
Ёндирмоқчи еру-гиёҳни.

Шаббода йўқ, ғир этган. Гуё —  
Дала эрир қўрғошиндек жим.  
Тек туради ғўза, қатор тутлар,  
Беҳад дала ҳаммом каби дим.

Ана, томорқада бир тўп товук,  
Хансирашар, томоғи лиқ-лиқ.  
Зовурларда бақа қуруллар,  
Сувлар илиқ.  
Ҳовуз, кўлмакларда —  
Бижир-бижир ўйнар итбалиқ.

Ёнғоқ соясида ёнбошлаб ётар.  
Аппон чолнинг кўппағи, ана!  
Халлослайди, тили бир қарич...  
Жаҳл блан жуиларини тишлар,  
Талар эди итпашша, кана...

Уста ғўза чилпир терга ботиб,  
Ёпишганди этга яктаги.  
Оғзи қурур, томоғи қақрар,  
Қани бўлса сувнинг яхтаги...

Бошида оқ қалпоқ, қуёшнинг,  
Тиғасида қийналарди жон.  
Уста қақрар, қани шундай чоқда -  
Бўлса экан бир коса айрон.  
Қуёш найза бўйига келмиш,  
Дала ёнар мисоли хумдон.  
Хансирайди, терлар, бўшашар,  
Даладаги тирик ҳарбир жон.

Ҳу, марзада Раис кўринди...  
Юриб кедли жўяк оралаб —

Раис

Ҳорманг Уста Ғиёс,

Уста Ғиёс

Бор бўлинг...

Кейин аста бошлади у гап:

Раис

Уста дейман, пахта йигирмага —  
Бориб қолса керак қоралаб?



## Уста Фиёс

Борар...  
Лекин, бир-иккита кўрдим,  
Тарқалмаса бўлгани қана.  
Барақасин берсачи Йўлчивой,  
Бу йил ҳосил бўлмас чакана.

### Раис

Раҳмат Уста, сизлар борсиз —  
Колхоз яшар, ўсар, улғаяр.  
Сизлар менинг учар қанотимсиз,  
Сизлар блан яшнар пахтазор.

Беш-ўн тупни чилпиб кўрди;  
Раис олиб Уста қайчисини.

## Уста Фиёс

Хўш, Йўлчивой!  
Қайси тупи ёмон,

Ёмон дейсиз қани, қайчисини?  
Раис кетди жуяк оралаб,  
Денгиз каби кўмкўк пахтазор.  
Бироз юргач, орқасига боқди.

### Раис

Ҳа, айтгандек кечга мажлис бор.

## II

Қош қорайгач барча йиғилди;  
Мактаб, ферма, ҳамма хонадон...  
Отбоқар ҳам келди,  
Омборчи ҳам келди,  
Темирчилар устахонадан.  
Толга осиг қирқинчи лампа,  
Идорада барча эди жам'.  
Келган эди Эшмат — тракторчи,  
Келган эди Аппон ака ҳам...

Колхоз майдончаси лиқ тўлди,  
Барча бригада эди жам.  
Президиумга кўрсатилди Раис,  
Умрихола, Уста Фиёс ҳам.

Колхоз қишлоғини кўтариб,  
Гуруллади қарсақлар бирдан.  
Звеновод Уста Гиёс ҳеч,  
Олмас эди кўзини ердан.

Елка ташлаб юриб борди. Гўё —  
Чиқиб борди осмонга пастдан.  
У, курсига ўннашиб ўтирди,  
Тил тагига ташлади носдан.

— Ҳой, ўртоқлар! деди Раис.  
Ғовур-ғувур сўзлар,  
Сув қуйгандек босилди бирдан.  
— Мажлис бошламасдан олдинроқ,  
Бир хушхабар айтиб қўяй ман.

Мана, Уста Гиёс... Бундан буёқ-  
Колхозимизга „ҳосилот“, ҳа-да.  
Ҳаммамизга Уста Гиёс равшан,  
Райкомга ҳам ма'қул бу жуда.

Чапак кўтарилди, гуруллади,  
Уста қарар, кўзи қамашар.

Мундоғ разм солса, тўрга чиқса,  
Устага ҳам стол ярашар!

Газетани ўқий кетди котиб...  
Гоҳ тутилиб қоларди пича.  
Уста тинглар, эндиги катта-  
Ишларига тузарди режа.

Ховуз четидаги толнинг худди —  
Тепасида турар эди ой.  
Вовуллайди қишлоқ итлари,  
Гувуллайди тегирмон ва сой...  
Сутдек ойдин эди пахтазор,  
Барглар блан ўйнашар шамол...  
Бир чаккада Кимсан-хола ҳам,  
Ўтирарди, юзида рўмол...

Колхоз саркотиби ўқиб бўлгач,  
Раис турди  
— Кимда бор савол?  
Орқароқда мизғиб қолган экан —  
Бирдан чўчиб тушди Аппон чол...

Раис

Хўш, ҳосилот, қани, бирнима денг,  
Қани бошланг, Уста, сизга сўзи!

Ҳали, камчиликдан албатта,  
Ҳоли эмас бизнинг ҳам колхоз.

Уста Фиёс ўрнидан турди,  
Одамларга бир ташлади кўз.  
Оғзидаги носни тупурди;

#### Уста Фиёс

Айтсам — айтай икки оғиз сўз...  
Раз, „ҳосилот“ бўлсам, мана энди —  
Колхозчига текис қарайман...  
Ҳа, ўзим ҳам колхозчидан чиқдим,  
Оғир кунларига ярайман.  
Мана, одамимиз ҳам етарлик,  
От-уловга қоламиз ёлчиб.  
Бундан буёқ ишлар чакки бўлмас,  
Колхозчининг ошиғи олчи!.

Саркотибнинг ўқигани, ҳақ гап!  
Ҳукумат заб колхозчипарвар.  
Колхозимиз — ўз мулкимиздир,  
Аччиқ-чучуги ҳам баробар.

Аммо,  
Ўзингиздан яширар гап йўқ,  
Токай уйимизда жинчироқ.  
Турсунойнинг колхозини кўрдим,  
Колхоз деган бўлипти мундоғ.

Отасига раҳмат,  
Қуриб олди —  
Боплаб электростанция.  
Ҳа,  
Бизларчи, ўлгудай ношудмиз,  
Етар, уят бўлади... Ия?..

Турсунойнинг колхозига келиб,  
Уч газ пастдан оқиб ўтар сой.  
Бизлардачи,  
Баланд, нақ шаршарак...  
Меҳнатидан қочма дўстлар, ҳой!  
Электростанция қурамыз!  
Бунга чоғимиз ҳам келади.  
Токай Турсунойга югурамыз,  
Нонимизни чайнаб беради...  
Токай қидирамыз тегирмон,  
Уйимизда хира жинчироғ.  
Турсунойнинг колхозини кўринг,  
Колхоз деган бўлипти мундоғ.

Гап бир!  
Қийналсак ҳам қураминэ!  
Жимиб қолсак иш яна ёмон.  
Саркотибнинг ўқиганлари, ҳақ гап!  
Шунинг блан сўзим ҳам тамом...

### Хотима ўрнида

Ойлар ўтиб кетди турна қатор...  
Неча мавсум ўтди чаманда.  
Неча топқир баҳор келди. Мана —  
Достоним ҳам битди чамамда..

Бу деганмас, машҳур Уста Фиёс,  
Ҳамда гўзал Фарғона нақли.  
Думбирамнинг пардалари содда,  
Қониқмаса дўстларим ҳақли...

Фарғонага отландим яна,  
Кўз олдимда гавдаланди у.  
Лекин,  
Кўриб қолдим қурултойда,  
Шундай бўлди бизнинг учрашув:

Ҳашаматли залга одам тўла,  
Машҳур пахтакорлар эди жам'.  
Президиумда; раҳбарлар, илғорлар...  
Тешавой ака, Тожихонлар ҳам,

Елка ташлаб,  
Битта-битта босиб,  
Уста минбар томонга юрди.  
Оғзидаги носни ташлаш учун,  
Жой қидирди, ночор тупурди...  
Президиум роса безатилган,  
Зал ёп-ёруғ, худди кундузи.  
Мўйлавини силаб бош кўтарди...  
Устадайди ҳамманинг кўзи.  
У, йўталди...  
Президиумга боқди...  
Кейин чаккасини қашлади.  
Андак сукутдан сўнг Уста Фиёс,  
Сўзни мана шундай бошлади:

### Уста Фиёс

Тешавойдек нотиқ эмасман.  
Қани, топиб-топиб гапирсам...  
Локин,  
Курултойда айтилган гап—гапдир!

Ярашмайди қуруқ кўпирсам..  
Шу паллага етдик меҳнат блан,  
Ҳукумат ҳам бошни силади.  
Қийналмадик демайман, мана —  
Уртоқ Юсупов ҳам билади.  
Юзцентнер! деб лоф урмайман,  
Кимга керак бундай қуруқ ва'да.  
Қирқцентнер бераман гектаридан,  
Сўз бераман шундай деб, ҳа-да..

.....  
Ҳашаматли залга одам тўла,  
Зал ёп-ёруғ, худди кундузи.  
Уста сўзлар эди жиндак энтикиб,  
Устадайди ҳамманинг кўзи..

\* \* \*

Чатқолдаги олмоссумон қор.  
Чўққиларда ўйнаган шунқор.  
Хандон писта, ёнғоқзор тоғлар,  
Тизза бўйи кўмкўк ўтлоқлар,  
Тоғдан оқиб тушган шалола,  
Адирдаги қип-қизил лола,  
Танти эрлар, меҳнатсеварлар,  
Қариялар, сулув чеварлар,  
Денгиз каби беҳад пахтазор,  
Водийдаги яна неки бор,  
Бари, бари, бари бусбутун.  
Юрагимни этганди мафтун.

\* \* \*

Бу деганмас, машҳур Уста Фиёс,  
Ҳамда гўзал Фарғона нақли.  
Дўмбирамнинг пардалари содда,  
Қоникмаса дўстларим ҳақли..

Тошкент, 1946 йил.

Улуф Октябрь Социалистик Революция-  
сининг XXX йиллигыга багышлайман.

ПАРДА ТУРСУН

## ҲАҚ ЙЎЛ

ПОВЕСТЬ

I

Бетиним элаб турган ёмғирнинг томчилари чанг зарралари-  
дек кўзга илинмас, лекин лойи кўпириб ётган йўлда от тақалари,  
мол туёқларидан ҳосил бўлган чуқурчаларни лиммо-лим тўлдир-  
ган сариқ зардобларнинг бети жимираб, ёни-беридан тошиб  
ётарди. Йўлнинг икки томонидаги чарвоқларнинг қинғир-қийшиқ,  
тош аралаш гувала деворлари явиган ва уларнинг туя ўркачига  
ўхшаш кемшик ерлари ҳатто уваланиб тушмоқда. Икки-уч юз  
қадам наридаги якка-ёлғиз дарахтлар ва пастқам уйларнинг қа-  
миш ва ёғоч бўғотлари нам туман ичида оқшом маҳалдаги кў-  
ланкадай баҳайбат кўринадилар.

Табиий, дала иши тўхтаган — бекорчиликдан зерикиб энсаси  
қотган ёш-ялангларнинг ҳаммаси, Қамиш Капани қоқ иккига  
бўлиб бир томони шаҳарга, бир томони тоққа қараб кетган кат-  
та бозор йўлидаги „гузар“га чиқишган. Ўлар дўкон айвонлари-  
даги устунларга суяниб, дам-бадам эснашиб, шундай ёмғирли  
кунларда айниқса авж оладиган қишлоқ марказининг келди-кет-  
тиси, савдо-сотигини тамоша қилишади. Нима тамоша? Ана,  
бирдан-бир кооперативга паранжи ва камзул ёпинган аёллар ҳеч  
узилмай қатнаб, у ердан галош, чит, совун, чой каби нарсалар  
олиб чиқмоқда. Кўчанинг у юзида айиқдек йўғон бир қассоб янги  
сўйилган қўйнинг терисини зўр бериб шилмоқда. Эски бир кўк  
дарвоза йўлагидея ўнтача бола ошиқ ўйнашади. Кўчанинг нариги  
бошидаги муйилишда, бутун бир юртнинг энг баланд ва энг қа-  
лин деворлик иморати, мачит кўринади. Унинг баланд ва эски  
устунларининг сирн тулаб тушган айвонида бужмайиб уч-тўртта  
номозхон ўтирибди...

Пешинга яқин шаҳар йўлида биров кўринди. Бекорчиларга  
бу ҳам бир эрмак бўлди. Ҳамма кооперативдан ҳам, қассобдан

ҳам юз ўгириб келучига қаради. У, буёқларда ҳали расм бўлма-са ҳам „янги форма“ деб танилиб кетган усти-бошдаги янги бир бегона одам эди. Табиат, йўлга бевақт чиқиб қўйган бу йўлчини сувга пишилган товукдек жабрлаган: унинг калошлик ботинка-сининг қўнжидан тортиб шимининг почасигача лой, қора шапка-сидан ва пальтосининг этагидан мунчоқ-мунчоқ сув томчиламоқ-да... Йўл азоби, бунинг устига, ёмғир эмиб зил бўлиб кетган пальтосининг оғирлигиданми, ёки шундай хунук бир ҳолда та-мом нотаниш одамлар орасига келаётганидан хижолат чекибми, нима бўлса ҳам унинг қотма, чуваккина юзлари, бурун ва қу-лоқлари қизарган, кенг пешонасига майда терлар чиққан эди. У лойга ботиб, тойиб кетмаслик учун одимларини авайлаб босар ва ора-сра „қандай жойларга, қандай одамлар орасига келаётибман“ дегандай ёни-верига кўз қирини ташлаб қўяр эди.

Бу ёш йигит совет билим юртларининг қишлоққа биринчи учирган қолдирғочларидан Холмурад Дўсматов деган эди.

Холмурад қишлоққа кириб келаберар экан ва туман ичига зил чўккан ўркач-ўркач пастак деволлар, очиқ ва ёпиқ ғарибона эшиклар, ора-сра бадавлат кишиларга хос баланд дарвозалар унинг кўзидан ўтар экан, бу жойларни, қачондир ё тушида, ё ўн-гида кўргандай хаёл қилди. Йўқ, бу жойларчи тушида ҳам, ўн-гида ҳам кўрмаган эдию, лекин у ҳам худди шундай қишлоқда туғилган ва кўз очиб шундай ўркач деволлар, пастқам эшиклар-ни кўрган эди. Броқ у бундай қишлоқдан кетганда олти ёшар эди: ота, уй-жойни катта дарвозалик қўшни бойга сотди ва улар, бой одамлари том ёғочларини ўтинга бузиб олабошлаганда бутун бир оила қишлоқдан чиқиб кетдилар. Улар ўз қадрдон жойларини ташлаб кетар эканлар Холмурад гўдаклик ваҳимаси блан аланглаб бузилаётган уйларга дам-бадам қарар, онаси эса секингина йиглар эди.

Ундан кейин нима бўлди? Ундан кейин отаси уларни боқиш учун шаҳарга олиб кетди. Орадан кўп ўтмай ота шу ерда ва-фот этди. Она-бола етаклашиб, уйма-уй тиланчилик қилдилар. Бир гал она қидириб кирганлари ҳовлининг хўжаси олдида тиз чўкиб ялинди:

— „Бола-чақангизнинг ризқини берсин, давлатингиз зиёда бўл-син. Менинг эрта-индинлигим қолди... Мана шу етимни савобга боқиб олинг...“

— Ма'қул, ташлаб кет...— деди бой.

Она уни „бойга хизмат қил!“ деб насиҳат ва дуо қилиб, шу ерда қолдириб кетди. У ҳовли супурди, сув келтирди, ўчоқ кудини олди, бола кўтарди. Бой хотини унга истаган ишини қилдирди, уни истаган ёғига югуртди. Арзимаган баҳона блан уришди, жабрлади, ҳақорат қилди, ҳатто урди... у қишнинг совуқ кунларида бир кўйлак иштон блан „Етим мактаб“ деб ном чи-қарган интернатга қочиб кетди. Шу блан мудҳиш болалик ту-гади. У бутун вужуди блан ўқишга, билимга берилди. Узи блан бир неча йиллар бир партада ўтирган қора кўзли, ингичка қо-

матли бир синфдош қизга кўнгил қўйди. Фақат сўнгги йилдагина унинг ҳам ўз кўнгил қўйган кимсаси борлигини билаолди...

Ўқиш тугади. Мактаб блан хайрлашиш вақти келди. Унинг қучоғида ўн йил тарбияланган ўттиз чоқли ёш, гўё иссиқ она қучоғидан айрилаётган болалардай қайғириб, бир-бирлари блан айрилиқ ўтида ёниб, ҳам шу блан бирга қайсилари энди „ойликли кишилар“ бўлиб, қўллари пул кўришини ўйлаб севиниб, қайсилари яна ўқиб, билим ортдириш орзу-ҳаваси блан тўлиб-тошиб, ёнларида ўрта маълумотни кўрсатучи шаҳодатнома блан турли томонга тарқалиб кетди... Халқ маорифи уларнинг бирқанчаларини муаллимга ниҳоят ташна бўлган район ва қишлоқ мактабларига сафарбар қилди.

Мана, худди ана шулардан бири, комсомол Холмурод Дўсма-тов, йигирма икки ёшар умрининг пасти-баланд йўлини босиб ўтиб, энди, ўзини қизғин қишлоқ кўчасида ҳурмат ва аянч, ҳатто ба'зибир та'на ва мазақлар блан кутаётган нотаниш ёшларга қараб бораберди.

## II

Ўртадаги ўчоқда ҳўл тўнка вижиллаб бирқсимоқда. Унинг айланасидан чиққан кўкиш тутун юқори кўтарилиб исдан мар-жонлар таққан қоп-қора қурумли шиплардан жой қидиради, ди-миқиб, сиғишмай секингина пастга тушади, кейин худди тўғонни бузган сувдай тўлқинланиб, донг очиб қўйилган эшик ва дари-чага уради. Янгилигида, ким билсин, қандай тусда бўлган, ҳар ҳолда энди ёғи чиқиб, тўқимдай ялтираб кетган дўппилик биров кўзларини қисиб, пешонасини тириштириб, ўчоқ ёнида ўтирибди. Унинг куйиб ва ёрилиб, косов каби қорайган қўллари тинимсиз қимирлайди: дам узун оташкурак блан тўнканинг ўт олган жой-ларини қоқиб яна ҳам кўпроқ биқситади, яна ҳам кўпроқ шипга тутун ўрлатади, дам вақирлаб қайнаб қолган пучуқ қумғондан ҳарқайсиси жўмрагидан ё қорнидан лат еб чегалатилган кир чойнакларга чой дамлайди.

Бу қурум босган кўримсиз уй худди шу қумғон ва чойнак-лар эгаси, оташкурак ушлаган кишининг номи блан машҳур: Ҳайдарбойнинг меҳмонхонаси ёки жўнроғи, Ҳайдарбойнинг чой-хонаси дейилса фақат қамишкапалиларгина эмас, бу теварақдаги бўлак қишлоқлар ҳам билиб олади. Чунки Ҳайдарбойнинг шу кир чойнакларидаги қуюқ ва суюқ чойлари бу ердаги жуда кўп одамларнинг ҳам, ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам ташналигини босиб туради. Тоғдан Жумабозорга қатнайдиган қирғиз ва то-жиклар ҳам Ҳайдарбойнинг чойхонаси олдида от ва эшакдан бир тушмай ўтмайди. Ишқилиб бу ерга ҳар тоифа одам келади, катта ҳам, кичик ҳам келади, бир-бирида ўчи-адовати бор одам-лар ҳам келаберади. Қишининг узун тувларида бу ерда улфат жўралар гап ейишади, йигитларнинг чилдирма базмлари, ўйин-кулги қийқириқлари уйнинг шипларидан чиқиб, катта йўлдан ўт-ганларга эшитилиб туради. Гоҳо бу ерда жамоат йиғилишлари



ҳам, мажлислар, рўйхатлар ҳам бўлиб қўяди. Чунки у вақтларда бу жой Қамиш Қапада бирдан-бир қулай бошпана эди.

„Чойхона“ ҳам, „Меҳмонхона“ ҳам деб аталадиган бу жой бугун ҳам жамоат блан тўла эди. Одамлар тутунга кўмилиб, девол тағларида бужмайиб ўтирардилар. Уларнинг ярим юмиқ кўзлари белгисиз бир боқиш блан ўчоқда биқсиб, қизариб ёнаётган чалаларга, Ҳайдарбойнинг оташкурагига, қумғон ва чойнакларга тикилган эдилар. Улар индамай ва хаёлни тарқатмай ўтиришиб чой ичишар ва буернинг бирдан-бир созандаси Мелиполвоннинг дуторини тинглар эдилар. Бир замонлар Нориндан мусофир бўлиб келиб, энди, Қамиш Қапада эл бўлиб кетган бу дўнг пешаналик бақувват, барваста йигит даричага яқин бир жойга чўққайган ва бармоқлари блан дуторни чертиб, завқ ва шавқ блан машқ қилмоқда эди.

Ўчоқ тобига яқинроқ ерда кичкина бир сариқ бужур одам кўк пиёлада чой хўплаб ўтирар ва унинг ёнида эса катта бир қора муқовалик „маҳкама дафтари“ ётарди. Бу киши Қамиш Қапанинг обрўйларидан, гапга чечан, эски имлода кўп хушхат ва ҳарқандай хат ишларини бошқарадиган совет котиби мулла Алимқул эди. У эшикдан кириб келган меҳмон блан кўришиш ва унга ўз остидаги кўрпачадан жой бериш тараддудига ўрнидан кўзғолди.

Холмурод котиб таклиф қилган ўринга ўтираркан пиджагининг чўнтагига ўнгайроқ қилиб солиб қўйган хатни олди-да унга узатди. Котиб хатни олдию Холмурод кутгандек ўқиб кўрмади, лекин ўчоққа учиб кетишидан эҳтиётлади шекилли, тақимига бостириб қўйди, кейин унга чой узатди. Улар бир-бирларидан гап кутишгадек индамай ўтирдилар.

— Пиёда чиқдингизми ё?!— деб сўради котиб, ахири.

— Ҳа,— деди Холмурод пиёлани оғзидан қайтариб,— бир йўловчининг отига мингашиб келдим. Уч чақримча қолганда менга йўл кўрсатдию ўзи бошқа йўлга бурлиб кетди.

Шу блан гап тўхталиб яна индашмай қолдилар.

Мелиполвон меҳмон келиб қолиши сабабли чалиб ўтирган дуторини ётқизиб қўйган эди. Энди уни яна қўлга олди. Меҳмонга манзур буладиган ва кишиларнинг сўник руҳиғи кўтарадиган бир машқ чалишга тайёрланиб, дуторни қайтадан созлай бошлади. Брок, қулоқлари ҳаддан ортиқ буралган дутор бардош бермади — узилиб кетган тордан инграгандай шикастли нидо эшитилди. Мелиполвон хижолат чекди, дуторга аччиқ қилиб сўзлади:

— Сени ўйлаб топган Афлотун дун'ёда энг ақлли одам бўлган-у, фақат шу ипингни узилмайдиған қилиб ясашга ақли етмаган-да...

Чаланинг қип-қизил чўғларини оташкурак блан қоқиб, кўкиш тутунни қуйилтираётган чойхоначи кўзларини яна баттарроқ қисиб тиржайди-да гап қотди:

— Бундан чиқди, ипини симдан қилиб, танбурни ясаган укаси Арасту акасидан ақллироқ экан-да?

Мелиполвон яна ўз фикрини ма'қулламоқчи бўлиб гапирди:

— Акаси Афлотун чодирнинг ичига кириб олиб, дуторни ўз ақли блан ясаган. Укаси Арасту бўлса, чодирнинг орқасидан дуторнинг кўланкасини кўриб қолганда, „акам ясаган нарсани мен ясай олмайманми“ деб ўзининг чодирига кириб, дутор эмас, танбур ясаб қўйган... Акаси дуторни аввал ясаган бўлмаса, укаси танбурни тушида кўрармиди?

Бу илмоқди гаплар кишиларнинг мудраган руҳларини қитиқлади — чойхонада Афлотун блан Арасту ўртасида „ақл талаш“ бошланди. Улар ҳар гап сайин „қалай, сизга ма'қулми?“ дегандек Холмуродга бир тикилиб олар, у эса бу содда мунозарани қизиқиб тинглар эди.

— Шошманглар, шошманглар, — деди дуторнинг ипини улаётган Мелиполвон, — мен шу гапнинг ростини меҳмон мулла акамдан сўрагим келиб турибди. Кечирасиз, исми-шарифингизни билмайман. Шу фикрларга нима дейсиз?

— Албатта, Афлотун ҳам, Арасту ҳам замонасининг кўп доно, ақлли одамлари бўлгани шубҳасиз, — деди Холмурод, — Балки дутор, тамбурни ҳам шулар ўйлаб топгандирлар, бунисини аниқ айтолмайман.

— Ана эшитдиларингми? Бир нарсани билмай туриб гапирманглар, — деди котиб жиддий овоз блан. Кейин Мелиполвонга қаради-да уқтирди: — Сен бўлсанг, дуторнинг ипини ўзинг узиб қўйиб, бузоқнинг айби учун сигирни урган афандидек, Афлотунни сўкиб ўтирибсан.

Мелиполвон анча хижолат чекиб, ўтирган ерида бир тўлғониб олди.

— Ким билади дейсиз. Ўзимиз кўрган билган бўлмасак. Биз оми кишилар эшитганимизни сайрай берамизда, — деди у босиқ товуш блан ва яна меҳмонга тикилиб сўради: — Айтингчи, мулла ака, ҳалиги улуғ зотлар дун'ёдан қачон ўтган экан ўзи? Анча бўлиб қолгандир-а?

Холмурод ўзича ҳисоблаб кўриб, айтди:...

— Таҳминан икки минг йиллардан кўпроқ бўлсами?

— Хаҳ, — деди Мелиполвон, — икки минг йил... Кўп донишмандлар бўлган экан-да. Шунча замондан бери уларнинг номи нутилмаганини қаранг-а!

Тўрининг бурчагида индамай ўтирган семиз бир бақалоқ одам гапга аралашиб, салмоқлаб, споҳлик блан гаприди.

— Ундай донишмандлар бу дун'ёга бир келгану-кетган. Қайтиб келмайди, — деди ва гаприб бўлиб, аввал меҳмонга, кейин ёниверидида ўтирганларга қараб олди.

Холмурод ҳам унга қаради-да, кулимсираб туриб сўради:

— Бу дун'ёга келиб — кетмай қолганларга нима дейсиз?

У мулојим чеҳра кўрсатиб жилмайди.

— Ё алҳазар, шундай одамлар ҳам бўлар эканми, ахир? Қани эшитайликчи!

— Мен Ленинни айтаятипман, — деди Холмурод, — Ленин бу дун'ёга келган эди, у, биз блан, одамлар блан, абадий қолди...

— Ҳа, бунисидан гапиринг, ҳа! — деди Мелиполвон.

— Миллион йиллар ўтганда ҳам, тошга чекилган хатлар ўчиб кетганда ҳам, Ленин кишилар блан яшайди. Чунки, кишилар учун биров дутор, биров танбур ясаган бўлса, Ленин янги дунёнинг бахт эшигини очди... Кишилар ҳаммавақт уни тил ва дилда сақлайдилар...

Одамлар бир-бирларига қарашди. Бу қарашини сўнги гапларнинг мақул бўлганлигига эмас, балки яхши жавобдан қойил бўлганликка ҳам ишора эди. Ҳар томондан:

— Балли! Раҳмат! — деган овозлар эшитилди.

Дуторини бағрига босган Мелиполвон қимирлаб яна нимадир сўрамоқчи эди, ташқаридан бировнинг дағал овозини эшитиб тўхтади. Овоз шовқунлаб:

— Кулоқми, сичқон еган супрами? Мен сенга бир марта таъиниладим, ахир! — деб кимгадир, нимадир хитоб қилар эди.

Ҳамма ўтирганлар ҳаракатга келди. Мелиполвон дуторни яна ерга қўйди. Деворга суянганлар тўғри ўтирди, ёнбошлаганлар қадларини тўғрилади, чўзилган оёқлар йиғиштирилди. Бу ҳаракатлар, шубҳасиз, шовқиннинг катта бир обрўй эгаси эканлигини онглайтиб турар эди...

Унинг юмолоққина гавдаси тутунга чулғаниб остонада пайдо бўлганда, барча дув ўрнидан кўтарилди. Холмурод ҳам кўпчилик қаторида ўрнидан турди.

Бу туллак беданадек гердайган, чиройлик, юмалоқ, миқти йигит Қамиш Капанинг энг каттаси — қишлоқ советининг раиси бўлиб, уни Тожибой оқсоқол деб атар эдилар. Бу кишини кўрганда қишлоқнинг энди тайтай қилабошлаган гўдаги ҳам қувонч блан кўлини чўзиб „Оқсоқол кетаётганини“ ишора қилса ажаб эмас, чунки бу киши шундай машҳур эди. Қишлоқнинг оқсоқол кирмаган кўчаси йўқ. Ҳечбир тўйтамошо, ҳечқандай мағракаю-худойи оқсоқолсиз ўтмайди. Биров эчки сўйса ҳам олдини оқсоқолдан ҳоли баҳам кўрмайди. Оқсоқол ҳамма жойда ҳозир бўлиши, мажлисларда, йиғилишларда шовқин солиб гапириб бериши, оталарча қилган насиҳатлари, айрим дўқ ва дағдағалари, пўписа ва сиёсатлари, ичган чоқдаги довдир ҳаракатлари, дали-ғули гаплари, мақтанишлари блан ҳаммага танилган эди. Тожибой гапирса катта-кичик чин ихлос блан унинг оғзига қарайди. Унинг қурултой туфайлими ёки бошқа яна шундай бирор юмуш бланми Тошкентга бориб келгандаги ҳангамаси жуда катта довруқ бўлади. Оқсоқолнинг қандай ажойиб тамошаларни кўргани, қандай катта одамлар блан қўл бериб кўришгани, қандай меҳмонхонада қўнгани, қандай ҳаммомнинг қандай номерига тушгани тўғрилидаги гаплари қулоқдан-қулоққа, оғиздан-оғизга ўтиб Қамиш Капада хийла овоза бўлади. Бировлар оқсоқолнинг бу очиқлигини яхши кўрса, бировлар ёқтирмайди. Шу блан бирга ба'зиларга оқсоқол, ҳатто аллақандай: „тенги топилмас“ обрўй бўлиб ҳам кўринади. „Буни онаси советга раис қилиб туққан. Бунинг қилган ишини ҳечқандай илмлик қилолмайди, бунинг билган гапини ҳам ҳечким билмайди“ дегучилар бўлади. Тожибой ҳам

ўз нуфузига, ўз обрўйига қаттиқ ишонган. Ўзини тетик тутади, ҳатто кеккаяди. Назарида, агар ўзи бирор ёққа тамою кетиб қоладигандай бўлса, бутун Қамиш Капа орқасидан чувиллаб эргашадигандек туюлади. Ба'зан жиғилдондан кўпроқ ўтиб, калла қизишиб қолганда: „Мадамингов ўттуз йил аминлик қилган бўлса, мен эллик йил советга раислик қиламан“ деб кўпириб ҳам қўяди.

Оқсоқол ўтириши блан котиб унга чой ўзатди ва ўзи энди-гина Холмурод берган қоғозни пичирлаб жуда секинлик блан ўқий бошлади. Қоғоз Холмуроднинг Қамиш Капа қишлоқ мактабига муаллим қилиб тайинлангани тўғрисида гувоҳнома эди.

— Мана шаҳардан чиққан кадр — муаллим, — деб котиб оқсоқолнинг э'тиборини Холмуродга тортди. Оқсоқол бош кўтариб қарамади ҳам, индамади ҳам. Гуё жиддий бир нарсани ўйлаётгандек кўзларини сузиб чой хўплади. У муаллим ва аграном тоифа кишиларни унчалик хушламас, шунга қарамасдан пайти, келганда бундай кишиларга кўпчилик ўртасида бирорта савол бериб, тамшантириб қўйишни, ўз фикрини ма'қуллатишни ё бирор ишга буюришни яхши кўрар эди. У бундай ҳаракатларни, ўзи ўқимаган, саводсиз бўлса ҳам, фаҳм-фаросат ва билармандликда ўқиганлардан баланд турганини кўрсатиш учун қилар эди.

Оқсоқол чойдан яна бир хўплади ва пиёлани ушлаган куйи, одамларни кўздан кечириб, анча вазмин ва насиҳатгўй товуш блан гапирди:

— Сизларни бу ерга чақиришдан мақсад, ўртоқлар, хўжалик рўйхатидан ўтказиш... Кимда қанча ер-сув, қанча от-арава, қанча мол, қанча қўй-эчки бор. ҳаммасини яширмасдан, аниқ қилиб рўйхатга солдириш керак... Бунинг фойдаси катта ўртоқлар!.. Кимки ерини ё молини ҳукуматдан яширар экан, кейин шармангаси чиққан тақдирда, йиғлаб менинг олдимга келиб юрмасин!..

Оқсоқол — кейинги „йиғлаб менинг олдимга келиб юрмасин...“ сўзини ҳар кимни бир сескантириш истагандай зарда блан ниқгаб айтди. Катталикини ҳам, дўқ ва пописани ҳам ишора қиладиган бу гаплардан кейин, оқсоқол қўлидаги пиёладан чой хўплаб, жиддий бир нарса ўйлагандай индамай ерга қараб турди. У бу ердаги сўз ва ҳаракатлари блан ўзининг қандай обрўйга эга эканини меҳмон олдида ҳам бир марта намоён қилиб қўйди.

Оқсоқол чойни бир хўплаб ютди-да пиёлани котибга узатиб ўрнидан турди ва қаттиқ овоз блан:

— Яхши... Бу кишига ҳам „форма“дан берасан, бир чекадан рўйхатга олаберсин, — деб буюрди ва ўзи тез чиқиб кетди.

Бирнеча минутдан кейин Холмурод оқсоқолнинг буйруғини бажариш учун чойхонанинг тўрига чиқиб кигиз устига чўзилди. Самоварчи берган қора патнусни олдига тўнкариб, унинг устига „... рўйхат формаси“ деган катта босма ёзулари бор рўйхат қоғозларини ёйди. Бўйин ва кўкракларидан тер ҳиди келиб турган одамлар бирин-кетин патнус олдига келиб: „Номингиз, фамилиянгиз, жонингиз, молингиз, маҳаллангиз, ерингиз“ каби сўроқларга гуё янглиш айтиб қўйишдан қўрққандай, ўйла-

ниб, тамшаниб жавоб қайтарабашладилар. Йигирмалаб, ўттиз-лаб киши рўйхатдан ўтса ҳам, уй бўшамас, — ёзилганлар секингина кўздан йўқ бўлар, аммо улар ўрнини эса эшикдан салом бериб кириб келганлар банд қилиб турарди.

Чиндан ҳам, у вақтларда, қишлоқда муаллимни мактаб ва ҳозир эшикдан бирин-кетин мўралаётган болаларгина эмас, балки хат блан бўладиган бу хилдаги ишлар ҳам қутиб турар эди.

Рўйхат кечга бориб тугади. Котиб дафтрав ва қоғозларини қўлтиғига қисиб чиқиб кетди. Холмурод чойхўрлар блан суҳбатлашиб ўтириб, унинг қандай чиқиб кетганини ҳам сезмай қолди.

### III

У, қоронғи босган уйдан ташқарига чиққанда ёмғир тинган, кун ботиш томонда осмонга тўқай ёнғинидагидай пушти қизил шу'ла ёйилган эди. Қорамтил, пушти, қўнғир булут карвонлари гуё қизил шу'ла тобидан шарққа шошилишиб қочар эдилар. Узоқда тоғлар ва гумбаз-гумбаз тепаликлар шаклларини, тусларини йўқотиб тобора қуйилаётган тун қучоғига сингиб бормоқда. Қорайган том бўғотларида қўноқлаётган чумчуқлар қулоқни тешгудай товуш блан чирқиллайди. Мачит томонидан сўник азон товуши эшитилади. Кооперативда ёнган чироқнинг сарғиш ёруғи ғира-шира милтирамоқда.

Холмурод, эндигина, эрталабдан бери қуруқ нон-чойдан бўлак ҳечнарса емаганликдан кўнглининг озганини, ёмғирда қолишдан, чўзилиб ётиб рўйхат ёзишдан баданининг увишганини, кўкрак ва елкаларининг оғирлашганини сезди. Ўзининг бу аҳволдан кўнгли бироз ранжиди.

Қаёққа йўқолди катталар? Нега унга бир оғиз гап айтмай кетишаберди? Энди нима қилса экан?...

Холмурод одамлар қораси кўринган томонга юрди. Тобора қоронғига кўмилаётган паст-баланд қишлоқ уйлари унинг ўз қишлоғини, қишлоқдан йиғлаб кетган онасини яна эсига солди. „Эй, онажовим, қани энди; сен ҳам шу ерда тирик бўлсанггу, ўз ўғлингнинг қандай одам бўлганини кўрсанг...“ деб хаёл қилди. Шу топда ёнбошидагина ғижирлаган бир эшик унинг хаёлини тортди. Холмурод қия очилган пастак эшикка қаради. Эшик бўсағасига суюнган қизил кўйлакли, қора камзулли бир қиз унитақиб қилиб турмоқда эди. Ичкаридан доғ қилинаётган мойнинг ўткир ҳиди кўчага урмоқда. Холмурод бу қишлоқда биринчи мартаба аёл кишининг юзини кўрди ва даф'атан „бу қишлоқнинг қизлари кўп саз бўлар экан“ деган фикр унинг кўнглидан кечди. Бу қол-қора пайваста қушқанот қошлар, ажойиб сюзилган кўзлар, тўла чўзиқ юз ва назик ингичка қомат эгаси: „бизнинг шаҳар қизларидан қаеримиз ва нимамиз кам, ула-эйлигимизми?“ деяётганга ўхшар эди. Холмурод бу қизга яхшилаб бир тикилиб олди-да, унга яна бир қарагуси келса ҳам қарамай, олдинга астагина кетаберди.

Холмурод кооператив чироғи милтираб турган ердан анча

узоқлашиб, қишлоқ четига чиқиб қолганини пайқагач орқага қайтди. Қайтиб келаётиб, беихтиёр бояги қиз қараб турган эшикни кўзлари блан қидирди.

— Қалай, мулла, бизнинг буёқлар сизга ма'қул бўлдими? Зерикаётганингиз йўқми, ишқилиб?

Холмурод бу овоздан чўчиб тушди. Чунки овоз эгаси гўё уни та'қиб қилиб юргандек, орқа томондан ҳеч сездирмай келиб, қўққисдан гапирди. Холмурод ёнига бурилиб, бу қоп-қора йўғон одам блан кўришди ва шу онда, бу одамнинг овози нечакдир танишдек туйилди.

— Нима қилиб юрибсиз қоронғида. Қани уйга борайлик, — деди у.

— Раҳмат, — деди Холмурод, „менинг ҳалиги совет котибида ишим бор эди. У ҳозир қаерда бўлар экан?

— Қани юраберинг, бўлмаса? Котибиям, раисиям ҳаммаси топилди. Ўзим топиб бераман, — деди кимса ва Холмуродга яқинроқ тикилиб айтди. — Сиз бу ерга муаллим бўлиб келгансиз-да, ахир? Сиз мени танимасангиз ҳам мен сизни боя келганингиздаёқ таниб олганман. Бўпти. Қани юраберинг!..

Холмурод жимгина бошлаган томонига кетди.

У замонларда давлати борлар учун инсоннинг дун'ёга келиб ном олиши ҳам улуғ бир тантана эди. Худди шу ўғил тугилганда Пиримқул хожи қўй ҳам, хўкуз ҳам сўйдириб юртга ош берди, ўғилга олижаноб бир исм қўйиб беришни сўраб, шаҳардаги қўл берган пирларидан бирини чақиртирди. Пир, ўз муриднинг „асл оқсуяк араб авлоди, азиз ҳўжалардан“ эканини та'рифлаб ва'з айтгандан кейин, кекиртагининг тубидан ғалати овоз чиқариб, „чақалоқнинг номи А'лохўжа бўлсин“ деди.

Пирнинг айтгани бўлди. Брок, бу „шарафли“ номни қишлоқиларнинг ҳечбириси, ҳатто раҳматлик хожининг ўзи ҳам тўғри айтолмади. Чиндан ҳам арабчасига томоқ қириш айниқса қишлоқилар учун жуда мушкул эди. Пир тили блан айтилган „А'лохўжа“ халқ тилида „Олахўжа“га айланиб кетди.

Олахўжа замонасида қишлоқнинг эгрини-тўғри деса ўтказоладиган ва гап блан кўп кишиларни ўз оғзига қаратадиган ҳам катта, ҳам билармандларидан эди. Шунга кўра, совет ҳукуматининг дастлабки йилларида, унинг истиқболи тўғрисида, ҳамсуҳбатлар ўртасида дадиллик блан „кароматлар“ қилди; ҳамсуҳбатларига: „Бунинг умри кўп бўлса икки-уч йил, жуда нари борса беш йил... уёғига ўтмайди“ — деди.

Уч йил ҳам, беш йил ҳам ўтаберди. Брок, маҳмадонанинг „донияшмандлиги“ амалга ошмади. Шундай бўлса ҳам, гарчи у янглишса ҳам, сиёсатни Олахўжанинг оғзидан тинглашга ихлосманд мулкдор улфатлар „эндичи, буёғига яна нима дейсиз, яна нима бўлади, нима кўяди“ деб ташвиш ичида унинг оғзига тикилишдан кечмадилар.

— Ҳукуматчилик — деб ҳамсуҳбатларини қат'ий ишонтирарди Олахўжа, — ҳукуматчилик имондан ҳам олдин давлат блан бўлади. Менга ўхшаш, сенга ўхшаш, қўш хўкизли, обжувози, мой

жувози борлар солиқ тўламай қўйса, советнинг ҳаммаёнига мулла жиринг қаёқдан тушади? Тирикчилиги биз блан бўлиб турибди. Давлат керак, давлат... Агар саккиз йилдан уёғига ўтиб кетса, мен Олахўжа эмас, шартта калламини кес... мана...

Совет ҳукумати худди шу писандаси блан қўйилган муддат келганда, я'ни саккиз ёшида, Олахўжабойнинг яхшилаб патини юлди: унинг оғзини катта қилган ер, суви, мол-мулкларини қирқиб, камбағалларга, батрақларга берди.

Олахўжа ба'зибировларни ака-ука деб юриб, тагин ҳам бир кўп ерларни, боғларни эплаб олиб қолди. Ўнлаб туёқли молларни тоғдаги қирғиз ошналар соясига ҳайдатди.

Шундан сўнг, Олахўжа „советнинг йиқилиши“ тўғрисида фолбинлик қилишгина эмас, ҳатто бу ҳақда унга биров фолбинлик қилса ишонмайдиган бўлиб қолди. Қолган мол-мулкларга яна бир фалокат келмаса деб қўрқди. Ўзининг ҳамфикрларига: „Энди бу блан ҳазил уйнама, муроса қилиб яшаш иложини қилабер. Каттароғини — ака-де — қўлтиғига кир, кичикроғини — ука-де, қўлтиққа ол, кўнглини топ, қайир! Балойи нафс. Нафс ҳарқандай „ман-ман“ деганни ҳам олдинда тиз чўктиради“ деб ўргатадиган бўлди.

Унинг „қайириш“ дегани, ба'зибир юқорироқ турган шахсларни, „еган оғиз уялар“ деган ниятда тўкиб-сочиб зиёфат қилиш, ма'носида эди. Агар у райондан чиққан бирортасини шундай сийлай олса, „қайирдим“ деб кўп гердаяр эди.

Турмуш унга тулки айёрлиги, бўри сезгирлигини ўргатди. Унинг кўзлари бу атрофда қимирлаганни кўрар, қулоқлари эса ҳарбир шарпани шубҳа блан тинглар эди. Авваллари у фақат бозорга тушган кунларигина қўлга илинган газетани белга қистириб қайтишни одат қилган бўлса, энди у кун сайин янги газета топдиар, Тошкентдан келиб ўрнашиб қолган ва бу ерда янги, „загча кўз домла“ лақаби ортдирган, меҳмонхона суҳбатларида Муҳаммад пайғамбарнинг эллик ёшдан ошганда тўққиз ёшар қизга ўйланганини оғзидан сўлагини оқизиб та'рифлайдиган маҷит имоми Назрулла қорини уйига чақириб, партия ва ҳукумат сибсатига доир хабар, мақола, доклад ва қарорларни ўқитиб тинглар эди.

#### IV

Баландга осилган қирқинчи фонарь кўп ҳам катта бўлмаган йининг бурчак-бурчакларигача ёритган. Ўртада кули тозаланиб олинган сандал ўчоғи, ўчоқ атрофидан бошлаб тўригача кигиз ва шолчалар солинган. Бунинг устига тўрининг девор тағларига тақаб кўрпачалар ҳам тўшалган. Уй умуман махсус меҳмонларни кутишда бўладигандай озода ва сариштали.

— Қани, мулла, юқорига марҳамат! — деб мулозимат қилди Олахўжа.

Холмурод ўчоқдан сал нарироққа ўтирди ва эндигина, бу қаршидаги семиз одамни таъиб ва у блан боя чойхонада „донишманд-

лар“ устида баслашганини эслаб хийла ғалати бўлди. Шундай бўлса ҳам уни кўчада таний олмаганини айтмади.

Уйга ким келгани блан қизиқди шекилли, биров эшикдан мўралади.

— Ма'муржон! — деб чақирди Олахўжа. Мўралаган йигитча кириб келди. У кўчада Холмуродга маҳкамани кўрсатган таниш юзлардан бири эди. У, энди Холмурод олдида эгилиб туриб сўрашди.

— Сен бу кишини танидингми? — деб сўради Олахўжа.

— Боя келганлалида танимаган эдим, энди танидим. Бизга муаллим бўла эканла! — деди Ма'муржон, гўё ўз айбига иқроп бўлгандай. Мийғи майса бўлиб қолган кап-катта чиройлик йигитнинг „р“ни айта олмаслиги Холмуродга ғалати туюлди.

Олахўжа тушунтирди:

— Бу, бизнинг ўғлимиз, мулла, буни ўзингиз алоҳида аҳамият бериб ўқитасиз, — деди ва бу вақт эшикка чиқиб кетган Ма'муржоннинг орқасидан қичқирди:

— Ма...мур...жон! Патнус блан чой чиқаринглар буёққа!

— Қани, нонга қаранг, мулла! — деди Олахўжа, патнусда келтириб қўйилган нонни тўғраб, бўлиб.

Холмурод нонга қўл узатди. Олахўжа унинг очлигини сезгандай нон кавшаб туриб гапирди:

— Қишлоқчилик... Бу ерда ошхона деган гап бўлмайди. Пулга ҳечнарсга тополмайсиз. Борда-бор, йўқда-йўқ. Райондан чиққан кўп катталар ҳам қорни очса, тўғри меникига келади. Бу ернинг одати шу... Қани олинг!

Эски беқасам тўнлик, қизил қўнжли этик кийган бир йигит катта хокандозда ўчоққа чўғ келтириб солди. У чиқиб кетаётганда Олахўжа:

— Бозорбой! — деб хитоб қилди-да, ўрнидан туриб, эшик олдида тўхтаган йигит олдига борди. Унга нимадир имлади ва ўзи қаёққадир чиқиб кетди. Бозорбой шу ондаёқ қайтиб ичкари кирди. Дастурхон ёнига ўтириб, хўжайин ўрнида чой қўйишга ва ҳархил гаплар блан меҳмонни зериктирмасликка киришди. У гапни Олахўжанинг „кўп одамохун“ ва хушфе'ллигидан бошлаб, ўзининг унга „холавачча“ бўлиши тўғрисидаги ма'лумотга етказганда, хўжайин янги меҳмонлар блан кириб келди.

Меҳмонлар икков бўлиб, бириси шу ерлик, Зокирхўжа қас-соб деган эди. Одамлар бу кишини „агар ҳарбир сўйилган қўйдан тенг баравар фойда кўрмаса ўзини чангакка осади“ дер эдилар. Зокирхўжанинг ўзи ҳам жойи келганда: „қўлингни кундага қўю болта блан чоп, кесмаса қассоблик қил!“ дейиш блан шу ўзи тўғрисидаги гапни тасдиқлар эди. Меҳмонларнинг иккинчиси юқорида номи эслатилган Назрулла қори эди. Бу келишган, новча, чўзинчоқ юзли, қирра бурун, кўкиш ялтироқ кўзли одам (шунинг учун ҳам унга „зағча кўз“ номи берган эдилар), асли Тошкентлик бўлиб, замонасининг илм-аҳли ўртасида анча танилган кишилардан эди. У „оврупоча маданият ва илму-урфон“ тўғрисида кўз ёши тўкиб китоб ёзган ва уни тош босмада бостириб тарқатиш



блан хийла шуҳрат ҳам ортдирган эди. Инқилобдан сўнг бу кишига шаҳарда жой топилмай қолди. Тақдир шамоли уни турли бурчакка учирди ва охири мана шу Қамиш Қапага келтириб ташлади. Домла бу ерда мачит имомлигидан ташқари ўлган-кетганларнинг жанозасини ўқиш, ихтиёжи тушганларга „дам солиб қўйиш“ каби ишларни ҳам бажарар эди. Ишқилиб, у, бирар танга пул ё бирор ғалвир кафсан тушадиган ишларнинг ҳечбиридан қайтмас эди.

Домла блан қассоб тиз чўкишиб ўтирдилар ва қўлларини ёйишиб фотиҳа ўқидилар. Сўнгра улар блан Олахўжа ўртасида оби-ҳаво ва бозордаги нархи-наво тўғрисида бироз қизғин гап бўлди. Кейин яна нимадир мулоҳаза қилишгандек, ҳаммалари жим бўлишиб қолди.

Зокирхўжа қассоб ювиниб ва кундузги ёғ босган дўпписини, энди, кўпроқ сўфилар киядиган оқ дўппи блан олماштириб чиққан эди.

У негадир кўзини ўчқдан олмас эди. Домла, жиндак кулумсираш блан бирга ҳаддан ташқари ялтираган кўзларини Холмуродга тикиб, қўлларини қорни блан тиззаси ўртасига босиб, букилиб ўтирди.

Кулимсираган ҳолда сўради:

— Хуш, шундай қилиб болаларни ўқитар экансиз-да, энди?!

Олахўжа блан қассоб жуда диққат блан Холмуроднинг оғзига тикилишди. Улар бу эски ва янги дунё илм намояндаларининг бир-бири блан сўз уруштириб, бирор масала устида баслашмоқларини жуда истар эдилар. Лекин Холмурод овоз чиқармай, фақат бошини қимирлатиб тасдиқлади.

— Яхши, яхши, — деди домла ва яна сўради: — катталарничи, катталарни ҳам ўқитасизми?

— Албатта, — деб жавоб берди муаллим.

Қассоб ёни-верига қараб олди-да кейин Холмуродга бурилди. Ўтирган ерида қимирлаб гапирди:

— Афлотуннинг ҳангамасини қилган экансиз... Одамларга кўп манзур бўлибди-да. Аммо, биз эшитаолмай доғда қолдик...

У Холмуроднинг яна шу ҳақда сўзлашини истагандек эди. У эса бу ҳақда сўзлаш эмас, ҳатто эшитганига ҳам хижолат чекди.

— Ҳа, — деди Холмурод ва бошқа индамасдан паднусдаги ўрикка қўл чўзди.

— Мен сиздан бир ҳақиқатни сўрамоқчиман мулла! — деди қассоб бироз жимликдан кейин. — Агар сизга малол келмаса, сўрайман...

— Майли, сўранг. Билсам, айтмай.

— Биласиз, мулла, — деди ишонч блан қассоб. — Сиз ҳукуматимизнинг жамий сиёсатини биласизки, сизни бу ерга кадр қилиб чақариб қўйибди-да...

— Хуш?!

— Ҳукуматимизнинг охириги муддаоси нима, бу халойиқни қаёққа олиб бормоқчи?

— Масалан?

— Масаланига олайлик, бизга тариқаси маълум бўлмаган гаплардан биттаси шуки, бу ердагилар бировни бойсан, қулоқсан, деб кўкрагига туртиб четга қоқади, бировни камбағал, батраксан, деб ёнига тортди яна... шундай гапларда...

— Нимасини тушунмайсиз? — деди Холмурод.

— Ҳа, менга бир тушунтириб берингчи, мақсад нима ўзи?

— Мақсадни онглаш унчалик қийин эмас. Мақсад битта, — деди Холмурод. — Мақсад кишиларга оқ-қорани тушунтириб, ҳақ йўлни кўрсатиш, — деди ва ўзи ҳам ундан жўрттага сўради: — Мен шундай деб тушунаман. Сизнингча қандай?

— Бе, — деди қассоб кулиб. — Биз тушунмаймизда. Тушунсак сиздан сўрармидик, иним!

Домла маънодор қилиб секингина кулди-да сўради:

— Хўш, ҳақ йўлини қандай қилиб кўрсатилар экан? Ҳаммани бир ёққа кўчириб кетилармикан?

— Нега? Ҳечким, ҳечёққа кўчмайди, — деди Холмурод, кулимсираб, — кўчиб қаёққа боради...

Олахўжа яна шу тўғрида нимадир ўз фикрини баён қилмоқчи бўлиб бурилган эдики, ташқаридан кимнингдир жўрттага йўталгани эшитилиб, гапи ичида қолди. Дераза олдидан ўтиб келаётган одамнинг шарпасига астайидил қулоқ солиб, бўғиқ товуш блан:

— Ячейка! — деди.

Ўтирганлар бир-бирига қарашди.

Бу „ячейка“ унвони блан аталган киши — Абдурасул Матхолиқов кириб келди ва ҳамма блан пичирлабгина кўришиб чиққандан кейин муаллим ёнига ўтиб ўтирди. У қирқ ёшлар чама-сидаги қорача, хушмўйлов, гавдалик одам эди. Бошидаги катта қора теллак унинг гавдасини яна улғайтган каби кўринарди. Абдурасул юзини Холмуродга бурди-да, гўё сирли бир нарса айтмоқчи бўлгандай, секингина:

— Келган экансиз! — деди ва яна мамнуният блан бошини кўтариб, аввал домлага, сўнгра кўзларини ердан олмай, гўё нафас ҳам чиқармай, жим бўлишиб қолган Олахўжа блан Зокир-хўжа-қассобга қаради.

Абдурасулнинг кутилмаган равишда кириб келиб, яна тўрига чиқиб бемалол ўтириб олишидан Олахўжа блан қассобнинг кўнглида нечукдир ғашлик пайдо бўлди. Энди улар бу „чақирилмаган меҳмонга“ қандай қилиб очиқ чеҳра кўрсатиш учун бирор ваз қидирар эдилар. Бу иккови блан Абдурасул орасида кўп жанжалли гаплар ўлиб, сўнгги муомала фақат кўришганда овоз чиқарлай бош ирғитиб саломлашишдан иборат бўлиб қолган эди.

Холмурод ҳам кайфиятнинг ўзгариб қолишига қараб, орада қандайдир ғараз ётганини фаҳмлади.

— Хайрият, хайрият, Абдурасул! — деди Олахўжа ахири бошини кўтариб, — сенинг ҳам қадамнинг биз томонга тушар кун бор экан. Нечук худо яллақадил...

Абдурасул Холмуродга нима тўғрисида ҳам сўз очган эди,

тўхталиб, собиқ хўжайиннинг сўзини тинглашга ва жавоб қайтаришга мажбур бўлди:

— Меҳмон пойи-қадамларининг шарофати-да, хўжа?

Қассоб орага сўз қотди:

— Одамгарчилик ҳам таразининг палласи текис бўлса бўлар экан, — деди кўзларини дам эшикка, дам Олахўжага тикиб, — Абдурасул катта бўлгандан кейин бизни тамом унитди. Бўлмаса Абдурасулга менчалик яхшилик қилган одам бу дун'ёда йуқ. Гушт сўраб келганда „пулинг қани“ деб сўриштирмай, гуштнинг сатта бесуяк жойидан кесиб берганман...

Абдурасул қўққисдая жуда ҳузур қилиб пихиллаб кулиб олди-да, жавоб қилди:

— Ҳа... насияси қурсин, гуштнинг бесуяк жайларидан еб олиб, кейин ҳақини қандай тўлашни билмай гаранг бўлиб, кўчадан тўғри ўтаолмай юришларни айтинг-а, қиҳ-қиҳ-қиҳ.

Ҳамма кулиб юборди. Қассоб ўзини ўзи кулги қилиб қўйиб, энди нима жавоб беришни билмай шошди.

— Ҳа, ҳа насияни ҳам берганга... — деди-да, кўзлари жавдираб ёни-берига қаради.

Бозорбой яна бир хокандоз чўғ келтириб ўчоққа солди.

Олахўжа, ўрнидан турди ва ташқарига чиқиб кетди. Бироздан сўнг Ма'муржон қўлларга сув берди ва лаганларга уйиб босилган ош келтирилди. Ошнинг хушбўй ҳиди бутун уйни тўлдирди.

Лаганлар бўшаёзганда эшикдан серсавлат бир қора одам кириб келди. Уйда бесаранжомлик бошланди. Ба'зилар ўрнидан кўзғалиб, унга орадан ўрин беришга шошилди.

— Кел, кел... Мадамин! — дейишдилар.

Бозорбой унинг қўлига сув қўйди. Олахўжа шошилиб лаганлардаги ошларни бирлаштирди. Бошқалар қўлларини артдилар.

Мадамин, тўрига чиқмай, шундайгина пойгакка чордана қурди.

Унинг ҳар бири каламушдай йўғон, семиз қоп қора бармоқлари ёққа ботган гурунчларни сидирабошлади. Бармоқ бўғинларидан, ёғ оқизиб лаганлардан тўпланган солқит ошни катта-катта ошадди. Гарчи, ўздан бошқа, лаганга қўл узатган киши бўлмаса ҳам худди бировдан қизгангандек тез-тез ошар ва чайнамасдан ютар эди. Унинг тинч овқат ейишига халал бермаслик учун барча жим ўтирмоқда эди.

Холмурод унинг ҳаракатларига беихтиёр раэм солиб ўтирди. Унинг назарида, қулоқларининг тагигача қоплаган ажриқ соқоли хийла оқариб қолган, аммо, сергўшт чўтир юзидан таранглик қочмаган, эллик ёшлар чамасидаги бу одамнинг важоҳати заҳарли, ичини қандайдир алам ути ёндирган кўринди. Ҳечкимга қарамай, лаганга ташланиб ўтирар ва ичини ўртаган аламни ошдан олаётганга ўхшарди.

Кўпчилик орасида бу одамни холис кўрганлар, унинг мироблигини эйтиборга олиб „Ариқ оқсоқол“ дейишар, севмаганлар эса калласининг катталиги учун „Мадамингов“ дер эдилар.

Мадамин салкам бир лаган ошни бир неча олишда тугатди ва

ёглиқ лаганни бармоғи блан сидириб худди юв'иб артилгандай топ-тоза ялади. Кейин семиз бармоқларини битта-битта оғзига солиб сўриб олди. Сўнггида сўриб олгандан қолган юқни ҳам увол қилмай махсусига суртабошлади. Унинг ҳаракати гўё қаергадир шошилаётгандай тез эди. У эндигина бироз ўзига келганга ўхшади. Бармоқларини қўнжига суртаётиб, атрофига қараб ҳам олди. Фақат шундагина бу ердаги бегона одам—Холмуродга кўзи тушиб, ҳайронлик ичида бақрайди-да, ирғиб турди.

— Ие, меҳмон бор деб айтмайсизлар ҳам!— деди у шовқинлаб ва икки қўлини баравар чўзиб Холмурод блан кўришди. Сўнгра ёни верига қаради. Унинг ичиб келганини олдин пайқаманлар ҳам энди кайфи тарқалаётганини пайқашди. Бўлмаса унинг бу ҳолини дарров сезган Олахўжагина эмас, ҳатто бошқалар ҳам ташвишда эди. Чунки кайфи ошганда бу одамнинг нималар ички дарди қўзиб, бирор галва кўтармаса кайфи тарқамас, оғзидан ножўя гаплар ҳам ёғдириб юбораберар, кўпинча ўзининг совет олдидаги „хизмати ва обрўйини“ пеш қилиб, бирортасини сўкиб бироз шовқин солиб олар эди. Бундай вақтда у блан гаплашиш учун одамгарчиликдан чиқмоқ зарур эди. Хайрият, кайф беғалва тарқалиб кетди...

Бошқалар ўзаро гап блан овора бўлишганда, Абдурасул Холмуродга секингина пичирлади:

— Мен партия ячейкасининг котибиман. Сизнинг шу ерда эканлигини эшитиб ўзим югуриб келдим. Бу ердан ҳозир турайлигу қолган гапни уйга бориб қилайлик.

Бу гап Холмуродга: „Сиз бу ерга янглиш келибсиз“ — дейилгандек онглашилди.

— Хўп!— деди ва улар баравар ўринларидан турдилар.

Олахўжа э'тироз билдирди:

— Муаллимни қаёққа олиб борасан? Бу кеча шу ерда қолади!— деди.

— Ҳа, қаёққа!— деди Мадамин ҳам шовқин солиб, — отамлашиб ўтирайлик, ахир, бирпас!..

— Биз борайлик энди, — деди Абдурасул.

Улар секингина юришиб кўчага чиқдилар. Кўча қоронғи ва тинч эди. Тоғ томондан қор изгириғи эсмоқда. Очиқ осмонда юлдузлар қора мовут устига терилган бриллиант каби ялтирар эдилар.

Муйишда бировнинг қораси кўринди

— Алим!— деди Абдурасул.

Қора овоз берди:

— Ким? Абдурасул! Ҳалиги янги келган афанди бола ёнинг-лами? Бир соатдан бери сўрамаган эшигим қолмади. Яна аразлаб районга уриб кетдим, деб кайфим учди-я, қизигар!.. Олахўжаникидамидиларинг?

— Ҳа, — деди Абдурасул.

Холмурод бу очиқ одамларнинг беғубор гапларини эшитиб, ўзи бу ернинг дўст душманини тушунмай, биринчи кундаёқ хунук бир хато қилиб қўйгандек ва бунинг учун энди, тегишли танбеҳни олаётгандек кўп хижолат чекди.

Улар кичкина ҳовлининг бир қанотли пастаккина эшигидан кирганларида айвондаги ўчоқ олдида ўтиришган икки аёл баравар ўринларидан туришди ва орқаларини ўчоққа, юзларини ҳовлига ўгиришди. Ўчоқдаги ўтнинг шу'ласи уларнинг қизил ва сариқ кўлақларида товланиб турарди.

Холмурод ўчоқ олдидаги бу иккала аёлга бош эгиб салом берди-да ичкари уйга бурилди. Тўридаги тахмон олдида бешик тебратиб ўтирган, новчалиги ва қора тўри юзи блан Абдурасулнинг онаси эканлигини билдириб турган оқсоч аёл астагина ўрнидан турди.

— Ҳорманг, энди, отам! — деди-да, қотма узун қўллари блан Холмуроднинг елкасидан силаб қўйиб гапирди. — Эсон-омон, соғ-саломат, тан-жонингиз сиҳат!..

Холмурод кампирнинг самимий муомиласидан гўё ўз онаси олдида тургандек бўшашди.

— Хўш, онажон, саломат бўлинг! — деди у.

— Бизнинг онамиз бўладилар, — деди Абдурасул.

Холмурод деволга тақаб солинган кўрпачага ўтирди.

— Менинг ҳалиги Олахўжабойнинг ҳавлисига қадам босмаганимга роса йигирма йил бўлади, — деди Абдурасул унинг рўпарасига ўтиратуриб, — сизнинг баҳонангиз блан бориб қолдим. Янги одамни авраб миясини ачитмасинлар, ўзим бориб бошлаб чиқақолай дедим. Бўлмаса у ерга таги қадам босмайман ҳам, у одамлар блан тўғри гаплашмайман ҳам!

— Нега, ораларингизда чагоқ гап ўтганми? — деди Холмурод ва у ерга Абдурасул кириб бориши блан одамларнинг турқлари ўзгариб қолганини эсга олди.

Абдурасул қаттиқ бир энтикиб олиб:

— Орамизда жуда кўп гап ўтган, иним — деди ва хотини Ма'рифатой келтирган дастурхонни ўртага ёйди-да давом этди: — орамизда ўтган гапнинг қисқаси шуки, биз у кишига қорал, у киши эса бизга хўжайин эди. Биз у кишининг қўшини ҳам ҳайдаганмиз, даккисини ҳам еганмиз. У кишининг дастидан ўз юртимиздан бегона бўлиб кўп кулфатларни тортганмиз.

— Шундай, денг, ҳали. — деди Холмурод пешонасини тириштириб, — менга туппа-тузук мўмин одамга ўхшаб кўринди, ла'нати!

— Кўринишга шундай, мусичаю мўмин. Гўё бузукнинг ҳақи кетмасин, деб сигир сутини ичмайди. Аслини суриштирсангиз ювош қашқир, — деди Абдурасул ва бироз тўхталиб: — ўша ерда ўтирганларнинг ҳаммасининг тоифаси бир, — деди ва ўз бошидан кечган можарони сўзлашга киришди. Бу ҳақда овқат устида ҳам овқатдан кейин ҳам сўзлади.

Замонасига яраша бўлиб ўтган у гапларнинг қисқача тафсилоти шундай эди: Абдурасулнинг отаси Матхолиқ ака, Олахўжанинг отаси Пиримқулхожининг корандаси эди. Матхолиқ ака, қанча ерни сугориб, қанча ерда дарахт кўкартиргандан кейин, Абдурасул икки ёшар чоғида, куз пэйтида, чорвоқ даласидаги

ертулада иситмалаб ётди-да ўлиб кетди. Жуда ёш қолган Абдурасул отасининг қандай қиёфада бўлганини хотирда сақлаб қолмади. Броқ, эси кириб, қўлидан анча-мунча иш келабошлагач, ўзидан ўн икки ёшар катта Олахўжабойваччадан эшитдики бирин-кетин ўлиб кетган оталар ўртасида ҳеч унутиб бўлмас „катта одамгарчилик, я'ни қиёматлик қарз“ ўтибди: Пиримқулбой корандаси бўлмиш Матҳолиқнинг кафанини қилибди. Қур'он ўқитиб, бир катта қозонда худойи оши берибди... Демак, Абдурасул отаси кафан кийиб кетган эшикни ҳеч унутмаслиги, унга миннатдорчилик блан хизмат қилмоғи лозим эди. У, дастлаб Олахўжанинг сигирларини боқди. Кейин, омов қулоғини ушлайдиган бўлгач қўшга чиқди. Жанжал ҳам худди ана шу вақтдан бошланди.

Кунлардан бир куни, офтоб жуда қизиб кетган пайтда, Абдурасул, ҳарсиллаб қолган ҳўкизларни қўшдан чиқариб, дам берди, ўзи, онаси (ҳалиги Холмурод блан кўришган аёл) Қутбинисо келтирган оби-ёвғонни ичди-да қайрағочнинг соясида чўзилди. Бир вақт кўзини очса тарғил ҳўкиз бўшалиб кетибди. Чорвоқ даласидаги ялпиллаб ётган бедани пайхон қилиб, бўкириб юрибди. Абдурасул ҳўкизни қайтариш учун турасолиб югурди. Броқ, ҳали бир марта ҳам сув ичмаган барра бедани тоза ялмаб ейберган ҳўкизнинг қорни икки ёққа чамбарак бўлиб қампайиб чиққан, у, энди, ўрнидан қўзғалаолмай, оғзидан оқ кўпик оқизиб, кўзлари олайиб бўкирмоқда эди. Абдурасул ҳўкизни уриб ҳайдаган эди, у, бирнеча қадам аранг босди-да йиқилди. Абдурасул ёрдамга кимни чақиришни билмай, ҳайрон бўлиб турганда бозор йўлидан бир отлиқ ўтиб қолди.

— Э, худо хайр бергур! — деб қичқирди Абдурасул йўловчига — бу ёққа бир қаранг! Энди, нима қилса бўлар экан, бу молни?

Йўловчи отини чоптириб келди-да эгардан тушди. Аҳволни кўриб ёнидан пичоғини чиқарди. Кўзлари гўлайиб, бошини кўтароолмай ётган ҳўкизни бўғизлаб юборди.

— Оз бўлмаса ҳаром ўлган экан жонивор, — дели у, бир тутам яшил беда блан пичоғини артаётди. — Мана энди ўзингиз гўштини терисидан ажратаберинг, жигар. Мен йўлдан қолмай!

Йўловчи отга миниб яна йўлга тушганда Абдурасул, мушкул аҳволни хабар қилиш учун қишлоққа югурди.

Олахўжа яланг оёқ, кўйлакчан ҳолда ариқ ёқалаб повбошидаги обжувозидан қайтаётган эди. У шундай, раҳматлик отасининг расмини қилиб, ёз пайтларида яланг оёқ, кўйлагчан, иштонбоғининг пөпугини силкитиб юриш блан ўзи кўп ҳўжур қилса ҳам, ба'зиларни ажабга қолдирар ва ба'зиларнинг кулгисини қистатар эди.

— Ҳа нима гап? — деб қичқирди у, Абдурасулни узоқдан кўриб.

— Тарғил ҳўкиз ўлиб қолди, хўжайин! — деди Абдурасул йиғламсираб.

Олахўжа товушининг борича бақирди:

— Тарғил ҳўкиз ўлиб қолди! Гапирма! Нега ўлар экан, тирик ҳўкиз.

Ярим соат ўтар ўтмас Олахўжа сув ичмаган беланинг қурбони бўлган ҳўкиз тепасига ҳарсиллаб етиб келди.

— Э, жонивор, жонивор! — деди у, ўлган ҳўкизнинг шишиб ётган қорнини силаб. Кейин қаддини тик тутиб бироз қайғу ичида бўғизланган ҳўкизига қараб турди.

— Хўш нима бу, нима қилдинг буни! — деди у бирданияга Абдурасулга чаққайиб.

— Шундай, бир фалокат босди, хўжайин, — деди Абдурасул йиғламсираб. — Тагин ҳам бир худо хайрбергур йўлдан ўтиб қолиб савобли иш қилиб кетди. Оз бўлмаса қорни ёрилиб ҳаром ўлар экан.

— Савобли иш қилиб кетди?

— Ҳа савобли иш қилиб кетди?

— Савобли иш, ҳа, савобли иш, — деди Олахўжа ва яна қаттиқроқ зуғум блан бақирди: — ўзингнинг бурнинг қичиган, гўшт егинг келган. Қани сени шу гўшт тилаб қичиган бурнингни бир ишқалаё қўяй!...

Абдурасул кейинга тистарилар экан, нимадир демоқчи эди, аммо унинг сўзи оғзидан чиқмай қолаберди. Қулоғининг тагига:

— Мана савоб! Мана гўшт! — хитоблари остида устма-уст шундай қаттиқ муштлар тушдики, унинг кўзларидан учқунлар чақнади. У дастлабки икки-уч муштнинг аччиқ зарбини татиб кўргач, кейинга бурилиб қочар экан Олахўжа уни қувиб юриб калласига ва елкасига мушт тушираберди. Агар шу вақт келиб қолган онаси Қутбинисо кўз ёши блан фар'ёд солиб, одамларни ёрдамга чақириб, ўғлини ажратиб олмаса, Олахўжа уни уриб, бирор жойини майиб қилмай, ҳўкизнинг алаmidан чиқмаслиги аниқ эди.

Орадан бирор ҳафта ўтди. Бу орада тарғил ҳўкизнинг гўшти-ни сотиб, пулига яна бир ҳўкиз олган Олахўжа Абдурасулни ҳовлисига чақиртирди. Ба'зибир мулоҳазалар блан Абдурасул ўрнига онаси Қутбинисо борди.

Олахўжа ҳовли ўртасидаги сўрида ўтирар эди.

— Ҳа, — деди у, Абдурасулнинг онасига, — ўғлинг ишга чиқадими ё орани очиқ қилмоқчимисизлар?

Абдурасулнинг онаси кўзига ёш олиб илтимос қилди:

— Ҳа, худо хайр берсин, шунча хизмат қилгани бўлар. Орани очиқ қилиб қўяқолинг!

— Мендан бўлак одам бўлса шундай ҳўкизнинг хуни учун яна икки йил ишлатар эди. Хайр, майли, мен Олахўжаман, менда одамгарчилик бор, — деди-да, шундай ёстиқ тагидагина турган қора муқовали ҳисоб дафтар блан чўтни олди. Дафтарни варақлаб, ёзилганларни Абдурасулнинг онаси яхши эшитсин учун қаттиқ овоз блан ўқиб чўтга солаберди. Ҳар чўт урган сари унинг оғзидан тахминан, шу хилдаги гаплар эшвилар эди:

— Палон вақт совун олдинг, палон сўму, палон тийин... Палон вақт қовун олдинг, палон сўму, палон тийин...

Қутбинисо бойнинг ҳисоботини тинглаб қанча вақт ўтирган-дан кейин, ниҳоят беш қадоқча ҳашаки ўрик ундириб қайтди.

Бу катта мусибат блан тенг бўлди. Она-бола неча йиллик меҳнат бараварига келган исқирт ўрикни ўртага қўйиб, хўрлик ва ҳақорат аламидан аччиқ-аччиқ йиғлашдилар. Абдурасулнинг юрагида ғазаб ўти алангаланса ҳам, у чорасиз бир йигит эди. „Замон бойга боқар“ эди.

Она-бола туни блан ҳасратлашиб, сўнгида маслаҳатни бир ерга қўйдилар. Эрталаб Қутбинисо ўғлига оқ йўл тилаб, дуо ўқиди. Абдурасул жомакорини елкасига солиб йўлга чиқди. Чунки бошига тушганларнинг ўзлари таърифлашгандек, у замонларда кўп кишиларнинг „ўз тўни ўзига тор“ эди. Одамлар ўз юрларига сизмас, қишлоқ қашшоқ, батрак деҳқонларни худди „ўғай она“дек бегона қилиб ҳайдар эди. Кишилар куч-қувватларини сотишга меҳнат ахтариб, ер ахтариб, овқат, кийим-кечак ахтариб, ўз туғилган ерларидан чиқиб кетардилар. Абдурасул ҳам худди ана шу „бахт ахтарганлардан“ бири эди. У бу „бахтни“ дастлаб Қўқондан топди. Мадалибой деганнинг бир йил хизматини қилиб, бошига янги дўппи кийиб, онасига бир кўйлақлик газлама олиб ва яна чўнтағига икки бошлик қуштамга танга ва чақалар солиб қайтди...

„Бахт“ унинг юриб ўрганган оёқларини яна узоқларга тортди... Ҳафталаб пиёда йўл босиб, довон ошиб, тоғлар, чўллар босиб Фарғона водисидан „нонга сероб“ Тошкент вилоятига ўтди. Тошкентлик Умарқози гиламфурушнинг ерида икки йил ишлаб, ортдирган қогоз пулларини пайтавасининг орасига қистириб, куз охирида яна пиёда довоң ошиб ўз юртига қайтди. У, энди, турмушнинг оғир, жафоли, кулфатларини енгиб, пишиқ, бақувват йигит бўлиб етишган эди.

Олахўжа бир камбағал келгинди тожикни икки йил ишлатиб сўнгида „хирмон ўғриси“ қилиб ҳақ бермай ҳайдади. Энди, яна бир билагига кучи борга муҳтож эди. Эшик олди кўчадан ўтаётган Абдурасулни кўриб, яна ичи пишди.

— Хуш, Абдурасул,—деди у,—қаёқларда санқиб юрибсан, нима топдинг, нима ортдирдинг?...

Абдурасул тўхтади. Жавоб берди:

— Нимасини сўрайсиз? Қаёқда санқиб юрганим, нима топганим, нима ортдирганим сизга нимага даркор бўлди, хўжайин!..

— Дарахт бир жойда кўкаради,—деб насиҳат қилди Олахўжабой —Отанг раҳматлик умр бўйи шу ердан бир қалам жилган эмас эди. Сен дайди бўлиб қолдинг, дайди...

— Дун'ёдан умидимиз бор, биз дайдимайдиган кунлар ҳам келар, хўжайин!—деди Абдурасул.

— Яна дайдимоқчимисан?—деб сўради Олахўжа.

Абдурасул боши блан шундай ишора қилди. Олахўжа анча норози бўлиб гапирди:

— Майли, бор иним, бор! Нима топар эдинг. Биров сенга уч пулини „ма, ол!“ деб текинга ташлайдими! Бежор санқиганинг қолади, иним!

Эрта баҳор Абдурасул яна довон ошди. У бир марта эмас, бирнеча марта довон ошди. Тошкент атрофида унинг қадами



тушмаган ер қолмади. Шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб юриб, бойларнинг меҳнатини қилди, буғдойини ўрди, шолисини янчди, пахтасини чопди. Қўйлиқда Шокамол деган бойда бир йил, Қовунчида Мирзақамбар деган бойда бир йил ишлади. Зоғ ариқ бойларига уч йил боғланди. Устидан ямоқ тўни, оёғидан чориғи тушмади. Ахири, Янгибозор бойларининг ерларини беш йил экиб, бутун ортдирганини емай, ичмай, тишининг қавагида сақлаб юриб, тўплади-да сўнгра борини қоқиштириб бир жийрон қашқа от олди ва доводдан сўнги мартаба от миниб ўтди. У гўё шу блан довод ошишга ҳотима берган ва энди бирорта ёлғиз отлиқ блан шерикчилик қилиб, адирга дон сочса ҳам ўз қишлоғида тирикчилик ўтказишни ўйлар эди.

У тилагининг сўнгига етган бир кимсадек қувонч ичида, от устида қишлоққа кириб келди. Ҳамдард дўстлар унинг қувончига шерик бўлишди. Олахўжа унинг от миниб кўчадан ўтганини кўрган сайин бирор мақол айтиб одамларни кулдирмоқчи бўлди.

— Ўзи сизмас инига, ғалвир бойлар думига.. Қишда бу отни қаерда сақлаб, вима блан боқар экан?... Бостирмаси, пичани бўлмаса... худоё тавба!— деди.

Абдурасул ёр-оғойнилар ёрдами соясида жийрон қашқани бир амаллаб қишдан чиқариб олди. Баҳорда унинг кучи блан қўриқдан уч таноб ер очиб экин қилди. Тирикчилик нари-бери ўтабошлади.

Кунлардан бир кун Зокирхўжа қассоб Абдурасулдан от сўради. Абдурасул ундан гўшт қарз олаш илинжи бўлганидан „йўқ“ деялмади, берди. Қассоб отнинг белига ўнбеш пуд макка-жўхори қўйиб бозорга олиб борди ва жийрон қашқани майиб қилиб эгасига қайтарди. Абдурасул тўрт томонга зир югуриб, жийрон қашқага „эми-деми“ қилди. Броқ от-от бўлмади. Абдурасул ундан ажради... У сўнгида бу иш Олахўжанинг фикри блан бўлганини онглади. Олахўжа уни ўз эшигига ёрдам сўраб келадиган бир аҳволга солишни кўнглига мулк қилиб туккан эди. Броқ, у муддаосига етолмади. Абдурасул совет ҳукумати орқали Олахўжани енгди. Агар, 1925 йил, ер ислоҳоти комиссиясининг олдидан шу Абдурасул юрган бўлмаса, балки, Олахўжанинг пати ўнчалик юлинмаган бўлар эди. Олахўжани яна ҳам Тожибой оқ-соқолга ўхшаш ёр-оғойнилари суяб қолдилар.

Советдан мадад олиб, қишлоқ камбағал-батракларғи уюш-тирган ва мана энди батрачкомдан партия ячейкасининг котиблигига кўтарилган, аммо, ўтмишини сра унутмаган Абдурасул ҳарбир қимирлаши-мажлислари, ташвиқотлари, тез-тез районга қатнашлари, район ва шаҳарга бориб қандайдир одамлардан ақл ўрганиб келишлари блан собиқ хўжайин Олахўжанинг кўп ғашини келтирар ва ҳатто уни ташвишга солар эди.

Қисқаси, уч киши Олахўжа, Зокирхўжа қассоб блан Абдурасул ўртасидаги сув ичмаган беда еб оз бўлмаса харом улган хўкиздан бошланиб, оғир юк босиб беланги қилинган отгача бўлган можара совуган бўлса ҳам ҳали тугамаганга ўхшар эди. Улар бир-бирларини ҳар кўрган сайин ўз бошларидан кечганларни бир кўнглидан ўткамай ноилож эдилар.

— Аҳа,—деди Холмурод, бу тарихни эшитгандан сўнг,—ораларингизда анчагина гап ўтган экан. Шунинг учун ҳам сиз у ерга кириб боришингиз билан уларнинг нафаслари ичига тушиб кетган экан-да!..

— Ҳа, меҳнаткашни „така бўлсину, сут берсин!“ дейдиганлар шулар..

Ма'рифатой эрини имлаб айвонга чақирди. Сўнгра улар тўридаги бешикни кўтаришиб қаёққадир олиб чиқдилар. Кампир тахмондаги кўрпачаларни ёйиб ўрин солишга киришганда Холмурод ҳавлига чиқди. Дастлаб қоронғу ва совуқдан бошқа ҳеч нарса сезмади. Кейин ён томонидан чақалоқнинг гиншиганини эшитиб аланглади ва хирагина ёруғ чиқиб турган эшикни кўрди. Бугун меҳмон келгани муносабати билан аёллар шу ерда ёғмоқлари лозим эди. Абдурасулнинг овози эшитилди.

— Ҳа зерикиб қолаётганингиз йўқми,—деди у ҳовлига чиқиб.

— Йўқ,—деди Холмурод,—мен сизларни ташвишга қўйдим, шекилли?

— Йўқ-йўқ, ҳеч ташвиши йўқ,—деди Абдурасул,—фақат битта карават бўлмаганидан хижолат чекиб турибмиз, халос. Сизлар сим караватда ётиб ўрганган одамсизлар...

— Бе, албатта карават бўлиши шарт эмас...

Улар ичкари киришиб, қалин солинган ўринларга ётиш учун ечина бошладилар. Шу пайтда биров деразани қаттиқ тарақлатиб қичқирди:

— Папкани қаёққа қўямиз, папкани!..

Абдурасул дераза олдига борди. Деразадан қараган башарани кўриб:

— Ҳа, Давлатёр, нима деб ҳовлиқаётибсан, — деди.

— Афандимнинг папкасини қаёққа қўямиз?

— Нима деяпсан ўзинг, гапингни сра тушуниб бўлмайди. Қани бўёққа кир! — деб уни ичкарига имлади Абдурасул.

Четларига ялтироқ жезлар қоқилиб безатилган катта қора чамадон эшикдан сукулганда йигитнинг нима демоқчи бўлгани онглашилди: Холмурод бу чамадонни эрталаб район маорифда қолдириб келган эди.

Йигит чамадонни ўртага қўйди ва ҳансираган овоз билан:

— Бу папка сизникими?—деди-да, серямоқ тўнининг енги билан пешанасига чиққан терларни артиб олди. Холмурод йигитни таниди, у кундузи уни тутунли меҳмонхонага бошлаб келган азамат эди.

— Ҳа, меникй, — деди Холмурод, — ким келтирди буни?

— Боя бир ўткинчи арава кооператив олдига ташлаб кетди. Мен олиб қўйган эдим. Меҳмонхонага кетган эканси...

— Ҳа, районда „ўзимиз орқангиздан юборамиз“ деган эдилар.

Абдурасул чамадонни четга, дераза томонга олиб қўймоқчи бўлди.

— Қўяверинг, мен ўзим олиб қўяман, — деди Давлатёр. Тез чамадонга тармашди ва четга олиб қўйди, сўнгра: — Ичига кўр-

Ҷошин соп қўйганми? Мунча оғир бу савил! — деди-да илжайиб Холмуродга қаради.

— Ўзингизни бекор қийнабсиз-да... Мен ўзим олиб келар эдим, — деди Холмурод, йигитнинг гапидан уялиб ва чамадонни очди. Унинг ичида бир-икки ячки ва ташқи кийим блан бир оқ сочиқдан бўлак нуқул китоб тўла эди. Бу ўзбечка, русча турли хил китоблар орасида савод китоби ҳам бор эди. Чамадоннинг лучмоқларида совун, тиш чўтка, кийим чўткаси, яна нималар кўринар эди.

— Эҳе... ҳамма нарса топилар экан, бунинг ичида... — деди Давлатёр ва тиш чўткасини ишора қилиб айтди:— бизнинг кооперативда бундақа нарсадан йўқ.

— Ҳа, бизнинг бор бисотимиз шу оғайни, — деди Холмурод. Абдурасул ўзи ўқий билмаса ҳам китобларни жуда иштиёқ блан бирма-бир олиб варақлайбошладди. Ба'зибир суратларга тикилди. Шу блан бирга у китобга ҳарбир қараган сари, беихтиёр равишда Холмуроднинг юзига ҳам бир қараб:

— Бу китобда жуда кўп қизиқ гаплар бўлса керак! — деб қўяр эди.

Унинг сўз ва қарашларида бу китоблар эгасига чуқур ҳурмат ишораси бор эди.

Давлатёр кетмоқчи бўлиб ўрнидан турди. Холмурод чўнтагини кавлаётди уни тўхтатди.

— Сизга жуда катта раҳмат! Мана буни олиб қўйинг, ўртоқ!

Давлатёр ўзига узатилган беш сўмликка яқин борди. Кейин олишдан бош тортди ва чиқиб кетди.

## VII

Абдурасул одатдагидек жуда барвақт уйғонди ва меҳмон тургунча келадиган бўлиб, қандайдир юмуш блан кўчага чиқиб кетди. Унинг кетиданоқ ҳовлида болалар пайдо бўлишди ва Қутбинисо холанинг ташвиш блан уришиб ҳайдаганига қарамай, деразани қоқиб, эшикни тортиб чуғурлаша бошладилар:

— Муаллим!...

— Афандим!...

Холмурод ичкарида апил-тапил кийинар ва уйқули овоз блан уларни тинчитар эди:

— Ҳозир болалар... Ҳозир...

У эшикдан чиқиши блан бир гала бола ё „ура!“ ё „ола!“ деганини англаб бўлмас даражада шовқян солиб уни ўртага олди.

Шошиб қолган Холмурод нима қилишини билмай:

— Қани юринглар, мактабларинг қаёқда? — деб сўради.

— Ура... о... о!... — деди болалар. Муаллимнинг қўлдан тортдилар, белидан ятардилар. Уни ўз майлига қўймай кўчага олиб чиқдилар ва тинимсиз чувуллашиб кўча ўртасидан олиб кетдилар. Холмурод болалар ўртасида оёғи ерга тегар-тегмас енгилгина лапанглаб борар эди. Бўйинларига жилд оingan болалар, тарам-тарам сочли қизчалар, тор кўчалардан югуриб чиқиб, га-

лага қўшилади. Болаларнинг чуғурлашини эшитган хотинлар, буй етган қизлар, келинлар эшик олдига чиқиб завқ блан тамошо қилади. Ишга бораётган йигитлар кўча мушларарида тўхташиб, шу топда ўзларининг ҳам бола булмаганидан нолигандай бир қиёфада қараб турадилар.

Болалар қуршовида қолган Холмурод паришон бир ҳолда илжаяр, уялганидан атрофига қарай олмасди. Броқ, шундай бўлса ҳам ҳамманинг кўзи ўзида эканини ва булар орасида қай-сидир эшикдан кечаги гўзалнинг ҳам кўзи тикилганини мамнуният блан ҳис қилди.

Болалар чуғурлашиб сўрадилар:

— Отингиз нима ака?

— Нега тезроқ келмадингиз?

— Кетиб қолмайсизми яна?

Улар катта йўлга чиқдилар.

Болалар Холмуродни, ниҳоят, йўлга қараган катта дарвозанинг шундай ёнбошидаги эски бир уйга бошлаб кирдилар. Икки қатор қўйилган ўнчага ғажилган, тирмаланган, чанг боскан парталар уйни зич тўлдирган бўлиб, болалар уларнинг биридан-бирига хатлаб юриб, учов-тўрттовдан сиқилишиб ўтиришди. Эшикдан кираберишда деворга каттакон қора тахта қоқилган. Уйнинг ҳовлига қараган каттагина деразаси бўлиб, бўёқсиз ром ёғочининг эскирмаганлиги, уни бу эски уйнинг деворини тешиб ўрнатилганини кўрсатиб турибди. Синган ойнак ўрнини газеталар блан қопланган.

Бу „мактаб“ эди.

Холмурод, уйнинг ҳавосини янгилаш учув парталар орасидан сиқилиб бориб, деразани очди ва шу топда, от ва ҳўкизларнинг думлари кўриниб турган бостирма томондан қора соқол, чўзиқ юзли бировнинг келаётганини кўрди. Унинг ўзи блан кўришишга келаётганини пайқаб қайтиб эшик олдига келди.

Турдибой ҳалфа ўз ҳовлисида иш бошлаган муаллимга катта ҳурмат блан қараганини билдириб, унинг олдида эгилиброқ кўришди ва мўлойим чеҳра блан гап бошлади:

— Кўп яхши бўлибди-да. Бу тирранчаларни ўқитиб мулла қилмасангиз, кўча чангитишдан бошқани билмай қолаберади,— деди ва ўзининг мактаб ва болаларга меҳрибонлиги, собиқ мактаб бўлган жойнинг шипидан чакка ўтиб, девори қулаб тушгандан кейин қишлоқ совети мактаб болаларини қаерга жойлашни билмай юрганида, шу жойни ўз хоҳиши блан „якки қўллаб ин’ом қилгани“ тўғрисида мақтанди. У гўё ўзининг қачондир қораллари ва э’тиборсиз бегона меҳмонлари яшаган, кейинча бўшаб, кераги бўлмай қолган жойини мактаб учун берганига мамнун ва мағрур кўринар эди. Холмурод унинг гапини жиддий ва лекин совет мактабининг ва ўзининг бу одамга ихтиёжи тушганидан руҳи оғирсиниб тинглади. Кейин чуғур-чуғур овоз блан уйни бошига кўтарабошлаган болаларга қайирилди. Кўзлари шаҳло, ўзи қоп-қора миқти бир бола қаттиқ қичқирди:..

— Жим!..

Холмурод энгашиб парталар устига сепдек ёйилган, сарғайган, муқовалари ё кўчиб тушган, ё хамир блан ёпиштириб қўйилган дафтар ва „Алифбо“ларни бир четдан кўрабошлади. Болалар анги муаллимни кутиб ўз буюмларини мумкин қадар эҳтиёт қилган эдилар.

Холмурод ҳаммани кўздан кечириб чиққандан кейин:

— Буерда илгари ҳам ўқиганмидиларингиз, — деб сўради.

— Ҳа, ўқиганмиз, зағча кўз домла ўқитар эди, — деб чуғурлашди болалар.

— Зағча кўз домла? Ким у?

— Мачитга имомлик қилади, — деди юмалоқ юзли, тишлари кемшик бир бола.

Холмурод, кеча Олахўжаникида учратгани шахсни кўз олдига келтириб:

— Аҳ-ҳа, — деди ва яна сўради: — хўш, нималар уқитди у киши сизларга?

— Жадидча ўқитар эди, — деди бир бола.

— Номоз ҳам ўқитар эди.

— Номоз? — деб кулимсиради Холмурод. — Қани, номозни қандай ўқир экан?

— Ҳа, „ният кардам, бугзорам, икки ракат, суннати номози бомдод“ деб ўқир экан — дейишди болалар.

— Хўш, нима дегани экан бу?

— Билмасак.

— Ана халос, ўзи тушунтириб бермадимми ахир?

— Тушунтириш қаёқда, калимага тилимиз келмай қолса, қулоғимиздан чузиб, бурчакка олиб бориб, бир оёк блан тикка қилиб қўяр эди, — деди шахло кўз қора бола.

— Шундайми? Кейин нега ўқитмай қўйди, домла?

— Болаларнинг кўпи ўқимаймиз, деб қочиб кетди. Ундан кейин ўзи ҳам маорифдан одам чиқиб ўқишни тўхтатиб қўйди. „Болаларга жадидча ҳам, номоз ҳам уқитилмасин!“ деб буйруқ қилиб кетди.

— Жуда тўғри қилибди, — деди муаллим, — без жадидча ҳам, номоз ҳам ўқимаймиз, биз энди, ўз она тилимизда ўқиймиз. Ма'қулми?

— Жуда соз! — дейишди болалар.

Бутун дарс давомида ҳовли юзидан тамошочилар узилмади. Ярим очиқ, қари ва ёш аёллар, учов-тўртов бўлишиб келишиб турар ва жуда қизиқишиб деразадан мўралар, тинглар эдилар. Холмурод Бозорбойнинг ҳам, Давлатёрнинг ҳам, деразадан мўралашиб кетганини кўрди. Сунгра бирнеча ярим очиқ аёллар орасида турган у қизил кўйлакли, қора камзулли, ажойиб кўзли гўзалга ҳам кўзи тушди.

(Давоми бор).

ҲАКИМ НАЗИР

## Й И Г И Т

ХИКОЯ

Умаржонни раис бемаҳал чақириб қолди. У одатдагича анча кеч даладан қайтиб овқатланиб бўлгач, энди ётиш тараддусида эди. Чақириб келган боладан „қайердалар“ деб сўраганда, бола „уйдалар“ деб жавоб берди. Умаржон ҳайрон бўлди:— Нега кечаси чақирди экан? Бирон зарур иш чиқиб қолдимикан? Иннай-кейин нега энди идорага эмас, уйларига чақирди экан?

Умаржон қўшни қўрғончага кирганда, раис сўрида кенг яхтагининг ёқасини ечиб, елпиниб ёнбошлаб ётар эди.

— Кел ука, кел, — деб раис қаддини кўтарди-да, унга ёнидан жой кўрсатди: — кундузи йўқлатиб тополмадим. Қайерларда юрипсан ўзинг?

— Янги участкада эдим, Болтабой ака, — деди Умаржон тортиниб ва раиснинг жиддийлашган башарасига тик қараёлмади.

— Эшитдим, — деди раис ва у бош бармоғи билан Умаржоннинг кўкрагидаги электр шу'ласида ялтираб турган медальга ишора қилиб, кўзларини қисган ҳолда:

— Буни нега берган? — деб сўраб қолди.

Бу кутилмаган савол Умаржонга жуда ғалати туйилди. У нима деярини билмай, бароқ қошларини кериб, раисга ҳайрон термилди. Раис жавоб кутарди. У „яхши уришганим, жанговар хизматларим учун“ деб айтишга оғиз чоғлаган бўлса ҳам, ўнғайсизланиб, қисқача деди:

— Хизматларимга...

— Қанақа хизматларингга?

Раис, ўзининг томдан тараша тушгандай бу саволлари Умаржонни тараддудга солиб қўйганини пайқаб турган бўлса-да, яна сўради:

— Агар топшириқни яхши бажармаганингда, командирингнинг буйруғини ўрнига қўймаганингда, бу мукофот тегармида?

Умаржон бошини чайқаб қўйди ва ўнғайсизликдан қимтиниб, бошидаги эскирган пилоткасини тиззасига олиб қўйиб, унга тикилиб қолди.

— Демак ҳарбийда бошлиқларнинг буйруғини қонун деб билгансан-а? Тўғрими? Балли. Энди бу ерда-чи?

Умаржон раиснинг гаплари нима устида кетаётганини бироз тушинган эди.

— Болтабой ака,— деди айбига иқрор бўлган кишидай овозини пастлатиб,— ота уриниб қолибди. Қарасам иши чатақроқ, ёрдамга бордим.

— Сендан ёрдам сўрадим?

— Йўқ, ҳечбир сўрагани йўқ. Аҳволингиз қалай десам, сир бой бермади-ю, аммо кечалари уйга қайтмай қолди. Ҳеч тинмайди бечора. Доим хушнуд юрадиган одам, қарасам диққатроқ кўринди. Ачиндим. Бориб билсам, чопиқда орқада экан. Аммо, Болтабой ака, ери ҳам янги қўриқ, роса тош-метин экан-да.

— Биладан. Салим отанинг ўзи ҳам метиндай одам. Ери ҳақиқатда вазмин. Ахир бошда ўзи танлаган-да— деди раис,— сен ука буёғини кўявер. Отага ёрдамчи керак бўлса, биз топиб берамиз. Лекин сен нега менинг топширигимни бажармадинг, шуни айтиб бер чи? Ё ҳарбийда интизом бору, бу ерда йўқ деб ўйладингми?

Раис интизомни пеш қилиб гапиргани учун Умаржоннинг дами ичига тушиб кетди. Ҳақиқатан у раиснинг буйруғини шу блан икки марта бузган эди. Раис унга қоровуллар бошлиғи вазифасини топширганда, бу ишни ўзига эп курмадими, ҳарқалай бош тортиб, берухсат дала ишига унйб кетган эди. Энди ўзини оқлашнинг иложини тополмай, айбига иқрор келишга мажбур бўлди.

— Кечирасиз энди, Болтабой ака.

— Оввалги сафар кечирдим. Урушдан янги келган аскар боламиз деб эркалигингни кўтардим. Энди кечиролмайман. Агар ҳарким шунақа ўз билганини қилаверса колхоз — колхоз бўладими! Сен агар ишлашни хоҳласанг, биз қўйган ўринда ишлайсан. Ана ўшандагина кечираман.

Бу таклифга Умаржон яна кўнмасдан, эски гапини такрорлади.

— Раис ака, ўша лазифангизни қўйинг. Мен звенода ишлай.

— Ахир сенга ноҳўя ишни топшираётганим йўқ-ку. Қоровулларга бошлиқ бўлиш ёмонми? Колхознинг моли-мулкини сақлайсан, Буни ҳаркимга ҳам ишониб топширилавермайди. Узи сенга мувофиқ ҳам енгилроқ иш, ука.

— Хафа бўлманг-ку, раис ака, бу менга тўғри келмайди.

— Нимаси тўғри келмасин? — раис хуноб бўлди, ахир қўлинг ногирон бўлса, оёғинг оқсоқ бўлса қанақа қилиб қўш ҳайдайсан? Тагин қўл оёғинг баттар ишдан чиқиб қолса, — ким жавобгар?

Раиснинг бу ғамхўрлиги Умаржоннинг кўнглини кўтарган бўлса-да, аммо дала ишдан четлатмоқчи бўлгани асло ёқмас эди. Шу сабабдан у, ўзининг звенода қўш ҳайдашни бемалол удрдаётгани ва баъзида кетмон ҳам чопганини айтиб, ўз фикрини кувватлашга уринди.

Раис энди насиҳатга ўтди.

— Ука, — деди у, — сенга ачинаман. Меҳнатга бутунлай яра-

май қолсанг, сўққа бошсан, ким парвариш қилади? Менинг фикрим шуки, сен яна бир неча ой енгилроқ ишда бўлиб, ўзингни обдон тузатиб олсанг, кейин... — кулиб кўйди-да, давом этди: — кейин бошингни иккита қилиб қўймоқчиман...

Умаржон ялт этиб қараган эди, раис:

— Я'ни уйлантириб қўймоқчиман! — деб қўшиб кўйди.

Ҳамма бўйдоқлар сингари Умаржоннинг ҳам қулўғига бу албатта ёқимли эшитилди. Аммо суфо сирини бермас дегандай, у тиржаябошлаган лаби-лунжини дарҳол йиғиштириб олиб, ўзини вазмивликка солди ва ҳижолатдан қутилиш учун бўлса керак, жанг оташларида товланиб пишган юзини ўнг қўли блан сидириб кўйиб жиддий тусда:

— Оввал ишлай, кейин бўлар... деди.

— Бирга ишлай берасанлар-да — раис кулиб кўйди.

— Ким блан? — Умаржон ўзини гулликка солиб сўради.

— Отини ҳам айтиб берақолайми? Оббо Умаржон —эй! Буёғи энди, ука, сенинг дидингга боғлиқ. Қайси бирини танласанг, дарров совчи қўямиз, кўндирамиз...

Умаржон энди очигига кўча қолди:

— Ҳозир тўғри келмайди...

— Нега ундай дейсан? Ёки у ёқда биронтасини ёқдириб келганмисан? Қизларимиз дидингга утиришмай қолдимиз? а?

У: „дидимга ўтиришадигани шу ерда борку-я, аммо кучим етмайди“ демоқчи бўлса ҳам, бу фикрини очиқ изҳор қилаолмади.

— Ёқтир-май-ди,-деди у хомушлик блан чўзиб.

Раис аввал ўзи гап кўзгаб кўйиб, энди Умаржоннинг бу дудмол жавобларига қизиқсиниб колган эди. У гапнинг тагини ҳадеб суриштиравергандан сўнг, Умаржон „ёқтирмайди“ деганининг боисини тушинтира кетди...

Армиядан қайтганда уни колхоз раҳбарлари ота-онаси ўрнида меҳрибонлик блан ҳагто станциягача чиқиб кутиб олишди, бош-оёқ сарпо, озиқ-овқат блан сийлашди, зиёфат қилиб чақиринди. Айниқса тутинган отахони Салимотаку, босар-турарини билмай қолиб худди ўзининг фронтда ҳалок бўлган ўғли тирилиб келгандай қувончга тўлди, Умаржонни қайта-қайта қучоқлаб, пешонасидан силаб, висотидаги бор дуоларни ишлатди.

У келганининг иккинчи куни ўзининг жонажон даласини тамоша қилиш учун чиққанида, далани бошларига кўтаргудай шовқун-сурон блан ғўза чопаётган қизларга дуч келдию та'би олинди қолди. Чунки қизлар, унинг олдига югириб келиб кўришиш уёқда турсин, ба'зилари тузуккина саломлашмадилар ҳам. Кетмонларини қўлларидан қўймагаңлари ҳолда, унга бир қайрилиб қарашди — ю кўполдан-кўпол қилиб: „Ҳа Умаржон, келдингми? Ҳаммаёғинг бутунми?“ деб кўйишди-да, ишларини яна давом эттираверинди.



Ҳаммадан ҳам қақилдоқ Муборнинг гапи ўтиб тушди.

Умаржон бармоқлари узилган чап қўлини яшириш учун камзулининг қўйнига текиб кетаётса, Мубор қадимги олатини қайтариб „Ҳа, бедана тулладини“ деб гап отиб қолди...

Шунда у аламига чидолмай, ногирон қўлини қўйнидан баралла чиқариб туриб, мана кўринг, бу қўллар бедана кўтармай қўйганига уч йил бўлди, бу қўллар фашистнинг хиқилдоғини бўғишда иш берди, деб юбормоқчи ҳам бўлди-ку, аммо бундай қилмади.

„Хўп майли,—деди у ўз ичида—ҳали ҳам эски та’налардан қутилмаган бўлсам, бундан кейин кўрасиз...“

Умаржон Мубор тўғрисида сўзлаганида авзойи ўзгариброқ кетган эди. Раис бунга пайқаб:

— Ҳа, ҳа, тушиндим! Дардинг зўр экан, ука!—деди ва дарҳол юпатиб:—лекин, Умаржон, асти парва қилма. Бу қизларимизнинг ўзи ишда ҳам, сўзда ҳам чечан. Унча-мунча одамга гап бериш майди. Кўнглингга олма. Айниқса ўша Муборнинг ўқи ўзган. Ўзи сен боб лекин... Ҳадди сиққанидан гап отган-да... Хўш, нима дейсан энди?

— Нима дер эдим?—Умаржон ҳамон сир бой бермасдан—илтимосим, акалик қилинг. Салим отанинг звеносида бир ишлай...

— Тўхта, сен аввал айт: уйланишга нима дейсан?

— Айтдим-ку. Қўлимдан келмайди..

— Нима қўлингдан келмайди? Биз борку, ахир. Ўзим бош қўшаман дедим—ку!

— Ҳозир менга ярашмайди. Болтабой ака. Аввал ишлашим керак. Кейин...

— Оббо! Сенга тушинаолмадим, йигит. Биров отанг ўрнига ота бўлай, бошингни қовуштириб қўяй деса, яна тўғри келмайди деганинг ортиқча.

Раис Умаржоннинг терслигини бир чекаси қайсарликка қўйиб, провардида зарда аралаш:

— Хўп бўлмаса, билганингни қил! деди.

Раиснинг сўнги сўзини Умаржон розилик ўрнида қабул қилиб, шу куннинг эртасиданоқ дала ишига янада қаттиқроқ киришиб кетди. Салим отага қарашли дарахтсиз, кўкатсиз, нообод янги ерда чайла қуриб олишиб, ота блан бирга кичкина рўзгорларини ҳам ўша ерга кўчиришди. Отанинг учта ёрдамчиси тўртта бўлди. Лекин у тўртинчиси бир неча кун ичидаёқ ишда икки-ўч киши ўрнини баҳазур босадиган бўлиб қолди. Чораккам бир аср умр кечирган ота, кўпчилик олдида бу йил шу заранг ариқ ердан баракали оқолтин ундириб хақиқий деҳқонлигимни кўрсатсам армоним йўқ дер эди. У Умаржоннинг мадади блан, шу аҳдини ўринлата олишига кўзи етиб қолди. Умаржон шарофати блан ишлар жўнашиб кетди.

Ота, Умаржонни урушдан олдин фақат бир етим бола деб шафқат қилганидангина ўз паноҳига олган эди. Унинг бебошлиги, саёқлигини кўрганда гоҳо ачинар, гоҳо ғазабга келиб койир, насихат қилар, уни тўғри йўлга солиб юбориш йўлини изларди халос. Эндичи? Энди, ёлғиз фарзанди доғида анча мадордан кет-

ган бир чоғида Умаржонни бемалол суянса бўладитан бир тоғ деб, унга ишончи ва меҳри ортабошлаганди.

Ҳафталар ўтди. Кунлардан бир кун Салимота раиснинг ҳузурига келиб, арз қилди:

— Ўғилларим,—деди—сизлар менга ишонасизлар. Бир оғиз сўзимни ерда қолдирмай, оппоқ соқолимни ҳурмат қилиб, менга бутун бошли бир звенони топшириб қўйдиларинг. Энди бир илтимосим бор. Илтимосим шуки, мени шу ишдан озод қилсаларинг...

Раис ҳам, унинг атрофида ўтирганлар ҳам чолнинг бу илтимосига хайрон бўлиб қолишди.

— Нима булди отам?—деди раис таажубланган ҳолда кўз тикиб—аҳдингиздан қайтдингизми? Ё чарчаб қолдингизми?

— Йўқ, йўқ, асло!—ота кенг кўкрагига ёпирилган сербар соқолини тутамлаб туриб деди:—сизлар менга қанчалик ишонсаларинг, мен ҳам ўзимга шунақа ишончли ҳамдам топиб олдим. Умаржоннинг қилаётган ишларидан хабарларинг бордур—а?

— Албатта, албатта!—деди раис.—У сизга анча ёрдам бераётган бўлса керак?

— Ҳа балли!—деб юборди ота ма'қуллаб—ёрдам ҳам гапми! Барака топкур, далани гуллатапти деяверинг. Мен бу ўғлонни сизларга яхшироқ танитиб қўяй деб келдим. У илгариги Умар беданавоз эмас...

Ота асли муддаога кучиб:—шу болани менинг ўрнимга сайласаларинг демоқчиман—дейиш блан ота яна огоҳлантириб ҳам қўйди:—тағин, кўнгилларингга келмасинки, чол ишга ҳафсаласи совипти деб. Йўқ, асло! Мен багардон турипман. Далада ўсган, ер блан курашиб келган деҳқон ҳеч маҳал қетмандан юз ўғирмайди. Аммо болаларим, ба'зи вақтларда қариллик билиниб қолади. Айниқса ҳисоб-китоб дегандек... Ҳа, бусиз ҳозир иш битмайди-ку. Кундан-кунга илм олиш, да амизда машиналар кўпайиб, гоҳо тилини билмай ожизлик қилиб қоласан киши... Энди Умаржоннинг йўли бошқа. Ахир тўпчи бўлиб, ҳар нарсага ақли етадиган бўлиб қолипти.

Правления а'золари отанинг бу арзи устида анча мулоҳаза юритиб кўрганларидан кейин, Умаржонни звено бошлиғи қилиб тайинлашга рози бўлишди.

— Аммо, отажон, унда тажриба оз. Ҳарбир ишда маслаҳатингиз ва ёрдамингизни аямайсиз-да!—деб илтимос қилишди.

— Эй, бўлмасамчи! Унинг обрўси менинг обрўйим—ку. Ўзида ҳаракат, муҳаббат зўр. Ёшу-қари одамдаги, шу нарса борми, ундан иш чиқиши турган гап...

\* \* \*

Қизлар звеносига агитатор ҳар куни янги хабар келтиради.

— Умаржон Қурбонов звеноси 5-чи чопиқни ҳаммадан олдин тугатипти.

— Умаржон Қурбонов звеноси янги культиваторни ишга солипти.

— Умаржон Қурбонов шарбат оқишида янги усул топибди. Яна 5—6 кун ўтгач, Умаржон звеносининг колхозда биринчи бўлиб чеканкага киришганлиги маълум бўлиб қолди.

Бу хабарларнинг ҳар бирини эшитганда Мубор бир сакраб тушгудай бўларди. У дастлаб бу хабарларга унча аҳамият бермагандай бўлиб юрди. Аммо шу ўртада мажлис бўлиб, раис энг олдингилар қаторида Умаржон звеносини тилга олиб қолди-ю... Муборхон энди ишонмай иложи йўқ эди. Бунинг устига шу мажлисда Умаржоннинг ўзи сўзга чиқиб, илғор ҳисобланиб келган қизил байроқли Мубор звеносини мусобақага чақириб қолди. Буниси энди Муборга жуда қор қилиб кетган эди. „Ўзинг ким эдинг-ку, келиб-келиб мэн блан ўзишувни ким қўйди сенга... Колхозда менинг олдимга тушадиган пешқадам чиқмайди“, деган ишонч зўр эди унда..

Мубор шошиб қолди. Ўзи блан беллашадиган одам чиқиб қолганидан, кечаю-кундуз безовта эди. У ҳечкимга бу тўғрида чурқ этмаса-да, инвалид йигитнинг ишларига зимдан разм солиб, киши билмас кўз-қулоқ бўлиб турди.

Ҳамон ўзаро мусобақалашгандан кейин бир-бирининг ишини бориб кўриш ҳам керак эди. Брок, Муборнинг Умаржон звеносига боришга бўйни ёр бермас эди. Борса худди Умаржон унга: „Ҳа эрка қиз, шахтнинг қалай, ўз оёғинг блан келар экансан—ку“ деб юзига соладигандай ҳавотир босар эди.

Улар бир неча кун бир-бирларига дуч келишмади. Қиз боришга юрак бетламагандан сўнг, бир куни чоштгоҳ маҳалда Умаржон отаси блан бирга бошлашиб, қизларнинг ғўзаси орасида пайдо бўлди. Балки Умаржон бу сафар ғўза баҳонаю, дийдор ганимат қилиб келгандир...

Пешонасига шойи дуррасини маҳкам танғиб, билагини шимариб, илдам-илдам ғўза челпиётган қиз Умаржоннинг бетига дадил қарай олмади. Умаржон эса Муборнинг ҳар этилган сари силкиниб кетган чилвир сочларига, жовдироқ кўзларига термилиб қўярди. Саратоннинг иссиғиданми, ё азамат йигитнинг салобати босганиданми, қизнинг ширмондек бетлари азонда очилган атиргул япроғидати шудринг каби терлаб турарди.

— Ҳа, Муборой, қуёш тапти зўр келипти-да. Ҳашарчи керак эмасми?— деб қўйди.

Умаржоннинг бу саволи агар қаттиқ текканда қиз „ҳашарчи керакмас менга, ўзингни эпла“ деб дарров сўз қайтарган бўлар эди. Бунинг ўрнига, у алланечук андишали, бир нимадан хижолат чеккандек ёввош, мулоийм овоз блан:

— Раҳмат—деди.— Биз ҳам чеканкани бошляпмиз...

— Бизнинг нима муддаода келганимизни биласанми, қизим?— деб Салимота гапга аралашди— қизил байроқни олиб кетмоқчимиз-ку!

Мубор отага ялт этиб қаради:

— Няма деялсиз? Қизил байроқни биз қайтармайдиган қилиб олганмыз.

Қиз Умаржоннинг ишларига қойил бўлган ва унга нисбатан юрагида аллақандай самимий бир ҳис туғилиб қолган бўлса-да, ҳали бира-тўла унинг қаршисида таслим бўлиш фикри йўқ эди...

\* \* \*

Қизгин йиғим-терим ма'ракасининг қоқ ярим палласи...

Кечки пайт. Салқин шабода кун бўйи қизгин ҳаракатдан чарчаган мускулларга ором бериб, майин эсмоқда. Баланд тепадаги чайланинг қоқ устига илинган кичкина байроқча ҳилпираб, ботаётган қуёшнинг нимхуш шу'ласида олисдан йилтираб кўринади. Мубор ўз ерида ишдан чиқаётиб, кўзи бир чақримча масофада чумчуқдай кўринган шу байроқчага тушади. У шундан кўзини узмай алланечук ҳаёлларга ботиб бора-бора катта йўл буёқда қоладию, дала ўртасидаги сўқмоқ йўлга кириб кетади. Бу йўл Умаржон томонга олиб борарди. Байроқча катталашиб, бунинг остидаги чайла яққол кўриниб қолгач, Мубор бир сесканиб тушди. „Вой ўлай, қаёққа кетаяпман ўзим“. У тўхтаб, пича ўйлаб олди. „Борсам... Агар.. Ҳўш қандай иш блан келдинг деса... Няма дейман?“ У арзирли баҳона тополмади. „Яхшиси — деди — қайта қолай“...

Шу пайт пахта топшириб катта йўлдан хирмонга қайтаётган аравадан Салимотанинг „Ҳов қизим қани, буёққа, буёққа!“ деган товуши эшитилиб қолди. Мубор энди орқага бурилишига ўнғайсизланди ва „майли, бирон гап толарман“ деганича, чайла томон қадам ташлашга ўзида мажбурият сезгандай бўлди...

Нарироқдаги хирмонда бир неча киши иш блан куйманаётган бўлса-да, чайлада Умаржон ёлғиз эди. Умаржон чайла олдига осилган фонар тагидаги столда чуқур ўйга толиб, хат ёзмоқда эди. У шундай хатга берилган эдики, қизнинг қадам товушини ҳам эшитмади. Мубор бундан икки ҳафтагина бурун ўз звеносида бўлиб, ҳозир эса Умаржоннинг чайласи томида ҳилпираб ётган байроқчага ҳомуш термилиб туриб, хўрсиниб қўйди. Сўнг Умаржонга ҳалал етказмаслик учун, жуда аҳтиёткорлик блан юриб бориб, Умаржоннинг шундоққина орқасида тўхтади ва елкаси оша назар ташлаб, қоғоз бетига тизилаётган шу сатрларни ўқий олди:

„...У ерда ҳам ғалаба биз томонда бўлган эди, бу ерда ҳам шундай бўлапти. Ёдингиздадир, аввалги ҳатимда айтган эдим. Бир ўжар қиз блан торгишиб қолганман. Йўқ, кечирасиз. Ўжар эмас. Абжир қиз. Мард қиз. Жовон қиз.“

Умаржон шу ерга келганида ручканинг орқасини пешанасига тираб туриб, бир дақиқа ўйлаб олди да, давам этди:

Балки та'рифини ошириб юборгандирман. Лекин мақтасам арзигудай. Қишлоқда унинг пайига тушиб, уни енгмоқчи тан бердириб яхши кўринмоқчи бўлганлар кўп экан. Аммо ҳеч кимдан енгилган эмас. Мана энди, ўртоқ командир, кўрсангиз, гвар-

дия старший сержанти Умаржон Қурбоновга аввал тан бермаса ҳам, эндиликда тан бериб қўйди. Орамизда унча-мунча пайровлар ҳам бўлиб ўтди... Энди унаса керак.

Хатингизда тўй қачон депсиз, раисимиз байрамда колхоз тўйи блан қўшиб ўтказамиз деяптилар. 3-4 кунга бўлса ҳам отпускаи қилиб албатта келасиз. Қадрдон солдатингизнинг илтимосини қайтарманг. Расмини сўраган экансиз, мана расми..."

Умаржон чўнтагидан буклоглиқ бир қоғозни олиб, уни авайлаб очаётганда, ерга бир нима учиб тушди. Уни олиш учун ўрнидан қўзғолган эди, қўққисдан кўзи Муборга тушди. Мубор кулиб юборай деса ҳам, бир нарса уни кулгида тўхтатди: Я'ни у хатингиз ҳамма сатрларини мароқ блан кузатган бўлса-да, расм ҳақидаги сўзлар бирдан дилига ғашлик солиб қўйган эди.

Умаржон ердаги нарсани ҳам унитиб: "ия! ия!" деганича, кўзини катта очиб, қизга тикилиб қолган эди. Қиз жавобсиз, ҳо-мушроқ ҳолда узун киприкларини ерга қаратиб турарди.

— Хуш Муборжон, келинг, қачон келдингиз?

Жавоб ўрнида қиз, чеҳрасини бузмай, астагина:

— Кимнинг расми? — деб сўраб қолди.

Умаржон ортиқ даражада саросимага тушган эди.

— А? Расм дейсизми? Қаёқдан билдингиз? Хатимга кўзингиз тушиб қолдимиз? Обба сиз — эй! Кимники бўларди!

Кўзини енгил учиршиш блан „сизники-да“ деган ишорани билдирди.

— Мен сизга қачон расм берипман?

Умаржон чаққон эгилиб, ерни тимискилаб, ҳалиги нарсани топди ва фонар шу'ласига солиб туриб:

— Мана ишонмасангиз! Мен буни хабарингиз йўқ, кўрғазмадаги расмингиздан кўчиртириб олганман!

Мубор кўз қирини ташласа, чиндан ҳам ўзгинасининг расми! Унинг анор каби қип-қизил бетларига табассум югирди...

Умаржон қиздаги бу ўзгаришни кўриб, ўзини пича босиб олди, Муборни стулга таклиф этаркан:

— Бировнинг хатига қарашга нима ҳаққингиз бор? — деб ҳа. зиллашиб ҳам қўйди.

Мубор стулга қимтинибгина ўтирди-да, бемаҳалда бу ерга келишининг сабабини қандай сўзлар блан тушинтиришга қийна-либ, оғир хаёл сурди. Умаржон ҳам қиздаги андишани йўқоташ йўлини излаб, мувофиқроқ бир сўз ахтарарди. Бу чоқ хирмон томондан оғир этигини гурсиллатиб Салимота келиб қолдию, бу қийин вазиятни енгиллаштирди...

Умаржон ҳушёрлик блан дарҳол:

— Ота! Планингиз юздан ошганига қизингиз муборак бўлсинга келиптилар — деб қизни хижолатдан қутқарди.

— Ҳа, баракалла, қизим. Ўзинг тетикмисан? планинг тўлдими?

— Тўлди-ку, ота, буёғи секин борапти-да! — қиз ийманиб-гина жавоб берди.

— Асти бўшашма қизим. Дадил бўл. Башарти жуда шошиб қолсанг, бир кун-ярим кун ўзимиз қарашиб юборамиз. Мусобақа бойлашгандан кейин, провардигача бир-бировимизни қўллашимиз керак-да...

Умаржон, бобойнинг бу самимий гапларини диққат блан тивглаётган қизнинг кўркам чеҳрасига маҳлиё бўлиб турар ва шу тобда қизнинг кўнглини кўтариб юборадиган аллақандай ширин сўзлар айтгиси келар эди. Балки, у яқин келажак бахтли турмушининг тотли хаёллардан бир шингил изҳор қилмоқчидир, ё эса тўй ҳақида қизнинг мулоҳазаларини салгина бўлсада ўз тилидан эшитишни истаётгандир. Поёнсиз пахта денгизига ажиб жилва бериб кўкда енгил сузаётган ой ҳам бу ўтли юракларни муборакбод қилгандек борган сари чарақлар, ёшларнинг шу дамдаги ширин суҳбатларига жонлилик бағишларди...

Декабрь, 1946 йил.

## ШУҲРАТ

### БАХТ ВА ҲУҚУҚ ШЕ'РИ

Толе' китобида менинг номим бор  
Совет граждани деб қайд этилган.  
Му'табар ҳуқуқим, бурчим барқарор,  
Доҳим қўли блан аниқ битилган.

Мен совет кишиси, менинг руҳимда,  
Минг атом бомбасин куч-қуввати бор.  
Рейхстаг томида турган туғимда,  
Маҳорат, шижоат, ақлим барқарор.

Мана, мен яшнаган ватанга эга,  
Ҳам соқчи, ҳам хўжа, ҳам қуручиман.  
Қувончга шерикман, дардига тикка—  
Тўш бериб боручи таянч кучиман.

Кремль соатин олган нафаси  
Томирим уриши блан баробар.  
У ерда яшайди бахтим отаси  
У яшар табиат турганга қадар.

Дилимда яшайди мангулик баҳор  
Сочларим оқариб кирса ҳам ажин:  
Инсоннинг юраги қаримас зинҳор  
Бахт ичра кўралса ўз келажагин.

Шуларнинг барчаси—ҳақи, ҳуқуқи  
Келажак ҳурмати — бераман овоз.  
Шу овоз жам'ида ғалаба туғи  
Яна ҳам юксакда бўлғуси э'оз!

ВСЕВОЛОД ПОВЛОВСКИЙ

## СОЛДАТЛАР

(ХИКОЯ)

Поездимиз эндигина юрган эди, вагонга узун бўйли, яғринлари кенг, бир майор кириб келди. Унинг елкасида урушда тақиладиган погони, кўкрагида учта орден лентаси бор эди. Орденлари устига чатиб қўйилган сариқ белгиси унинг икки марта оғир ярадор бўлганлигидан гувоҳлик берар эди.

— Мумкинми ўлтирсам? — илтимос қилди майор.

— Бироз чўзила қолинг — мумкин қадар юмшоқлик блан сўрадим мен.

— Йўқ, раҳмат. Госпитальда ётабериб жонимга тегди, дам олишда сра ҳақим қолгани йўқ. Ёта-ёта қовурғаларим ҳам эзилиб кетди. — Кейинги жумлани у бироз аччиғланганомуз гапирди, сўнгра чўнтагидан дастрўмолини олиб юзини артди.

— Госпитальдан қачон чиқдингиз? — мен ундан сўрадим.

— Тўғри госпитальдан чиқиб келаётирман, — жавоб берди у яна тажанг бўлиб. — Омад келган, иккинчи марта ётиб чиқдим.

Суҳбатимиз яна узилиб қолди.

— Биринчи сафар госпитальдан чиққанымда аскарлар жануб томонга қараб борар эдилар, — деди майор бехостдан. — Энди қарасангиз, одамлар ҳам қатнашиб қолибди. Бу ҳаётнинг ҳаракати. Бизлар бўлсак, мен сизга айтсам, ҳаётга йўл тозалаб бораётирмиз.

Шу сўздан кейин майор афтидан, мана шу „йўл тозалашда“ анчагина ишлаган, ҳозирда эса ишламасдан анча оқариб қолган қўлларига қаради, сўнгра менга тикилди:

— Биласизми, ҳаёт деган нарса, шундай юзаки бир тушинчага ўхшаб кўринади, кўплар бунинг устида ҳатто бош қотириб ҳам ўлтирмайдилар. Менчи, масалан, менинг ўзимни олсак... нафсиламбирини айтсам, ҳаётга завқ блан қарайман.

Кутилмаган ерда у бир илжайиб қўйди. Бу илжайиш унинг дарғазаб кўринган юзини ёқимли бир тарзда ўзгартириб юборди, илжайишдан унинг кўзлари остида бирнеча йўл ажин ҳосил



бўлди. Унинг ёниб турган чуқур кўзлари ҳам энди, бамисоли, кишига анча яқинлашгандек туйилди. Бу кўзлар кишига алла-нечик бир ишонч блан қарагандай бўлар эди.

— Мен сизга бир боланинг ҳикоясини айтиб бераман, — деди майор. — Бу нарса Сталинграддаги ур-йиқит вақтларида бўлган. Нима бўлдию мен 6 та жангчи блан бир уйда қамалиб қолдим. Немислар бизларни ўраб олишди. Бундай воқиалар жуда кўп бўлади. Бизлар қамалиб қолган уй икки қаватлик эди. Ташқаридан қараганда бу уй анчаки енгил елпи уйга ўхшаб кўринса ҳам, кўпгина иш берди: деворларига уч қатор ғишт терилган экан. Бундақанги ёнғоқни осонлик блан чақолмайсан — тишингни синдиради. Хаёлингизга шундай бир ҳолни келтирсангиз бўлади: уй секин-секин ёнмоқда, тўхтамасдан ёмғир ёғади. Илма тешик бўлиб кетган туника томдан қоп-қора қуримга бўёлган сув ўтмоқда, тўхтовсиз портлашлар зарбидан уйнинг деворлари ларзага келиб лапанглаб туради, шипидан шовуллаб ганч ёғилмоқда. Мия гувуллайди. Ганч ғижир-ғижир тишга тегади. Шу пайтда хаёлимга нима келиб, нима кетганини билмайман, фақат хотиримда қолган битта нарсани аниқ биламан. Имконият борича уйни қўлдан бермаслик, тириклайин қўлга тушмаслик!

Кўйингчи, анча борди-келдилардан кейин, менинг горнизонимдан фақат икки киши тирик қолди: биттаси ўзим, яккинчиси яна бир жангчи. Бу жангчини мен умрбод эсдан чиқармайман. Тўғри... умрбод чиқармайман! Унинг оти Митька эди. Ориққина, ўн олти ёшлардаги бир бола. Ўзи Сталинградли. Трактор заводи дружинасидан бизнинг қисмга ўтиб қолган. Отаси аллақаерда урушда экан, онаси бомбардимон вақтида ўлган. Қисқасини айтганда қип-қизил етимча эди.

Митькамга шундай бир назар ташладим: бошидаги шлѐми катталигидан елкасига тиралиб турипти. Ҳатто унинг оғирлигидан қадди бироз букчайганга ўхшаб кўринади, бамисоли жўзага ўхшайди, турган ерида мудрайди, индамасдан елкасидан ушлаб бир-икки силкитдим, чўчиб кетди:

— Кечирасиз ўртоқ лейтенант!

Ўша маҳалда мен лейтенант эдим. Хўп, иккаламиз душманнинг келишини кутиб турамыз. Ўзимча ўйлайман. Митькадан ростмана жангчи чиқмайди. Тўғрисини айтганда биз бир яримта жангчимиз. Гранатлар тамом бўлган. Ўқ ҳам оз қолди. Энди энг охирги жанг бўлади. Ақилни жойига қўйиб урушиш керак.

— Келишаётир, ўртоқ лейтенант! — деди Митька.

Мен жавоб қайтардим:

— Кўрдим. Овозингни чиқарма!

Мен сизга айтсам, ўзим сибирликман. Урушдан аввал бутун умрим тайгада ўткан. Олтин конида ишлар эдим. Ўзингиз биласиз шундай бўлгандан кейин овдан ҳам хабарим бор. Айиқ овига ҳам чўқар эдим. Шу нарса менинг жонимга орақирди.

Энг охирги дискам бўшади. Митьканинг автоматиданги диска-

ни олиб, уни ўзимнинг автоматимга жойладим. 5 та ўқ ажратиб автоматни Митькага тутқаздим.

— Ихтиёт қил, Митька, энг кейин ишлатамиз. Сенга бошқа ўқ бермайман. Қулимдан келса, ҳозир сени жўнатиб юборар эдим.

Митька индамасдан автоматини олди, бундай қарасам кўнгли ранжиди шекилли, лаблари титрар эди. Мен у бланкўпол муомага қилар эдим. Тўғриси айтганда у менинг гашимни келтирар, юрагимни ачитар эди. Охир иккаламизнинг ҳам ўлишимиз муқаррар! Шундай пайтда унинг сариқ чақалик наф'и тегмаслиги аччиғимни келтирар эди. Митька менинг устимдаги оғир юк, қип-қизил жўжа, юракда фақат ачиниш уйғатади, халос.

Хўп... шундай қилиб, бир яримта солдат, ўқ очилишини кутиб турамыз. Жим-жит, ҳеч нарсадан дарак йўқ. Автоматимдаги дисканинг ярмига жойлашган ўқ бараварида умримиз қолган. А'зои баданимнинг оғирлашиб кетаётганлигини сездим. Ҳатто автоматни ушлашга ҳам дармоним қолмади. Бутун танамни ер ўз дамига тортаётганга ўхшар эди. Секин деворга суяндим. Шу пайт ёнбошим бирдан деворга ёпишиб кетгандай бўлди. Кузларим ўз-ўзидан юмилди. Девордан ўзимни узиб олдим. Лабларимни тишлаб ўз-ўзимга айтардим: „ахтиёт бўл, ўзингни тут, гвардия лейтенанти! Ёнбошинг деворга тегди дегунча кўзинг уйқуга кетади, ундан кейин сени тўп отиб ҳам уйғатиб бўлмайди!“ Кўп ўтмай яна қўрқа-писа ўйлар эдим: „бир минутгина деворга суяниб олсам нима қилар экан, елкам бироз ором олар эди, оғриғи тарқалар эди“. Падарла'нат бу девор мен учун дун'ёда ҳар нарсадан азиз кўриниб кетди. Хўп... шундай Митькага қарадим ва бирдан унинг мен учун дун'ёда ҳар бир нарсадан, ҳатто охирги ўқдан ҳам қалирли эканини онгладим.

— Митька, сен мендан бир қадам ҳам нари жилма. Қараб тур, тагин ухлаб қолмайин. Мени деворга яқин йўлатма. Эшитдингми?

— Эшитдим, ўртоқ лейтенант. Айтганингизни қиламан, сизни ухлатмайман!

— Шу сенга жанговар буйруқ, Митя! Ухлаб қолсам билгинки, муқаррар... асирликда уйғонаман.

Иккаламиз қаққайиб турамыз. Ҳаммаёқ жим-жит, деворлар тутайди, пол бихсимоқда, ёмғирдан нам тортиб қолган сарғич тутун а'зои баданимни ачиштиради, шинелим тутайди, миям оғирлашган, кўзларим хиралашган эди. Бир пайт беҳосдан мана шу тутунлар орқали узоқда баайни дун'ёнинг бир чеккасида, ялтираб кўринган кечки шафаққа кўзим тушиб қолди. Шафақ пушти рангга товланиб қоп-қора булут орасидан кўринар эди. У шу қадар тиниқ, шу қадар равшан эдики, кўзингизни қамаштирарди. Уни кўриш блан мен ҳатто ўзимни анча тетиклашган ҳис қилдим, бошимнинг оғриғи тарқагандай бўлди, Митькага кўрсатдим:

— Шафақни қара, Митька!

— Рост, ўртоқ лейтенант, шафақнинг ўзгинаси! — ядеди Митя

ва менга қараб завқ блан кулди. Унинг бу кулишини кўриб юрагим бир орзиқиб кетди.

„Ҳаётимизнинг энг сўнги шафағи—бундан кейин уни кўрмаймиз“ деган хаёл миямдан ўтди. Шу он мен отамни ҳам, онамни ҳам, ёри-дўстларимни ҳам эсламадим. „Иван Сусанин“ операсини эсладим, азбаройи шифо. фақат шунга эсладим! Сусаниннинг ёлғиз ўзи турар эмиш, атрофи дарғазаб душманлар блан ўралган, бир айланса кўзига ўз юртининг шафақлари кўринибди...

„Нимаси бор, биз ҳам бир яримта солдат ҳалол туриб холисандилло ўлаётимиз“ деган фикр хаёлимдан ўтди. Ухлаб қолишдан қўрқиб ўлимимизни кутиб ўтказган дамларимизни эслармиканлар. Бизнинг тўғримизда ҳам қўшиқлар тўқирмиканлар?...

Митькани чақирдим;

— Митька!

— Лаббай, ўртоқ, лейтенант!

— Немислар кўринмайдими?

— Кўринганича йўқ, ўртоқ лейтенант.

Шу пайт хаёлимда „яна Митьканинг ўзи ҳам ухлаб қолган булмасян“ деган қўрқинчли фикр уйғонди.

— Қани, менга қарачи!

Жиддий бир оҳангда унга буюрдим. У бошини кўтарди: ранги зафарон, юзлари ҳорғин, шлёми остида фақат каттақон тиниқ кўзлари ялтираб турарди. Мен анчагача унинг кўзларига тикилиб қолдим. Бу кўзлар ҳам, худди, ялтираб турган шафаққа ўхшар эди. Бир неча минутдан кейин уй оғдарилади, уй блан бирга биз ҳам қулаймиз. Унинг ўрнида ёлғиз куйган фишлар гарами, биқсиган мана шу сарғич, аччиғ тутунгина қолади. Мен истар эдимки, шунда ҳам бу кўзлар, бу чиройлик, тиниқ кўзлар асло ўчмаса, асло ўчмасал!

Шу пайт осмондан виззилаб аэроплан шўнғиб келди, биз томонга тушиб келаётган бомбанинг овозини эшитдим. Шунчалик чинқирадики, ҳатто қулоқларингга санчик тўриб кетади, Митькани қучоқлаб олдим, бағримга босдим...

Менинг қаршимда комод турар эди,— шунақанги оғир, шунақанги катта, биз у блан деворнинг ёруғини бекитиб Қўйган эдик. Бомбанинг зарбидан мана шу комоднинг яшиклари отилиб кетганини кўрдим, бўлак ҳеч нарсани билмайман.

Ҳикоянинг тамом бўлмаганини фаҳмлаб:

— Ундан кейин нима бўлди?—деб сўрадим.

— Ундан кейин шундай бўлди: бир маҳал ўзимга келдим, кимдир биров кийимларимни ечар эди, „иш қўлдан кетди, қўлга туширибти, падарла‘натлар!“ деб ўйладим. Кўзларимни очмайман, нафас олмасликка уринаман: зора ўлган гумон қилиб ташлаб кетишса. Бирдан теппамда кимнингдир русча гапирганини эшитиб қолдим:

— Бошларингни оғритиб ўлтирманглар, личоқ блан кесинглар.

Бирдан гимнастёркамни ёқамдан тортиб этагимгача ширилла-тиб қиркишди.

— Кўйлагини ҳам!—буйруқ берди ҳалиги одам. Кўзларимни очдим. Ҳарёқ қоп-қоронғи, ҳеч нарсани кўрмайман.

„Йўқ, ухлаган эмасман!“ ўйладим мен қўрқув ичида.

— Митька!—шовқин солдим,—Митька!

Товушим ўзимга аниқ эшитилди. Овозим бўғилган, хириллаган, бамисоли бошқа бир кишининг овозига ўхшар эди.

— Ўзига келди, овози чиқди, ҳамшира, сув беринг, ячсин.

Озимга крушка тутишди. Қарасам сув эмас, вино! Бирон нарсани кўришга қанчалик уринмайди, ҳеч нарсани кўринмас эди. Бетоқатлик блан тишларим крушкага шақир-шақир урилар эди. Вино бўйнимга тўкилди. Йўқ, бу тиш эмас!

— Митька!—яна чақирдим. Шунчалик қўрққан эдимки, ҳатто буларнинг ҳаммасини туш бўлиб чиқишини истар эдим.

— Ғалва қилманг!—деди ҳалиги дарғазаб овоз ва қўллари блан тез-тез кўкрагимни тимиросклай бошлади. Ишонасизми, кўкрагимда одамнинг қўли эмас, бамисоли танк юрганга ўхшар эди, а'зои баданимни эзарди. Жонимнинг оғриганига чидай олмаймаман. Кўзим қоп-қоранғи—зимистон. Қаерда ётганимни билмайман. Хаёлимда қолган бирдан-бир нарсани Митька эди. Фарқ бўлаётган киши кичкина ҳасга ёпишгани сингари мен ҳам ана шу хаёлга тирмашаман, яна жон-жаҳдим блан қичқираман:

— Митька! Митька!

— Лаббай, ўртоқ лейтенант,—Митьканинг заиф товшини эшитдим. Бу товуш келган томонга толпиндим, мени ушлаб қолишди, биров жон ҳалотда қичқирди:

— Қимирламасдан ёнинг лейтенант!

— Митька, Митькани кўрсатинглар, ундан кейин тинчланаман. Қани Митька? Мен кўрмаятиман!

Бехостдан тепамда хириллаган—бўғиқ товуш эшитилди.

— Митька шу ерда, ўртоқ лейтенант, ёнингизда ўлтирибман.

Мен тинчландим, ҳеч нимани кўрмайман, қўлимни кўтардим. Кичкина қўллар менинг ушлади. Мен Митьканинг қўллагини дарҳол танидим.

— Ўртоқ лейтенант, бизникилар фрицларни кўчадан қувиб чиқариб, иккаламизни тупроқ тегида ковлаб олишди. Ҳамма нарсани жойида, хотиржам ётаверинг, ҳозир яраларингизни боғлашади,—деди менга Митька.

А'зои баданим бушашиб кетди. Бошимни қўйи солдим. Юзимдан ёш оқаётганини сездим.

—Митька! дедим,—Митька! Яра-чақаларим гўрларнинг тегига. Латта-путталари қуриб кетсин! Ҳеч нарсани кўрмаятиман, кўр бўлиб қолдим!

Мажақланиб кеткан суякларимни тахтакачлаб қўйишди, осмонга қараб, бақрайиб ётаман, кўзларим ҳеч нарсани кўрмайди. Илқ муҳаббат блан севганим ҳаёт, келгуси ҳақидаги ширин ширин умидларим, дун'ёни, янги кишиларни кўриш ҳақидаги орзуларим ҳаммаси қўлдан кетди, мен уларни йўқотдим... Фақат яқинимда Митьканинг заиф товушини эшитганимда, у, қўллари блан менинг қўлимни ушлаб ўтирганда, қамол қилинган уйда-

ги ҳаётимнинг охири соатлари, баайни анави сарғич, диққинафас аччиғ тутун орқали кўрингандай бўлиб хаёлимда ғира-шира гавдаланар ва шу пайт қандайдир тор бир кўпрукдан ўтиб „ҳарчанд одамгарчиликдан чиққан бўлсам ҳам, танамда жоним борку!“ деган фикрга етиб келгандек бўлар эдим. Бу фикр менда фақат Митька туфайли туғилди, унинг сўлмаслик гарави ҳам шу Митька эди. Мен иккаламизни ёнма-ён ётқизишларини талаб қилдим. Митькадан булак мени ҳаёт блан боғлайдиген ҳеч нарса йўқ эди. Биз у блан жуда кам сўзлашар эдик, суҳбатимиз ҳам энг керакли, энг оддий нарсалар устида бўлар эди:

— Ўртоқ лейтенант, кўчада қор ёғаяпти, — хабар берарди Митька.

— Митька, соат неча бўлди?... Митька, ухлаганинг йўқми?..

Биз учун суҳбат қилиш эмас, балки қўлни-қўлга бериб, ўлимнинг устидан сакраб ўтган икки кишининг яқинлигини ҳис қилиш қадирлик эди.

Шу алфозда бир неча кунлар ўтди, суякларим ҳам бита бошлади. Докторлар вақти-соати блан кўзимнинг ҳам очилишини айтиб, юпатышар эди. Тахтакачларимни олиб ташлашди. Мени кўрлар палатасига кўчиришди. Ана шунда мен ўзимни бирдан ўксиз, нотавон ҳис қилдим. Митькани соғиниб овқат ҳам емасдан қўйдим. Тўрт кундан кейин навбатчи доктор ёнимга келиб ҳол-аҳволимни сўради. Мен индамадим.

— Сизни оғайнингизнинг олдига кўчиришга тўғри келади, у ҳам сизни соғинаяпти, — деди у қўққисдан.

Мени яна оғир касаллар палатасига олиб ўтишди, мен Митьканинг виҳоят даражада заифлашган товушини эшитдим:

— Ўртоқ лейтенант!

— Аҳволинг қалай, Митька?

Митька жавоб бермади. Мен унинг совуқ қўлини иситиб қўйиш хаёлида аста-секин кўкрагимга босдим. Митька гуноҳкорлардек гапирди:

— Тузалишимга кўзим етмайди, ўладиганга ўхшайман, ўртоқ лейтенант.

Бу сафар мен индамадим, томоғимга бир нарса тиқилиб қолгандай сулди. Митька эшитилар-эшитилмас сўради:

— Сизни яна олиб чиқиб кетмайдиларми?

— Йўқ Митя! Энди мен сенинг олдингдан нари кетмайман.

— Раҳмат, ўртоқ лейтенант, ёнимда бўлсангиз кўнглим кўтарилади, икки киши бўлса одам зерикмайди.

Бир маҳал, билмайман, Митьканинг кўзи илиндими, ҳуши кетиб қолдими, мен ҳамширани чақириб, навбатчи докторнинг ёнига бошлаб боришини сўрадим доктордан:

— Менинг оғайнимнинг аҳволи қалай? Жуда заиф кўринади. У менинг энг қадирли дўстим. Иккаламиз ўлимимизни бирга пойлаганмиз... Мен—нотавон бир кўрман, агар сиз унинг қачон ўлишлигини мендан яширсангиз, яхши билингки, мен буни асло кечирмайман!

У чурқ этмади. Эҳтимол ўша пайтда юзим алланечик бир тусга киргандир. У индамасдан туриб кейин жавоъ берди:

— Менда қандай да'войингиз бор? Қўлимиздан келадиган ҳар нарсани қилаётирмиз.

— Мен бунга тушинаман. Мен сизнинг оғзингиздан фақат ҳақиқатни эшитмакчиман: Митька ўладими?

— Ҳа!

— Мени унинг ёнига олиб боринглар.

Олиб боришди. Мен яна Митьканинг кравати ёнидаги курсига ўлтирдим, унинг қўлларини ушлаб то охирги дамгача ўлтирдим. Неча кун ўтканини билмайман... Кейин айтишди: тўрт сутка ўлтирибман. Митька тез-тез ҳўшидан кетиб қолар эди. Унинг тириклигини фақат қўлидангина билар эдим. Бу сафар ҳам биз у блан жуда кам сўзлашар эдик, сўзлашканда ҳам энг оддий нарсалар тўғрисида сўзлашар эдик. У ба'зан ўзига келиб сўраб қўярди:

— Ўртоқ лейтенант, ҳали ҳам ухлаганингиз йўқми?

— Йўқ, Митька. Уйқум келмайди.

— Ухлаб олсангиз бўларди, ўртоқ лейтенант.

— Йўқ, Митька ухламайман. У сафар сен мени қўриқлаган эдинг. Энди мен сени қўриқлайман.

У билардики, мен унинг ўлимини қўриқлайман, шунинг учун ҳам қаршилик қилмас эди. Шу сабабли иккаламизда ҳам ҳеч қандай ҳаяжон йўқ эди. Митька ўзининг ўлишини биларди. Аммо шикоят қилмас эди. Мен тузалиб кетасан деб унга ортиқча тасалли бермас эдим. Биз буларнинг ҳаммасида алла қанча юқори, ҳам беғубор, тоза эдик. Рухимиз тинч эди ва хушвақт эдик. Тўғри, хушвақт эдик, хотиржам эдик: чунки бир-биримизнинг қўлимизни ушлаб, иккинчи марта соддадиллик блан солдатларча, ўлимни кутар эдик.

Митька учун жон бериш ўнғай эди. У билардики, жанговар дўсти бир қадам нари силжймайди, унинг охирги нафасини қўриқлайди ва жони чиқмагунча қўлини қўйиб юбормайди. Ниҳоят Митька ўз ўлимининг яқинлашиб келганини сезиб:

— Ўртоқ лейтенант, сиз блан хайирлашишга рухсат этинг, — деди.

Мен унинг қўлларини қўйиб юбормасдан, иккинчи қўлим блан пайпаслаб унинг бошини топдим ва юзига томон энгашдим. Шу пайтда бир минут бўлса ҳам Митьканинг кўзларини кўриш учун ўйлаб турмасдан шодни-хуррамлик блан умримнинг ярмини берар эдим! У менга термилиб қарайди, аммо менинг кўзларимни қўйиқ қоронғилиқ қоплаган:

— Хайр, гвардия қизил аскар! — дедим мен унга.

— Хайр, гвардия лейтенанти!

Мен унинг лабини охтариб топдим. Иккаламиз ўпишдик.

— Мен сени умрбод унитмайман! — дедим унга.

— Раҳмат, ўртоқ лейтенант.

Энди унинг овози аранг эшитилди:

— Совет ҳукуматига хизмат қилдим.

У чуқур нафас олди ва шундан кейин бўлак ҳеч нарса демади. Сўнгра мен унинг қўлларини аста-аста совуб бораётганлигини сездим. Ниҳоят музлаб ҳам қолди. Ҳамшира секин елкамга туртди:

— Уртоқ лейтенант, шеригингиз ўлди.

Мен курсидан турдим ва бирдан бошимни ҳаддан ташқари оғирлашган ҳис қилдим, оёқларим бўшашиб кетди. Мени ушлаб қолишди ва олиб бориб краватъга ётқизишди. Бошим ёстуққа тегиши блан ҳеч нарсани сезмадим. Шу ётганимча икки сутка ухлабман. Уйғонсам, Митькани аллақачон кўмишган экан. Мени яна тузалаётганлар палатасига кучиришди.

Майор бироз жим қолди. Кейин наридан-бери сўзини тугатди.

— Воқиа шу... Шундан кейин кўзларим секин-секин кўра бошлади. Докторларнинг айтишича асабларимнинг бузилганидан бўлган экан. Бир ойдан кейин госпитальдан чиқиб комиссиядан ўтдим. Касалдан кейин бериладиган отпускани олмай, тўғри фронтга кетдим.

Паровоз қичқирди, вагоннинг деразасидан қандайдир бир фабриканинг каттакон гиштин иморати кўринди. Майор ўрнидан қўзғалди.

— Шу ерда мен бошқа поездга ўлтиришим керак, — деди у калтагина қилиб.

Майор менга диққат блан қаради. Афтидан у менинг юзимда бирон таниш белгини кўрганга ўхшар эди:

— Отпускага кетаяпсизми? — сўрадим мен ундан. Майор кулди.

— Бу маҳалда отпускалар ҳам қисқариб кетган. Шундан шу ёққа бориб юраманми. Тўғри келмайди. Округга кетаётирман, йўлланма учун, фронтга жўнайман!

Кўкрагини кўрсатиб қўшиб қўйди:

— Бир яримта солдат.

Сунгра бир айланди-да, жадаллаб вагондан тушиб кетди.

*А. АЛИМУҲАММЕДОВ таржимаси.*

ЁНГИН МИРЗА

## ГЕНЕРАЛ

(Петров номзодиға)

Музаффар китобда сенинг ҳиссанг бор,  
Асрлар тугамас порлоқ қиссанг бор.  
Сен учун жон садқа! Не истасанг бор,  
Ўртоқ генерал!

Сен ўсиб улғайган шонли Ватанда,  
Боғларни поймол қилди газанда...  
Эрк учун жабҳага чиқдинг ўшанда,  
Ўртоқ генерал!

Кавказда сен эдинг моҳир қўмондон,  
Идрокинг туфайли мушкуллар осон,  
Қонга-қон олдик биз, жонлар учун жон,  
Ўртоқ генерал!

Жангларда тобланинг гўёки пўлот,  
Суворов сингари қолди яхши от,  
Сен Карпат тоғида ёздинг кенг қанот,  
Ўртоқ генерал!

Ёнган кулбалардан, ўтнинг боғлардан,  
Ўтнинг мағрур Казбек, Карпат тоғлардан,  
Сорбургут, қўймадинг асар зоғлардан,  
Ўртоқ генерал!

Сени биз сайлаймиз, бизни ёқладинг,  
Муқаддас тупроқни кўздек сақладинг,  
Улуғ жангда ўз бурчингни оқладинг,  
Ўртоқ генерал!



М. БОБОВ

## УЛУҒ ПОЙТАХТ

### I

Москва, эрк тонги ёришган уфқ,  
Бахтимиз офтоби порлаган осмон!  
Кишиликка равнақ, адолат, ҳуқуқ  
Бари яратилди сенда, жонажон!

Ватаннинг қалбисан, музайян макон,  
Қудрати жаҳондай, гигантлар шаҳри.  
Сенинг номинг блан оламга шоён  
Халқларнинг ғурури, мардлик, зафари...

Чунки Кремльнинг ёқут юлдузи  
Элларнинг бахтига беради жило.  
Бу юлдуз, меҳрибон улуғ қуёшдан  
Олади ҳеч сўнмас, туганмас зиё.

Улуғ коммунага бир шоҳроҳсан,  
Ленинизм юлдузлари кўкингда.  
Тарих қарвонига маёқсан. Ҳақсан!  
Юксаласан ойдин, порлоқ йўлингда!

### II

Фашистлар разолат ўтида ёқиб —  
Европани дуч қилганда ўлимга,  
Миллион-миллион жонлар юлдуздай боқиб  
Нажот қўлларини чўздилар сенга.

Улуғ остонангда бўлган тунги жанг  
Дун'ё тақдирини қилмоқдайди ҳал.  
Кремль куранти шу тонг берди занг,  
— Фашист аждарига бердик биз ажал!

Нурдай қучиб олди буни ҳар одам,  
Улуғ башарият бўлди миннатдор.  
Сени қуёш каби танийди олам,  
Ғалабанг оламдай буюк, улуғвор.

Чех ҳаёт шам'ини ёритди сендан  
Поляклар, серблар, яна қанча эл.  
Мардлик кетмагандай ғолиб элингдан,  
Ҳаёт китобидан ўчмас муттасил!

### III

Икки юз миллион жон: миллат, элатлар  
Бир она фарзанди-тенг меҳринобга.  
Улардаги қудрат, ижод, ниятлар  
Булоқдек мавж уриб чиқди руёбга.

Ҳар нафас уларга сен юборасан  
Ҳар дамнинг ўзидай янги саодат.  
Улуғ манзилгоҳга олиб борасан  
Эртанги кувидан бериб башорат.

Ўзбекистон сенла умрли йўлдош —  
Бу кундай эрта ҳам иқбол ҳамдами.  
Бу юрак-сен ҳаво, бу тонг-сен қуёш  
Шундай юксалади шукуҳи азми!

1947 йил.

ТУРОБ ТЎЛА

## ЎЛМАСЛИК ҲАҚИДА ҚУШИҚ

„Йўқ, мен ўлган эмасман...“  
(Шайхзода)

...Йўқ, мен уни кўрган эмасман, лекин, уни кўрганлардек яхши биламан. Матросов... бу ажойиб йигитни бизнинг шовли мамлакатимизда ким ҳам билмайди, дейсиз. Ахир у том ма'носи билан социализм мамлакатининг баҳодиринику!

Унинг ҳикоясини эшитганимда ҳамма ишларимни йиғиштириб кўйдим, столимга ярим ёнбошладимда, уни тинглашга берилдим. Дустим унинг ҳаёти тўғрисида шу қалар ҳаяжон билан ҳикоя қилардики, бир нафасга ҳам хаёл қочириш мумкин эмас эди.

Матросовнинг полкдоши ҳикоя қилар эди:

Рота лагери кимсасиз қалин ўрмонзорга жойлашгани учун бўлса керак, дам олиш вақтларида ўзимни қаерга қўйишни билмай қолардим. Кечалари эса уйқи келмас, бошим хаёлдан бўшамасди. Хаёл билан бир нафасда қанчадан-қанча жойларни кезиб чиқаман. Гоҳ Москва остоналарида немис танклари тагига бош қўяётган фанфиловчи комсомоллар фожиаси кўз олдимга келиб туриб олади, гоҳо ёниб кетган машинаси билан душман обози устига шўнғиб бораётган капитан Гастелло ва гоҳо Освенцим лагерида ўлим машинасига итарилиб киргизилаётган гуноҳсиз кишилар шовқуни қулоғим остида шанғиллаб қолади... Сапчиб ўрнимдан туриб кетаман, атрофимга қарайман: рота сув сепгандай жим ухлаётган бўлади. Аста айланиб чиқаман. Чулдираб оқаётган ариқнинг бўйидаги харсангга ўлтираман. Яна хаёл олиб қочади:

Бутун уруш даврида босиб ўтган йўлларим кўз олдимдан ўтабoshлайди...

Ёз. Ўртоқлар. Ёри-биродарлар. Ҳамкасабалар. Қизим, хотиним. Ҳаммаси узатиб қолишди. Паровознинг ўтховаси ўзининг аччиғ нафаси билан осмонни қоп-қора тутунга айлантириб юборди. Ўзбекистоннинг гўзал водилари, оппоқ пахталар юрти, сўлим боғ-бўстонлари орқада қолдилар, мана Қозоғистон. Янги қад кўтар-

ган шаҳарлар, саноат юрти, чексиз бўғдойзор... Ана унинг бепоён жазирама саҳроси... У... Узоқ тоғлар этагида сонсиз қуй подалар қорайиб кўринмоқда. Чўпоннинг лабидан учаётган қамиш най овози илиқ шамол қанотида қир ва адирлар ошиб мен ўлтирган деразага келиб урилмоқда. Ҳувуллаб ётган саҳро ўртасидан кесиб ўтган ёлғиз оёқ йўлда кимдир оғир қадамлар босиб шарққа кетмоқда. Ҳу ана, у қир бағридан қандайдир ёввойи ҳайвон гизиллаб ўтиб қолди: унинг орқасидан, отда, қалпоғини қинғир қўйган, қозоқ йигити пайдо бўлди. Эгар қошида баҳайбат бургут ўтирипти. Йигит тепаликка югуриб чиқдию бургутни ҳалиги ҳайвон орқасидан солди. Бургут аввал осмонга кўтарилди. Фазо шамоли бўронга айлангандай бўлди. Сунгра у, тўғрига қараб жадал сузди ва бирнеча масофа йўлбосгандан кейин, қанотларини думи томонига қалин босиб, пастликка ўқдай отилди, ғойиб бўлди...

Кимдир орқадан пичирлади:

— Мен ватанимизнинг бу қадар кенглигини, бу қадар ажойиботларга бой эканлигини пайқаман эканман...

Паровоз ҳамон олға интиларди. Худди кўз илғамас Орол денгизи, шарқ белига олтин камар бўлган Сир ва Аму дар'ё узоқ-узоқларда жимирлаб кўринади... Қуёш билмадим, нечабор кўтарилдию, неча бор ботди?.. Ҳамон паровоз пишқиради, ҳамон тебранаман... Кимдир иккинчи купедан қичқирди:

— Волга! Волга!

Ҳа, Волга... кекса рус наҳри, бир вақтлар бурлақларнинг аччиқ кўз ёшлари блан намоқоп бўлган азим дар'ё! Некрасов дёри... нақадар буюк! Некрасов рус халқининг оғир ҳаётини илк марта шу ерда кўрган эди. Волга ҳақида Некрасовнинг ижодидан кўра ёрқинроқ ше'рий саҳифа рус адабиётида ҳалига қадар ҳам бўлган эмас!

Она тупроқ, айтгил бизга сан,  
Қачонгача ўтамиз ғамда?  
Рус мужиги нола қилмаган  
Жой бормидир ёруқ оламда?

.....  
Кел, Волганинг қирғоғига чиқ,  
Эшитилган кимларнинг зори?  
Бу—бизларда аталмиш қўшиқ,—  
Бурлақларнинг чеккан озори  
Волга! Волга! Баҳорда тошиб  
Қирғоғингдан ошолмайсан сан,  
Улуғ халқнинг гами оламни—  
Босганидек босолмайсан сан,  
Ё қонунга бўйсуниб магар  
Қилар ишинг тамом этдингми?  
Ижод этиб мунгли қўшиқлар,  
Мангу тушкунликка кетдингми?

Волга ...У, энди тинч оқадил Унинг қалби кенг, манзаралари гўзал, табиати оҳанграбол У, узоқ элатларни, Сибирияни, Матросовлар қишлоғини, қалин ва чексиз ўрмонлар мамлакатини ва жазирама биёбонларни босиб, жанубга югуради... Дар'е тўла елкан, унда янги, ҳаётбахш, гўзал қўшиқ янграйди...

Ху ана, узоқ қирғоқда балиқчилар тўр тортмоқда. Юқоридан оқариб пароход келаётир. Унинг ғарб томонидан минглаб трубалар бошига булутларни салла қилиб мағрур нафас олмоқда. Қоп-қора тутун зўр саноат шаҳрини қоплаб ётипти. Атрофида эса, қалин яшил ўрмон. Паровозимиз мана шу ўрмонлар орасига шўнғиб кетди. Бизни қулоч етмас қарағайлар қуршаб олди. Нақадар гўзал. Қушлар чийиллашади, қандайдир нотаниш „хув-хув“ лар қулоққа урилади.

Биз ўтиб борамиз. Мана, Москва-Рязань темир йўл вокзали. Москва йўли бекитилиб, Рязань йўли очилади, биз энди Тула, Орёл орқали Белоруссия томонга ўтаётимиз. Белоруссия... ўзининг олтин бошоқлари, қизил мағиз буғдойи блан машҳур бўлган гўзал Белоруссия тупроғига кириб борамиз. Ҳаёт музикаси, ҳаёт қўшиғи ҳамма жойда ҳам бир мазмунда қулоққа урилади, юракка тегади. Хув ача, четан деволга суяниб олиб, завқ блан қўшиқ айтаётган олтин сочли қиз бизнинг вагонларимизни санаб ўтказмоқда...

Мана фронт линияси. Белий... Спас-Демянск. Менинг ҳаётимда жанговар кунлар мана шу ердан бошланди. Кўп узоқ ва даҳшатли жангларда бўлдик... Бу жангларда менинг кўзимга энг аввал ўз ботирлиғи блан ташланган йигит Александр Матросов бўлди. Мен уни умрим бўйи ёдимдан чиқармайман...

\* \* \*

Қайси ой эдию, қайси кун... Ёдимда йўқ... Лекин, аччиқ ҳодисаси қалбимда қолган: Рига остонасида бизнинг Совет Иттифоқи қаҳрамони Александр Матросов номидаги гвардия полк штурмга тайёрланар эди. Қоронғи тун. Жуда оғир ва секингина бир куй—солдатлар ашуласи жарангламоқда. Ватан қалби ўртамоқда, оловда жангчи қалби ғазаб блан ёнади. Учим бордир, қаттиқ ўчим бор ёвда, ўлдираман, юракгинам қонади. Саша учун қалбим—ўтда ёнади.

Бу—Матросовни ёдлаб ким томонидандир тўқилган юрак қўшиғи...

Ана, ҳамма окопдан ҳужумга кўтарилди. Худди Волга тошиб кетаётгандай бўлди. Кимдир энг олдинда одатдагича, қичқирди: — Уртоқлар! Саша Матросов сафимизда! Немисни ур, ур босқинчини!

Ана шундай мардонавор на'ралар қаршисида, душманлар қақшатғич зарбаларга туриш беролмай, тумтарақай қочишди. Матросовга бўлган шон-шараф, матросовчиларни мана шундай боҳодир қилиб юборган эди. Улар штурм қилган плацдарм, улар

ҳужум қилган пунктни, албатта, Матросов қаҳрамонлиги блан шуҳрат топган рота олиши блан хотима топар эди...

Уруш тугади. Замбараклар гумбири тўхтади. Қиличлар Берлиннинг нариги томонида ювилиб ғилофига солинди. Пулемётлар стволы совиди. Ҳаммаёққа жимлик чўкди. Шунинг блан бир қаторда Матросов полки жойлашган ўрмонга ҳам осойишталик қўнди. Солдатлар энди махоркаларини мони'сиз тутатадилар, ҳеч ташвишсиз гармон чаладилар, бамайлихотир дам оладилар. Айниқса, Матросов хизмат қилган рота кечқурувлари машғулотдан қайтар экан, полк гарнизони қушиққа тўлиб кетади. Рота, „Совет Иттифоқи Қаҳрамони Александр Матросов номидаги 254-нчи ўқчи-гвардия полки“ деб алвонга ёзиб, дарвоза тепасида қоқиб қўйилган жойда, қўлида автомат ушлаб турган икки навбатчи ўртасидан ўтар экан, қаттиқроқ қадам ташлайди, ер ларзага келади. Қироатхона ёнига қўйилган полк байроғи ротани кутиб олади. Шу вақт генералдан тортиб, оддий солдатгача честь блан страевой марш қабул қилади.

Полк бу жанговар тарихий байроқни Калинин жангоҳларидан, Смоленск оловлари орасидан, Белоруссия оташгоҳларидан, Болтиқ бўйи уруш тўфонлари ичидан олиб ўтиб, мана шу ўрмон ичига келтириб қадаган!

Нарироқда—яшил ўрмон оралигида оппоқ ҳарбий чодирлар кўзга ташланади. Олдинги қаторда биринчи ротадаги биринчи отделениянинг чодир, Матросов отделениясининг чодир оқариб турипти. Биринчи чодирдаги краватларнинг бурчакдагиси жуда чиройлик қилиб тузатилган. Оқ чойшаб, пар ёстиқ ва кулранг одеял. Бош томонда томбучка ва устида турли-туман гуллар дастаси яшнаб турипти. Крават тепасида эса Матросовнинг чиройли, лекин содда қилиб ишланган портрети осиб қўйилган. Портрет тагида шундай ёзув бор: „У—ҳамма вақт биз блан бирга!“

Бу ўринда ҳеч ким ётмайди. Лекин чодирдан одам узилмайди. Кечалари эса, унинг энг яқин ўртоғи, у ҳалок бўлган куни ҳаммадан кўп йиғлаган, немислардан унинг қасосини ҳаммадан кўп олган ҳамшаҳри—сибиряли Михаил Маленкин худди Матросов ўз ўрнида тирик ётгандек гапиришади, кундалик ишларидан ҳисоб беради:

— Биласанми Саша! Бугун...

У, ҳалқумига йиғи келиб тиқилганини сезади ва жим қолади... шу бўйича ухлаб кетади.

Матросов полкидаги жангчиларнинг ҳаммаси ҳам яхши биладик, Михаил Маленков доим Матросов блан бирга эди. Улар бирга жанг қилар, бирга ҳужумга боришар, найзабозлик жангларида ҳам доим елкама-елка бўлиб, бир-бирларига ёрдам беришарди. Улар ҳатто бир ўрам махоркани ҳам, бир мағизни бўлишиб еган оғойнилардек, бўлишиб чекишарди. Лекин 1943 йил, 23-нчи февраль кунини Чернушки қишлоғи учун бўлган қаттиқ жангда Маленкин Матросов блан бирга бўлолмади. Матросовнинг душман пулемёти оғзияга кўкрак босишдан сал олдинроқ у, қаттиқ ярадор ҳолда хавфсиз жойга олиб чиқиб кетилган эди. У, Мат-

росовнинг қаҳрамонларча ҳалокатини медсанбатда эшитди. Инграб ётган Маленкин бу шум хабар олдида ҳушини йўқотай деб қолди. Тинч ётолмади, ўрнидан туриб кетди.

— Ким? Ким у? Саша! Матросовми?... Матросов ҳалок бўлган?

Сестралар уни ушлашди. Маленкин эса, куйиб кетган эди.

— Йўқ! Мени қўйиб юборингиз! Ҳали ҳам бир жанга қувватим етади. Кўзим кўрмоқда, қулогим эшитаётир. Қўлларим... менинг пўлат қўлларим ўз хизматини бажаришга тайёр! Сибиряк!.. Са-ш-а!... Юрагим уриб турипти. Яхши ураяпти. Қўйиб юборингиз-мени!

У, калавлаб йиқилди. Яна ўрнидан турди. Сестралар уни босолмадилар.

— Қани, қани менинг автоматим? Келтиринг! Сашанинг, қасосини олмоғим керак. Қандай даҳшатли хабар... Са-ш-а!.. Маленкинга алам қилди, йиғлаб юборди:

— Саша... Сашенка... Қадирдоним, сени ўлдирдиларми? Наҳотки ўлган бўлсанг...

У яна қичқирди:

— Рота! Рота!.. Мен бу ердаман, мени олиб кетингиз! Рота!.. Са-ша!... Сашажон..

Маленкин хўнграб йиғлади ҳолдан тойди ва йиқилди. Палатада жимлик... Унинг бу—учинчи марта яраланиши эди. Ҳамма вақт тузалиб, соғайиб, ўз ротасига—Матросовнинг олдига борарди. Уша вақтда унинг палатасига 20—25 километр фронт узоқлигидан бўлса ҳам уртоғи Матросов келиб ҳол сўрарди, бир неча вақт суҳбатлашиб ўтириб кетарди.

Мана у ҳозир сафда турибди. Рота кечки ҳисобдан ўтмоқда, тиқ ётган товуш йўқ... Старшина рўйхатни қўлига олди ва бир четдан қақирабошлади. У энг аввал одатдагича гвардия-рядовой Александр Матвеевич Матросовни йўқлади.

Совет Иттифоқи Қаҳрамони, гвардия Александр Матросов!

Ҳамма вақт сафда ундан кейин турадиган дўсти Михаил Маленкин қичқирди:

— Ватанизмининг озодлиги ва мустақиллиги учун курашда қаҳрамонларча ҳалок бўлди!

Ҳамма бир нафасга жим қолди. Старшина давом этади.

Ҳарбир жангчи ўз фамилиясини эшитар экан „Я“ деб жавоб беради. Уларнинг бу „Я“ деган содда, лекин жанговар овози Матросовнинг мардлигидан, қаҳрамонлик зафарларидан илҳомланган бу солдатларни яна ҳам мард, матонатли, содиқ, баҳодир кўрсатар эди. Уларнинг бу мағрур туриши—„Бизнинг сафимизда Матросов барҳаёт!“ деган ҳолатни ифода қиларди.

Ҳамма ўз чодирига тарқалади. Биз ҳам Михаил Маленкин блан бирга Матросов чодирига кирамиз. Ўз ўрнимизга ўтириб, яна Матросов ҳақида суҳбатлашамиз. Полкка янгигина келган йигитлар йиғилишади. Матросов ҳақида ҳикоя қилиб беришимизни сўрайдилар. Маленкин эса, жони-дили блан гапириб кетади:

— „Ажойиб йигит эди у,—деб бошлайди сўзини доим Маленкин, Саша тўғрисида гапирар экан,—ҳа, биз уни жуда яхши кўрар эдик, ўзи ҳам яхши ўртоқ, яхши улфат эди. Ҳали-ҳали эсимдаки, биз жанга кириш олдидан юзлаб километр йўлни марш блан босиб ўтдик, Саша чарчаш нима эканини билмас эди. У доим қувноқ ва тетик эди. Поход вақтида ёнидаги ўртоқларидан қайбирининг чарчаб қолганини, ёки секинлашабошлаганини сезса, дарров унинг қўлидан милтигини олар ва анча ерга қадар кўтариб бориб, яна қизиқчилик қилиб топширар эди: „Энди сен блан биз, дўстим, ҳеч чарчамаймиз. Берлингача ҳам шундай марш блан боришимиз мумкин“ дер эди. Унинг қилиқларига бутун рота кулар, уни бутун рота севар эди.

Ба'зан шундай бўлар эди: рота дам олиш учун ўзига боп яширин жойда тўхтар ва солдатларга ухлаш учун рухсат берилар эди, шунда Саша ухлмас, ҳамма тинч ётиб ором олар, лекин у, гулхан ёнида ўт баландлаб душман нишонига айланмасин учун унга қор сепиб ўлтирар эди. У олов олдида нам шинелини, этигини қуритар экан, нималар тўғрисидадир ўйлар эди. Агар кимнинг усти очилиб қолган, ё бўлмаса шинели ўтга яқинлашиб қолган бўлса, тезда бориб тузатар ва аста гапирар эди:

— Ўзингни эҳтиёт қил, дўстим, совуқ еб қолма!

У мана шундай ажойиб йигит эди, дўстга жонажон дўст, душманга даҳшатли душман эди, Ватаннинг ёлғиз чўпини ҳам душманга раво кўрмас эди...

— „Кўзингиздан англоётирманки, ҳалокати тафсилотини билмоқчисиз. Бу тўғрида мен гапиролмайман. Дўстим Болтаев сўзлаб беради“.

Маленкин менга қарайди ва мен ҳикоя қилакетаман:

— Шундай... Полкимиз Смоленский тепасидаги Великие Луки шаҳрининг остида—Чернушки қишлоғи остонасига келиб тўхтаб қолди. Қўмондонлик томонидан ротамизга шу қишлоқни штурм қилиш ва эгаллаш буйриди. Даҳшатли жанглар бошланиб кетди. Душман оёғини тираб олди. Чунки, Чернушки—Смоленский дарвозаси деган сўз эди. Немислар қишлоқ остонасига жуда кучли дзодлар қурган. Биринчи кечала ротамиз немисларнинг бир қатор дзотини—таянч пунктини—яксон қилди. Чап томонда битта дзот ва унда битта пулемёт уяси қолди. Лекин уни емириш бениҳоя мушкул бўлди. Нима қилиш керак? Қишлоқ йўлини бетиним ўққа тутиб турар эди. Лейтенант фиғони чиқиб, окопда уёқдан-буёққа югурарди. Менинг ёнимда турган Саша типирчилаб қолди, лейтенант келиши блан унинг қаршисига чиқди:

— Ўртоқ лейтенант, менга рухсат этинг, йўл очиб бераман! Матросовнинг баҳодирлигига ишонган лейтенант бир нафас ўйланиб турди-да, „Рухсат“ деди ва „эҳтиёт бўлинг“ деб қўшиб қўйди. Матросов окопдан ирғиб чиқди ва немис дзоти томонга ўрмалаб кетди. У боши устидан ёғилиб турган ўқ ёмғиридан қайтмади, ўжарлик блан олдинга силжийверди. Уни бутун солдат, бутун рота, ҳамма дўстлари кузатмоқда эди. Матросов дзотга яқинлашди ва пулемёт ўқи тинимсиз потирлаб, қишлоққа



кириш йўлимизни тўсиб турган уяга-амбразурага ёпишди, ўнга пўлат кўксини босди..

Маленкин ўзини тутолмади:

— Бас...

Мен бас қилдим...

Ёш гвардиячи матросовчилар бу ҳикояни эшитар экан, чуқур хўрсинар ва кўзларига келган ёш халқаларини аста-аста артиб қўйишарди. Маленкин секин бош кўтарди...

— У, ватанни севиш, киндик қони тўкилган тупроқни ҳимоя қилабилиш қанақа бўлишини кўрсатди! У, ўлмади. Балки бир умрга тирик қолди. Мана, мана кўз олдингизда Сашанинг лочин дўстлари! Тирик гувоҳлар... Уларнинг ҳам тарихи Сашанинг тарихидан кам эмас.

У бизни кўрсатди.

Ёш гвардиячилар Сашанинг қабрини сўрайдилар. Маленкин аста менга қаради. Чунки, яқинда бир иш блан шу томонга менинг йўлим тушган эди.

Велики Луки областида, Локьянский районида, уни жуда ҳам қаттиқ севишар эди. Ҳар куни Сашанинг қабридан одам узилмайдди. Чернушкийга борадиган йўлнинг ҳаммасида ҳам унинг қабрини кўрсатучи аломатлар ёзиб қўйилган: „Совет Иттифоқи қаҳрамони Матросовнинг қабрига мана шундай борилади...“

Хотивлар, болалар, чоллар қатнайди у ерга. Бутун делегация, бутун колхоз чиқиб туради.

Аваллари, биз уни шошилишч блан оддийгина кўмган эдик. Ҳозир эса қабр устига Сашанинг бюсти ўтқазилган. Атрофи панжара блан ўралиб, ҳархил гуллар экилган. Бу гуллар орасидан у худди ҳаёт кишилардай термулиб туради. Саша ўзи ҳимоя қилган қишлоққа, ўзи юрак қонини тўкиб озод қилган муқаддас тупроққа тикилиб туради. Унинг ёниқ кўзларидан, янгидан қурилган қишлоққа суқ блан қараётганини, севиниб-севиниб боқаётганини сезиш мумкин.

У кўкрак қўйиб, иссиқ қон тўккан дзот устида эса ҳозир гуллар унмоқда, юрак қонидан қип-қизил лолалар пайдо бўлмоқда. Саша озод қилган қишлоқнинг ҳарбир бурчиди, ҳарбир хонасида унинг портрети бор. Ҳар куни эрталаб, кечқурун қишлоқ кўчаларидан то унинг қабригача қаҳрамонлиги тўғрисида ёзилган кўшиқ янграб туради. Уни йигитлар, қизлар, болалар айтишади...

Ойлар ва йиллар ўтади. Матросов ҳақида ёзилган бу ажойиб кўшиқ бепоен ватанимизнинг колхоз тўйларида, узумзор боғларида, буғдойзор қирларида, пахтакор майдонларида, чорвадор яйловларида, балиқчилар сайрида ва ниҳоят денгиз шовқунлари орасида жаранглаб туради. Кенг ва учқур шомоллар қанотида учурумлардан ўтиб, тилдан-тилга, элдан-элга, овулдан-овулга кўчажак. Эҳтимолки, узоқ келар йилларнинг баҳоридами, шовқинсиз ёз кечаларидами, қуёш сўнгги қизил уқаларини юксак тоғлар чўққисига илиб уфқ денгизига фарқ бўлаётган кечадами, узоқ қишлоқнинг ҳечким билмас бурчагидами, кекса ошиқнинг, нуроний оқиннинг, муборак бахшининг хиргойи овозида, ҳаёт-

Бахш дўмбирасида бу ажойиб қўшиқни кимларгадир эшитиш муяссар ҳам бўлиб қолур... Шунда улар ҳам улуғ халқининг ёш, лекин улуғ қаҳрамони, буюк Сталин севиб ордоқлаган паҳлавони Матросов қилган ишни биз каби завқ ва ҳаяжон блан эшитарлар. Бу қўшиқ балки, Севан кўллари қирғоғи буйлаб, Грузиянинг буюк тоғларини бағирлаб, Ўзбекистоннинг кенг гулистонларини ёнлаб, Шохимардоннинг тизма тоғ чўққиларига тўш уриб қанотланар. Довид Сосунли, Таризэл, Алпомиш, Гўрўғли, Илья Муромец каби ўлмас қаҳрамонлар тўғрисида асрлар буйи айтилиб келаётган қўшиқлар қаторида совет йўлборси Александр Матросов тўғрисидаги қўшиқ ҳам баланд парвоз қилажак!

Уша вақтда бу дўстлик, бу оташин муҳаббат, ватанни ҳақиқий бир одамлек сева билиш, ова тупроқни, эрк ва озодликни нақадар ўткир ҳис блан мудофаа қилаолиш тўғрисидаги тугал бу қўшиқ Матросов образини яна ҳам ёритажак!

Хонага жимлик чўкдя, дўстим ҳикоясини тугатди. Мен ҳамон унга маҳлиё бўлиб утирибман:

— Чиндан ҳам у, бир умрга барҳаёт!

САИД НАЗАР

## МЕҲНАТ ДАФТАРИНИҒ

(Жомбой район, Чкалов номи колхознинг звено бошлиғи орденли пахта устаси  
ЎзССР Олий Совети депутатлиғига сайланган Розия Дадабоевага)

Сўзинг юрагингдек равшан ва содда,  
Кўнгилга хат бўлур айтилган замон.  
Довруқли мардлардек қоласан ёдда,  
Меҳнатинг дафтари ўқилган ҳамон.

Ойна қуёш нурин намоён этар,  
Зиё хислатидан берар ишорат.  
Дафтар ҳам кўзгудек ҳол баён этар,  
Ҳар нуқта юзмингдан қилар ҳикоят.

Рақамлар кўзларга иссиқ босилар,  
Ҳарбири виждон ҳам шарафдан нишон.  
Қўлингда орзулар барги ёзилар,  
Сенсан табиатда музаффар инсон.

Сен блан саховат эгасидир ер,  
Яланғоч кўксида чаманлар битар.  
Ёруғ пешонангдан оққан томчи тер,  
Қилар сени ватан, элга му'табар.

Меҳнат блан ўтган ҳар дам, ҳар соат,  
Обру-мартабанга қўшгандир ҳисса.  
Шонли хизматингдан ёзилса қисса,  
Мавзу' қаҳрамонлик, мазмун-садоқат.

Қурултой аҳд этди бу йил улуг иш,  
Бир ярим миллионлик планимиз бор.  
Орденли кўкракни кериб ишга туш,  
Ғалаба муқаррар, доҳий мададкор.

САИДА ЗУННУНОВА

## ПАХТАКОРЛАРГА

(Андижон илғор пахтакорлар кенгашига)

Салом, эй азамат, пахтакор деҳқон,  
Салом, ўибешмингчи йигитлар, қизлар.  
Салом, эй меҳнатда пишган, тобланган  
Яшарган кексалар, нуроний юзлар.

Пахтаси каби оқ ўзбекдаги дил,  
Йўқ унинг қўлидан келмаган ҳеч иш.  
Шунингчун тарихда қирқ олтинчи йил,  
Мўл ҳосил олурга бўлди бурилиш.

Сталин асрининг олий хислати:  
Меҳнатдан топади бахтини инсон.  
Пахта экмак азал ўзбек одати  
Пахта-обруй, шараф, пахта-иқбол, дон.

Меҳнатимиз бугун тантана қилур  
Оҳангарондаги кўмир конида.  
Ҳар ишга ўзининг ризқи бор, билур  
Украинанинг оппоқ, буғдой нонида.

Ўзбекка бўйсунди жиловсиз тўлқин,  
Фарҳод чироғлари ўзбекнинг фахри.  
Чунки унга раҳбар доно Сталин,  
Чунки унга маш'ал Москва шаҳри.

Сталин ота бор— ҳар мушкул осон,  
Ҳар ишнинг бўлажак порлоқ якуни.  
У бизга раҳнамо, биз блан бир жон  
У бизла биргадир ҳозир, шу куни.

Яна кўплаб бўлур тантана, сайил  
Яна кўп бўласиз Анжонга меҳмон.  
Доҳий Сиздан хурсанд, барча эл қойил  
Гулшанлар яратган пахтакор деҳқон.

Уч юзминг тоннага қўл қўйиб дадил,  
Доҳийга йўллаймиз яна телеграм.  
Ундан ошса-ошур, шунча комил дил  
Аммо кам бўлмайди ҳатто бир грам.

---

### СУЛТОН АКБАРИЙ

### ТОНГ

Ўрикларда сара бодроқдай  
Оқ уқали ғужанак гуллар.  
Пода чиқар ҳарёндан қатор  
Чангланади ялонтўш йўллар.  
Тонг. Яловдор қуёш сеп ёйган,  
Олтин жиға тоғлар бошида...  
Шаталоқлаб, сакраб ўйнайди  
Бир ғунажин ҳув, сой қошида.  
Ҳашароту, жони-жондор ҳам  
Ризқ қидириб ҳар'ён югурар  
Сарҳовузда „ға-ға“лашади  
Укфар патли гала ўрдаклар.  
Қизгин меҳнат гурунги авжда  
Пахтазорда боғда, увада.  
Бедазорга чалғи салади  
Барвақт туриб, Салим бува-да!

ЁНГИН МИРЗА

## ҚАМАШИ ҚИШЛОҒИ

Қиш чилласи... Кенг ва ҳаётсиз яйловда тонг ғира-шира оқариб келмоқда. Бешкент тоғларининг этакларида ёстаниб ётган оппоқ қуюқ туман аста-секин булут каби оғир тўлғаниб кўтариларди.

Изғирин жонни ачитади. Жонсарак ва безовта шамол ҳуштак чалиб қор уюмларини тўзитар, хўтанга эндигина ҳайдаб кирилган уйқусиз қўйлар орасига кириб нафасни қайтарар, чўпонлар, кечаси навбатма-навбат ўтириб чиқадиган мардхона устидан ўтиб ёнтоқ қаланаётган гулханни бир варакасига яллуғлатиб юборади...

Телпак устидан эски бўз саллани ўраб печини икки қариш қилиб қулоғига тушириб олган Ражабота таёғига суяниб, қўйларни пишиллаб, бир-бирининг пинжига кириб ухлашини кўздан кечирар эди. Ражабота туни бўйи ёрдамчиси Ҳамзабой блан чўлда қўйларни қор тагидан ўт топиб ейиши учун мажбуран ҳайдаб чиқди. Башарти қўй, юрмасдан бир ерга ёнбошладими, иш ёмон бўлди деяверинг. Дарров ўпкасини совуқ олиб, ўша оннинг ўзидаёқ иши бир ёқлиқ бўлади.

Ердан бир метрча чамаси пастга ўйилиб тушиб ўзларига ертўла қазиб тунги қўналға қилиб олган мардхонада чўпонлардан Ҳайитбой, Дўстхайит, Маҳтумота, Чиноқ Полвоң, Абдурахимлар иссиқ бермайдиган кийиз чакманга ўралиб ҳаёт ҳақида аччиқ-аччиқ гаплашар эдилар. Гулхан ёнида қумғон шақиллаб қайнар, чўпонлар Чиноқ Полвоңнинг сўзларини тинглар эдилар.

— Токайгача, умримиз чўл-биёбонда шундай машаққат блан ўтади! Биз худога нима қилибмиз, на роҳат, на хотия, на болачақа... Қўйингел Кўрпа-ёстиқ кўрмаган, турмуш-турмуш бўлдими!

— Полвоң қизиқ одам экансиз,—сўз қистиради Ҳамза,—ахир бу кўргуликларни худойи таоло шўр пешонамизга битиб қўйган бўлса, бундан қутилиб бўлармиди! Биз десак ота-боболаримиз ҳам шу зайилда бирлари икки бўлмай ўтганку.

Шу он хўтон томонидан Ражаботанинг „мусулмонлар бормиясизлар“ деган ғамгин овози эшитилди. Гап гапда қолди. Чўпон

ва чўлиқлар дам олаётган томонга қараб чопдилар. Олов ёнида Маҳтумота қолди. Чўпонлар дам оладиган мардхона блан хўтоннинг ораси 200 метрлар чамасида эди. Тонг ёриша бошлагач изгирин жуда заптига олди.

Чўпонларнинг ҳамроҳи— „Сақар“— деган эшакдай олапар ит блан бир бўри хўтон ёнида хириллаб бир-бирини хиппа бўғишиб олишмоқда эди. Бўри „Сақар“нинг оёғи остига тушиб қолибди. Шунда буғдой рангли чўлиқ Ҳамза таёғи блан бўрининг бош томонига ўтди. Калтаклай бошлади. Броқ бўри итнинг тагида бир ҳаракат қилиб сирғилдида ўнғарилиб олди. Ҳамза дадил бўрининг томоғидан хиппа бўғди. Аммо бўри зўр бериб унинг қўлидан қутилишга интилар эди. Шу чоқ Хидирбой таёқ блан бошлаб белига икки марта туширди. Бўри ҳолдан кетди. „Сақар“ эса яна хўтон томон, қўйлар ёнига кетди.

Хўтон атрофини айланиб юрган Ражабота ёнига бориб бошини чол оёғига суркайбошлади. Чол турвасидан нон ва бир парча эт олиб итни сийлади. Ҳамза бўлса бўрининг терисини Полвон блан дарров шилиб олишди. Улар хўтон томон келаётганларида чуқур ичида учта она қўйнинг бўғизланиб ётганига кўзлари тушиб қолди.

— Хумпар! Ишни боплаган экан-ку!

— Ражабота буни билмаса керак!— деди Полвон ва қўйларни елкалариغا кўтариб олиб чиқишди. Бу воқияни кўрган чўпон ва чўлиқлар ҳанг-манг бўлиб қолишди.

Воқия бундай бўлган экан. Ҳамза блан Полвон кеч кириши блан қўйларни нариги яйловдан бу яйловга ҳайдаб туни блан ўтлатиб келиб хўтонга олиб кирган пайтларида қоронғудан фойдаланиб бир бўри қўйлар орасига биқиниб олган. Орқада эшак устида фонар тутиб келаётган чўпонлар буни асло пайқашмабди. „Сақар“ бўлса ба'зан ўнг, ба'зан сўл қанотга ўтиб қўйлирни қўруқлаб келаберган. Қўйлар бу яйловга ўтқазилиб шамолдан сақлаб қолиш ва озроқ ухлатиш учун хўтонга ҳайдалганда бўри ҳам кириб олган.

„Сақар“ блан Ражабота ташқарида навбатчиликда қолишган. Ҳамза блан Полвон бўлса дам олгани мардхонага кетишган. Шу пайтда бўри қилғилиқни қилаберган. Бир маҳал қўрадан бир семиз думбали қўйни бўғзидан тишлаб, танасини устига ортиб олиб чиқиб кетаётган бўрига „Сақар“нинг кўзи тушиб қолган ва унинг изидан тушиб кўп нари кеткизмай учиб бориб таппа босган экан...

Қўйлар хўтондан ҳайдаб чиқилади. Хўтон ичида ҳам, бўри томондан ўнта қўйнинг бўғизланиб ташлангани ма'лум бўлади. Ҳамзани ҳаяжон босади. Чўпонлар ғазабланар ва бойга нима деб жавоб беришни билмас эдилар.

— Энди жуда ёмон бўлади,— деди Ҳамза.— Ўтган баҳорда учта қўйни бўрига олдириб бойбободан балога қолувдик, эсингиздами Ражабота?

Ражабота хўрсиниб ичидан оғир „ух“ тортди. Оқарган соқолини қўли блан тараб кўзига ёш олди.

— Болам, ҳарнечук сизлар ёш, бақувват йигитларсиз. Сизларга ҳечнарсасиз қилмайди. Бу менинг кўргулигим. Қариган чоғимда менга ёмон бўлди. Эллик йилдан бери бойнинг тузини ялаб келаётирман. Энди нима деб жавоб қайтараман.

Тонг отди. Қўйларни чўпонлардан Дўстхайит, Абдурахим, Маҳтум оталарнинг боқиш навбати келди. Ҳамза Ражабота блан нонуштақилгани мардхонага боришди.

Кун тиккага келди. Узоқдан отлиқлар кўринди. Улар кўп ўтмай хўтонга етиб келдилар. Бу элчиларни шу яйлов ва қўйларнинг эгаси Султон қоровул беги юборган эди. Чўпонлар меҳмонлар учун қор устига ёнтоқ ташладилар ва устига шолча солинди. Улар очиқ ҳавода ўтиришди.

— Отам қўйлардан ва сизлардан хабар олиб келиш учун юборди бизни. Қалай, тинч-омон қўйларни боқиб юрибсизларми?— гап бошлади бойнинг ўғли Фулом.

— Алҳамдулилло, дуруст, — деди эгилиб кекса чўпон Ражабота.

Кейин улар этагини қоқиб ўринларидан турдилар ва атрофни айланабошладилар. Чўпонлар бугунги бўлган ҳодисани билдирмасликка тиришиб бу ҳақда лом-мим демасликка аҳд қилиб: бир-бирларига: „ёпуғлиқ қозон ёпуғлиғича қолсин“ — деган эдилар.

Мардхонадан сал наридаги тепачада сурод<sup>1</sup> бор. Бир кекса нортун ҳадеб ўн қадамча ерга олдинга юриб борар ва „гел!“ деганда яна аста-секин тисланиб орқасига қайтар эди. Унинг қорнига арқон боғланган. Арқоннинг иккинчи учига эчки терисидан ясалган тери пақир — қавғони ғалтак воситаси блан қудуққа туширилиб сув тортиларди. Қавғодан тортилаётган сув қудуқ бошида бошқариб турган чўлиқнинг қўли блан обхонага тўкилар эди. Қудуқдан чиқарилиб ҳовузга қуйилган сув, тор ариқчалар орқали новга яъни ёғоч охирга оқиб тушади. Қўйлар мана шу ердан сув ичадилар.

Қуёш қаддини кўтариб-яйловни иситабошлади. Ражабота блан чўлиқ Ҳамза бойваччалар ёнига борди. Меҳмонлар обхона ёнига қелиб новдан сув ичаётган қўйларга разм солишди. Чол блан Ҳамза гуноҳкор кишилардек қўл қовуштириб турар эдилар.

— Сени вон кўр қилади, бадбахт чол! Қўйлар ҳеч семирмаган. Бойотанинг текин овқатини туя қилишга устасан-а!

Бош чўпон Ражабота ва Ҳамзанинг баданини титроқ босди, шақ-шақ қалтиради.

— Уғлим, ахир қўй деган нарса жуда нозик бўлади. Бир кун семиради, бир кун озади. Ҳозир қиш. Ёнтоқлар қор тагида, бечора қўйлар белларидан қор кечиб, тумшуқлари блан қорни титиб, овқат топиб қорин тўйғизишаяптику Қўйлар бўлса...

Бойвачча жуда тутаяқиб кетди. Қўлини орқасига олиб сурод устига чиқди. Хўтон ёнида нонвой Абдурахимнинг эшакка ортилган хуржунга сариқ бир ялтироқ нарсани тикаётганига кўзи тушиб қолди.

<sup>1</sup> Сурод — қудуқ.



— Ана, у ким? Қўйларга қарамасдан нима қиляпти?

Чол ва Ҳамза ер остидан бир-бирларига қарашиб қўйишди.

— Овқатнинг тараддудини қилаётгандир, ўғлим.

— Қани, дарров уни буёққа чақиринг!

Ҳамза қор устидан сакраб сакраб хўтон олдидаги оқ эшак атрофида нима қилишини билмай ивирсиб турган Раҳимнинг олдига борди.

— Юринг меҳмонлар чақирешаяпти.

Улар олдинма-кетин обхонага етиб келишди, Абдураҳим икки қўлини кўксига қўйиб салом қилди.

— Хуржунга нима беркитиб қўйдинг.

— Ҳеч нарса. Дастурхонни солиб қўйдим.

— Ёлғон гапирма!

— Ҳа... ҳалиги...

Нонвой Абдураҳимнинг тили тутилиб нима дейишини билмай қолди. Ростини гапирса Ҳамза блан Ражаботага ёмон бўлади, айтмаса ўзига. Ўнг тарафда тепача тагида устма-уст уйялиб ётган қўй териларига бойваччанинг кўзи тушиб қолди. Ранги қув ўчди.

— Ўзи йўқнинг кўзи йўқ, денг! Бойбобо қишлоқда. Ҳарқанча ёлғон гапирса ҳам бўлаверади деб номақулчиликларни қилабериш нима деган гап. Ҳаммангизни ясавул чақиртириб авахтага юбораман. Бориб ҳалиги териларни кўрди.— Хўш, бу ишларнинг бошчиси ким?—Дарғазаб бўлиб чинқирди бойвачча.

— Бироз сабр қилинг ўғлим... Бугун кечаси бўрилар келиб... Чолнинг сўзи бўлинди.

— Бўрилар келиб, дедингизми? Бу одам бўриларининг қўлидан келадиган иш, нега индамайсиз. Жавоб беринг!

— Мен жавобгар, „Сақар“ жавобгар!—деди чол.

Бойвачча ўзини туталмади. Чолга ташланди. Уни қамчини блан савалаб кетди. Шунда Ҳамза бирдан бойваччанинг кўрагига калла қилди. Ёнида турган навкарлар бойваччани суяб қолишди.

— Тутинг, дарров, ялавочланг!—ғазаб блан амр қилди бойвачча.

Ҳамзанинг икки қўлидан икки навкар бураб орқасига қайирди. Елкасига қарқ қамчин туширди. Ҳамза ҳолсизланиб муккаси блан йиқилиб тушди.

Бойвачча навкарлар блан отга миниб жўнаб кетди. Чол ва чўлиқ Ҳамза бир қанча вақт ўзларини билмай ерда ётишди. Кечқурунга бориб Ражабота кўз юмди.

Бу воқиа амир Олимхоннинг Қамаш қишлоғидаги юзбошияси Йўлдош қоровулбегига қарашли Бешкент чўлларида Октябрь инқилобидан бурун юз берган эди. Абжир ва паҳлавон йигит Ҳамза Хўжақуловнинг ҳаёт дафтарига бу машаққатли чўл ҳаёти қора доғдек ўчмас бўлиб ёзилиб қолган. Қамаш қишлоқ аҳолиси қора тақдирга тан бериб ана шундай эрксиз, кулфат ва ғам блан умр кечирган.

Қашқадар'ё область Бешкент районининг марказидан юзларча километр наридаги поёнсиз адирлар, чўллар орасида Қамашни деган қишлоқ жойлашган. Қишлоқ аҳолиси ўз қишлоғини „қора олтин макони“ деб та'рифлайди. Тўғри, бу ерда „III интернационал“—деган йирик ва машҳур чорвачилик колхозни бор. Икки юздан ошиқ тажрибакор чўпон ва чўлиқлар қўли билан 18 минг гектар ўтлоқда колхознинг 30 минг бош насилдор қўйи, неча юзлаб нортуялари, от, эшаклари ўтлаб юради.

Қамашни қишлоғи Октябрь инқилобидан бурун Қўчқор, Донёр, Шоди, Усмон, Абдуали, Раҳимбойларнинг „махрига“ тушган эди. Бу бойлар далаларга ўзлари хўжайин бўлиб, қора халқ шу бойлар ерида, ё коранда, эшигида малай, ўтлоғида чўпон бўлиб кун кечирар эди.

Қишлоқда ҳақиқатга яқин бир афсона яшайди. Ривоятларга қараганда Қамашни қишлоғи беш асрдан ортиқ тарихга эга эмиш. Бир маҳаллар бу ер қамишзор, тўқайзор бўлиб қишлоқнинг номи ҳам ана шунга нисбат қилиб берилган деган да'волар бор. Амиртемир Эрондан бирталай ҳунарманд Эрониларни асир қилиб ҳайдаб олиб кетаётганда шу қишлоққа тушган эмиш. Мирҳайдар Султон деган катта ер эгаси бу қишлоқни ўзига қаратиб олиб келтирилган қуллардан кўпини шу ерда олиб қолган эмиш. Ҳаёт бошланган. Сўнгра мана шу қуллардан қишлоқ юзага чиққан. Ҳозир колхозчи хотинларнинг деярлик ҳаммаси гилам, шолча тўқишни яхши билади. Гўё бу ҳунар ҳам шу асир эронилардан кўриб келган дейдилар. Октябрь инқилобигача Мирҳайдарнинг уруғ-аймоғлари қишлоқда ҳокимлик қилган. Ҳар хонадонга зулм ўтказган. „Сенинг хўжанг бўламан, сени сотиб олиб қолганман!“ деб ҳосил етилганда ҳар хонадонга бостириб кириб, ғалласининг тўрдан бир қисмини тортиб олар экан. Мирҳайдарнинг номини пеш қилиб яшайдиган текинхўрлар қишлоқда 80 киши бўлган. Корчалонлар буғдой пишиғида хирмонга от миниб бориб, қопини тўлғозиб қайтар экан. Ҳозир қишлоқда бир асрлик турмушнинг елкаларига кўтарган колхознинг пийрибадавлат кексаларидан Асадота, Хўжақул бобо, Абдурасул каби эллик нафар чоллар бу қора тарихни мана шундай сўзлайдилар.

Ҳозир қишлоқнинг қиёфаси бутунлай ўзгарган. Ариқда шилдираб оққан сувни кўрмай лойқа ва шўр қудуқ сувлари ичиб ҳаёт кечирган деҳқонлар энди колхоз қучоғида яйрамоқдалар.

„III интернационал“ колхозининг жонкуяр раиси Ҳамза Хўжақуловнинг ўтган ҳаётига назар солсангиз—ўтмишга нафрат уйғотади. У, отаси билан Қўчқорбойнинг эшигида кўп йиллар ишлади. Пешона терисини бой даласига тўккан Хўжақулака, жафо чекиб, ўғил-қизларини боқиб катта қилолмай ҳаётдан кўз юмди. Беш ўғил ва бир қиз шу кабир Ҳамзанинг қўлига қараб қолди. Ҳамза ҳаёт кўчасида сарсон-саргардон бўлиб тентиради. Меҳрибон она гилам тўқиб сағирларни боқди. Ҳамза Байрамали шаҳрига бориб Юсуфхон деганнинг қўлида икки йил туякаш бўлиб ишлади. 1920 йилда қишлоққа бири икки бўлмай қайтиб келди.

Ҳамза Хўжақулов 1926 йилда қишлоқда тузилган чарво шер-

катида ишлади. Ҳамза тиришқоқ ва зеҳни ўткур бўлганидан ўз-ўзидан савод чиқариб олди. Ҳамзанинг оғайнилари ҳам ер ислоҳотида ер олиб, дон экиб, бироз хўжаликларини тиклади.

1929 йил Қамашидеҳқонлари учун қувончли йил бўлди. Қишлоқда колхоз тузилди. Ҳамза ва унинг тўрт оғайниси бирдан колхозга ёзилди. Халқ меҳрибони жонкуяр Ҳамза Хўжақулов батрак Мўхаммадқул ва Рўзисайд блан уйма-уй юриб колхозга киришга деҳқонларни тарғиб қилди. 64 хўжалик колхозга уйишди. 260 гектар ерга арпа, буғдой экилди. Деҳқонлар тез фурсатда коллектив меҳнатнинг баракали ҳосилини кўриб қувондилар. Йил охирида 105 хўжалик колхозга қўшилди.

Ҳамза Хўжақулов 1930 йилдан 1938 йилгача колхозда чўпон бўлиб колхоз ўтлоқларида қўй боқди, ғаллакор бўлиб дон экти. 1938 йилда „Гулистон“, „Қизил Деҳқон“, „Қизил чорвочи“ ва Молотов номли колхозлар бирлашиб „III интернационал“ деган йирик чорва ва дон колхозига айланди. Шунда колхознинг 3 минг қўй ва эчкиси бор эди. Экин майдони 1500 гектар бўлди. Колхозчиларнинг истак ва хоҳишлари блан, бутун умри чўпонлик қилиб қирларда ўтган Хўжақул отанинг ўғли Ҳамзани раис қилиб сайладилар.

Ба'зилар „чўпоннинг қўлидан нима келарди. Энди кунимиз шунга қолдимиз“—деб унга шубҳа блан қарадилар. Ишчан, турмуш тажрибаларига бой Ҳамза ишни режага солди. Унинг кечаю-кундуз ўйи—колхознинг шуҳратини ошириш, қўйларнинг сонини кўпайтириш, колхозчиларни тўқ турмуш кечиришига эришиш бўлди. Колхоз ташкил бўлган йили давлатга 200 дона қоракўл териси топширган бўлса, ўтган йил 6500 дона а'ло сифатли қоракўл, „Сур“, „Шерозий“ навларини тайёрлади. Колхоз қисқа давр ичида мамлакатга 55 минг дона қоракўл териси етказиб берди. Ўтган йил ҳар гектаридан 4 центнердан ғалла олиб, давлатга 5250 центнер буғдой топширди.

Қимки, халққа меҳрибон ва унинг қайғусини еса у кам бўлмайди. Халқ уни доим қўллаб-қўлтиқлайди. Ишчан раис, колхоз болалари учун 7 йиллик мактаб биноси солдирди ва 11 синфли бу ёруғ уйларда қўшни колхознинг болалари ҳам келиб фан хазинасидан баҳраманд бўлмоқда. Ўтган йил Ҳамза Хўжақуловнинг таклифи блан катта иш қилинди. Динов ариғидан Қамашидеҳқонларига 20 километрга чўзилган катта колхоз канали қазилди. Шу кунгача колхоз бир томчи сувни ҳам ариқдан оқиб келганини кўрган эмас эди. Фақат булутли кунларга кўз тикиб, бўронли ва қуруқ шамол эсадиган қирда ҳаёт кечирмоқда эдилар. Колхозчиларнинг кетгани блан очилган янги ариқдан сув келиши блан экин ери 2500 дан 3000 гектарга кўпайди. Шундан 2750 гектар ерга бу йил буғдой, юз гектарга зиғир, юз гектарга кунжит, 50 гектарга беда экилди. Ишчан раис Ҳамза Хўжақулов колхозни кундан-кун яшнатишга куч сарф қилди. Энди колхоз қишлоғига кириб борган киши янги тидаги солинган оппоқ уйларни, Ленин ҳайкали ўрнатилган боғчани кўриб ҳайрон бўлиб қолади. Колхозда ҳамма нарса бор. Темирчилик, дурадгорчилик, этик-

дўзлик, арявасозлик, гиламчилик, тегирмон, электростандия, клуб, амбулатория, боғча, мактаб, ясла—колхозчиларнинг жони. Қуруқ даштда дарахтлар ўсиб, мева бермоқда. Ишкомларда олтиндай узумлар ялтирайди.

„III интернационал“—колхози чинакам бадавлат—миллионер колхозга айланди. Ўтган йил фақат қоракўл терисидан колхоз 2 миллионга яқин даромад қилди. Инқилобдан бурун қишлоқда 4 та саводли одам бўлса, ҳозир 800 та чўпоя ва колхозчи саводхон.

Партия, ҳукуратимиз Ҳамза Хўжақулов хизматини юксак тақдирлади. У Ленин, Меҳнат Қизил Байроқ орденлари блан мукофотланди.

Қашқадар'ё область Косон район меҳнаткашлари 16 февраль куни Ленин—Сталин партиясининг содиқ фарзанди, ишчан колхоз арбоби Ҳамза Хўжақуловни Ўзбекистон парламентиға депутат қилиб сайладилар. Ўтмишда орзу-армонини ҳечкимға айталмай, ичига ютган чўпон Ҳамза Хўжақуловнинг овози халқ хизматқори сифатида энди бемалол парламент мажлисларида жаранглайди.

# Танқид ва библиография

А. АЛИМУҲАММЕДОВ

## АБДУЛЛА ҚАҲҲОР ҲИКОЯЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ТАСВИР

### Биринчи мақола

Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологизм жуда катта ўрин тутади. У, ўз қаҳрамонларининг қайғу-аламларини, нафрат ва ғазабларини, шодлик ва хурсандликларини, ҳаяжон, даҳшат ва ваҳималарини беришга уринади. Брок, руҳий ҳолатни тасвирлашда ёзучининг илк ҳикоялари билан ижодининг иккинчи даврида ёзган асарлари ўртасида жуда катта фарқ бор. Дастлабки ҳикояларда инсон руҳининг мураккаб ҳаракатларини ингичка тасвирлар билан бериш кўринмайди. У, ички ҳиссиётларни тасвир қилганда, буни узундан-узоқ ва ўхшавсиз ташқи ҳаракатлар воситаси билан беради. Эмоциянинг кучли ва ҳаяжонли бўлишига қизққади, сезги ва ҳиссиётларнинг ҳаддан ташқари дабдабали, муфассал сўзлар воситаси билан ифода қилади.

Ўтган асрнинг 20-нчи йилларида А. С. Пушкин инглиз шоири Байроннинг таъсири билан рус адабиётига кириб келаётган киши руҳини томтароқли услубда тасвир қилиш методларига жиддий қарши чиқиб бу ҳақда шундай деган эди: „Ёш ёзувчилар эҳтироснинг чеҳрадаги кўринишини тасвир қилишни ҳеч билмайдилар. Уларнинг қаҳрамонлари доим қалтирайди, бесўнақай қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кулади, тишларини ғижирлатади ҳоказо ва ҳоказо. Бу хил ҳаракатлар ваҳимачи қизиқчиларнинг муболаға билан қилган бемаза ҳаракатларига ўхшаб кетади“.

Буюк Пушкиннинг бу сўзлари А. Қаҳҳор ижодининг дастлабки даврини яхши таърифлайди. Агар биз Пушкиннинг „ҳоказо ва ҳоказо“ деб тугатган жумласини давом этдирсак, А. Қаҳҳор ҳикояларида бу камчиликнинг яна кўп унсурларини кўрамыз. Ёзучимиз эҳтироснинг тан ва аъзолардаги кўринишларини тасвир қилишни билмайди. Унинг қаҳрамонлари ҳам ҳиссиётни ўтакетган асабий ҳаракатлар „шовқун-суронлар“, „дод-фарёдлар“ билан ифодаляйдилар:

„Қулоқларни қар қилуви қичқирриқлар орасида месткомнинг

товуши эшитилар эди“ (Афлотун муҳаббати), „У оғзидан кўлуклар сочди... бўғилган, димикқан товуш блан қичқирди“ (Кўр кўзнинг очилиши), „Меҳри уйнинг у бошидан бу бошигача „дод“ деб юмалайди“ (Бошсиз одам).

Бу йўсуи блан кўрсатиладиган руҳий ҳолат кўпинча ҳаддан ташқари муболағали иборалар воситаси блан тасвирланади, таъсир кўчини зўрайтириш учун бир маънодаги сўзлар бир неча марта қайтарилади ва буларнинг ҳаммаси қуруқ гап блан тўлган тасвирлар бўлиб қолади. Чунончи, кечаси хирмондан пахта ўғирлаб турган вақтда қўлга тушиб қолган кишининг аҳволи тубандасича тасвир қилинади:

„Чолининг сўзи кесилди. У фақат оғзидан чиққан сўнгги „агар“ -нигина эшитди ва шунда унинг томоғидан темирдай қаттиқ қўл ғиппа бўғди. Бутун қишлоқни ларзага келтиручи, қулоқларнинг пардаси туруш беролмайдиган садо, гулдираш туннинг бағрини фармалаб, йиртиб, пачақлаб бориб, тоғларга урилиб, унинг харобазори устидан яна қайтиб келар, зилзиладай гулдиратар, титратар эди. Ҳеч бундай бўлмаган. Бу далалар дала бўлгандан бери бундай товушни эшитмаган“ (Яна ой қачон куяди).

Юқорида келтирилган мисолда маъноси саёз, тасвирий кучи заиф муболағалик гаплар кўп. Биз бу ерда ҳақиқатда, амалда бўлмайдиган ҳодисалар тасвири ҳақида сўзлаб ўтирмасдан („харобазор“ сўзи фақат инсон қўли блан тикланган буюмларгагина хос бўлиб, тоққа ҳечқандай алоқаси йўқ) тўғридан-тўғри руҳий ҳолатнинг нотўғри тасвирини кўрсатишга кўчамиз.

Даставвал шуни айтишимиз керакки, „томоғидан темирдек қаттиқ қўл ғиппа бўққан“ одамнинг додлашга ҳечқандай иложи қолмайди, мабодо додлаганида ҳам унинг овози „бутун қишлоқни ларзага килтиручи, қулоқларнинг пардаси туриш беролмайдиган“ даражада қаттиқ ва ер-кўкни „зилзила“га келтирар даражада шиддатли бўлмайди. Иккинчидан, айни ҳолатни „додлаш воситаси блан беришнинг ўзи нотўғри. Жиноят устида қўлга тушган одам, ўласи қилиб урганингизда ҳам тишини-тишига қўяди—додламайди. Додлаганда ҳам унинг хириллаган, бўғиқ овозидан ёлбориш, афв сўраш, ўзининг жиноятига иқроп бўлиш, бу хилда жиноятни ортиқ қайтармаслик, тавба садоси эшитилди халос. Бундан ҳам тўғриси, жиноят устида тутилган одам ўз гуноҳининг оғирлиги остида фақат кўзларини жовдиратади, ерга қарайди ва оғир руҳий азобларини индамасдан сўзсиз ифода-лайди.

(Қаҳрамоннинг ички сезгиларини А. Қаҳҳор бирқанча ташқи жисмоний белгилар воситаси блан кўрсатади.) Брок ҳикоядаги шахсларнинг ичидан тошига қалқиб чиққан ҳиссиётлари оддий инсоний ҳолатлардан бўлмай, Пушкин айтгандай ортиқча ҳаяжонли ҳолатнинг муболағалик ифодаси бўлиб қолади. Унинг қаҳрамонлари йиғлайди, лекин ёш ўрнига кўзларидан қон тўкиб йиғлайди, қулишлари албатта захарли ёки қаҳ-қаҳали бўлади, арзимаган нарсага чўчийберади, чўчиганда, бутун аъзойи-баданига ларза туриб кетади, қарашлари—бетоқат... ҳоказо ва ҳо-

казо. Бунинг устига тасвирни кучли қилмоқ учун ибораларга ортиқча либос кийгизилади, „чиройлик“ ўхшатишлар кўп ишлатилади.

„Чол йиғлашни ҳам унитган эди. У бироз ҳушига келгандан сўнг, тўппончалик йигитнинг қаршисига тиз чўкиб, *йигит ўлган ўғлининг тобути устида йиғлагандек йиғлади*“ (Гумроҳ).

„Бу кулги А'замжонга яшиндай тегиб гангиратди“ (Икки қонун).

„А'лам ҳарзамон Полвонга *айиқ қараш* қилар эди“ (Кўр кўзнинг очилиши).

Абдулла Қаҳҳорнинг дастлабки ҳикояларида қаҳрамоннинг аҳвол-руҳиясини юрак ҳаракати блан кўрсатиш ҳам катта ўрин тутади: |

„Махсумнинг юраги гурсиллаб урар, унинг ҳарбир зарбидан бутун гавдаси тебрангандай бўлар эди“ (Афлотун муҳаббати).

Юракнинг бу хилда „зарбали“ ҳаракати, ба'зан, ҳақиқатдан, узоқ бўлган муболиғадор ўхшатишлар воситаси блан тасвирланади. Чунончи, „Олам ёшаради“ ҳикоясида бирнеча қизлар ҳикоянинг бош қаҳрамони бўлган йигитга бирқанча сўроқ бермоқчи бўлишади. Мабодо йигит бу сўроқларга тўғри жавоб берса, қизлар унга хотинликка чиқажакларини айтадилар. Ҳазил-мутоиба блан бошланган бу суҳбат йигитни ҳовлиқтириб қўяди:

„Мана шу орзу худди рост шартдай уни ҳовлиқтирди, у энтикар, *бомбанинг ёрилишини кутгандай юраги гурсиллаб урар эди*“.

Агар биз бу тариқа беўхшов изтиробли ўхшатишнинг ишлатилган ўрнини э'тиборга олсак, уни айни вақтдаги руҳий ҳолат қолипига асло сиғдиролмаймиз. Воқияни сан'аткорона тўғри тасвир қилиш, ёзувчидан бу тасвир воситаларини (ўхшатиш, сифатлаш) қаҳрамоннинг аҳвол-руҳийсига яқин бўлган конкрет ҳаёт доирасидан ахтаришни талаб қилади. Ана шунда бу воситалар ўқучининг ҳам диққатига тез жойлашади, уни ишонтиради. Бу қонда бадиий асарнинг асосий шартидир. Ваҳоланки бу асардаги қаҳрамон бомбанинг ёрилишини кутишлик одамга қандай та'сир қилишини ўз тажрибасида синаб кўрган эмас. Бу кайфият ўқучининг кўпчилик қисмига ҳам номалум бўлган бир ҳолдир. Ҳақиқат, бу кайфиятнинг ёзувчи томонидан тасвир этилганча эмас, балки унинг тескарисича бўлишини кўрсатади: бомбанинг ёрилишини кутиш, ўлимни кутиш демакдир. Ўлимни кутиш—кишининг юрагига ваҳима солади. Ваҳима эса, юрак ҳаракатини тезлатмайди, балки уни сусайтиради, одамни изтиробга солмайди, саросима қйлиб қўяди, кишининг а'зойи бада-нини бўшаштиради.

| Қаҳрамоннинг аламли ҳолатини ёзувчи кўп ҳикояларда, аксари, |  
бир хил шаклда беради: |

„Унинг сочи тикка бўлиб кетди“. (Яна ой қачон куяди).

„Мирзааҳмад қошиқчи — бувайдалик чўлоқнинг эти живиллашиб, сочлари тикка бўлди“ (Тангрининг кулгиси).

Айнан шундай жумла бирнеча сатр пастроқда яна қайтарилади:

„Мирзааҳмаднинг яна вужуди живиллашди. Сочлари тикка бўлиб, мийясига қўрғошим қуйгандек оғир бўлди“.

Бу иборанинг ишлатилишини ўринли — ўринсизлигини бир чеккага қўйиб, масалага иккинчи томондан қарайлик: (сочнинг тиккайиши қаҳромоннинг аламли руҳий ҳолатини кўрсатадиган кучли бадий тасвир даражасига кўтарилаолдими? Йўқ — кўтарилаолмади. Ёзучи қаҳромоннинг руҳий ҳолатини тасвир қилишда сочнинг тиккайишини шу қадар кўп такрорлайдики, бу тасвир чайналиб, сийқаланиб тасвирий кучини йўқотади. А. Қаҳҳор бу „тасвир“нинг сеҳридан ҳеч қутилолмайди. Бу „ўжар“ тасвир сан’аткорона куч блан ёзилган кейинги асарларига ҳам киради:

„Аминнинг тепа сочи тикка бўлди“ (Ўғри).

„Туробчанинг тепа сочи тикка бўлди“ (Анор).

Ёзучи қўрқув ҳақида гапирганда, кўпинча бу ҳолатнинг оддий кўринишини тасвир қилмасдан фавқуллоддаликка уриниб тасвирда э’тидол чегарасидан чиқиб кетади. Бундай ҳол, айниқса, жамиятдаги жабр зулм миқёсини кўрсатишда кўпроқ учрайди. „Тангрининг кулгиси“ — ҳикоясидаги қаҳромон — Мирзааҳмад қошиқчи рамазон ойида „қаердандир бир қадоқ жувори топиб келади“, хотини бу жуворидан бир коса суюқ ош пишириб беради. Мирзааҳмад боласини тиззасига олиб эндигина бир-икки қошиқ ичирганда қишлоқнинг „оғзи катталари“ эшикдан бостириб киришади. Буларнинг ичида Амин ҳам бор эди. Амин Мирзааҳмадни „кўзахўр“ гумон қилиб, унинг елкасига икки қамчи уради. Бу бедодлик натижасида хотин блан болада туғилган қўрқувни автор *„хотин кўнгли кетиб йиқилди... бола шайтонлади“* деб тасвир қилади:

Биз, албатта „хотиннинг кўнгли кетиб йиқилиши, боланинг шайтонлаши“ ғайри табиий бир ҳол, деган фикрда эмасмиз: бу нарсанинг бўлиши мумкин („Майиз емаган хотин“ ҳикоясида ҳам „бегона хотин ҳушидан кетиб йиқилди“ деган жумла бор, лекин бу жумла қаҳромоннинг шу пайтдаги руҳий ҳолатини тўғри тасвир қилди — ҳикоянинг мазмуни блан маҳкам боғлангандир). Аммо „Тангрининг кулгиси“ ҳикоясидаги „кўнгли кетиш“ айна шароит учун характерли эмас. Ёзучи турмушда учрайдиган ҳодисаларни ҳархил тасодифлардан тозалаб кўрсатиши, бадий тасвирда „ме’ёрни“ эсдан чиқармаслиги лозим. Агар хотин блан боладаги қўрқинчни, уларнинг чеҳрасида кўрилган бирон характерли чизиқ блан тасвир қилинганда бадий томондан анча тўғри бўлар эди.

Мана бундай зўр-зўракайлик, қичқириқ ифодаларга интилиш, руҳий ҳолатни реал турмушга батамом тескари бўлган бема’ни ўхшатишлар воситаси блан бадий тасвир қолипига ниҳтаб тикиш, А. Қаҳҳорнинг дастлабки ҳикояларида учрайдиган умумий нуқсондир:

„Чол шу ётган йигитни ўлимдан қутқару учун *ярим умрини*



*беришга тайёр.* Чунки ушанда ҳам қолган ярим умри фойдага қолиши ўзининг бурнидай кўз олдида турар эди\* (Гумроҳ).

Бу хилда беў хшов муболағали ўхшатишлар ба'зан узундан-узоқ жумлаларнинг бошидан то охирига қадар чўзилиб кетади:

„Йигитнинг томирларидаги қоннинг шиддати бошига қор қилиб, тош кўмир элиткандай гаранг бўлди. Аммо чўнчагидаги комсомол билети унинг ҳушёрлигига ўғит бўлиб, гўё унинг вужудини босган заҳар блан курашади, қандайдир бир дорудан бир томчи томизиб у заҳарни шарбатга айлантирар эди. Йигит кўзини юмди, мияси ичидаги қоп-қоронғи тунни мисилсиз буюк бир чақмоқ парча-парча қилиб шу ёруқликда бирин-кетиня уч лавҳа кўринди:

Ҳиссиёт!

Комсомол!

Пахта!!\* (Яна ой қачон куюди).

Умуман айтганда руҳий кайфиятнинг ташқи кўринишларини олиб олишда А. Қаҳҳорнинг кўзи ҳозирча **ожиэлик** қилади.) Ташқи а'золарнинг иштироки блан ифода қилинган аҳвол-руҳи я'ни таркибий қисмларга ажратиб, ҳар бирини ўз номи блан та'рифлаш уҳдасидан чиқолмайди. Бу хил умумий тасвир воқиянинг аниқ манзарасини ўқучининг эсида қолдирмасдан ўтиб кетади:

„Зирак киши унинг ҳозирги ҳаракатидан ётган йигитга келган ўлимга ўз кўкрагини бераётганлигини англар эди“, „чол элзила вақтидагидай ҳаяжон ичида эди (яна муболағадор ўхшатиш А. А.). У, бурчакдаги тўппончали йигитни кўриб ўзини йўқотиб кўйди“ (Гумроҳ).

Бу мисолларда „ҳозирги ҳаракат“нинг қандайлиги, „элзила вақтидагидай ҳаяжон ичида“ қолишнинг ифодаси аниқ кўрсатилмайди. Бу ҳаракатлар қаҳрамонларнинг айни вақтдаги руҳий ҳолатига тўғри келадими, келмайдими—нома'лум. Бу ерда келтирилган „умумий“ тасвирларнинг номлари алоҳида-алоҳида айтилса, уларнинг „илтижоси“ ёки „шижоати“ кўрсатилса, ё бўлмаса булар яна „майдаланиб“, тағинда лўндароқ қилиб берилса тасвир кучли бўлар эди.

Киши фалокатга учраганда саросима бўлиб, эсанкираб ихтиёрини кўлдан беради. Бундай пайтларда муҳофаза хитлашади, тил пишади, одам гўлдирайди, унинг оғзидан ма'носиз поймапой сўзлар чиқади. Ёзучининг вазифаси бу ҳолатни узундан-узоқ та'рифот йўли блан билдирмасдан характерли ўринларини олиб олиб икки калима кучли сўз блан ўқучига кўрсатишдир. Брок А. Қаҳҳор кўрсатишдан кўра гапиришни афзал кўради:

„Мирзааҳмад қошиқчи чуқурда писиб ётиб, зўр бериб калима келтирар эди... ёшлигидан то ҳозиргача ўрганган дуоларининг ҳаммасини ўқиди, азиз-авлиёларнинг (?) шайхлардав тортиб тангрининг ўзигача кўп вадалар қилди“ (Тангрининг кулгиси).

Бу мисолда гап муфассал, лекин тасвир юзаки, руҳий ҳолатнинг ифодаси кўрсатилмайди. Наҳотки, атрофига бўрилар оралагани ҳолда ёлғиз ўзи ярим кечада тоғда қолган Мирзааҳмад,

дориламон ўтириб олиб тиловат қилаётгандек худога илтижо қилсин! Бу мисолда ҳадокатга учраган кишининг на юзида, на сўзида ифодаланган саросима аломати кўрсатилмайди.

Ахён-ахёнда ёзучи қаҳрамоннинг руҳий ҳаяжонини буюмлар тилига кўчириб беришга уринади, броқ бу ерда ҳам муболағалик ибораларнинг жозибаси А. Қаҳҳорни сра қўйиб юбормайди.

„Комсомол ячейкасининг мас’ул котиби Сангин азонда ўрнидан туриб, хотин-қизларнинг олдида иштончанг юриш одатда бўлмаганлигига қарамай, у уйдан бу уйга чопиб юрар эди. Шундайча хотин-қизлар бароғига кириб ячейканинг орготи Зайнабни сўради. У, ички кўйлақда Сангиннинг орқасидан кириб келди. Иккови топишиб жадаллаб қаёққадир кетишди. (Яна ой қачон куяди).

Бу тасвир бошдан-оёқ сохта. Наҳотки, ҳар нарсани совуқ-қонлик, тетик идрок кучи блан ҳад қилишга одатланиб қолган совет кишилари хунук бир воқиа (кечаси хирмондан пахта ўғирланганини эшитиб) қаршисида шунчалик саросималаниб қолсалар, наҳотки, одобнинг оддий қоидаларини унитиб уйдан-уйга „иштончанг“, „кўйнакчанг“ югуриб юрсалар!

Айрим қаҳрамонларнинг индивидуал руҳий ҳиссиёти блан бир қаторда кўпчиликнинг ҳиссиётини тасвир қилиш ҳам А. Қаҳҳорнинг дастлабки ҳикояларида кўп учрайди. Ёзучи кўпчиликнинг руҳий ҳолатини беришдаги қийинчиликлар орасида ўралашиб қолиб, батамом сўз ботқоғига ботиб кетади. Юқорида учратган камчиликларимиз бу ерда яна кўпаяди:

„Бир юз ўн уч килограмм пахта йўқ. Хирмондан ўғирланган. Буни ҳечким э’лон қилгани йўқ. Ҳечким айтгани йўқ. Аммо ҳамма билди, ҳамманинг бошида бир савол: бунча пахтани ким ўғирлайди, бу аввалда бир ҳаяжонга савоб бўлган бўлса ҳам кундузги ишга ҳечқандай та’сири бўлмади: ўша иштиёқ ғайрат, жўяклар устида тантана блан осилиб интизор бўлиб турган пахталарни машинадай чаққон абжир, эпчил қўллар хўплар эди“. (Яна ой қачон куяди).

Яна шу ҳикояда, кечаси пахта ўғриларини пойлаб ётган комсомолларнинг ҳолати тубандагича тасвирланади:

„Атрофдаги зовурларда, чуқурликларда, пахта ичида кўкрагини захга бериб ётганлар гўё хандақ кавлаб душман кутиб ётадилар. Ҳозир душман келади. Ана-ана қораси кўринди. Чинакам фронт, чинакам ҳарбий ҳолат. Фақат бир камчилик аскарларда қўрқув йўқ. Чунки душман ма’лум, енгилиб бораётир, албатта енгилади“.

„Афлотун севгиси“ ҳикоясида бир кишининг заёмига ютуқ чиқиши бутун идорани „ағдар-тўнтар“ қилиб юборади:

„Идора бир нафасда тўзиб кетди, заёмлари ёнида бўлганлар, номерини блакнотига ёзиб юрганлар шошилиб қарашди. Бўлмаганлар оёғи куйган тоувқдай питиллашиб қолишди... Идоранинг ичи говур бўлиб кетди. Заёмини уйда қолдирганлар бухгалтернинг ҳали этагидан, ҳали тирсагидан тортиша бериб гаранг қилишди.

- Ўртоқ бухгалтер, дафтарингизда йўқми?..
- Ўртоқ бухгалтер, ёзиб қўйганингиз бордир!..
- Ўртоқ бухгалтер...“

Ҳаяжонни кучайтириш мақсадида ёзучи турли-туман тасвир „усулларини“ ўйлаб чиқаради. Ба'зан вақнада иштирок қилаётган бир қанча шахсларнинг руҳий ҳолати улар атрофидаги буюмларни, жойни тасвир қилиш йўли билан ифода қилинади. Шахсларнинг ўзи бу жой ва буюмлар ичида йўқолиб кетади.

Тағин ўша „Яна ой қачон куяди“ ҳикоясидаги пахта ўғриларини пойлаб ётган комсомолларнинг руҳий ҳолатини тасвирлашдан мисол келтирамиз:

„Атроф нафасини ичига олиб, гўё қизиқ идишга қуюлган керосиндай буғланиб турар эдики, уни аланга олдириб партлатиш, ҳар ёқни ўт билан қоплаш учун бир гугурт бўлган „ол...“ деган командагагина махтал эди“.

Эҳтиро'чиликда А. Қаҳҳор ба'зан бунчалик „сахийлик“ кўрсатадики, ҳатто содда прозаик ифодалар билан тасвир қилиш мумкин бўлган оддий руҳий ҳолатларни, бутунлай ўринсиз ишлатилган қатор-қатор нуқталар, сўроқ ва хитоб аломатлари билан тўлган ше'рий шаклда беради.

Торозу сари  
Зарбдорлар, мусобақачилар...  
Кимники кўп?..  
Бу кун ким устун?  
Юраклар... пўк-пўк...

Торозубон терлаган, хансираган.

\* \* \*

Руҳий ҳолатни тасвир қилишдаги ортиқча дабдабалар, тасвирнинг эмоцияни қўзғайтурган даражда „қуюқ“ бўлишига кучаниш, уларни конкрет ма'нодан маҳрум бўлган „ялтироқ“ ўхшатишлар, „чиройлик“ сифатловчи сўзлар воситаси билан бериш, хуллас, тасвирдаги сохталик А. Қаҳҳор ижодида унчалик узоққа чўзилмайди. Тўғрисиини айтганда, улар ёзучининг ижодида ўткунчи бир давр эди. А. Қаҳҳор ўз ижодининг иккинчи даврига („Қанотсиз читтак“, 1937 йил) қадам қўйиши билан, унинг ҳикояларида-бу хилда „бўёқчилик“ бутунлай барҳам ейти. Энди, киши а'золарининг асабий ҳаракатлари орқали бериладиган руҳий ҳолатлар ўрнини чинакам тўғри, киши онгига чуқур чўкадиган нозик тасвирлар олади.

Чехов, Книппер-Чеховага ёзган хатларининг бирида шундай деган эди: „Кишининг қайғу ва аламларини қўл ва оёқ билан эмас, балки ҳақиқатда уларни биз қандай кўрсак, шу равишда, юз-кўзда, кишининг авзо'ида, сўзининг оҳангида бўлган ўзгаришлар билан, дағал ҳаракатлар билан эмас, янгичка имолик иборалар билан тасвир қилмоқ керак“.

А. Қаххор ўз устози айтган сўзларни қулоғига халқа қилиб тақиб олади. Энди Чеховнинг бадий тасвир йўллари А. Қаххор ижодининг асосий қонуни бўлиб қолади. Ёзучи ўзининг дастлабки ҳикояларида оғир руҳий аламларни ҳайқириқ „дод-фарёдлар“ блан бирга бўлса, энди уларни оғир сукунат йўли блан сўзсиз ифода қилади.

„Анор“ ҳикоясида қаҳрамонларнинг оғир руҳий ҳолатларини ёзучи бир неча ўринда „индамаслик“ воситаси блан тасвирлайди: „хотин индамади“, „эр-хотин узоқ жим қолишди“. Ҳатто мусибатли ҳолатлар ҳам сукунатда ифода қилинади. „Асрорбобо“ ҳикоясида энг яқин кишининг урушда ҳалок бўлган хабари, эшитучилар ўртасида „жимлик чўкди“ради.

Оғир руҳий ҳолатнинг узоқ чўзилиши, сукунатнинг ҳам давомли бўлишига таъсир кўрсатади: „Миллатчилар“ ҳикоясида икки дўст ўртасида сўз қочиб қолиб, хижолатдан улар анча ергача индамасдан боришади“.

Абдулла Қаххор сукунатни ифода қиладиган ибораларга ниҳоятда бой. Шу маънодаги ҳолатни бериш учун у турли-туман маънодош—синоним сўзлар топади:

„Кампир нима дейишини билмай тек қолди“ (Навара).

„Эр-хотин тик қолишди“ (Анор).

Ҳечкимдан садо чиқмади“ (Хотинлар).

Руҳий аламнинг оғирлигига қараб сукунат кучини ошириш мақсадида ёзучи кўп маҳал бўлак қўшимча воситалар ҳам ишлатади. Ўғлидан „қора хат“ олган Асроротага („Асрорбобо“) дўсти Ҳайдарота тасалли бермакчи бўлганида „Асроркул жавоб бермай қошини силайди“. Бу мисолдаги „қош силаш“ қаҳрамоннинг чуқур изтиробда қолганлигини кўрсатади ва сукунатни яна ҳам қуюқлаштиради.

Худди шу хилдаги методни А. Қаххор қаҳрамонлар блан табиат манзаралари ўртасидаги муносабат тасвирида ҳам ишлатади. Табиат манзаралари қаҳрамоннинг шодлигини оширишга ёрдам қилади, ё бўлмаса қайғусини баттарроқ кучайтиради:

„Ҳамма жим, теварак атрофдаги манзаранинг гашти блан маст эди“ (Хотинлар).

„Асроркул узоқдаги кўм-кўк адирларга соя солиб турган олопоқ будут парчалариға қараб жим қолди“.

Ташқи шакл жиҳатидан биринчи мисол блан иккинчи мисол ўртасида ҳечқандай фарқ кўринмайди — уларнинг ҳар иккаласи ҳам майин ички завқни кўзғатганга ўхшаб кўринади. Брок, биринчиси завқни кўзғатса, иккинчиси аламини кўчайтиради. Бу нарса иккинчи мисолнинг кетига боғланиб келган „анчадан кейин чилим солиб чекди“ сўзида очилади (чилимининг психологик хизмати ҳақида алоҳида гапирамиз).

Абдулла Қаххор қаҳрамонларнинг юракларини ўртаб бораётган ички аламларини сукут блан тасвир қилишга наҳоятда уста. Бу бобда унинг бўёқлари қуюқ ва ранг-барангдир. Кўп маҳал у, сукутнинг кучини ошириш учун, сўзсиз ифо қилинган оғир руҳий ҳолатларни атрофдаги буюмлар тилига кўчириб беради. Да-

воймизнинг исботи учун „Анор“ ҳикоясидан бир-икки мисол келтирамиз.

Туробжоннинг хотини анорга бошқоронғи. Туробжон камбағалликдан хотинининг орзусини қондиролмайди. Анор ўрнига аллақаердан асаларининг уясини олиб келади. Бу нарса хотинини хурсанд қилиш уёқда турсин, баттар ранжитади. Орадан сўз қочиб Туробжон бир-икки оғиз қаттиқ гапириб қўяди. Хотиннинг кўнгли ўқсийди:

„Хотин уйга кириб кетди. Анчадан кейин дарчадан *хира шула* тушди. Турабжон ҳам кирди. Хотин дарча ёнида, бир тиззасига бошини қўйган, *қорамтил — кулранг осмонга* қараб утирар эди. Туробжон нима қилишини билмай, уйнинг ўртасида тикка туриб қолди. Токчадаги бешинчи чироқ *пихиллаб ёнар*. Унинг атрофида катта бир *парвона айланар* эди. Туробжон ҳам дарча ёнига утирди. *Шипнинг қаеридир „қирс“ этди*. Қаердадир *калтакесак чирқиллади*. *Туробжоннинг қулоғи жингиллади* у ҳам осмонга — *хира юлдузга* қаради. Мачитдаги кекса бақатерак орқасидан кўтарилган қизғич ўт, кўкда оловли из қолдириб жуда юқорилади ва гўё осмонга урилгандай чил-парчин бўлиб „пўп“ этди“.

Бу тасвирнинг ўзи бошдан-оёқ мунгли ва юракни эзар даражада ғамгин. Бунинг устига жумланинг ичидаги айрим сўзлар— буюмлар („хира шула“, „қорамтил—кулранг осмон“, „чироқ пихиллаб ёнар“, „шип қирс этди“, „калтакесак чирқиллади“, „хира юлдузга қаради“ ҳоказо ва ҳоказо) сукунатни яна ҳам қуюқлаштиради.

Худди шунга ўхшаш, одамни ютар даражадаги „жимжитлик“ ҳикоянинг охирида ҳам келтирилади:

„*Қоронғи, узоқ-яқинда итлар ҳурар эди*. Кўча эшигини очиб уёқ-буёққа қаради, *жимжит*. Гузар томонда фақат *битта чирроғ милтиллар эди*. *Самоварлар ётган*. Қайтиб уйга кирди“.

Яна бир мисол:

„*Ҳаммаёқ жим*. Фақат *пашша гингиллайди*, *бемор инқиллайди*. Ҳар замон яқин-йироқдан гадой товуши эшитилади: „*Ҳей дўст, шайдулло баноми олло, садақа радди бало, бақавли расули худо...*“ (Бемор).

Ёзучи сукут ва хомушликнинг қуватини жуда чуқур ҳис қилади. Ички дардларни аъзоларнинг асабий ҳаракати, қаҳрамонларнинг бир-бири блан боғлиқ бўлмаган пойма-пой сўзлари, ёки дод-фарёдлари блан бергандан кўра, сукут блан беришнинг таъсири кучли бўлишини ва ҳақиқатга тўғри келишини яхши билади.

„Қанотсиз читтак“ ҳикоясида бош қаҳрамон Қодир нобоб бир жойга утиришга бориб, ярим кечада карахт ҳолда ўз уйига қайтади. У, хотини блан жуда тотув яшарди. Ҳечқачон шалоқ юрмаган, айниқса, уйига ичиб келиш одати йўқ эди. Эрининг аҳволини кўрган хотин жуда қаттиқ ранжиди. У турли-туман шубҳаларга боради, эрини ноҳўя хотинлар блан бирга бўлган, деб гумон қилади. Унинг алами шунчалик зўрки, ҳатто тўпалон қилиш уёқда турсин, тўғри гинахонлик қилишга ҳам мажоли кел-

майди. Аламини ютади, индамасдан эрини огир рухий азобга солади. Автор хотиннинг индамаслигини ҳикоянинг давомида бир неча марта қайтаради. „Хотин индамади“, „хотин индамади“, „хотин чурқ этмади“, „хотин индамади“, „хотин индамас эди“, „кеч бўлди. Хотин жим“, „хотин чурқ этмади“.

Хотин „индамаган сайин Қодир азобланар эди... Унинг учун (я'ни Қодир учун. А. А.) Бундай оғули сукутдан кўра, ноҳақ бўлса ҳам, хотиннинг шапалоғини ейиш, ҳатто бегона шаллақи хотиннинг осмоний тухматиғи учраш яхшироқ эди... Қодир торс ёрилиб...“ кетгундай бўлади; ниҳоят куйиниб, „ахир нега индамайсан?... Бу сукутнинг блан мени едингку!“ дейди.

Сукут энг оғир рухий ҳолатнинг ифодаси эканлигини А. Қаҳҳор „Асрорбобо“ ҳикоясида ҳам кўп такрорлайди. „Хотинлар“ ҳикоясида эса, сукутнинг кучи тўғрисида авторнинг ўзи бевосита гапиради:

„Оғир жимлик чўкди. Шундай жимлик чўкдики, бу хилдаги жимлик айтгани тил бормайдиган, эслашни кўнгил кўтармайдиган бирон даҳшатли фожиага учраб ҳалок бўлган кишининг номи бехостдан тилга олинган вақтда бўлади. Жимлик узоқ давом этди“.

А. Қаҳҳор ўз қаҳрамонларининг аҳвол-руҳиясини кўп маҳал уларнинг „қарашлари“ орқали беради. Биз А. Қаҳҳорда рухий ҳолатнинг бу йўсида тасвирланишини жуда кўп турларини кўра-миз. „Қараш“ ва кўзнинг бошқа турли-туман ҳаракатлари орқали қаҳрамоннинг кайфиятини беришга урунишликни дастлабки ҳикояларда ҳам учратган эдик, броқ илк ҳикояларда рухий ҳолатни бу йўсин блан тасвир қилишда реал баднийлик кўринмайди. „Қараш“ воситаси блан оғир рухий ҳолат кўрсатилмайди. Хаяжоннинг ташқи кўринишини кўрсатишда фақат ифода кучига аҳамият берилади. („А'лам ҳарзамон Полвонга айиқ қараш қилар эди“ — Кўр кўзнинг очилиши) Кейинги ҳикояларда эса „қараш“ психологик тасвирнинг энг кучли воситасига айланади.

Биргина, „қараш“ блан бирталай рухий ҳолатни бера билишлик учув ёзучи жуда сезгир, зеҳни ўткир ва турмуш тажрибаларига бой бўлиши лозим.

Рухий ҳолатнинг кучига қараб „қараш“ қуввати ҳам ҳархил бўлади. А. Қаҳҳор асарларида аксар вақт „қараш“ воситаси блан бериладиган психологик ҳолат ёлғиз „қараш“ иборасининг ўзи блан айтилади:

„Кампирлар бир-бирларига қарашди... ҳечкимдан садо чиқмади. Ҳамма нечикдир унғайсизланар, қимтинар, ерга қарар эди“ (Кампирлар сим қоқди).

Ўғлининг ўлганини биринчи марта эшитган онанинг аҳволини ёзучи „кампир дока рўмолининг учини лабига босиб ерга қаради“ („Асрорбобо“) деб тасвир қилади.

„Қараш“нинг давомли бўлганини кўрсатиш учун унинг ёнига бошқа қўшимча сўзларни тиркаб ишлатилади:

„Хотин энгини тишлаб бир нуқтага қараганича қолди“, „хо-

тин дарча ёнида бир тиззасига бошини қўйган, қорамтил-кулран осмонга қараб ўтирар эди" (Анор).

Худди шунингдек „қаради“ урнига „тикилди“ сўзини ишлатилиши ҳам ҳаракатнинг давомли бўлганини кўрсатади ва шу блан бирга бу сўз руҳий ҳолатнинг анча кескин бўлганини ҳам ифода қилади: „унинг (я'ни ўғлининг ўлганини эшитиб изтиробга тушиб қолган онанинг. А. А.) ҳаракати Хайдаротага галати туйилиб, юзига тикилди“ (Асрорбобо).

Руҳий ҳолатнинг тусатдан қўзғалганини ва ичдан тўлқинланиб келганини кўрсатиш учун „қаради“ сўзи ёнига „ялт этиб“ қўшимчасини ёпиштириб айтилади.

„Икки танқидчи ялт этиб бир-бирига қаради“ (Ўжар).

„Чол-кампир бир-бирига ялт этиб қаради. Бу қарашда ҳар иккисининг кўнглидан бир гап ўтди: „Мен йўғимда бу хабарни эшитсанг ёлғизлик қилиб қолмасмикансан“ (Асрорбобо).

Ба'зи вақтларда „қараш“ психологик ҳолатнинг қатор-қатор белгилари орасида берилиб, қаҳрамоннинг ўтакетган даражада оғир руҳий алам ичида қолганлигини кўрсатади ва та'сирни кўчайтиришга ёрдамлашади:

„Хотин ранги оппоқ, кўзларини катта-катта очиб унга ваҳимали назар блан қарар ва бошини чайқаб личирлар эди“ (Анор).

„Қобилбобо ялангбош, ялангоёқ, яхтақчан оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди, тиззалари букилиб-букилиб кетади, кўзлари жовдирайди, ҳаммага қарайди, аммо ҳечкимни кўрмайди (Ўғри).

Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонларнинг юзида жилваланган эҳтирос аломатларидан жуда кенг суратда фойдаланади. Персонажларнинг юзи бамисоли уларнинг ички ҳаяжонларини акслантиручи бир кўзгү<sup>С</sup> ролини адо қилади:

„Нурматов қизариб ма'носиз илжайди“ (Мунофиқ).

„Турббжон қизарди. У бир замон бетоб ўртоғини йўқлаб элган тарвузини сигирнинг охирида кўриб шундай хижолат бўлган эди“ (Анор).

„Менинг хуррагимдан ухлаёлмай ётган экан, энди ухламоқчи, деб ўйлади Дўстматов ва қизарди“ (Холис таклиф).

Юқорида келтирилган мисолларда „қизариш“нинг даражаси кўринмайди. Бу йўсин блан ёзучи уялиш ва хижолат тортишни кўрсатади. Агар „қизариш“ кучлироқ ҳаяжон натижасида юзга урган бўлса, автор бўёқни қуюқлаштириб, оширма сифат ёрдами блан беради.

„Тожиҳон қип-қизариб кетди“ (Йиллар).

„Мирзаев қип-қизариб пешанасини қашлади“ (Кўк конверт).

„Шерали қип-қизариб, бир кўзи кичрайиб кетди“ (Сеп).

„Абдумажид яна ҳам қизариб, Хайдаротага секин...“ (Асрор-бобо).

„У ҳаддан ташқари қизарган, ўзини қаерга қўйишни билмаётганга ўхшар эди“ (Асрорбобо).

Ба'зан енгил-едпи хижолатланиш орқасида кишининг юзига чиққан қизиллик ҳам сезилар-сезилмас даражада бўлади. Бундай

кезларда автор руҳий ҳолатнинг вазнига қараб тарозуга тош қўяди.

„Камолхонов ўзидан ҳадиксираб, жиндай қизорди“ (Икки ёрти бир бутун).

Ёзучи кўпинча қаҳрамоннинг юзидаги „қизиллик“га қараб қат’ий хулоса чиқаришдан ожизлик қилгандек бўлади:

„Қумриниса бу қарашга ўзича ма’но бериб қизаргандек бўлди“ (Хотинлар).

Абдулла Қаҳҳор бўёқларга ниҳоятда бой. У, бўёқларнинг хилини баайни кучли бир рассом сянгари ҳис қилади ва ўз жойида улардан тўғри фойдаланди. Руҳий ҳолатнинг бир хил кўривиши учун ишлатган бўёғини зинҳор-зинҳор бу ҳолатнинг тескарисини кўрсатадиган иккинчи ҳолатга ишлатмайди. Чунончи: руҳий ҳолатни юзнинг қизариши „блан бир қаторда „кўзнинг қизариши“ блан ҳам беради. Броқ „юзнинг қизариши“ блан, аксар вақт, уялишни ва хижолатли ҳолатни кўрсатса, „кўзнинг қизариши“ қаҳрамоннинг яширинча тўккан кўз ёшларидан, оғир юрак дардидан ёки қаттиқ жаҳли чиққанидан дарак беради. Умуман айтганда кейинги ҳикояларда тўлиб-тошиб кетган ички аламлари, дастлабки ҳикояларда учратганимиз каби „барала йиғлашлар“, „аччиқ-аччиқ кўз ёшлари тўкиб ўкиришлар“ йўли блан ифодалаш кам учрайди. Учраганда ҳам йиғлаш ҳолати асардаги воқиадан ташқарига чиқмайди. У блан ҳамоҳанг бўлади.

Инсон руҳининг энг нозик ҳаракатларини билган ёзучимиз, шубҳасиз, йиғининг психологик ва физиологик функцияларини инкор этмайди („— Майли, йиғла, йиғи гойида хафаликни ёзади“ — Асрорбобо), лекин йиғининг ҳам андазаси бор. Ёзучи ана шу „андазани“ чўзиб юбормасликка уринади. Шу сабабли кейинги ҳикояларнинг қаҳрамонлари қанчалик „куйиниб“, қанчалик „тўлиб-тошиб“ йиғламасин, бу йиғида ҳақиқат бор, турмушдаги нарсанинг тасвири бор: („хотин тураётиб барала йиғлаб юборди“ — Анор, „кампир товуш чиқармай куйиниб йиғлади“ — Асрорбобо, „кампир сочини юлиб йиғига тушди... йиғлаб йиғлаб ахир ухлаб қолди“ — Ботирали).

Йиғи — энг кучли руҳий аламнинг ифодасидир. Шу сабабли автор бу ҳолатни яна ҳам кучайтириш мақсадида, уни бўлак бир неча руҳий ҳолатлар тасвири орасида бериб ўтирмасдан, бу ҳолатнинг ёлғиз ўзини кўрсатиш блан кифояланади, шу блан психологик тасвирнинг ишонарлик бўлишига эришади.

Кейинги ҳикояларнинг қаҳрамонлари юрак аламлари қанчалик зўр бўлмасин, асосан, йиғидан ўзларини тиядилар, баайни ички аламнинг шиддати ҳатто уларнинг кўз ёшларини ҳам қуришиб юборганга ўхшайди:

„— Мен йиғламайман! То ўғлимнинг гўрини қучоқлаб, тупроғини юзимга суртмагунимча кўзимга ёш келмайди“ (Асрорбобо).

Бу мисолда, иродаси мустаҳкам совет кишининг психологияси ва бутун инсоний эҳтирослардан четда қолмаган тирик кишининг мужассам образи берилади.



Ёзучи қаҳрамонларнинг кўз ёшларини мумкин қадар ўқучига кўрсатмасликка уринади, уларнинг йиғлаганлигини ёлғиз кинолар билан билдиради, аммо кўз ёшлари кўринмаган бу „йиғи“нинг кучи ҳўнграб йиғлашдан зўрлик қилади.

„Кампирнинг ранги оқарган, кўз атрофи қизарган, чакка томирлари чиққан эди“ (Асрорбобо).

„Дарҳол томорқага ўтиб, кўзлари қизарган, чакка томирлари чиққан қайтди“ (Анор).

„Асрорқулнинг кўз атрофи қизарган, юзида сохта табассум акс этди“ (Асрорбобо).

Юқорида келтирилган мисолларда юзнинг қизариши билан кўз ва кўз атрофларининг қизариши ўртасида катта фарқ борлигини кўрдик, я'ни, ёзучи юзнинг қизариши билан, кўпинча, андеша ва хижолатли ҳолатни берса, кўзнинг қизариши билан оғир ички аламни курсатар экан. Юзда акс этган аламини ёзучи бутунлай бошқа бир бўёқ билан, я'ни „юзнинг оқариши“ воситаси билан тасвирлайди:

„Хотиннинг ранги оқариб кетди“ (Холис таклиф).

„Сулаймонов ранги ўчиб мазаси қочди“.

„Авзоймдан буни сезди шекилли, қути ўчди“ (Ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бор).

„Туробжон хотинига қаради. Унинг рангини кўриб хотини кўрқиб кетди — бу қадар оқарган“ (Анор).

„Хотини эшик ёнида деворга суянганича турар, ранги мурдадай, ўзи қалтирар эди“ (Майиз емаган хотин).

(Ёзучи қаҳрамоннинг оғир руҳий аламини кўрсатиш учун яна бир қанча бўёқлардан фойдаланади). „Асрорбобо“ ҳикоясида фарзанд доғининг бутун изтиробларини кечираётган Асрорқулнинг юрак дардларини муфассал равишда гапириб ўтирмасдан, бу дарднинг юзда кўринган бир-икки аломатларини айтиб қўя қолади:

„Лекин хўп озибди, қорайиб кетипти“.

Мусибат кучи бадий асарларда, кўпинча қаҳрамоннинг „букчайиши“, „соч-соқалларининг оқариши“, „юзнинг ажин босиши“ каби воситалар билан берилади. Ёзучимиз бу хилда тасвирлардан қочади. Соддагина қилиб айtilган ва ташқаридан қараганда Асрорбобонинг ғам-гуссаларига ҳечқандай алоқаси бўлмагандай кўриган „қорайиб кетибди“ сўзи қаҳрамоннинг юрагидаги дун'ё-дун'ё аламларни очиб ташлайди.

А. Қаҳҳо, ҳикояларида кучли ҳаяжон ёлғиз юзга урган бўёқлар ёрдами билангина эмас, балки кўп маҳал жамикки а'золарнинг иштироки, я'ни „титраш“, „қалтираш“ воситаси билан ҳам тасвир қилинади.

„Сулаймонов дағ-дағ титраб...“ (Ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бор).

„Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди“ (Анор).

„Қобилбобо ялангош, ялангоёқ, яхтакчанг, оғил эшиги ёнида туриб дағ-дағ титрайди“.

А. Қоқхор психологик тасвирнинг „чиройлик“ бўлишига урунмайди. Унинг ҳикояларида ички туйғуларнинг чеҳрадаги кўрилишлари қанчалик кўп ва қанчалик хилма-хил булмасин, уларнинг ҳаммаси, дастлабки асарларда учратганимиз каби қичқирӣқ гапларнинг йиғиндисидан иборат бўлмасдан, балки содда ҳамма вақт айтилиб юриладиган „хашаки“ сўзлардан иборат бўлади. Брок, бу „хашакилик“ остида алоҳида „ғўзаллик“ борким. бу хил ғўзал тасвира А. Қақхор жуда уста.

„Мирзойев бир чўчиб тушди“ (Кўк конверт).

„Дўстматов бир ирғиб тушди“ (Холис таклиф).

„Уста Турдиали аввал бир сесканди“ (Гуноҳкорнинг да‘воси).

„Камолов тараддудланиб қолди“ (Икки ёрти, бир бутун).

„Сулаймонов қаттиқ хафа бўлган экан то санаторияга етгунча қовоғини очмади“.

„Сулаймоновнинг кўзлари олайиб кетди“ (Ҳар ишнинг ўз маҳкамаси бор).

„Туробжоннинг боши ғовлаб, кўзи тинди“ (Анор).

„Низомуддиновнинг кўзига чироқлар хира, одамлар кичкина бўлиб кўринар эди“ (Мунофиқ).

Дом-дараксиз бўлиб кетган ўғлидан тўсатдан хат келиб қолганда („Ботирали“) отанинг қондай ҳаяжонга тушганини автор мана бундай тасвир қилади:

„Чол конвертни кўриб кўнгли озиб қолди, лекин ўзини бардам ва балки мардона тутиб,

— Очинг, ўқинг,—деди“.

Ҳайдарота, Ёдгоройнинг („Асрорбобо“) ўлганини биринчи марта эшитганида, унинг юзида ҳечқандай ҳаяжон аломати кўринмайди, фақат „юраги арзиқиб, тилигача музлаб қолади“.

„Ба‘зан қаҳрамоннинг аҳвол-руҳиясини „қуруқ“ та‘риф қилиб қўяқолмасдан, бадий жиҳатдан ғўзал ва шу блан бирга қаҳрамоннинг айна вақтдаги руҳий ҳолатига мос келадиган ажойиб содда ўхшатишлар воситаси блан тасвирлайди. „Ботирали“ ҳикоясидаги ҳалиги чол, ўғлидан шу хатни олганда „азроқ қимиз ичгандай бўшашиб ўтириб қолади, ҳатто кампирнинг йиғиси ҳам уни аллалаётгандай бўлади“.

Кўп ўринда ёзуви қаҳрамоннинг юзида кўрилган руҳий ҳолатни дарҳол иккинчи бирон а‘зо тилига кўчириб бериш методини ҳам жуда кенг қўллайди. Бу йўл блан ички „сир“ларни чуқурроқ очади ва тасвирнинг ўткур бўлишига эришади.

„Туробжан оғзини катта очиб ҳам эснади, ҳам уф тортди“ (Анор).

„Ҳамиданинг боши оғирлашиб кетди, икки марта секин оғзини очмасдан эснади“ (Адабиёт муаллими).

„Мухаррир чуқур уф тортди, пешанасини ишқалади“ (Бек).

„Дўстматов... кайфи чоғ турди—ҳузур қилиб керишди, кўкрагини силади“ (Холис таклиф).

„Низомуддинов фавқуллода бир сирни очиб ташлагандай, оғзини очиб йўталиб қўйди“ (Мунофиқ).

„Ўзини қаттиқ кулгига чоғлаган эди, Сулаймоновнинг кулма-

ганини кўриб, узини жиддий кўрсатиш учун қошларини чимирди, устки лабини сурабошлади (Икки ёрти бир бутун).

„Баҳри лабидаги табассумни яшириш учун беш панжаси блан бурнини қашлади“ (Хатинлар).

„Сулаймонов жуда йиғиб кетди, лабидаги мамнуният табассумини яшириш учун ўнг қўли блан сўл мўйловини силайбошлади“ (Икки ёрти бир бутун).

Кўзнинг ўткирлиги, ҳарбир „майда-чуйда“ни сезиш, гўзалликнинг нозик томонларини фаҳмлаш, кейинги мисолда яққол кўриниб туради. Бу мисолда қўлланган кичкина деталл (ўнг қўл блан сўл мўйловни силаганда, ёки, ўзимиздан қўшиб айтсак, чап қўл блан ўнг мўйловни силаганда—табассум кўриямайди) блан ажойиб бир нозик ҳол баён қилинади.

1 А. Қаҳҳор аҳвол-руҳиянинг ташқи ифодасини кўрсатадиган тасвирларга ниҳоятда бой. Юқорида келтирилган мисолларда ички ҳиссиётларни қаҳрамонларнинг бирон а'зоси ёрдами блан кўрсатган бўлса, дилдаги аламни яна ҳам кучайтириш учун уни кўпинча ташқи а'зога ҳечқандай муносабати бўлмаган бирон буюм тилига кўчириб ҳам беради. Бу метод „Хотинлар“ ҳикоясида жуда кенг қўлланади:

„Баҳри ранги бўзариб қўлидан пичоқ тушиб кетди“.

„Жувон энгашиб отнинг бўйинини силади. Унинг ҳаракати ўпкаси тўлиб, гапдан тўхташ учун баҳона излаётганини кўрсатар эди“.

Шу ҳикояда йўловчи аёллардан биттаси Асқаротага эри аскарликка кетгандан кейин анчагина ноҳўя ишларни қилган Умри исми бир жувоннинг қилмишларини сўзлаб беради. Ҳикояда Умрининг қилган ишларини ниҳоятда хунук жойига келганда, ёзучи Асқарбобонинг аҳволини „Асқарбобо беихтиёр отига қамчи берди, яна бошини тортди“ деб тасвирлайди. Бу ерда Асқарбобонинг ҳаракати бесабаб қилинган ма'носиз бир ҳаракат бўлмасдан, балки унинг юрагида қўзғалган кучли нафратнинг ифодаси эди. 1Мана шу кичкина детал остида кучли алам ифодаси борлигини ёзучи бироз пастда кўрсатади:

„Асқарота тўсатдан отнинг бошини тортди, тизгинни ташлаб, иккала қўлини кўтарди:

— Илоҳи омин!—деди. Ҳамма тўхтаб унга қаради. Унинг кўзларидан оппоқ соқолига қатра-қатра ёш томар эди.—Илоҳи омин! Шу аёлнинг икки кўзи оқиб тушсину, Гаффоржон соғ-саломат келиб, уни кўча-куйда етаклаб юрсин! Худоё худавадно, шу ёшга кириб даргоҳингдан ҳеч нарса сўраган эмас эдим...“

Гапиргани ҳечкимда мажол йўқ эди. Отлар ўз-ўзидан секин юрибкетди“.

Гоҳо буюм қаҳрамоннинг кўз илғамас даражада нозик ҳолатини тасвирловчи бир воситага айланади:

„Қўлидаги иккита бўлкасини секин кўрпасининг устига қўйди, яна олди“ (Холис таклиф).

„Турбожон дўпписини бошидан олди ва қоқмоқчи бўлганида, кўзи йиртиқ енгига тушди, юраги ачиди; энди уч-тўрт ювилган янгигина яхтак эди.“

— Ахир, бошқоронғи бўл, эвида бўл-да!—деди у дўпписини қоқмасдан бошига кийиб“ (Анор).

Бу мисолларда ҳикоядаги шахсларнинг на юзида, на бирон а'восида, ё бўлмаса унинг сўзида акс этган ички аламнинг ҳеч қандай аломати кўрсатилмайди, лекин қаҳрамонларнинг ҳаракатидаги ҳарбир „тасодиф“ уларнинг кўнглида жараён қилаётган аллақанча туйғулларни сўзсиз ноҳоятда яхши ифода қилади. Кичкина бир ҳодисани (енгининг йиртиғига кўзи тушиб қолиб, қоқмоқчи бўлган дўпписини қоқмасдан кийиб олганлиги) айтиб, бу блан қаҳрамоннинг ҳолатида бўлган катта ўзгаришни кўрсатади.

А. Қаҳҳор ҳикояларида воқиага аралашган буюмлар ҳам қаҳрамонларнинг руҳий ҳолати тасвирида иштирок қилади, уларга дилдорлик, мунислик кўрсатади, улар ғамини ёзади. Бир-икки ҳикояда мана бундай „дилдорлик“, „ҳасратдошлик“ ролини чилим ўтайди.

„Бир уйқуни олиб турган хотини яна уйқуга кетди ҳамки, Фанижон киприк қоқмади. Фанижон чилим чеккани туриб, такчадаги паднусни тушуриб юборди.

— Ҳа, нима қилиб юрибсиз? Чироқни кўтарсангизчи!

— Тамаки қаерда?

— Нима қиласиз?

— Миниб бозорга бориб келаман! Тамакини нима қилади, киши? чекади-да!

— Ҳа, мунча... кечаси чилим чекадиган одатингиз йўқ эди, шунга сўрадим.

Хотин эрини ҳечқачон бундай кайфиятда кўрмагани, ундан сра дағал сўз эшитмагани учун кўнглига гулғула тушди, ўрнидан туриб ёнбошлади.

Фанижон чилим солиб чекди ва келиб чўзилди. Хотин унинг бошини силади. (Бешик).

Бу ҳикоядаги қаҳрамон—Фанижон аслда ўзи кашанда чилим—чекади, броқ „кечаси чилим чекадигақ одати йўқ эди“. Унинг бемаҳалда туриб чилим чекиши ноҳоятда оғир диққатликнинг натижаси эканлигини ёзучи пастроқда ҳикоя қилади:

„Фанижон хотини жуда катта ташвишга қолганини пайқаб гапнинг учини чиқарди.

— Келаятсам, йўл бўйида биров ўтирган экан, қўлини кўтариб, „жон ака, мени мингаштириб олинг“ дегандай бўлди.

— Ким экан?

— Ўрнидан турмади, шундан гумон қилдимки, аскарликдан бўшаб келаётган бирон инвалидми... инвалид эканлиги аниқ!

— Дарров мингаштириб олмадингизми?

— От, ҳаром улгур, суриб кетиб қолди. Қайтиб бориб тополмадим. Чақирдим, уёқ-буёқни қарадим. Атдан тушиб ўтирган жойини қарамабман, шунга кўнглим ғаш бўлаётибди. Яраси ёмонроқ бўлса, кўнгли озиб, ўша ерда ётиб қолдим“.

Бунда чилимнинг ҳикояга сра алоқаси йўқ, ёлғиз бир кўриниб

ўтган нарса, лекин ёзучи қаҳрамондаги руҳий ҳолатнинг малум бир нуқтасини ифода қилмоқ учун чилимни ҳикояга киргизиб, тасвирда шундан фойдаланади.

А. Қаҳҳорнинг кучли психологик асарларидан бўлган „Асрорбобо“ ҳикоясида чилим айниқса жуда катта ўрин тутади. Қаҳрамоннинг руҳини тасвир қилишда чилимнинг иштироки катта. Ҳикоянинг давомида Асрорбобонинг оғир аламларини бирнеча марта чилим воситаси билан тасвирланади, Илгари чилим чекишни одаг қилмаган Асрорбобо ўғлининг ўлганлиги тўғрисида „қора хат“ олгандан кейин секин-секин чилим чекишга ўрганади. Бора-бора чилим Асрорбобонинг яқин „улфатига“ айланади.

„Асроркул чилимин шундай қаттиқ тортдики, сарханадан аланга кўтарилди. Авзойидан ҳозир кампирни хафа қиладиган кўриниб қолди“.

Яна:

„Асрорқулнинг товуши ўзгарди. У ирғиб ўрндан турдию, чилимни кўтариб ўчоқбошига қараб кетди. Ҳайдарота билдики, унинг ўпкаси тўлди. Буни кампир ҳам пайқадимикин деб секин раэм солса, пайқапти. Пайқаптию, афтидан кўнглига гулгула тушипти. Ҳайдарота буни „қилт“ этиб ютунганидан билди. Бу орада Асроркул чилимини чекиб бўлиб, кампирни чақирди.

Асроркул келиб ўтирди. Унинг чакка томирлари чиққан. Нафас олиши бежо эди.

— Ҳа? деди Ҳайдарота.

— Ҳеч... чилим элтгандир.

Ҳайдарота ичида „ҳимм...“ дедию, бўлак гап сўрамади. Шундан кейин кампирнинг „Ёдигарбойдан келган хатларни бизга кўрсатмайди“ деганига ўзича ма'но берди“.

Мана бу мисолларда чилим устига ниҳоятда оғир руҳий ҳолатни тасвирлаш вазифаси юклатилгани очиқ кўриниб туради.

Ёзучи кўпинча психологик ҳолатларнинг белгиларини кўрсатмасдан, қаҳрамоннинг башарасига, авзойига қараб унинг аҳвол-руҳияси ҳақида умумий хулоса чиқаради.

„Важоҳатидан уйига ўғри кирган, ёрдамга киши чақиргани келган одамга ўхшар эди“ (Майиз емаган хотин).

„Хотиннинг ёлғон гапираётгани рангидан билиниб турипти“ (Холис таклиф).

„Собираҳон... аптидан у хотин ҳақида энди гапирмакчи эмас эди“ (Хотинлар).

„Хайрлашганда Шерали шундай бир аҳволда эдики, кузатгани чиққанлардан кимдир „бола бечорани муҳаббат элитиптику,“ деб қўйди“ (Сеп).

Худди мана шу методнинг мураккаб шакли чехрадаги аломатлар воситаси билан қаҳрамоннинг айтмакчи бўлган ички сўзини билдиришдир. Абдулла Қаҳҳор бу йўлни ўз ҳикояларида ниҳоятда кенг қўллайди. Унинг анчагина заиф ва нимранг излари ёзучининг дастлабки ҳикояларида ҳам учрайди, аммо кейинги вақтларда ёзилган асарларда А. Қаҳҳор бу йўлни ўз ижодининг

энг характерли усулига айлантирди. Қаҳрамонларнинг важоҳат ва қиёфалари воситаси блан берилган товушсиз сўзлар уларнинг ҳаракатлари блан шунчалик мослашаднки, бу хилда юксак образларни яратган ёзучи, муболаға блан айтганимизда, ўқучининг қаршисида баайни кишининг юзига қараб ички сирларини билатурган бир жодугар сифатида гавдаланади.

Абдулла Қаҳҳор ижодининг иккинчи даври, асосан, „Қанотсиз читтак“ ҳикоясидан бошланади. Бу ҳикоясида ёзучи хили катта сан'аткорлик кўрсатади. Чинакам ижод йўлига қадам қўйишдан олдин, ёзучи узоқ муддатли ўқиш, ўрганиш йўлини босиб ўтганини шу ҳикояда очиқ кўришиб туради. Брок, Қаҳҳор илк ижодининг заифликларидан ҳали батамом қутилаолган эмас. Янги йўлга кирган, эндигина тил чиқарган бола ўзининг ҳарбир ютуғига суюнганидек, керак бўлса-бўлмаса уни ҳадеб қайтараберганидек, Абдулла Қаҳҳор ҳам янгитдан кашф этган мана бу бадий тасвир усулини ҳаддан ташқари кўп ишлатади. Чунончи, биз бу йўлни „Қанотсиз читтак“ ҳикоясида бир неча ўринда учратамиз:

„Қодир, Набигулга „ҳолингга воя“ дегандай қилиб қаради“.

Раҳмат дейиш блан „мени лақиллатмасангчи“ деган бир ма'нони англатор эди“.

„Худди шуни сўрашинга махтал эдим, яхши сўрадинг“ демакчи бўлгандай жавоб беришга шошилди.

„Ўзингда бор нарсани нега қидирасан“ демакчи бўлгандай таажжубланди“.

„Набигулнинг акаси унинг тиззасига секин туртди. У, „кўп волдирама“ демакчи эди“.

„Хотин“ э, гўл одам!“ демакчи бўлгандай бошини чайқади.

„Хотин“ ҳа, бунча менинг сўрашимга иштиёқманд бўлсанг сўрай“ демакчи бўлгандай тил учида сўради“.

Бу хилда бир-бирига ўхшаш (шакл жиҳатидан) ибораларни қайтарабериш ҳикояга нуқсон келтиради. Ҳикояда такрорга ўрин бўлмаслиги лозим. Та'риф, тавсиф мумкин қадар Мухтасар бўлмағи керак.

Юқорида айтилган мисолларда қаҳрамоннинг дилида бор ва лекин тилига жорий бўлмаган туйғулари тасвири бу даврдаги ҳикояларда бадийлик даражасида етарлик баланд кўтариламайди. Лекин ёзучи кейинги ҳикояларида бу соҳада хили юксак маҳорат ортдиради. Бу хил тасвир ҳикоянинг боришига, унинг мазмунига жуда қаттиқ боғлиқ бўлиб, ҳикоядан узоқ эмас, балки унинг шираси, тасвирнинг энг юқори чўққисидир.

„Асрорбобо“ ва „хотинлар“ ҳикояларида бу метод айниқса жуда чуқур психологик ма'ноларни ифода қиладиган даражага кўтарилади. „Хотинлар“ ҳикоясида Асқарота бирнеча аёллар блан бирга босмачилар томондан ўлдирилган Ма'рифатхон деган хотиннинг қабрини зиёрат қилгани боради. Ёзучи қабр атрофидаги манзаранинг Асқаротага кўрсатган та'сирини тубандагича тасвирлайди:

„Асқаротанинг назарига бундаги ҳарбир дарахт, ҳарбир бута, мотамсаро, баҳорда япроқ чиқарганда ҳам қора япроқ чиқарадиган

ва ҳозир „энди келдингизми, Асқорота“ деб тургандай кўринар эди“.

Бу мисолда ёзучи бир варакайига бир қанчт мақсадни ифода қилади. Биринчидан: бу ерда „ички сўз“ жонли кишининг ташқи ҳаракатлари, имо-ишоралари блан эмас, балки „тилсиз“ табиатнинг чехрасида кўрилган аломатлар тасвири блан берилади, иккинчидан: табиатнинг устидаги „мотамсаро“лик либоси халқнинг Ма'рифатхонга бўлган ҳурмат ва муҳаббатани ифода қилади ва учунчидан: бундай му'табар шахснинг зиёратига кечикиб келгани учун Асқоротанинг юрагида қўзғалган чуқур хижолатли ҳолатни та'свир этади.

Табиатни инсон руҳи блан фикр қилдириш, уни одам тили блан „гапиртириш“ ва шу блан бирга бу воситаларни ўқучини ишонтирадиган юксак бадний даражага кўтариш, шубҳасиз, катта сан'аткорликдир!

А. Қаҳҳор бу методнинг ниҳоятда сезгир сан'аткори эканлигини; „Мунофиқ“ ҳикоясида яна кучлироқ курсатади.

„Оқибат Низомуддиновга ҳам сўз берилди. У, каттакан, кетман нусқа шапкасини стулда қолдириб бир қучоқ материал блан минбарга чиқди, энлик камарини тортиб боғлаб „мана энди сўзлаш пайти келди“ дегандай мажлис аҳлига назар ташлаб сўз бошлади“.

Бу ерда ёзучи ўз қаҳрамонининг ичи-тошини ағдариш-тўнтариш қилиб, бори-йўғини мана шу икки калима ташқи важоҳати „тили“ блан айтилган „сўзи“да беради, (унақа-бунақа ёзучининг муҳофазасига тутқич бермайдиган қаҳрамоннинг табиатидаги энг ингичка психологик чизиқни илиб олади.) Бу тасвирда фақат руҳий ҳолатни ифодалаш блан чегараланмасдан балки, ниҳоятда мураккаб ички ва ташқи „башарани“ я'ни психологик портретни ҳам чизади. Ёзучи Низомуддиновнинг афти-башараси, кийим-кечаги ҳақида узундан-узоқ гапириб ўтирмасдан, фақат шапкаси блан камарини айтиб қўя қолади. Агар сиз мана шу „каттакон, кетман нусқа шапкасини стулда қолдириб, бир қучоқ материал блан минбарга чиққан“ ва „энлик камарини тортиб боғлаб“ сўз бошлаган Низомуддиновнинг бу йўсинда берилган суратига „мана энди сўзлаш пайти келди“ дегандай „мажлис аҳлига назар ташлаб“ нутқ бошлашини қўшсангиз, дарҳол кўз олдингизда тантанали мажлисларда сра сўздан қолмайдиган, материалбоз, тирноқ остидан кир ахтаручи, бемаслак ва ўтакетган мунофиқ бир кишининг афти- башараси кўндаланг бўлади.

Яна бир мисол:

Ёзучи „Кўк конверт“ ҳикоясида Латофатхон деган бир қизнинг урушдан илгари олдирган расми ҳақида „боринг, унақа деманг“ деганга ўхшаб турибти“ дейди. Шу қизнинг урушдан юборган ҳарбий кийимдаги сурати тўғрисида эса „Ҳой, бола, кўзингга қара!“ деганга ўхшаб турибти“ дейди. Қиз ҳақида автор бўлак гапирмайди. Унинг ҳуонини, қарашидан малум бўлиб турган ақиллилик аломатларини узундан-узун тасвир қилиб ўтирмасдан, шу икки калима сўз блан қизнинг бутун тавсифини

беради, фақат расмига қараб бир маҳалги ёш, ўйноқи, шўх ва ноз-карашмали қизнинг урушга боргандан кейин анча одми, ва жиддий кишига айланганини кўрсатади.

Психологик тасвирнинг кучли воситаларидан бири қаҳрамоннинг сўзидир. Ёзучи, умуман диалогларга уста бўлгани каби, қаҳрамонларнинг ўз оғзидан чиққан ибораларни руҳий тасвирга хизмат қилдиришга ҳам уста. У сўзларнинг айтилиши оҳанги блан турли-туман руҳий кайфиятларни беради. Бу соҳада ҳам ижодининг хусусияти бўлган ихчамликдан четга чиқмайди. Қаҳрамоннинг оғир руҳий аламини ўқучига ҳам сингдириш мақсадида уни узундан-узоқ сўзлатиб ўтирмасдан бир-икки оғиз сўз блан бутун алам кучини кўрсатади:

«Туробжон билмай қолди: хотиннинг елкасига тепиб, сўнгра ўрнидан турдим, ё туриб кейин тепдим. Ўзини образнинг олдида кўрди. Хотин, ранги оппоқ, кўзларини катта-катта очиб, унга ваҳимали назар блан қарар ва бошини чайқаб пичирлар эди: — Қўйиб, қўйинг» (Анор).

Хотин аччиғ устида айтган гапи учун эрининг оёғига ёпишиб йиғламайди, тавба-тазарру' қилмайди, ўзини уриб ундан афв сўрамайди. Ма'но жиҳатидан бир-биридан фарқ қилмайдиган оддий сўзнинг икки марта қойтарилиши ҳарқандай та'рифот кучини босиб кетади. Шу икки оғиз сўз баданингизни жимирлаштириб юборгандай, қулоғингизда дарвоқи' эшитилиб тургандай бўлади. Ҳатто оғир саросима ҳолда қолган хотиннинг паришон юзи кўзингизга кўриниб ҳам кетади. Бунчалик реал манзарани чизиш, киши руҳининг энг ингичка ҳаракатларини ҳам кўздан қочирмаслик кучли талантининг қўлидан келади халос!

А. Қаҳҳор ҳикояларида қаҳрамонларнинг соғлом ҳолдаги туйғулари тасвири блан бир қаторда уларнинг ҳасталикдаги ҳолатлари тасвирини ҳам учратамиз:

«Қадақчи Ҳамрақулнинг тоби қочди. Ким бўлади, кеча кечқурунги худойи ош ёқмадим, ё эрталаб чойнак қадақлатиб кетган кишининг носиди бир гап бор эканми. Аммо кеча эрталаб ҳам ланжлиги бор эди шекиллик; бўлмаса ҳеч жаҳонда чойдан ҳам маккажувори хиди келадими!»

Унинг а'зойи бадани қақшаб, каманча тутгани мадори қолмади. Яна битта қадақ блан битадиган ликаопча чала қолди. Наридан-бери дов-дастгоҳини йиғилтириб жўнади. Иситмаси кучли, боши оғир эди. Ташлаган қадами хоҳлаган ерига тушмайди. Нимани ўйласа бу ўйнинг охири хаёлга айланар эди: иссиқ-иссиқ чой ичиб ўралиб ётган кўрпаси ҳавога кўтарилиб кетади, дам солдиргани маҳалла имомини чақиртирса эшикдан лапанглаб тобут кириб келади..... Ҳамрақул сувни ичиб, бироз ўзига келгандай бўлди, аммо оқорида қайрағочдаги чумчуқларнинг чирқяллаши негадир кўнглини оздирди. У қулоқларига бармоғини тиқиб кўзини юмди. Бироз нафасини ростлагандан сўнг, худди кўнглини безовта қиладиган бирон нарсани кўришдан қўрққандай кўзини секин очди. (Тамоша бор).

Бу ҳикояда қаҳрамоннинг ҳаста ҳолатини тасвирлашда ёзучи



ортиқча сўз айтиб юборишдан ўзини ниҳоятда эҳтиёт қилади. Баайни бир киши унинг орқасида туриб „касалини билмабсан, рецетни нотўғри ёзибсан“ деб таъна қилаётгандай, касаллик аломатларини тўғри кўрсатишга уринади, беморнинг аҳволини жиддийлаштириш учун яхлит тасвирларга югурмасдан, касалликнинг характерли кўринишларини илиб олиб содда иборалар билан бир меъорда текис тасвир қилади („Қайрағочдаги чумчуқларнинг чирқиллаши негадир кўнглини оздирди“ ва бошқалар). Ҳикоядаги бир-икки ҳаётий деталлар („Худой ошнинг ёқмаслиги“, „носа бирон гап борлиги“, „чойдан маккажуворининг ҳиди келиши“) воқиянинг милли калоритини кучайтиради.

„Меъорга“ зарар келтирмаслик айниқса „Бемор“ ҳикоясида жуда яққол кўриниб туради. Бу ҳикояда ёзувчи беморнинг оғир аҳволини муфассал равишда тасвир қилиб ўтирмасдан, „умумий“ сўзлар („Бир кечаси бемор жуда азоб тортиди“, „бемор оғирлашди“, „бемор кундан-кун баттар бўлиб, охири ўсал бўлди“) билан тасвирлайди, лекин бу хилда „умумий“ сўзлар ҳикоянинг оқимида вақиянинг ичига сингиб кетиб беморнинг борган сайин оғирлашаётганини бекамикўст тасвирлайди. Шу ҳикоянинг баъзи ўринларида беморнинг умидсиз оғир аҳволини таърифлашда ёзувчи яна юқори кўтарилади: касалнинг озиб кетгани тўғрисида бевосита гапирмасдан „тўрт ёшар қизчаси қўлига рўмолча олиб, онасининг юзини карахт, нимжон, хира пашшалардан қуриydi“ деб, пашшаларнинг карахтлиги, нимжонлиги билан касалнинг қайси аҳволда ётганлигидан дарак беради\*, „тўрт ёшар қизчанинг сахарларда туриб „худоё аямди дайдига даво бейгин...“, деб дуо қилиши, бир томондан онанинг оғир аҳволини кўрсатса, иккинчи томондан асарнинг бадий кучини яна оширади.

Абдулла Қаҳҳор қаҳрамонларнинг психология ҳолатларини доим бир қолибда, бир тарзда тасвир қилмай, балки бу ҳолатни жараёнда тасвир қилади, бутун босқичларининг ранг-баранг томонларини кўрсатади, воқиянинг боришида руҳий ҳолатнинг барча кўринишларини бирма-бир очиб боради. Қаҳҳорнинг қаҳрамонлари барча одамлардан бўлакча эмас, инсонда бўладиган барча „яхшилик“ ва „ёмонликлар“ буларда ҳам бор, уларнинг ҳарқайсиси бир „инсон“. Уларнинг табиатида бўлсин, суратида, руҳида, тушунчасида бўлсин, нима бўлса — ҳаммаси инсоний.

Мана бу „инсонлик“, „ўзгарувчанлик“ кейинги ҳикояларнинг асосий принципи, уларнинг мағизидир. Кичкинагина воқияни ўз ичига олган „Анор“ ҳикоясида қаҳрамонларнинг руҳий аҳволи мана шундай тўхтовсиз „товланиш“ асосида тасвир қилинади.

Туробжон хотинининг жаҳл устида айтган гапига қарши титраб-қақшаб „ажаб қилдим, жигарларинг эзилиб кетсин!“ деб жавоб қайтаради. Бу гап хотинни эзиб юборгундай бўлади. Унинг аҳволини кўриб Туробжоннинг юраги эзилади: „Туробжон бу гапни айтдию, хотиннинг аҳволини кўриб кўнгли бузулди, аччи-

\* Ҳомил Ёқуб „Абдулла Қаҳҳор новеллалари“, „Шарқ Юлдузи“ сон 3, бет 76, 1946 йил.

гидан тушди, агар иззат нафс қўйса ҳозир бориб унинг бошини силар ва „қўй, хафа бўлма“ жаҳл устида айтдим дер эди“.

Бундан бир нафас илгари хотинидан ўч олишга шайланган ва ўзининг бутун газабини унинг устига тўкиб солган Туробжон бирдан пастга тушади. Унинг юрагида бир томондан эрлик гурури, иккинчи томондан инсоний „одамгарчилик“ ўртасида тортишув кетади, броқ ҳар иккаласи ҳам бўшашмайди: узур сўрашга иззат нафс қўймайди, қаттиқ гапиришга—виждон қийнайди. Унинг сўзидан фақат камбағалчиликдан зорланиш, шикоятимиз гнахонлик оҳанги эшитилади:

— „Кисининг қон қилиб юборасан!— деди анчадан кейин, — наинки мен асал олсам! асал отлиққа йўқ, ҳали биз пиёдаку. Хўжайинга бир ошваси совға қилиб келган экан, билдирмасдан... ўзидан сўраб озроғини олдим... ўзи берди...“.

Туробжоннинг бу сўзи „зорланиш“дан ташқари яна бирмунча ички қорама-қаршиликларни ифода қилади. Туробжон асални ҳақиқатан „билдирмасдан“ ўғирлаб олган, лекин қилмушига иқрор бўлишликка яна „иззат нафс“ қўймайди, виждонини тинчлатиш, хотинини юпатиш учун „билдирмасдан“ деб турган киши дарҳол сўзининг оҳангини ўзгартириб, „ўзидан сўраб азроғини олдим“ дейди; кўнглига тасалли бериш, хотинини батамом ишонтириш мақсадида нафас ўтмай яна қўшиб қўяди: „ўзи берди...“.

Қаҳрамоннинг пойма-пой сўзлари унинг ёлғончи, муттаҳам бир киши эканлигини кўрсатмайди, бلكи унинг юрагига гулгула солаётган оғир руҳий азобларни ифода қилади. | Асалнинг ўғирлик мол эканлиги тўғрисида ёзучи ҳикояда ўз тилидан бир оғиз ҳам гапирмайди, лекин қаҳрамоннинг ўзини оқлаш мақсадида бир эмас, икки марта айтган „ўзидан сўраб... олдим... ўзи берди“ деган сўзи блан ёзучи уни „қоралаб“ қўяди. Бу шубҳасиз жуда катта сан’аткорлик! Ёзучининг сезилар-сезилмас даражада суртиб кетган бўёғини фаҳмлаш учун ўқучи унинг мақсадларини сатрлар орасида ахтариши керак бўлади!

Туробжоннинг „полуги пасайиши“ узоққа чўзилмайди. Орадани яна бир-икки оғиз сўз ўтади. Туробжон дам кўтарилиб, дам пасайиб туради. Хотин ҳам гоҳ юқори чиқади, гоҳ пастга тушади—товланади. Ниҳоят жаҳл устида хотиннинг оғзидан чиқиб кетган сўзидан кейин Туробжон батамом тутоқишиб кетади:

„Туробжон билолмай қолди: хотиннинг елкасига тепиб сўнгра ўрнидан турдим, ё туриб кейин тепдим. Ўзини обрўзининг олдида кўрди...“.

Ҳозиргина эрига „ўринсиз та’на“ қилаётган хотиннинг руҳи тўсатдан ўзгарди. Ёзучи жумлани давом этдиради:

„...Хотин ранги оппоқ, кўзларини катта-катта очиб унга ваҳимали назар блан қарар ва бошини чайқаб пичирлар эди:“.

— Қўйинг... қўйинг...“.

Туробжон юрагидаги „шум“ мақсадни бажариш учун кўчага чиқиб кетади. Хотин эрининг кўнглини оғритганлигига армон қилади:

„Хотин узоқ йиғлади, эрига қаттиқ гапирганига пушаймон бўлди, ўзини қарғади, ўлим тилади, йиғидан толиб ташқарига чиқди“.

Туробжон бир чойшаб анор кўтариб (ўғирлаб) анчадан кейин кириб келади. Анорни уйнинг ўртасига ташлайди. Ўтириб пешанасини ушлайди, ранги мурдадай оқариб кетган эди. Хотиннинг ўпкаси оғзига тиқилган, хансираган, эрининг қаерга борганини, нима қилганини сўрайди:

„Туробжон жавоб бермади. Унинг вужуди титрар эди“.

Эр-хотин тил блан айтиб бўлмайдиган оғир руҳий азобда қолишади.

Ҳаёт ҳамиша ўзгариб, унда бўлган барча ҳодисалар зиддиятлар кураши тарзида воқи' бўлганидек, А. Қаҳҳор қаҳрамонларининг ижтимоий ва руҳий ҳаёти ҳам диалектик қарама-қаршиликлар, турли эҳтирослар, тилак ва орзулар курашидан иборатдир. Турмушда турли иқтисодий, ижтимоий, сиёсий сабаблар та'сири блан инсон руҳи қандай ўзгарса, уларники ҳам шундай ўзгаради. Инсон руҳини бундай жараёнда, зиддиятлар кураши натижаси тарзида тасвир қилиш, баъдий асарнинг катта қиммати бўлганидек, ёзучининг маҳоратини тайинловчи ўлчов ҳамдир. Бас, Қаҳҳор асарлари унинг инсон руҳининг инженерни даражасига кўтарилган бир ёзуви эканини курсатади.

Биз бу мақолада А. Қаҳҳорнинг психологик тасвир усуллари блан танишдик. Бу бобда айтилмаган ба'зи бир гаплар ижодининг бошқа томонларини таҳлил қилганда айтилади.

## ШОИРЛАРНИНГ САЙЛОВГА ТОРТИҒИ

ЎзССР Олий Советига сайлов куни олдида Ўзбекистон Совет ёзучилари союзи жуда яхши ташаббус кўрсатиб „Шоирлар сайловга“ деган ше’рлар тўпламини нашр этдирди.

Ўзбек халқи ўзининг Олий Ҳокимиятига ватаннинг энг илғор, сараланган йигит-қизларини номзод қилиб кўрсатди ва улар учун ҳамжихатлик блан овоз берди. Сайлов кунигача, ўтказилган сиёсий-ташқилий ишлар халқнинг активлигини ошириб юборди. Ишчилар ишлабчиқаришда янги-янги ғалабаларга эришдилар. ЎзССР Олий Советига сайлов шарафига бошланган социалистик мусобақа, вахталар уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат кўшиб юборди. Жуда кўп корхоналар сталинча бешйилликнинг биринчи йилги улугвор плавини ортдириб бажардилар.

Ўзбекистон колхозчилари ҳам ЎзССР Олий Советига сайлов кунини жуда катта тортиқ—1946 йилги пахта тайёрлаш плавини тўла бажариш блан кутиб олдилар. Колхозларда ва МТС ларда сталинча саккиз йиллик пахта программасини бажариш учун курашларда сайлов шарафига тракторлар ременти қизиб кетди. Сайлов муносабати блан колхозчи деҳқонларимизнинг ғайрати яна кучайди. Сайлов совет зиёлиларининг ҳам янги ижодий ғалабаларга илҳомлантирди. Улар халқимиз ўртасида сиёсий-оммавий ва ташқилий ишларни олиб боришда активлик кўрсатдилар. Ўзбек совет зиёлиларининг илғор отрядларидан бири—ёзучи-шоирлар ҳам умумхалқ тантанасига айланган сайлов кунларида яхши бадий асарлар ижод этдилар. Улар ишчиларни ва колхозчи деҳқонларни янги-янги ғалабаларга илҳомлантирдилар. Сталин Конституциясининг қудрати ва совет демократиясининг тантанасини аҳолига тушинтиришда астайидил ишладилар. Ўзбек совет адабиёти ватанимиз олдида турган шарафли ва асосий вазифаларни кенг халқ оммасига етказишда катта роль ўйнади. Шоирнинг ше’ри, адибнинг ҳикоя ва очерки, романи ҳарбир лектор-агитатор қўлида ўткур ташвиқий ҳужжат бўлиб хизмат қилди.

Ўзбек халқи ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, доҳий Сталинни шодя-хуррамлик, фахр блан ЎзССР Олий Совети

депутатлигига биринчи номзод қилиб кўрсатилган кунлар республика меҳнаткашларининг байрамига айланиб кетди.

„Шоирлар сайловга“ тўпламидаги шеърларнинг деярлик ҳаммаси халқлар доҳиси, сеvimли устоз, ғалабалар илҳомчиси ўртоқ Сталинга ва унинг ўзбек халқининг биринчи номзоди қилиб кўрсатилишига бағишланган. Тўпلام Сталин мукофотининг лауреати шоир Ғафур Ғуломнинг „И. В. Сталин“ достонидан берилган қисм билан очилади. Талантли совет шоири Ғафур Ғулом шеърларида улуғвор, фалсафий ва ватанпарварлик маънолари салмоқли мисра'ларда жаранглаб туради:

Ташаккур айтаман азиз умрнинг  
Улуғ ва муқаддас чароғбонига.  
Шунчалар юксакдир қиймати нурнинг,  
Мунис, меҳрибондир одам жонига.  
Ёруғлиқ жаҳоннинг бошланғичидир,  
Жонини бағишлар нурга парвона.  
Сан ёққан чароғнинг маш'аласида  
Порлади асрлар, замин, замона.

„И. В. Сталин“ достонининг „Владимир Ильич Ленин“ бобида шоир, совет халқига бахтиёр ҳаёт бағишлаган улуғ сиймолар— Ленин ва Сталинга бўлган чексиз муҳаббат, миннатдорчилигини тараннум этади. Шарқда социализм маш'али бўлиб қолган совет Ўзбекистонининг гуллаб-яшнашида доҳий Ленин ва шу куннинг Ленини улуғ Сталиннинг ғамхўрлигини шоир жуда гўзал, пухта мисра'ларда куйлайди. Озод, ўз эркига соҳиб бўлган ўзбек халқининг бахтиёрлиги, империалистик мамлакатлар ва ўз миллий буржуазияси тарафидан ҳуқуқи, инсонлиги тапталган мазлум шарқ халқларининг ҳеч қайсисида йўқлиги ғурур билан куйланади:

Ленин, Сталиннинг пешволигидир—  
Бахтимизнинг камоли, ҳаёти сири.  
Чунончи шу онда бахтиёр эмас,  
Жаҳонда менчалик бағдодий, мисрий.

Шоир порлоқ истиқболга, совет кишиларига хос орзу-тилак, камоли ишонч, умид ва фахр билан қарайди. Ленин-Сталин билан асрдош бўлгани учун ўз умрини табаррук умр деб билади:

Эртаги минг йилнинг одамлари ҳам,  
Табаррук умримни қилурлар ҳавас.  
Чунки мен Ленину Сталин билан  
Замондош бўламан, жондош, ҳамнафас.

Тўпلامда шоирнинг „Комсомол“ ше'ри ҳам берилган. Бу ше'р Ўзбекистон комсомолининг яқинда бўлиб ўтган XI қурултойига бағишлаб ёзилган. Ше'р ўзбек поэзиясида шу вақтгача— Ленин комсомолининг ҳаёти, кураши мавзу'ида ёзилган шеърлардан ҳам мазмунан, ҳам бадний жиҳатдан етуклиги билан фарқ қилади.

Ленин-Сталиннинг ўстирганлари  
Азиз авлодларсиз, ўғилларимиз.  
Жаҳонда фароғат блан яшамоқ  
Қачон мумкин бўлур, айтингчи сизсиз!

Ленин фарзандлари қалбининг кучи  
Атомлар сиридан хили буюқдир.  
Бомба овозидан ҳуркавич махлуқ  
Бизнинг замонада фақат кийикдир.

Бу ше'рида: одамлик мазмуни тоғлардан буюк эканини, совет кишилари коммунистлар партияси ва доҳий Сталиннинг ғам-хўрлигида тоғдан ҳам юксак эрка, озодликка муяссар бўлганлигини куйлаб:

Бир кун Ҳималая тоғига чиқиб  
— „Шунча ожизманми?—“ дебди Тагуро  
Бир мазмун етмабди унинг фаҳмига  
— Озод одамзодман!—демабди, зеро;  
Одамлик мазмуни тсғлардан буюк  
Айниқса озодлик нақд хазйнангдир.  
Сен унинг қадрига еткучи фарзанд  
Асрлар кўзгуси мағрур сийнангдир.

Тоғдан зўр озодлик қадрин сақламоқ  
Қуруқ ғурур блан бўлмас устивор,  
Шукурки теппангда партиянг, халқинг,  
Ватанинг, меҳнатинг, ғолиб ҳаққинг бор.

дейди шоир. Ше'рда Ленин комсомолининг халқ хўжалигининг ҳарбир соҳасидаги ташаббускорлиги, қўшган меҳнат ҳиссаси акс этдирилади. Ўзбекистон комсомолининг саноат тармоқларидаги иштироки яққол, аниқ тасвирланади:

Бу ўз қўлинг блан ғиштани қўйган  
Чирчиқ шаҳрида улуғ комбинат  
Бу, Фарҳод тоғидан чўзилган симдир  
Ҳар битта томирда ўнг минг киловатт.

Комсомол-ёшларнинг ватанга кўплаб пахта етказиб бериш, юртни янада фаровон этишда актив иштироки, социалистик маданият яратишдаги роли тубандаги равон мисра'ларда тараннум этилади:

Даланг қирғоғидан уқадай ўтар  
Пахталар юклаган чексиз карвон.  
Сенинг манглай теринг, меҳнатинг синган  
Ҳар бир дақиқадир пўлат, зўровон.

Ажойиб насл сиз, сиздаги талант  
Минг йилнинг жам'ул-жам', мазмунидан мўл.  
Гомерни ёд олган, Гейнидан ўзган  
Яша, омон бўлғил олим комсомол.

Ленин-Сталин ғоялари блан қуролланган, коммунизм қуручи  
авлоднинг ша'нига шоир томонидан айтилган жўшқин сўзлар  
комсомол ёшларни янги ғалабаларга илҳомлантиради.

Аскар сиз, инженер, олим сиз, доктор,  
Агроном... хўллasi ажиб наслсиз.  
Қизил майдон аро Сталин минган  
Трактор қолмади оламда изсиз.

Коммуна асрининг фидоийлари  
Ленин идеясин зарротларисиз,  
Каттакон йўлларда кўзингиз чароғ  
Буюк Сталиннинг зурриётларисиз.

„Биз сайловчи“ ше'рда совет кишиларининг улуғ Сталинга  
бўлган меҳр-муҳаббати, ҳурмати, эркин совет кишиларининг со-  
вет демократияси асосида ўз ҳуқуқларини ўзлари белгилай олиш-  
лари шоир Шайхзода қаламида жуда яхши тараннум этилади.  
Совет кишилари улуғ Сталин номзодини Олий Советга кўрса-  
тиш ва унга овоз бериш блан ғурурланади ва ўзларини бахтиёр  
ҳисоблайдилар. Бу ше'рда улуғ Сталин учун овоз бериш—мам-  
лакатнинг гуллаб-яшнаши, сталинча бешйиллик планнинг муваф-  
фақиятли бажарилиши, уруш натижасида Ватанга етказилган  
жароҳатни тезроқ тузатиш учун овоз бериш эканлиги куйланади:

Ҳарким дейди обод бўлсин  
Она юртим фаровон,  
Соз ишлашга, тез ишлашга,  
Ҳур кўнгилда бор фармон.  
Ҳамма дейди, тез соғайсин  
Юртнинг оғир яраси,  
Ўзимизнинг қўлимизда  
Бу яранинг чораси.

Шоир Миртемирнинг „Овоз“ ше'рида халқнинг ўтмишдаги  
беҳад эзилиши, оғир ҳаёти, эрксизлиги жуда та'сирли қилиб тас-  
вирланади:

Бойланмишди бурро тилимиз,  
Армон тўла ва хун дилимиз,  
Кўз ёштимиз эди Сирдар'ё  
Оҳимиздан кўк куйди ғўё.

Шоир совет халқи томонидан улуғ Сталиннинг номзоди Олий  
Совет депутатлигига кўрсатилганлиги ва халқимиз шодя-хуррам-

лик, якдиллик блан буюк доҳийга овоз беражагини куйлаб шундай дейди:

Сен биринчи депутатимиз,  
Энг биринчи ёзган отимиз,  
Бахтиёрмев номзодим сен,  
Кеча-кундуз менинг ёдимсен.

Ше'рда шоир томонидан Ватанимиздаги халқларнинг Ленин ва Сталин раҳбарлигида бахтли ҳаётга, эрка эришганлиги тараннум этилади.

„Сталин“ ше'рида шоир Мирмуҳсин, совет халқининг жонажон доҳиси, генералиссимус Сталин етакчилигида ғолиб чиққанлиги, янги зафарларга илҳомланаётканлиги куйланади. Мирмуҳсиннинг „Уста Ғиёс“ поэмасидан берилган „Саратон“ бобида колхоз ҳаёти, ҳосил ва қишлоқда ободончилик учун курашаётган илғор кишилар кўрсатилади.

Рамаз Бобожон „Бахт“ ше'рида совет халқларининг бахт-толе'ини куйлайди. Кўп миллатли Совет халқларига озодлик ва бахт берган улуғ Сталин ва шонли Москва тараннум этилади.

У барваста Кремль. Тинч тун.  
Ухламайсан юртинг ғамида.  
Шул сабабдан дил сенга мафтун,  
Шу сабаб сен эл қаламида.

Тўпلامда Ҳ. Ғулومнинг „Улуғ байрам“, М. Бобоевнинг „Муқаддас қонун“, А. Мухторнинг „Дун'ёда Сталин бор бўлганидан...“, Ёнғиннинг „Ҳуқуқим“, Шукрулланинг „Ғурурим“ ва „Биринчи номзод“ ва бошқа ўртоқларнинг ше'рларида ҳам Улуғ Сталин ва совет демократиясининг тантанаси мадҳ қилинади. Бу ше'рларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик мотивлари акс этдирилади.

Сталин беради кўзларга зиё,  
Бизни саодатга бошлар доимо.  
Унинг ҳар сўзида жаҳонлар бордир,  
Уни эшитганлар шод-бахтиёрдир,  
Унинг номи блан шаҳарлар обод,  
Халқларда, раҳбар деб, унга э'тиқод.  
У бор, мушкулумиз бўлади осон.  
У бор, тополмайди душманлар омон,  
У бор, коммунизм боғлари чаман,  
У бор, турмушимиз бўлади гулшан,  
У бор, макон этмас ўлкамизни зоғ,  
Сталин бор экан, дун'ё бўлар боғ.

(Ҳ. Ғулум—„Улуғ байрам“).

Шоир М. Бобоев ҳам совет конституциясига бағишланган ше'рида улуғ Сталин блан замондош бўлиб яшаш кишилик учун бахт-саодат эканини шундай куйлайди:



Кишиликка буюк фахр, шодликдир,  
Саодатдир бу қонунга эришмоқ!  
Ижодчиси улуғ Сталин блан  
Бир асрда, бир ватанда яшамоқ.

(„Муқаддас қонун“).

Шоир Ж. Шарифий томонидан „Она“ ше’рида кекса, табар-рук онанинг замонамизда тенг ҳуқуқли гражданин сифатида СССР Олий Советига сайлангани, совет аёлларининг бахт-саодати шундай баён қилинади:

...Букун эса жафо, ғам сояси йўқ,  
Она тенг ҳуқуқли, ўзи беҳад шод,  
Ўғил қизларига илм кони бор.  
Ҳурматли онага нур сочар ҳаёт.

Халқ уни сайлади депутат қилиб,  
Доҳини кўришга бўлди муяссар,  
Кремль минбарида ёлқин нутқ сўзлар,  
Шоирлар онага бағишлар асар.

Тўпламдаги ше’рлар ичида А. Мухторнинг янги бешйиллик плани мавзусида ёзилган „Йўл бўлсин“, М. Бобоевнинг пахта мавзусида ёзган „Пахтакор Ўзбекистон“, Рамзнинг Беговотдаги металлургия заводи қурулишига бағишланган „Йилномага янги саҳифа“ ше’рлари, шубҳасиз, республикамизнинг қиёфасини, саноати, пахта учун курашини қисман бўлса ҳам бадий равишда акс этдирган асарлардир. Аммо бу соҳадаги орзу-тилақлар, талаблар ижодкорларимиз томонидан тўла бажарилганича йўқ. Ўзбек халқи ёзучи, шоир ва сан’аткорлардан эришилган ғалабалар ва сталинча бешйилликда республиканинг халқ хўжалигидаги, маданиятидаги бундан сўнгги ривожини тўла равишда юксак бадий даражада акс этдириб беручи асарларни кўпроқ кутмоқда!

„Шоирлар—сайловга“ тўпламидаги ше’рлар ўртасида бадий-гоявий жиҳатдан ҳали жуда ғўр, шотилинч блан ёзилган ше’рлар ҳам йўқ эмас. Жумладан, Камолийнинг „Сайловга“, Шухратнинг „Бир номзод“, А. Бобожоннинг „Бахт китоби“, Қ. Муҳаммадийнинг „Додовойнинг тилаги“ ше’рларини кўрсатиш мумкин.

Ўзбек совет ёзучи-шоирлари катта сиёсий ма’рака, умумий халқ байрамига айланиб кетган—ЎзССР Олий Советига сайлов кунларида халқимиз блан ҳамнафас, ҳамжиҳат бўлиб ишлаганлари, ижод этганлари тақдирга сазовордир.

А. ОЛИМЖОН.

Ж. ШАРИФИЙ

## БАДИЙ ТАРЖИМАЛАРГА АЛОҲИДА АҲАМИЯТ БЕРАЙЛИК

Ўзбек совет адабиёти, сан'ати ва маданиятининг тараққиёти учун бадий таржималарнинг аҳамияти нақадар буюк эканлиги ҳаммамизга аён. Жаҳон адабиёти, рус адабиёти ва қардош халқлар адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш ва ўзбек тилидаги бадий юксак асарларни рус ва қардош халқлар тилларига таржима қилиш Совет халқлари ўртасида биродарлик, дўстликни яна ҳам кучайтиручи катта омиллардан биридир.

Бизда Октябрь инқилобига қадар рус ва ғарбий Европа адабиёти классикларининг асарлари таржима қилинмаган эди. Фақат Октябрь инқилобидан кейин жаҳон адабиёти ва рус адабиёти намуналари ўзбек тилига таржима қилина бошланди. Айниқса 1937 йил буюк рус ёзувчиси А. С. Пушкиннинг 100 йиллик юбилей муносабати билан шоирнинг кўп асарлари ўзбек тилига таржима қилина бошланди, 1936-1937 йилларда бошланғич ва ўрта мактаблар программаларига рус ва ғарбий адабиёт намуналари киритилиши муносабати билан хрестоматия-дарсликлар учун кўп даражада бадий асарлар ўзбек тилига таржима этилди.

Урушга қадар Шекспир, Виктор Гюго, Пушкин, Лермонтов асарлари, Гоголь, Тургенев, Лев Толстой, Чехов, М. Горький ва Фадеев, Гладков, Маяковскийларнинг асарлари системали равишда таржима қилинган эди. Ҳатто ЎзССР ўқув-педагогика нашриёти қадимги Рим ва Греция адабиёти хрестоматияларини таржима қилдириб босмага тайёрлаган эди.

Уруш йилларида эса бадий асарларни таржима қилиш ва уларни босиб чиқариш сур'ати вақтинча пасайди. Кўпгина таржимонларимиз фронтга кетдилар, оригинал ва таржима асарларни системали равишда босиб чиқаруви нашриёт—Ўзбекистон ССР Давлат бадий адабиёт нашриёти эса ўз фаолиятини вақтинча тўхтатган эди. Дуруст, — Москвадан эвакуация этилган „Советский писатель“ нашриётининг Тошкент бўлими уруш йилларида

Ўзбек совет ёзучиларидан Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Т. Фаттоҳ асарларини рус тилига таржима этдириб турди, лекин бу ҳам етарли ва планли бўлмади.

Уруш тамом бўлгандан сўнг, Ўзбекистон Совет ёзучилари Союзи бу қолоқ соҳага алоҳида аҳамият бериб, бундан сўнгра таржима масалаларини кенг йўлга қўйишни ўз олдига асосий вазифа деб қўйди, бунинг учун илгор совет ёзучиларини шу фахрли ишга жалб қилмоқда.

Ҳозир, буюк рус ёзучиси Лев. Толстойнинг „Уруш ва яраш“ романини Абдулла Қаҳҳор, Дантенинг „Илоҳий комедия“ деган асарини Сталин мукофоти лауреати Ғ. Ғулом, Гомернинг „Одессия“сини Миртемир, Сервантеснинг „Дон-Кихот“ асарини Уйғун, Байроннинг „Чайльд Горольд“ асарини Шайхзода, араб эртаклари „1001 кеча“ни Муталибов ўртоқлар ўзбек тилига таржима қилмоқдалар.

„Адабиёт ҳақида Маркс-Энгельс-Ленин-Сталин фикрлари“ деган асарни таржимонларимиздан Алимухаммедов, Эргозиев, Малик Раҳмон ўртоқлар ўзбек тилига таржима қилмоқдалар. Бу асарларни ўзбек тилига таржима қилиш жуда қийин, лекин каттакан фахрлик иш бўлиши блан, ўзбек Совет адабиётимизнинг бундан кейинги тараққиёти учун ҳам анча фойда беради.

Яқинда ёзучилар Союзида ўртоқ Шайхзода ва Миртемир ўртоқларнинг таржималари ўқиб муҳокама қилинди. Муҳокамада шундай натижага келдик: бу ўртоқлар ўз олдиларига қўйган вазифаларни муваффақият блан бажаришга муяссар бўлганлар, таржималарда учраган ба'зи бир жуз'ий камчиликлар эса таҳрир даврида тузатилиши мумкин. Ҳурматли таржимонларимиздан С. Сомова, М. Салье, Ивашев, Соцердотова, Киссен ўртоқлар ўзбек ёзучиларининг асарларини таржима қилишда, ўзбек совет адабиётини Иттифоқ адабиёти хазинасига киргизишда кўпгина жонбозлик кўрсатмоқдалар. Фақат 1946 йилнинг ўзида ўзбек классик ва ҳозирги замон ёзучилари ҳамда халқ дostonларидан 100.000 сатрга яқин ше'рни рус тилига таржима этдилар.

Кўп йиллардан бери умид қилиб келинган „Ўзбек поэзия антологияси“ ҳам тузилиб бўлди. Бу асарга ўзбек эпосидан намуналар („Алпомиш“, „Равшан“ ва бошқалар), буюк ўзбек шоири Навоий, Бобир асарларидан тортиб прогрессив-демократ ёзучиларимиз Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар ўғли ше'рлари ва совет шоирлари: Ҳамза Ҳакимзода, Ойбек, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Шайхзода, Миртемир ва бошқа шоирларимизнинг ше'р ва дostonлари, ўзбек совет фэълклори намуналари (ҳамма жанрлар бўйича) киритилган. Бу адабиётимизнинг ўсишини кўрсатгучи ва алоҳида аҳамиятга эга бўлган асардир. Бу асар рус тилида Москвада чиқади. Мамлакатимизнинг энг отоқли рус шоирлари: Тихонов, Маршак, Асеев, Алегер, Пеньковский, Липкин, Гарловский ва бошқа ўртоқлар ўзбек поэзияси антологиясини рус тилига таржима этдилар. Бу асар 1947 йилда Октябрь инқилобининг 30 йиллигига босилиб чиқажак.

Бадий таржима соҳасида ҳали кўп камчиликлар бор. Булар-

дан бири: тажрибали таржимон кадрларимизнинг жуда ҳам оз бўлишидир. Айниқса, инглиз, фравдуз, немис, араб, эрон тилларидан бевосита ўзбек тилига ва ўзбек тилидан қайд қилиб ўтган тилларга таржима қиладиган кадрларимиз йўқ. Таржимон кадрларни системали равишда тайёрловчи ўқув юртлари йўқ. Бу мас'улиятли вазифани бажаришда ёзувчилар Союзи, Ўзбекистон Фанлар Академияси, САГУ, ЎЗГУ каби илмий муассасалар жиддий э'tибор бермайётирлар. Қилинган таржималар ҳам вақтида босилиб чиқмайди. Масалан: Ўртоқ Ойбекнинг романи „Навоий“нинг русча таржимасини (таржимон М. Салье) Ўзбекистон Давлат Нашриётига берилганига 4 йил бўлиб қолди. Шуниси қизиқки, бу асар „Советский Писатель“ нашриётига (Москва) роса бир йилдан кейин берилишига қарамай, бу нашириёт „Навоий“ романини аллақачон босиб чиқарди. Аммо Ўзбекистон Давлат Нашриёти ҳалига қадар шу асарни босиб чиқаргани йўқ. Таржима қилинган асарлар ҳатто оригиналлар ҳам босмаҳонада йиллаб ҳаракатсиз ётади. Газета-журналларимизда таржима асарларнинг муваффақияти ва нуқсонлари ҳақида, таржиманинг стили, таржимада терминлар бирлиги ва ҳоказолар ҳақида илмий, танқидий мақолалар босилмасдан келмоқда.

Бадий таржима соҳасида учрагон нуқсонларни йўқотиш ва бадий таржимонликни ривожлантириш учун Ўзбекистон Коммунистлар Партиясининг Марказий Коматети томонидан чиқарилган „Бадий таржима адабиётини юксалтириш ҳақида“ деган қарори жуда катта тарихий аҳамиятга эгадир. Бу қарор яқин йилларда жаҳон адабиёти, рус адабиёти, қардош халқлар адабиёти намуналарини ўзбек тилига системали ва планли равишда таржима қилиб бориш вазифасини Ўзбекистон Давлат Нашриёти ва Ёзувчилар Союзи олдига қўяди. Джек Лондон, Мопассан ҳикоялари, Шекспирнинг „Ҳамлет“, „Отелло“, „Ромео ва Жульета“ асарлари, Стендальнинг „Қизил ва Қора“, „Са'дийнинг „Гулистон“ ва Тургеневнинг „Оталар ва болалар“ романи, Пушкин асарларидан уч том, Гогольнинг асарларидан бир томи, рус совет ёзувчиларидан К. Симоновнинг „Кундуз ва тунлар“, Фадеевнинг „Ёш Гвардия“ В. Василевская, Гроссман Шчипачев, Антокольский ва бошқа ёзувчиларнинг асарларини ўзбек тилига тез фурсатда таржима қилиш вазифаси олдимизда туради.

Русчадан ўзбекчага таржима қилиш баробарида Навоий, Бобир, Лутфий, Огоҳий ва бошқа ўзбек классик ёзувчиларининг асарлари ҳамда Қорақалпоқ эпоси „Қирқ қиз“ни русчага таржима қилиш ишига ҳам жиддий киришилди.

Таржимон кадрларни тайёрлаш учун Фанлар Академиясининг Тил ва Адабиёт Институти олдида таржимонлар сектори, САГУ ва Кечки педагогика Институти қошида эса Европа тилларидан бевосита ўзбек тилига таржима қилучи таржимонлар группасини тузиш вазифалари юклатилди. Лекин бу илмий ташкилотлар ҳалига қадар тархий қарорни бажарганларича йўқ. Бадий таржимонликни юксалтириш, таржимон кадрларни кўплаб тайёрлаш, уларга ғамхўрлик қилиш иши фақат Совет Ёзувчилари Союзининг

ишигина бўлмай, бутун совет жамоатчилиги, Ўзбекистон Фанлар Академияси Тил-адабиёт Институти, САГУ, Маориф Министрлиги, Ўзбекистон Давлат Нашриёти, газета-журнал ва олий ўқув юртлари, Сан'ат ишлари Бошқармаси, Радио эшитдириш Комитетлари ва бошқа ташкилотларнинг ҳам ишидир. Бу фахрли ишни давлат иши деб қарашимиз керак.

Яқин 5-10 йил ичида ўзбек халқининг жаҳон адабиёти, биринчи галда рус адабиёти намояндаларининг ҳамма йирик асарларини она тилида ўқишга имконият туғдирайлик, инглиз, француз, немис, араб, форс ва бошқа тиллардан бевосита ўзбекчага ва ўзбекчадан ўша тилларга таржима этучи малакали, талантли кадрларни тайёрлайлик.

ЖАВОД ОБИДОВ

## СОРА—ОФЕЛИЯ, КАТЕРИНА, ДЕЗДИМОНА

Сорахонимнинг хотин-қиз роллари ташқи жиҳатдан бир-бирларига ўхшасалар ҳам, улар ички ҳолат эътибори билан бир-бирларига сра ўхшамаган, ранг-баранг тарздаги роллардир. Улар саҳнавий анъаналарга суянмай, нозик санъаткорнинг ижодий натижаси бўлганидан — ҳамisha саҳнага қандайдир янгилик келтирадilar. Сорахонимнинг ижодий активида ички ва ташқи қиёфа нуқтаний назаридан турлича бўлган қатор саҳнавий образлар ётади. Тамошавий „Турондот“нинг қувноқлиқ муҳитидаги шўрлик Адельма, „Ҳужум“ буффанадасидаги ҳажвий типлар ва „Ревизор“даги сертаманно Мария Антоновна, „Номус ва муҳаббат“даги меҳнатни шод ва шараф иши деб билган меҳнатсевар Онахон, „Момоқалдироқ“даги шоирона Катерина, ва Жамила, мардона Лауранция ва фожиали Офелия билан Дездимона... ранг-баранглик ва мураккабликда бой ижодий образлар йўлида, артистка томонидан ҳар қайси бирлари ўзларига хос руҳий ва жисмоний тарзда мўжассамлантирилиб, гўзал усталик ипига чизилган.

Сорахоним ёшларни, қизларни ва ўрта ёшдаги хотинларни ўйнар экан, бу рольларнинг қиёфаларини ўзлаштиришга уринади. Сорахонимнинг барча яратган образларига характерли бўлган асос — у кечирган эҳтиросларнинг хотинларга хослигидир. Сора ўйнаган Катерина, Офелия, Жамила, Дездимона рольларининг яшган муҳит, муносабатлар ва урф-одатларнинг бошқа-бошқалигига қарамай, уларнинг ёшлари, бошдан кечирган қайғи-кулфатлари ва руҳий кечирмалари муштаракдир. Аммо Сорахоним талқинда булар ички томондан бир-биридан тафовут қиладиган руҳий чизиқлар билан чизилган. Биз қуйида Ўзбекистон халқ артисткаси Сора Эшонтураева яратган Шекспирнинг „Ҳомлет“идиги Офелия, Островскийнинг „Момоқалдироқ“идаги Катерина ва „Отелло“даги Дездимона образларига тўхталиб, артистка ижодидаги такомилни кўздан кечиришга уринамиз. Бутун икр-чикирлар, саҳна ҳаракатлари ва Сорахонимнинг оҳангларини тасвир этиш мумкин эмас, бироқ у яратган образлардаги ҳаққонийлик, тасвирий аниқ-

ликни қайд қилиш мумкин. Бу психология, ҳолат ва ҳаракат ҳаққонилиги бўлиб, артистканинг бутун ижоди учун характерлидир.

„Ҳомлет“ жаҳон драматургиясида шоҳ асарлар яратган буюк инглиз драматурги Вильям Шекспирнинг буюк трагедияларидан бири ҳисобланади. Шу пьесадаги Офелия роли Шекспир хотин-қизлари орасида энг нозик, энг латиф ва айни замонда энг фожиали образлардандир. Офелия Дония валиаҳди шаҳзода Ҳомлетни пок ва муқаддас севги блан севади. Унинг назарида Ҳомлет „ибрат ойнаси, ботирнинг қиличи, олимнинг тили“ ҳисобланади. Ҳомлет уни жонидан ортиқ севган замонлар — унинг чеҳраси хушнуд, руҳи қувноқ, ўзини ҳаддан ташқари бахтиёр ҳис қилар эди. Ҳомлетнинг тўсатдан ўзгарилиши уни қаттиқ руҳий азоб ва изтиробга солади, отасининг ўчини олмоқ учун далил қидириб юрган Ҳомлетнинг ясама жиннилиги унга ҳақиқий кўриниб, шу қадар қайғиланадики, ақлдан озар даражага етади. Унинг тафаккурида ўз севгилисидан айрилиш — ҳаётдан айрилиш демакдир. Оғир севги изтиробни блан ғам чеккан Офелия отасининг бемаҳал ўлиmidан та'сирланиб чинакам ҳам жинни бўлади.

Актёрдан талаб қилинган асосий нарсa ҳаққоният, самимият, тўғрилиқ ва ички руҳий гўзалликдан иборатдир. Бу хислатларнинг барчасини Сора—Офелия ўйнида учратиш мумкин. Саҳнада жинниликни ифода қилиш — артистлан зўр руҳий усталикни талаб қилади, Сора—Офелия бу руҳий бойликка эга. Биз қуйида Офелиянинг жиннилик саҳнасини Сорахоним талқинида кўриб чиқамиз:

... Саҳна орқасидан—Офелиянинг майин ва мулойим овози эшитилади. Ўзи кўринмаса ҳам, ашуласининг биринчи садолариёқ унинг чуқур қайғусидан дарак беради. Қўлларида гулдаста, сочлари паришон, оқ шоҳий кўйлак кийган Сора—Офелия кираркан — унинг ма'юс боқишлари ва ғамгин табассумлари юракни эзиб, ма'сума қизнинг аҳволига ачинишга мажбур қилади. У қиролни кўриб чўчиб кетади, унинг орқага тисланган гавдаси, бош тушуши, ҳайрат ва ҳасратга тўлган та'сирчан кўзлари замирида — отасининг ўлими ва пок севгисининг поймол қилинишига шу одамнинг айбдор бўлгани равшан кўринади.

Шу қисқа парчада оташин эҳтиросли артистка, Шекспир образининг ўткур фикр ва жўшқин туйғусини ифода қилади. У гоҳ ашула айтар, гоҳ кўзлари ғамгин назар ташлар, оҳангида йиғи аралаш аламли нола эшитилар, севгилисини эслаб ғамгин табассум қилар, гоҳ отасининг ўлими кўз олдига килгандай бирданига қўрқиб, авзойи бузилар, гоҳ телбалиқдан кўз олди хираланиб — истеҳзо блан фожиали кулади. Қиролича гуллар узатишдаги гўзал қўл ҳаракатлари, жозибали ишора ва оҳанглардаги мунгли ва майин унлар бахтсиз ҳодисага дучор бўлган шўрлик Офелиянинг гўзал сиймосини яққол кўрсатишга муваффақ бўлади. Бу жойда бутун тамоша зали таланти артистканинг ўйнига берилиб, у кечирган кечирмаларни ҳис этиб, сокин ўлтиради.

Буюк рус драматурги Островскийнинг „Момоқалдироқ“ деган асаридаги асосий мазмун Катеринанинг эски рус урф-одатларига

қурбон бўлишдан иборатдир. Катерина образида чуқур шоирона бир латофат ифода қилинган. Бу блан баробар унинг табиати ҳар қандай зулм, қабихлик, хасислик ва ҳақсизликка қарши қартилган.

Сораконим талқинида биз „қоронғилиқ салтанатидаги нур“ (Добролюбов), ҳисобланган Катеринанинг шоирона, латофат, оқ кўнгиллик ва соддадиллигини — эри Тихон ва қайнонаси Кабаниха блан бўлган саҳналардаги майин ва чиройлик талаффуз, сокин ва мулойим қарашлар, равон қадамлар ва дилрабо гавда тутишларида кўрсак, унинг характеридаги мардонавор дадилликни қатор бошқа саҳналарда яққол кўрамыз. Катерина образидаги етакчи томон унинг эркинликка-озодликка интилишидир. Буни унинг: „Нега одамлар учолмайдилар?...“ сўзлари исбот этади.

Бу сўзларни кўзлари ёниб турган Сора—Катерина қафасдан учмоқчи бўлган каптардай учишга интилиб чуқур қалбдан бутун вужуди блан гапиргандай гапиради. Катерина ҳаддан зиёда кўнгилчанлиги туфайли, диний анъаналар муҳитидан диний йўллар блан қутилмоқчи бўлади. Унинг фожиаси ҳам худди мана шунда... Яратган образларнинг фикрларини яхши мушоҳида эта олган Сора буни яхши тушунади. Шу сабабдан момақалдиروқдан сўнг уйга шошилиб бораётгандаги: „Уйда мен бутларга чўқиниб худого ибодат қиламан“ деган сўзлари унингкам ҳам фожиали ва даҳшатли тус олади. Мана калид саҳнаси: бу саҳна зўр руҳий кучга, ҳатто Шекспирнинг „Ё ўлиш, ё қолиш?...“ саҳнасига ўхшаган: „Барис олдиға бораймийўқми“ деб ўз-ўзи блан руҳан курашкан саҳнадир. Бу ердаги Сора—Катеринанинг оҳанглирида савол, ҳайронлик, қарашларида кўрқув, ҳаяжон, қандайдир пинҳоний қувноқлик, гавда букилишлари, қўл ҳаракатлари қалбида ётган алла қандай яширин эхтиросларга ишора аломатини ифода қилади.

Дездимона образи „Отелло“ трагедиясида, Отеллонинг фожиасига сабаб бўлган марказий рольлардандир.

Ўзининг табиий лаёқати ва ҳаддан зиёда ҳарбий таланти туфайли Венеция аскарларига саркарда бўлган Отеллонинг мардона саргувашти ва жасур симоси Дездимонанинг энг нозик муҳаббатини ўзига жалб қилади.

Буюк гуманист Шекспир ўз замонасининг илғор одампарварлик туйғуларини Дездимона орқали яққол ифода қилади. Броқ, феодал дунёга қараши блан суғорилган Яго, Бранцио муҳитида Отелло, Дездимонанинг пок севгиси ижобий натижалар беролмайди. Қоп қоронғи кечада, Дездимона Отелло олдиға қочаркан, шу онда Бранцио уйи ғалаёнга келади. Биринчи кўринишда, Дездимонанинг қочиши натижасида унинг уйида кўтарилган бу ҳаяжонда, — Отелло—Дездимона муҳаббатининг келажак бахтсизлик оҳанглири эшитилди. Зотан ҳам бу севги на қадар бахтсиз... Шекспир томонидан латофатли қизга—Дездимона номининг қўйилиши ҳам бечиз эмас. Чунки Дездимонанинг инглизча маъноси — бахтсиз демакдир. Зўр қарама-қаршилиқлар Шекспир асарлари учун ғоят характерлидир. Трагедиянинг бошида ўзларини



бахтли ҳисоблаган Отелло — Дездемона пьесанинг охирида ўзларини бахтсиз ҳисоблайдилар. Шекспир образлари ҳамisha воқиянинг борилишида аста секин тараққий этиб, ўзгариб боради. „Ромео ва Жульетта“да, бошида Жульетта ёввош ёш қиз бўлса, фожианинг охирида қаҳрамонга айланади. Шу сабабдан машҳур итальян артисткаси Дузе: „Бошида ўзимни ўн етти ёшар қиз ҳис этсам, охирида эллик ёшар кампирдай ҳис этаман“ деган.

Зотан, Шекспир образларидаги кечинишлар пардадан-пардага ўсиб тараққий этганидан — рольнинг камолга етиб улғайишига сабаб бўлади... Дездемона образи ҳам мана шу ўсиш ва такомилга эга.

Биз бу ерда ЎзССР халқ артисткаси Сорахоним Эшонтўраева яратган Дездемона образини шу нуқтаний назардан айрим кўринишда кўздан кечиришга уринамиз.

Биринчи кўринишдаги Дездемонанинг қочишига Родриго ва Яго ваҳимали тус берганидан Отелло одамлар кўзига сиҳргар бўлиб кўринади. Дездемонанинг отаси Брабанцио қизнинг мавр (мағриби) ни севишига асло ишонмаганидан у ҳам Отеллонинг жодугар деб ҳисоблайди ва шунинг учун ҳам Сенатда (биринчи парда, учинчи сахна) қизнинг мавр томонидан сиҳру-жоду билан мафтун қилинганини гапирди. Дездемонага одам юборилган, у Сенатга келади. Кўп театрларда Дездемонани муштипар қилиб кўрсатадилар. Ананаларга қарши чиқиб ўзи севган одами учун қурбон бўлган Дездемона табиатида дадиллик ва қаҳрамонлик бор. Сора—Дездемона илдам қадамлар билан дадил киради. Унинг чеҳраси қувноқ, боши мағрур кўтарилган, кириши билан Отеллогани хандон отиб қарайди. Унинг туришида, табассумлари ва қарашларида бахтиёрлиги сезилади.

„...Марҳаматли тож...“ деб бошлаган манологния Сора—Дездемона чуқур қалбдан гапириб, ўзининг Отеллогани бўлган чин, пок севгисини намоиш қилади. Трагедияда, айниқса Шекспир трагедияларида, сахнавий пауза (сукунат)ларнинг аҳамияти жуда катта. Сора—Дездемона бу сукунатлардан усталик билан фойдаланади. „Лекин мана бу мавр...“ сўзидан олдин сукунатда Отеллогани чиройлик бир қараб, унга ташлонади ва унинг елкасига бош қўйиб: „Мавр билан туришни истайман...“ дейди.

Сенаторларга мурожаат қилиб гапираркан, Отеллонинг ўнг қўли билан кўрсатиб, бутун қалби, сўзлари ва вужудининг Отеллогани берилганини нафис ички ва ташқи бўёқлар билан ифода қилади. Афсуски режиссёр ўзининг бу сахнадаги мизансценалари билан талантли артистканинг энг нозик юз ҳаракатлари ва ишораларини тамошабиндан яшириб қўйган. Чунки деярлик бутун бу сахнада Дездемона тамошабинга орқаси билан туради. Лекин, бизга сахнанинг диққат марказида Отелло, шу сабабдан ҳам мизансценалар Отеллогани қараб қурилган дейишлари мумкин. Брок, Шекспир сюжети нуқтаний назаридан Дездемонанинг сўзлари, Отелло, Брабанцио тақдирини ҳал қилиб, сенаторларнинг ҳукумларига сабабчи бўлади. Бас шундай экан, режиссёр ўз мизансценаларини шунга мослаб қурмоғи лозим эди. Шунга қарамай Сора—Дез-

димона образи асосига солган ниятларини усталик блан тамоша залига етказди.

Кибрис (иккинчи парда), офицерлар ва Кассио, сўнг Дездимона Отелло кемасининг келишини кутмақдалар. Қўлида дурбин ушлаган Сора—Дездимона кираркан, вақтичоқ бўлса ҳам, ичидан ташвишланаётганлиги сезилади. Сора—Дездимонанинг бу ердаги ўйинида кўпроқ асабият қўшилса, яна ҳам яхшироқ бўлар эди. Чунки турклар блан денгизда уришаётган Отеллонинг ҳар дақиқа ҳалокатга учраши мумкин. Шу собадан ҳам бу кутиш дақиқалари Дездимона учун ғоят изтиробли бўлганидан, Дездимонанинг ички ритмаси асабийроқ бўлиши керак.

Ягонинг ҳазил аралаш сўзлари умумий кулкига сабаб бўлади. Сора—Дездимонанинг бу жойлардаги кулқилари унинг умумий қувноқ ҳолатидан вужудга келиб астейдидил, самимий тарзда бахтиёрлигини билдиради. Музыка овозлари Отеллонинг келишидан хабар беради. Сора—Дездимона бутун вужуди блан Отелло томонга интилиб — уни қарши олади. Бундаги Сора—Дездимонанинг нозик ишоралари бутун ҳаёти — Отеллодан иборат эканини ифода қилади. „Нафасим битди“ сўзида Отелло, Дездимонанинг пешонасидан ўпади. Сора—Дездимона лаззат олгандай бошини оҳиста унинг елкасига қўяди. Отеллонинг: „Қани кетдик, Дездимона!“ сўзларидан кейин Сора—Дездимона нозик қадам ташлаб юрар, қайрилиб-қайрилиб Отеллога қарар, бу маст қарашлар, табассумлар, ҳатто киприкларда қанча қувноқлик бор...

Сора спектакльнинг бошқа сахналарида ҳам Шекспир Дездимонасининг фикр ва психологик бойликларини ҳаққоният блан тўғри тасвир этади.

Биз юқорида кичкина мисоллар блан отоқли драматик артисткаларимиздан Сорахоним яратган уч классик образни қисқа тарзда бўлса ҳам кўздан кечиришга уриндик. Сорахоним ўз ижодий тараққиётида шу образлар юксаклигида булган қатор замонамиз аёлларининг ҳам порлоқ образларини яратишига ишонамиз.

